



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ
ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ
ОЛИЙ МАКТАБИ


Азаматжон Зоҳидов

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

(миллий хавфсизликни таъминлаш йўналишида)



Дарслик



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ
ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ

Зоҳидов А.А.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (миллий хавфсизликни таъминлаш йўналишида)

ДАРСЛИК



Тошкент – 2025

Зоҳидов А.А., иқтисодиёт фанлари доктори, профессор ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (миллий хавфсизлик муаммолари мисолида). Дарслик. – Тошкент: СТИБОМ, 2025. – 292 б.

Профессор М.И. Атаевнинг умумий таҳрири остида.

Тақризчилар:

Бобоқулов И.И. – юридик фанлари доктори, профессор;

Эрназарова Ё.О. – фалсафа фанлари доктори, профессор.

Дарсликда илмий фаолиятнинг дастлабки босқичи ҳисобланган магистрлик диссертацияси доирасида тадқиқот ишини олиб боришда ёш тадқиқотчи учун керак бўладиган назарий билимлар, амалий кўникмалар ва услубий кўрсатмалар берилган.

Дарсликда тадқиқот учун мавзунини танлашдан тортиб, то диссертациянинг ҳимоясигача бўлган жараён қамраб олинган бўлиб, жумладан, унда тадқиқотнинг методологик аппаратини шакллантириш, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, таҳлил методларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни амалда қўллаш тартиби, шунингдек, диссертация ишини расмийлаштириш каби жараёнлар амалий мисоллар билан ёритилган.

Мазкур дарсликдан Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Радиоэлектрон тизимлар ва ахборот технологиялар маркази, куч ишлатар тизимлар ҳузуридаги олий таълим муассасалари магистратура тингловчилари, шунингдек докторлик диссертацияси тадқиқотини олиб бораётган изланувчилар ўз илмий ишларини ёзишда, шунингдек, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар миллий хавфсизликни таъминлаш муаммолари юзасидан давлат буюртмаси асосида фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда ўқув, илмий ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби Илмий кенгашида кўриб чиқилиб, нашрга тавсия этилган *(2025 йил 29 апрелдаги 163-сонли баённома)*.

А.А. Зоҳидов, 2025

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
1-мавзу. ИЛМ-ФАН ВА ИЖОД: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР, ЁНДАШУВЛАР ВА МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР.....	10
<i>Кириш.....</i>	<i>11</i>
Илм-фанга оид тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти.....	11
Илм-фан тараққиётига оид ёндашувлар.....	15
Илм-фаннинг асосий функциялари ва принциплари.....	22
Магистратура битирувчиларига қўйиладиган малакавий талаблар.....	27
<i>Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топшириқлар.....</i>	<i>28</i>
2-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ, ТИПЛАРИ ВА ТАСНИФИ.....	30
<i>Кириш.....</i>	<i>31</i>
Илмий тадқиқотнинг намоён бўлиш шакллари.....	31
Илмий тадқиқотлар таснифи.....	37
Илмий тадқиқотларда тушунчалар изоҳи.....	42
<i>Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топшириқлар.....</i>	<i>54</i>
3-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК ДАСТУРИ.....	55
<i>Кириш.....</i>	<i>56</i>
Илмий тадқиқот дастурининг (илмий аппарат) умумий тавсифи.....	56
Илмий тадқиқот мавзусини танлаш (шакллантириш) ва муаммонинг қўйилиши.....	58
Миллий хавфсизлик муаммоларига бағишланган тадқиқот мавзуларининг долзарблигини асослаш.....	65
Тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантириш.....	68

<i>Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топ-шириқлар.....</i>	<i>75</i>
4-мавзу. ТАДҚИҚОТЛАРДА АМАЛИЙ ВА ИЛМИЙ МУАММО. МУАММО ДЕКОМПОЗИЦИЯСИ.....	76
<i>Кириш.....</i>	<i>77</i>
Муаммони шакллантириш алгоритми ва уни ўрганиш босқичлари.....	77
Муаммо декомпозицияси ва унинг асосий тамойиллари, муаммони қисмларга ажратиш усуллари.....	83
Диссертациянинг намунавий режаси (миллий хавфсизликни таъминлаш мисолида).....	96
<i>Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топ-шириқлар.....</i>	<i>99</i>
5-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИНИ ТАЙЁРЛАШ.....	100
<i>Кириш.....</i>	<i>101</i>
Маълумот манбалари ва улар билан ишлаш.....	102
Катта ҳажмли (BigData) илмий маълумот манбалари.....	107
Мавзун илмий ўрганилганлик даражаси.....	110
Илмий манбаларни таҳлил қилиш ва уларда келтирилган маълумотлардан фойдаланиш тартиби.....	113
<i>Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топ-шириқлар.....</i>	<i>117</i>
6-мавзу. ИЛМИЙ МАКТАБ: НАЗАРИЯ, МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР.....	118
<i>Кириш.....</i>	<i>119</i>
Илмий мактаблар ва уларнинг ўзига хослиги.....	119
Илмий-тадқиқот ишларида назария ва унинг аҳамияти.....	120
Миллий хавфсизлик муаммоларини ўрганишда метод, методика ва методологиянинг ўзига хослиги.....	130

Илмий тадқиқотларнинг методологик принциплари.....	135
<i>Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топшириқлар.....</i>	<i>139</i>
7-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДА ДАЛИЛЛАР ВА ГИПОТЕЗАЛАР. ТАДҚИҚОТНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ.....	141
<i>Кириш.....</i>	<i>142</i>
Илмий тадқиқот ишларида далилларнинг аҳамияти.....	142
Тадқиқот гипотезасини шакллантириш.....	146
Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси.....	152
<i>Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топшириқлар.....</i>	<i>154</i>
8-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДА ИННОВАЦИЯЛАР: КАШФИЁТ ВА ИХТИРОЛАР, ИЛМИЙ ЯНГИЛИКЛАР.....	155
<i>Кириш.....</i>	<i>156</i>
“Инновация”, “ихтиро” ва “кашфиёт” тушунчалари ҳамда уларнинг таҳлили.....	156
Новацияларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	171
Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти.....	176
<i>Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топшириқлар.....</i>	<i>178</i>
9-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ (миллий хавфсизликни таъминлаш муаммолари мисолида).....	180
<i>Кириш.....</i>	<i>181</i>
Илмий тадқиқот методлари таснифи.....	181
Назарий тадқиқот методлари.....	184
Умумилмий тадқиқот методлари.....	187
Эмпирик тадқиқот методларининг ўзига хослиги ва улардан фойдаланиш тартиби (сўров, кузатув, қиёслаш, ўлчаш, эксперимент, SWOT-таҳлил, сценарий ва бошқа методлар).....	194

Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топ-шириқлар.....214

10-мавзу. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТ-ЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.....216

Кириш.....217

Маълумотлар таҳлили.....217

Ҳужжатлар таҳлили (анъанавий ва ноанъанавий таҳлил).....222

Маълумотларни компьютерда қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.....230

Катта ҳажмли маълумотлар (BigData) билан ишлашда сунъий интеллектдан фойдаланиш.....237

Тадқиқот натижаларини ёзма баён этиш.....244

Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топ-шириқлар.....246

11-мавзу. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ.....248

Кириш.....249

Диссертациянинг композицион тузилиши ва мазмуни: кириш, асосий ва хулоса қисми, иловалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....249

Диссертацияни расмийлаштиришнинг асосий талаблари.....252

Ташкилий масалалар: илмий раҳбар; диссертацияни ҳимояга тайёрлаш: муаллифлик аннотациясини тайёрлаш, магистрлик ишини баҳолаш мезонлари.....254

Тадқиқотчининг ижтимоий масъулияти.....256

Хулоса, таянч иборалар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун топ-шириқлар.....257

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....258

ИЛОВАЛАР.....263

КИРИШ

Бугунги кунда илмий тадқиқотларнинг роли мамлакатда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатларнинг барча жабҳаларини уйғунлаштириш жараёнига кўмак бериш, ички ва ташқи сиёсатни, шунингдек, халқаро муносабатларни ривожлантириш ва ўз навбатида, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ечиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш-дан иборатдир.

Шу муносабат билан, сўнгги йилларда илм-фанга ва илмий фаолиятга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги”ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли Фармони имзоланди.

Юқорида қайд этилган Қонунга кўра, илм-фан ва илмий фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:¹

илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ҳамда самарадорлигига эришиш;

илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва ресурсларни мақсадли йўналтириш;

давлат илмий дастурларини ишлаб чиқиш, асослантирилган ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш;

илм-фанга интилиш ва унинг жозибадорлик муҳитини шакллантириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, ёш истеъдод эгаларини тайёрлаб бориш;

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштиришни оқилона олиб бориш;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзвий боғлиқлигини таъминлаш ҳамда ундан манфаатдорликни ошириш;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг ахборот макони билан ўзвий боғлиқлигини таъминлаш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон Қонуни/ <https://lex.uz/docs/4571490>

илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилади: давлат ва жамият қурилишига оид долзарб масалаларнинг илмий ва услубий тадқиқ этилганлик ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш;

кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини таъминлаш, илмий асосини такомиллаштириш;

ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ижобий тажрибасини ўрганиш;

замонавий илм - фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш;

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар ҳолати ва ривожини мамлакат, ҳудуд ва глобал миқёсда баҳолаш, таҳлил этиш ва прогноз қилиш ва бошқалар.

Амалиётдан маълумки, олиб борилаётган илмий ишнинг кўлаמידан келиб чиқиб, тадқиқотлар докторлик (PhD, DSc) ёки аниқ илмий-тадқиқот лойиҳалар доирасида ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари, бүгунги кунда энг кўп оммалашган тадқиқот турларидан бири бу илмий фаолиятнинг бошланғич босқичи деб аташ мумкин бўлган магистрлик диссертацияси доирасида илмий изланишлар олиб бориш ҳисобланади.

Барча турдаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги доимий такомиллашиб туриши зарур бўлган ва ўрганилаётган муаммо тавсифига мос келувчи методологик асоснинг ва дастурий режанинг яратилганлигига боғлиқ.

Шу боис «Илмий тадқиқот методологияси» фанининг асосий мақсади ҳам илмий ишни бошлаётган тадқиқотчиларда туғилиши табиий бўлган қуйидаги саволларга амалий жавоблар беришдан иборат – «Илмий тадқиқотни нимадан бошлаш лозим, тадқиқот доирасида нималар ўрганилиши керак, қандай илмий ва амалий натижага эришиш ва бунинг учун қайси йўл билан бориш керак? ...».

Шу каби саволларга методологик жиҳатдан тўғри жавобларни ишлаб чиқилиши бүгунги кунда айрим диссертацияларда учраб турган қуйидаги камчиликларни олдини олади:

магистрлик мавзулари номларини нотўғри шакллантирилиши, мавзу номи билан унинг бўлимлари ўртасидаги мантиқий боғлиқликнинг таъминланмаганлиги, диссертация режасини ишлаб чиқишдаги хатоликлар;

тадқиқот объекти ва предмети, мақсади ва вазифаларини нотўғри шакллантириш, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминланмаслиги;

диссертациянинг назарий қисмини ёритишда мантиқий изчилликни етишмаслиги;

адабиётлар шарҳини тайёрлашда ўрганилган илмий манбалар қамровининг торлиги;

таҳлилнинг адекват методларини танлашда ва улардан фойдаланишдаги кўникмаларнинг шаклланмаганлиги;

тадқиқот доирасида эришилган илмий янгиликларнинг етарли даражада илмий асосланмаслиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этиш механизмини тўлиқ ёритилмаслиги кабилар.

Мазкур дарсликда тадқиқот илмий дастурининг методологик ва методик қисмини шакллантириш тартиби Олий мактабда бажарилган магистрлик ишларидан мисоллар билан бойитилган ҳолда ёритиб берилган. Жумладан, дастурнинг методологик қисмини яратишда илмий иш мавзусининг долзарблигини асослаш, амалий ҳамда илмий муаммони аниқлаш, мавзуни ўрганилганлик даражасини тадқиқ этиш, мақсад ва вазифаларни, объект ва предметни, гипотеза ва илмий янгиликларни шакллантириш билан боғлиқ назарий ва амалий билимлар берилган. Шунингдек, дастурнинг методик қисми бўйича маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш методлари, мазкур методларнинг ўзига хослиги, қўлланиш тартиби тўғрисидаги, қолаверса, маълумотларни компьютерда қайта ишлаш, қайта ишланган маълумотларни тўғри баён этиш тартиби кабилар ҳақидаги билим ва кўникмалар алоҳида маърузалар доирасида тингловчиларга ва изланувчиларга тушунарли, содда кўринишда баён этилган.

1-мавзу.

**ИЛМ-ФАН ВА ИЖОД:
асосий тушунчалар, ёндашувлар
ва малакавий талаблар**

Кириш

- 1.1. Илм-фанга оид асосий тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти.*
- 1.2. Илм-фан тараққиётига оид ёндашувлар.*
- 1.3. Илм-фаннинг асосий функциялари ва принциплари.*
- 1.4. Магистратура битирувчиларига қўйиладиган малакавий талаблар.*

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Ҳар қандай фаннинг ўз терминологияси, фаннинг ривожланиш тарихи ва унга нисбатан турли қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Фан ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун фанга тааллуқли атамалар ва тушунчаларга изоҳ берилиши, шунингдек фаннинг ривожланиш тарихини чуқур ўрганиш лозим.

Шу боис, мазкур мавзу доирасида фанга оид асосий атамалар, қарашлар, ёндашувлар, фаннинг функциялари ва принциплари ёритилади.

Шу билан бирга, мазкур мавзуда турли атама ва тушунчаларга изоҳ бериш тартиби ва принциплари мисоллар билан батафсил баён этилган.

1.1. ИЛМ-ФАНГА ОИД ТУШУНЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Фан ижтимоий тараққиёт жараёнида инсониятнинг кундалик эҳтиёжларига жавоб сифатида пайдо бўлди. Кўп сонли таърифларга кўра, фан билим фаолият ва ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Билим сифатида фан атроф борлиқ нарсалари ва жараёнларини амалда аниқ, изчил ва тадрижий билишга қаратилган.



Илм-фан – инсон фаолияти соҳаси ҳисобланиб, унинг вазифаси борлиқ ҳақидаги объектив билимларни яратиш ва назарий жиҳатдан тизимга солишдан иборат.

Фан ва техниканинг бир-бири билан боғлиқ тараққиёт жараёни инсонга **моддий ва маънавий бойликларга** эга бўлиш мақсадида атроф-муҳитга таъсир этиш учун имкон беради. Зеро бу таъсир ҳозирги вақтда ҳам, истиқболда ҳам атроф-муҳитга зарар келтирмаслиги учун илмий ёндашувларни талаб этади.

Илм-фан фаолият, ижтимоий институт ёки алоҳида соҳа сифатида талқин қилинади.

Фаолият сифатида фан мақсадларни белгилаш, қарорлар қабул қилиш, йўл танлаш, ўз манфаатларини кўзлаш, масъулиятни тан олиш майдонида амал қилади.

В.И. Вернадский фаннинг айнан фаолият сифатидаги талқинини алоҳида қайд этган эди: «Фаннинг мазмуни илмий назариялар, гипотезалар, моделлар бўлиб, у яратувчи дунёнинг манзараси билан чекланмайди, унинг негизи асосан илмий омиллар ва уларнинг эмпирик хулосаларидан

ташкил топади, тирик одамларнинг илмий иши унинг асосий жонли мазмунини ташкил этади»².

Фаолият сифатидаги фан объективлик, аниқлик, ҳақиқийлик мезонларига жавоб берувчи билимлар тизими сифатида амал қилувчи илмий билим ўзига эркинлик ҳудудини таъминлашга, мафкуравий ва сиёсий йўналишларга нисбатан бетараф бўлишга ҳаракат қилади.

Фаннинг институционал талқини унинг ижтимоий табиатига урғу беради ва унинг борлиғини ижтимоий онг шакли сифатида моддийлаштиради. Умуман олганда, фаннинг институционал кўриниши билан ижтимоий онгнинг бошқа шакллари: дин, сиёсат, ҳуқуқ, мафкура, санъат ва ҳоказолар ҳам боғлиқ.



Ижтимоий институт ёки ижтимоий онг шакли сифатидаги фан илмий ташкилотлар, илмий ҳамжамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқалар тизимини, меъёрлар ва қадриятлар тизимини ташкил этади.

Бироқ ўн минглаб ва ҳатто юз минглаб одамлар ўз касбини топган институт сифатидаги фан яқин ўтмишдаги ривожланиш маҳсулидир. Зотан, фақат XX асрга келиб олим касби ўз аҳамиятига кўра, қонунчи касби билан тенглашди.

Ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги фан икки йўналишда давлат бошқарув тизими ва жамоа сифатидаги фанда намоён бўлади.

Давлат бошқаруви тизими сифатидаги фан бу университетлар, илмий тадқиқот институтлари, лабораторияларида бошқарувнинг давлат бошқаруви даражасида амалга ошишини назарда тутди.

Жамоа сифатидаги фан эса бу кафедралар, бўлимларда ишлаётган олимлар, ходимлар бўлиб, уларга одамларнинг типик кўринишига хос бўлган барча фазилатлар ва иллатлар хосдир. Шу боис, жамоа сифатидаги фанда ҳақиқий фан фидойилари билан бир қаторда мунофиқлар, фикр ўғрилари ва амалпарастлар ҳам фаолият юритади.

Ж.Бернал фан тушунчасига амалда таъриф бериш мумкин эмаслигини қайд этиб, фаннинг моҳиятига яқинлашиш имконини берувчи йўللарни белгилайди. Унинг фикрича фан:

- 1) институт;
- 2) метод;
- 3) илмий анъаналарнинг шаклланиши;
- 4) ишлаб чиқаришнинг ривожланиш омили;

² Вернадский В.И. Проблема биохимии. – М., 1988. – 252-б.

5) эътиқодлар ва инсоннинг дунёга муносабатини шакллантирувчи энг кучли омил сифатида намоён бўлади³.

«Этимологик луғат»да фанга «табиий ҳодисаларни кузатиш, таснифлаш, тавсифлаш, тажрибада синаш ва назарий тушунтириш таомилларини кўрсатиш воситаси» деб таъриф берилган⁴. Бу таъриф асосан амалий хусусият касб этади.

Э.Агацци фан «объектлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг оддий мажмуи сифатида эмас, балки объектларнинг муайян соҳаси ҳақидаги назария сифатида» қаралиши лозимлигини қайд этади⁵. Бу таърифда илмий ва оддий билимни фарқлашга даъво, фан объектни ўрганишни уни назарий таҳлил қилиш даражасига етказган тақдирдагина тўлақонли хусусият касб этишига ишора мавжуд.

Ҳозирги вақтда фан аввало ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бу фан жамиятда амал қилувчи ранг-баранг кучлар ва таъсирларга боғлиқ эканлиги, ижтимоий контекстда ўз устувор вазифаларини белгилаши ва ўзи ҳам жамият ҳаётини сезиларли даражада белгилашини англатади. Шу тариқа икки хил муносабат қайд этилади: *фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида инсониятнинг дунё ҳақида ҳақиқий, аниқ билим олиш ва яратишга бўлган муайян эҳтиёжга жавоб тариқасида юзага келган ва ўз мавжудлик жараёнида жамият ҳаётининг барча жабҳалари ривожланишига анча кучли таъсир кўрсатади.*

Ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида тушуни-ладиган фан цивилизация ривожланиш типини билан таққослашни назарда тутди. А.Тойнби таклиф қилган таснифга кўра, цивилизациянинг 21 типини фарқланади. Энг умумий ёндашув цивилизацияларнинг икки хили: *анъанавий ва техноген цивилизацияларни ҳисобга олиб, умумий цивилизация ривожланиш таклиф қилади.* Техноген цивилизациялар XV-XVII асрларда Европа минтақасида техноген жамиятлар пайдо бўлиши муносабати билан юзага келган. Айрим анъанавий жамиятлар техноген жамиятларга қўшилиб кетган, айримлари эса, техноген ва анъанавий мўлжаллар ўртасида ривожланиб, аралаш хусусият касб этган.

Техноген ривожланишнинг маданий матрицаси уч босқич: олдиндустриал, индустриал ва постиндустриал босқичлардан ўтади. Техника ва технологиянинг ривожланиши унинг муҳим кўрсаткичига айланади. Ривожланишнинг техноген типини – бу табиий муҳитнинг жадал суръатларда ўзгариши, унинг одамлар ижтимоий алоқаларининг фаол ўзгариши билан бириктиришди. Техноген цивилизация юзага келганига 300 йилдан сал

³ Қаранг: Бернар Дж. Наука в истории общества. – М., 1956. – 18-б.

⁴ Қаранг: Холтон Дж. Что такое антинаука // Вопросы философии. 1992. №2.

⁵ Қаранг: Агацци Э. Моральное измерение науки и техники. – М., 1998. – 12-б.

кўпроқ вақт бўлган. У анча агрессив бўлиб, кўпгина эски маданий анъаналарнинг ҳалокатига сабаб бўлади. Ташқи дунё инсон фаолияти майдонига айланади. Инсон ўзгартирувчи ва забот этувчи фаолиятга туртки берувчи марказ сифатида амал қилади. «Куч» тушунчаси иштирокидаги умумий маданий муносабатлар тавсифи шундан келиб чиқади: ишлаб чиқариш кучлари, илмий кучлар, интеллектуал кучлар ва ҳ.к.

Анъанавий ва техноген жамиятларда шахс эркинлиги муаммосига нисбатан муносабат ҳам ҳар хилдир. *Анъанавий жамиятга шахс эркинлиги умуман хос эмас, шахс имкониятларини фақат муайян корпорацияга мансублик орқали, корпоратив алоқалар элементи сифатида рўёбга чиқариш мумкин.*

Шунингдек, **илм-фан ва илмий фаолият алоҳида соҳа сифатида қаралади ва тартибга солинади.** Масалан, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон Қонуни қабул қилинган бўлиб, унда илм-фан ва илмий фаолиятнинг асосий принциплари, йўналишлари, ваколатли органларнинг ваколатлари белгиланган⁶.

Мазкур соҳа қуйидагиларни ўз ичига олади:

илмий тушунчалар, тамойиллар ва аксиомалар, илмий қонунлар, назариялар ва фаразлар, эмпирик илмий фактлар, методлар ва тадқиқот йўллари тарзидаги **узлуксиз ривожланиб боровчи билимлар тизимини;**

билимларнинг мазкур тизимларини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган инсонларнинг **илмий ижодини;**

инсонлар ижодининг илмий меҳнат объектлари, воситалари ва илмий фаолият шароитлари билан таъминловчи **муассаса** ва бошқ.

Бундан ташқари, илм-фан соҳа сифатида унинг алоҳида статистикаси юритилади (қаранг: www.stat.uz).



Ижод – ўзига хос хусусиятга эга янгиликни очиш ёки яратиш ҳисобланади.

Ижод – бу идрок этиш ва илҳомланиш қобилияти бўлиб, ностандарт вазиятларда ечим топа олишни билиш демакдир. Содда қилиб айтганда ижодий фикрлаш – бу маълум муаммони ечишга, янгиликни яратишга онгли ёндашув билан боғлиқ фаолият тушунилади. Шахснинг ижод қилишга интилиши бу инсоннинг энг ижобий фазилати ҳисобланади.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон Қонуни/ <https://lex.uz/docs/4571490>

Илмий фаолият ижод билан чамбарчас боғланган. **Илмий ижодда** мавжуд бўлган, лекин ҳали маълум бўлмаган янги факт ва қонунлар очилади.

Илм-фаннинг ривожланиши фактларни тўплаш, уларни ўрганиш, тизимга солиш, алоҳида қонуниятларни очиш ва умумлаштиришдан бошланиб, то бўлиши мумкин бўлган фактларни олдиндан айтиб беришни ўргатадиган илмий билимларнинг мантиқий тизимини яратиш каби босқичларни босиб ўтади.



Илмий тадқиқот – англаш фаолиятининг бир тури бўлиб, янги илмий билимларни ишлаб чиқиш жараёни ҳисобланади. Унга объективлик, яратувчанлик ва аниқлик хосдир.

Илмий тадқиқот ишлари қамровига кўра **магистрлик** (одатда ўқув-илмий ишлар тоифасига киради), **докторлик** (фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини олиш учун тайёрланадиган) диссертациялари, қолаверса, **илмий-тадқиқот лойиҳалари** кўринишида бўлиши мумкин. Магистрлик диссертацияси бошланғич илмий тадқиқот ишлари сирасига киради.



Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалавриатурадан сўнг икки ёки бир йил давом этадиган олий таълим ҳисобланади.

1.2. ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ОИД ЁНДАШУВЛАР

Фан тарихининг эмпирик базасини ўтмишдаги илмий матнлар, китоблар, журнал мақолалари, олимларнинг ўзаро ёзган хатлари, нашр қилинмаган қўлёзмалар ва ҳ.к. ташкил қилади.

Агар тарихий илмий тадқиқот объекти ўтмиш бўлса, унда бундай тадқиқот доимо объективликка даъво қилишга интилади. Барча тарихчилар каби фан тарихчиларига ҳам тадқиқотларда асос бўладиган, биридан фарқ қиладиган икки йўналиш маълум: **презентизм** (ўтмишни ҳозирги замон тилида тушунтирилиши) ва **антиквариизм** (ўтмишнинг тўлиқ манзарасини ҳозирги замонга боғламасдан тиклаш).

Ҳозирги кунда фанда умуман фойдаланилмаган ўзга тарих, маданият, тафаккур услуби, ўзга билимни ўрганар экан, фан тарихчиси ўз даврининг инъикосинигина тиклашга ҳаракат қилмаётганмикан? Бу маънода

презентизм ҳам, антикваризм ҳам фан тарихчилари эътироф қилган бар-тараф қилиб бўлмайдиган қийинчиликларга дуч келади. Зеро, ўтмишни ҳозирги замон тилида тушунтириш мафкуранинг тазйиқи остида қолишни ифодаласа, ўтмишни ҳозирги замонга боғламасдан тиклаш тарихий вори-сийликни инкор қилади.

Фан билимнинг мустақил соҳаси, дунёқарашнинг алоҳида шакли си-фатида фақат XVII-XVIII асрларда тўла шаклланди. Муайян даражада шарт-лилик билан шуни айтиш мумкинки, бу И.Ньютон классик механиканинг асосий қонунларини таърифлаб, шу тариқа табиатшуносликнинг бўлими – асослари асрлар мобайнида шаклланган, бош тамойиллари эса бундан юз йилча муқаддам, аввало Галилео Галилей томонидан таърифланган классик механиканинг шаклланишига яқун ясаганидан кейин юз берди.

Милоддан аввалги I минг йилликдан XVI асргача бўлган давр илк фан давридир. Бу даврда асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳаёт тажрибаси ва меҳнат фаолияти жараёнида олинган амалий билимлар билан бир қаторда жуда умумий ва мавҳум мушоҳадаларга асосланган назариялар хусусиятига эга бўлган табиат ҳақидаги дастлабки фалсафий тасаввурлар (натурфалсафа) вужудга кела бошлаган. Илмий билим кур-таклари натурфалсафа доирасида унинг элементлари сифатида шакл-ланган. Математик, астрономик, тиббий ва бошқа масалаларни ечишда фойдаланиладиган маълумотлар, усуллар ва методлар жамланиши билан фалсафада тегишли бўлимлар вужудга келган ва кейинчалик аста-секин шаклланаётган айрим фанлар: математика, астрономия, тиббиёт ва ҳока-золарга ажралиб чиққан.

Жумладан, Аристотелнинг фалсафий асарларида физика, зоология, эмбриология, минералогия, география каби фанларнинг куртакларига дуч келиш мумкин. Милоддан аввалги II-III асрларда фалсафий билим таркибида статистик механика, гидростатика, геометрик оптика (хусусан, кўзгулар ҳақидаги алоҳида фан – «ка-топтрика») фарқланади ва нисбатан мустақил аҳамият касб этади. Марказий Осиё мутафаккирлари ал-Хораз-мий математика, ал-Фарғоний астрономия, ал-Беруний минералогия ва география, Ибн Сино тиббиёт, Мирзо Улуғбек астрономия, Алишер Навоий адабиёт илми ривожига муносиб ҳисса қўшди ва улар ижоди маҳсуллари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бироқ бу фанларда айрим тасодифий кузатишлар ва амалиёт маълумотлари умумлаштирилади-ю, лекин экспериментал методлар ҳали қўлланилмайди, аксарият назарий қоидалар эса асоссиз ва текшириб бўлмайдиган спекуляциялар маҳсули ҳисобланади. Аммо кўриб чиқиладиган даврда вужудга келган илмий фанлар бу давр мобайнида фалсафий билим қисмлари сифатида талқин қилинишда давом этган.

Шу нарса диққатга сазоворки, ҳатто XVII аср охирида Ньютон ўзининг физика асосларини яратган «Натурал фалсафанинг математик асослари» деб номланган асарини эълон қилган. Шундай қилиб, фалсафадан алоҳида фаолият соҳаси сифатидаги фан ҳали мавжуд бўлмаган: у асосан фалсафа доирасида, илмий билимларнинг бошқа манбаи – ҳаёт амалиёти ва ҳунармандчилик санъати билан бир вақтда ва у билан жуда заиф алоқада ривожланган.

Хуллас, бу даврда Қадимги Юнонистонда “Платон академияси” (2013 йилда Платон академиясига 2400 йил тўлиши билан XXIII Жаҳон Фалсафа Конгресси Грециянинг Афина шаҳрида ўтказилди), Марказий Осиёда “Маъмун академияси” ташкил этилган, илмий билим ривожига муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, маданиятнинг алоҳида шакли сифатида фан пайдо бўлишидан олдинги «эмбрионал» даври ҳисобланади.

XVI-XVII асрлар – 1-илмий инқилоб даври бўлиб, у классик фан даври деб номланади ва XIX асргача давом этади. У Коперник ва Галилей тадқиқотларидан бошланиб, Ньютон ва Лейбницнинг физика ва математика соҳасидаги фундаментал асарлари билан ўз чўққисига кўтарилган. Галилей вафоти (1642 йил 8 январь)дан сўнг, орадан бир йил ўтгач Ньютон туғилгани (1643 йил 4 январь) рамзийдир. Фаннинг бу буюк ижодкорлари яшаган давр – кашфиётлар ҳамда янги илмий ғояларнинг муаллифлари схоластика ва диний дунёқараш догматизмига қарши кураш олиб борган романтик даврдир.

Бу даврда ҳозирги вақт табиатшўнослигининг асослари яратилган. Ҳунармандлар, табиблар, алхимиклар томонидан қўлга киритилган айрим далиллар тизимли таҳлил қилиниб, умумлаштирила бошлаган. Илмий билим тузишнинг табиат қонунларини математик таърифлаш, назарияларни тажрибада синаш, тажрибада асосланмаган диний ва натурфалсафий догмаларга танқидий қараш билан боғлиқ бўлган янги меъёрлари ва идеаллари вужудга келган. Фан ўз методологиясини яратган ва амалий фаолият эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишга тобора фаолроқ йўналтирилган.

XVII асрда дастлабки илмий академиялар: Лондон қироллик жамияти (1660), Париж Фанлар академияси (1666) ташкил топади. Кейинроқ Берлинда (1700), Санкт-Петербургда (1724), Стокгольмда (1739) ва Европанинг бошқа пойтахт шаҳарларида илмий академиялар таъсис этилади. Бу академияларнинг энг йириги - Лондон қироллик жамияти бўлиб, у ташкил этилган пайтда 55 аъзодан иборат бўлган. Париж Фанлар академияси 21 кишидан иборат таркибда иш бошлаган. Санкт-Петербург академиясининг аъзолар штатида дастлаб 11 киши белгиланган. Европа мамлакатларида

XVIII аср бошига келиб олимлар сони бир неча минг кишига етган бўлса керак, чунки илмий журналларнинг (бу даврда бир неча ўн илмий журналлар нашр этилган) тиражлари минг нусхагача борган.

XIX аср охири XX асрнинг 70 йиллар фани ноклассик фан даври деб аталади. Бу даврда кўплаб айрим илмий фанлар вужудга келади, уларда улкан далилий материал тўпланади ва тизимга солинади. Математика, физика, кимё, геология, биология, психология ва бошқа фанларда фундаментал назариялар яратилади. Техника фанлари вужудга келади ва моддий ишлаб чиқаришда янада сезиларлироқ рол ўйнай бошлайди. Фаннинг ижтимоий аҳамияти ортади, унинг ривожланиши ўша давр мутафаккирлари томонидан ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида эътироф этилади.

XVIII асрнинг ўрталарида жаҳонда фан билан шуғулланувчи кишилар 10 минг кишидан ошмаган бўлса, XIX аср охирига келиб олимлар сони 100 минг кишига етади. XVI асрда «олим одамлар»нинг ярмидан кўпроғи диний маълумот олган клириклар эди. XIX асрда фан ижтимоий меҳнатнинг мустақил тармоғига айланади ва у билан университетлар ва институтларнинг махсус факультетларини тамомлаган «дунёвий» профессионал олимлар шуғулланади. 1850 йилда жаҳонда мингга яқин илмий журналлар нашр этилади, 1950 йилга келиб эса уларнинг сони 10 мингдан ошади. 1825 йилда немис кимёгари Ю. Либих илмий лаборатория ташкил қилади ва у олимга кўп миқдорда даромад келтира бошлайди. XIX аср охирига келиб бундай лабораториялар сони кўпаяди. Фан тижоратчилар, тадбиркорлар эътиборини ўзига тобора кўпроқ торта бошлайди. Улар олимларнинг ишлаб чиқариш, саноат аҳамиятига молик бўлган ишларини маблағ билан таъминлай бошлайдилар.

XX асрнинг 70-йилларида фан ривожланишида янги босқич бошланади. Бу давр фани постноклассик деб аталади, чунки мазкур аср бўсағасида фанда инқилоб юз беради ва бунинг натижасида у олдинги даврнинг классик фанидан сезиларли даражада фарқ қила бошлайди. XIX-XX асрлар чегарасида амалга оширилган инқилобий кашфиётлар бир қанча фанларнинг асосларини ларзага солади. Математикада тўпламлар назарияси ва математик тафаккурнинг мантиқий асослари танқидий таҳлил қилинади, бир қанча янги фанлар вужудга келади.

XX асрнинг иккинчи ярми фанни янги инқилобий ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгаришлар адабиётларда кўпинча фан-техника инқилоби сифатида тавсифланади. Бу ўзгаришлар шу билан боғлиқки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин иқтисодий ривожланган мамлакатларда фан ютуқлари илгари мисли кўрилмаган миқёсда амалиётга – саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, кундалик ҳаётга жорий этилади. Фан энергетикада

(атом электростанциялари), транспортда (автомобилсозлик, авиация), электроникада (телевидение, телефония, компьютерлар) айниқса улкан ўзгаришлар ясайди. Фаннинг ривожланиши энг янги ҳарбий техникани яратишнинг асосий омилига айланади ва «икки лагер»нинг урушдан кейинги қарама-қаршилиги шароитида авж олган қуролланиш пойгаси йирик давлатларни илмий-техникавий тадқиқотларга улкан маблағларни сарфлашга мажбур қилади.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида фан-техника тараққиёти ахборот (компьютер) инқилоби босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот жамият ривожланишининг муҳим ресурсларидан бирига айланди. Шу тариқа фан билан боғлиқ юксак технологиялар, улар билан муштарак таълим эндиликда ҳар қандай жамиятнинг цивилизацион ривожланиш даражасини белгиламоқда. Илмий кашфиётлар ва уларнинг амалга татиқ этилиши ўртасидаги масофа мумкин қадар қисқаради. Илгари фан ютуқларидан амалда фойдаланиш усуллари топиш учун 50-100 йил вақт сарфланган бўлса, эндиликда бунга 2-3 йилда ёки ҳатто бундан ҳам қисқароқ вақт ичида муваффақ бўлинмоқда.

Ҳозирги замон фани Катта фан деб аталади. XX аср охирида ер юзидаги олимлар сони 5 млн кишидан ошган бўлса, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида 6 миллиондан ошиб кетди. Фанда 15 минг йўналиш ва бир неча юз минг илмий журналлар мавжуд. Янги энергия манбалари ва ахборот технологиялари – ҳозирги замон фанининг истиқболли йўналишлари. Фаннинг интернационализациялашуви тенденциялари кучайиб бормоқда, фаннинг ўзи фанлараро комплекс таҳлил предметиға айланмоқда. Уни ўрганишга нафақат фаншунослик, фан фалсафаси, балки социология, психология ва тарих ҳам киришмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистонда фаннинг барча соҳалари ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси (ЎзФА) мамлакатимизнинг бош илмий ташкилоти бўлиб, унинг таркибида 36 та илмий тадқиқот муассасалари, 4 та давлат музейи, 3 та ҳудудий бўлим: Хоразм Маъмун академияси, Қорақолпоғистон ва Самарқанд бўлими, 4 та Андижон-Наманган, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё илмий бўлимлари киради, бугунги кунда уларнинг моддий техника базаси янги технологиялар билан таъминланди.

2007 йилнинг 2 октябрида ЎзФА “Астрономия” институтининг олимлари Б.Хафизов ҳамда А.Сергеевлар томонидан Майданак баланд тоғ обсерваториясида (Қашқадарё вил.) кашф қилинган кичик сайёра 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг

таклифига кўра, фан, жумладан, астрономия илмида олиму фузалоларга доимо бой бўлиб келган қадимий шаҳар “Самарқанд” номи билан аталди ва у АҚШнинг “Гарвард кичик сайёралар” форумида “210271” рақами билан рўйхатга олинди, Ўзбекистония, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Беруний, ал-Хоразмий каби кичик сайёралар қаторидан ўрин олди. 2013 йилда Япония олимлари томонидан кашф қилинган навбатдаги кичик сайёранинг “Майданак” деб номланиши ўзбек илмининг жаҳонда эътироф этилишининг ифодасидир. Шунингдек, Ўзбекистонда Қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича катта илмий тадқиқот ишларининг олиб борилиши бир томондан келгусидаги энергия танқислигини олдини олишга йўналтирилган саъй-ҳаракат бўлса, иккинчи томондан ўзбек олимларининг юксак илмий салоҳиятидан дарак беради.

Фан тараққиёти ҳақидаги тарихий тадқиқотларда ўзига хос из қолдирган икки оқим XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди. 1931 йилдаги жаҳон файласуфларининг Лондонда ўтказилган конгрессида Б.М.Гассен Ньютон механикасининг ижтимоий-иқтисодий илдизлари ҳақида маъруза қилади. Бу маъруза конгресс иштирокчиларида катта таассурот қолдиради ва у фан тарихи билан шуғулланувчи инглиз файласуфларини икки гуруҳга бўлади. Ғарб фани тарихида пайдо бўлган бу йўналишлар экстернализм ва интернализмдир.

Интернализм ва экстернализм. Илмий билимнинг ўсиш йўллари ва йўналишларини қайси омиллар белгилайди? Фаннинг ривожланиш мантиқи нима билан белгиланади? Бу саволларга жавоб топиш йўлидаги ҳаракатлар икки тарихий-методологик ёндашув – интернализм ва экстернализм ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Инглиз физик ва фаншунос олими Ж.Бернал (1901-1971) «Фаннинг ижтимоий функциялари», «Фан ва жамият», «Жамият тарихида фан» каби мақолаларини нашр қилади ва экстернализмга асос солади. Бу йўналиш намоёндалари Э.Цильзель, Р.Мертон, А.Кромби, С.Липпи ва ҳ.к. фан тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар орасида ўзаро боғлиқлик борлигини асослашга ҳаракат қилганлар. Яъни, экстернализм тамойилига кўра, фаннинг ривожланиши ташқи детерминация билан тавсифланади, яъни ташқи, ижтимоий-тарихий омиллар таъсири билан белгиланади.

Сциентизм ва антисциентизм. Баъзи бир илмий давраларда фаннинг роли ва аҳамиятини мутлақлаштирувчи ёндашув мавжуд бўлиб, у “ижобий”, “фойдали” билим сифатида фанни “мавҳум” ва “тажрибага асосланмаган” фалсафага қарши қўяди. Бундай қарашлар сциентистик деб, назарий тафаккур йўналиши эса – сциентизм (лот. scientia ва ингл. science – фан, билим) деб аталади. Сциентизм фан техника тараққиётининг ижобий

жиҳатларини мутлақлаштиради. Антисциентизм фалсафий билишни илмий билишдан ажратади, уни илмий билиш билан мувофиқ эмас, деб эълон қилади, у оқилоналикни камситади ва мистика, интуиция, ирода ва шу кабиларни мутлақлаштиради.

Фаннинг микроконтексти ва макроконтексти. Давримизга хос фанлараро тадқиқотлар ҳар қандай натижа жамоа куч-ғайратининг маҳсули эканлигига урғу беради. Бироқ коммунитарликнинг ижтимоийликдан фарқини тушуниш учун фан микроконтексти ва макроконтексти тушунчаларини илмий муомалага киритиш лозим. Фаннинг микроконтексти у ёки бу давр шароитида ишлаётган илмий ҳамжамият хусусиятларига фаннинг боғлиқлигини англатади. Фаннинг макроконтексти фан ривожланувчи кенгрок ижтимоий-маданий муҳитдаги боғлиқликлар ҳақида баҳс этади; бу фан ижтимоий мезонининг ифодасидир. Бошқача айтганда, ҳар бир жамият ўз маърифатли ривожланиш даражасига мос келувчи фанга эга бўлади.

Тадқиқотчилар фаннинг «ташқи» ва «ички» ижтимоийлигига ишора қиладилар⁷. Фанга нисбатан сиёсатни, унинг ривожланишини қувватлаш ёки тийиб туриш усуллариини белгиловчи у ёки бу типдаги жамият ва давлат фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва маънавий омилларига боғлиқлик фаннинг «ташқи» ижтимоийлигини ташкил этади. Олимнинг фикрлаш ва ўз қобилиятини намоён этиш услубини бойитувчи илмий ҳамжамият ва айрим олимлар ички ментал мўлжаллари, меъёрлари ва қадриятларининг таъсири, давр хусусиятларига боғлиқлик «ички» ижтимоийлик ҳақидаги тасаввурни ташкил этади.

Фан тараққиётининг асосий омиллари. Фан тараққиёти нима билан белгиланади, деган саволга жавоб излашда нафақат фан ва ишлаб чиқаришнинг муносабатларини, балки бошқа кўплаб омилларни ҳам қайд этиш лозим. Улар орасида институционал, интеллектуал, фалсафий, диний ва ҳатто эстетик омиллар бор. Шу сабабли саноат инқилоби, иқтисодий ўсиш ёки таназзул, барқарорлик ёки беқарорликнинг сиёсий омиллари ижтимоий онгнинг бошқа шакллари тизимида фаннинг мавжудлигини кўп жиҳатдан белгиловчи омиллар сифатида тушунилиши лозим.

XXI аср бошига келиб жаҳонда олимлар сони қарийб олти миллионга етди, тахминан шунча одам фанга хизмат кўрсатувчи меҳнат билан банд (лаборантлар, техниклар, нашриётларнинг ходимлари ва ҳ.к.). Ерда қадим замонлардан бошлаб то XXI асрнинг бошига қадар яшаган олимларнинг умумий сонини олсак, уларнинг ўндан тўққиз қисми бизнинг замондошларимиз эканлиги аён бўлади. Ривожланган мамлакатларда илмий ходимлар сони меҳнатга қобилиятли аҳолининг қарийб 10 фоизини ташкил қилади,

⁷ Қаранг: Торосян В.Г. Концепции современного естествознания. – Краснодар, 1999. – 16-б.

фанни таъминлашга миллий даромаднинг 5 фоизидан кўпроғи сарфланади.

Шуни тан олиш лозимки, ҳозирги замонда жамият кўп жиҳатдан фаннинг улкан ютуқлари туфайли ўзини ўзи йўқ қилиш ёқасига келиб қолди. Бу илмий тараққиётни тўхтатиш керак, дегани эмас. Аммо илмий изланишни инсоний, ахлоқий муносабатга бўйсундириш ва балки унинг қайсидир йўналишларини чеклаш зарурлиги тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилмоқда. Илмий изланишнинг инсонпарварлашуви, унинг йўллари ва оқибатларига ахлоқий муносабат – бу давримизнинг муҳим муаммоларидир.

1.3. ИЛМ-ФАННИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Фан функцияларининг таснифи муаммоси ҳанузгача баҳсли бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат қисман фан ўз зиммасига янги ва янги функцияларни олиб ривожлангани, қисман у ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида амал қилиб, объектив ва шахсиз қонуният ҳақида эмас, балки фан-техника тараққиётининг барча ютуқларини амалга татбиқ этиш ҳақида ўйлай бошлагани билан изоҳланади. Фаннинг ижтимоий функциялари ҳақидаги масала алоҳида ва устувор аҳамиятга эга муаммо сифатида қайд этилади.

Фаннинг асосий мақсади доим объектив билимларни яратиш ва тизимга солиш билан боғлиқ бўлгани туфайли, фаннинг зарурий функциялари таркибига борлиқ жараёнлари ва ҳодисаларини фанда кашф этилган қонунлар асосида тавсифлаш, тушунтириш ва башорат қилиш киритилган. Фан, ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида, кўп сонли муносабатлар, шу жумладан иқтисодий, ижтимоий-психологик, мафкуравий, ижтимоий-ташкилий муносабатларни ўз ичига олади. Билиш фаолияти маданият борлиғи билан муштаракдир.

Ҳақиқий билимни яратиш функцияси фан биносини қурувчи асосий функция ҳисобланади. У кичик функциялар: тавсифлаш, тушунтириш, прогноз қилишга бўлинади.

Фаннинг лойиҳалаш-конструкциялаш функцияси борлиқни амалда ўзгартириш босқичидан олдин келади ва ҳар қандай даражадаги интеллектуал изланишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Лойиҳалаш-конструкциялаш функцияси мутлақо янги технологияларни яратиш билан боғлиқ бўлиб, бу бизнинг давримизда ўта муҳим аҳамият касб этади⁸.

⁸ Қаранг: Швырев В.С. Научное познание как деятельность. – М., 1984. – 12-б.

Фаннинг маданий-технологик функцияси инсоннинг билиш фаолияти субъекти сифатида материалга ишлов бериш, уни ўзлаштириш ва билиш жараёнига жалб қилиш билан боғлиқдир.

Фаннинг маданий функцияси фақат сама-рали натижа, яъни илмий фаолият натижалари маданиятнинг умумий салоҳиятини ҳам ташкил этиши билан боғлиқ эмас. Фаннинг маданий функцияси ўзининг процессуаллиги билан кучли. У аввало инсонни фаолият ва билиш субъекти сифатида шакллантиришни назарда тутди. Индивидуал билишнинг ўзи фақат маданиятда қабул қилинган ва мавжуд бўлган маданийлаштирилган, ижтимоий шаклларда амалга оширилади. Индивидга билиш воситалари ва усуллари тайёр ҳолда тақдим этилади. Индивид улар билан ижтимоийлашув жараёнида танишади. Тарихан у ёки бу даврнинг кишилиқ жамияти доимо борлиқни ўрганишнинг умумий лексик воситаларига ҳам, умумий воситаларга ҳам, махсус тушунчалар ва таомилларга ҳам эга бўлган. Илмий билим ҳаётга чуқур кириб, одамлар онги ва дунёқарашини шакллантиришнинг муҳим негизини ташкил этиб, шахснинг шаклланиши юз берувчи ижтимоий муҳитнинг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Фан жамиятдаги жараёнларни ижтимоий тартибга солиш функциясини бажаради. У жамият эҳтиёжларига таъсир кўрсатади, оқилона бошқаришнинг зарурий шартига айланади. Ҳар қандай янгилик далиллар билан илмий асослашни талаб қилади. Фанни маданий-ижтимоий тартибга солиш мазкур жамиятда шаклланган таълим ва тарбия тизими орқали ҳамда тадқиқотчилик фаолияти ва фан этосига жамият аъзоларини жалб қилиш йўли билан амалга оширилади.

Фанни олимлар ҳамжамяти ривожлантиради. Шу сабабли фан муайян ижтимоий ва касбий ташкилотга, ривожланган коммуникациялар тизимига эга бўлади. Френсис Бэкон ўз даврида шундай деб қайд этган эди: «Фаннинг такомиллашувини бирон-бир одамнинг қобиляти ёки уddaбуронлигидан эмас, балки бир-бирининг ўрнига келувчи кўплаб авлодларнинг изчил фаолиятдан кутиш лозим». Олим – доим у ёки бу ижтимоий-маданий муҳит вакили. Мавжуд илмий-ижодий имкониятларга бутун ижтимоий-маданий майдоннинг таъсири фан препаратининг «софлик» даражасини кўрсатади.

Фанда ҳақиқатни излаш, танқид, баҳс, мунозара ҳам қўллаб-қувватланади. Олим ўзининг касбий маҳоратини мақолалар, асарлар эълон қилиш, илмий давраларда маърузалар билан чиқиш, фанга доир малакавий талабларга жавоб бериш орқали муттасил тасдиқлайди ва кўпинча ўз оппонентлари-ҳамкасблари билан ҳам, жамоатчилик фикри билан ҳам мураккаб муносабатларга киришади. Олим фаолиятининг эътироф этилиши унга илмий даража ва унвонлар берилиши билан боғлиқ. Фанда энг нуфузли мукофот Нобель мукофоти ҳисобланади.

Албатта, шахснинг ижодий имкониятлари рўёбга чиқмаслиги ёки ижтимоий тизим бунга имконият бермаслиги ҳам мумкин. Бироқ ихтиро қилиш, бирор янги нарсани кашф этишга жамият эмас, балки фақат теран ақл ва зарур билимларга эга бўлган индивидгина қодирдир.

Фан ва техника тараққиёти даврида фаннинг ўрни ва аҳамияти тинимсиз ўсиб бори. Натижада уни ички дифференциациялашнинг янги шкаласига эҳтиёж туғилди. Катта фанда айрим олимлар эвристик изланиш фаолиятига – янги ғояларни илгари суришга, айрим олимлар аналитик ва экспликацион фаолиятга – мавжуд ғояларни асослашга, баъзим олимлар – уларни текширишга, яна бир тоифа олимлар эса – олинган илмий билимни амалга татбиқ этишга кўпроқ мойил эканлиги аён бўлиб қолди.

Социологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, фан билан аҳолининг фақат 6-8 фоизи шуғулланишга қодир. Баъзан тадқиқотчилик фаолияти ва олий таълимни қўшиб олиб бориш фаннинг асосий ва эмпирик жиҳатдан аниқ белгиси ҳисобланади. Бу фан касбий фаолиятга айланиб бораётган шароитда жуда ўринлидир. Илмий-тадқиқотчилик фаолияти зарур ва барқарор ижтимоий-маданий анъана сифатида эътироф этилади. Бу фаолиятсиз жамият нормал мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас. Фан ҳар қандай маърифатли давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади.

Фаннинг бунёдкор куч функцияси жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун ўз имкониятларини бевосита рўёбга чиқаради. Бунда у одамлар ҳўжалик-маданий ривожланишининг муҳим омили сифатида амал қилади. XVIII-XIX асрлардаги саноат тўнтариши натижасида юзага келган йирик машинали ишлаб чиқариш фаннинг бевосита бунёдкор кучга айланиши учун моддий негиз бўлиб хизмат қилди. Ҳар бир янги кашфиёт ихтиро учун асосга айланади. Ишлаб чиқаришнинг ранг-баранг тармоқлари фаннинг турли тармоқлари маълумотларининг бевосита технологик қўлланилиши сифатида ривожлана бошламоқда. Бу тармоқларга тижорат кенг кириб келмоқда. Бошқа эркин касблардан фарқли ўлароқ, фан бир лаҳзада иқтисодий фойда келтирмайди ва бевосита наф кўриш билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас, шу сабабли тирикчилик учун маблағлар топиш муаммоси олим учун ҳар доим жуда муҳим бўлган. Ҳозирги замон фанининг ривожланишига кўп миқдорда маблағлар киритиш ва бунда улар ўзини тез оқлашига умид қилмаслик талаб этилади.

Фаннинг сиёсат воситасидаги функцияси жамиятнинг мафкуравий эҳтиёжларига жавоб беришда амал қилади. Марксча мафкура фанни тўла ва ялпи назорат қилгани, кибернетика, генетика, математик мантиқ ва квант назариясига қарши кураш олиб боргани XX аср фани тарихидан яхши маълум. Марксча фан ривожланишининг бу жиҳатига баҳо берар экан, Э.Агацци шундай хулоса чиқаради: «Мафкура фанни унга мафкуравий фикрлашга нисбатан устунлиқни таъминлаган объектив билим имижидан маҳрум этишга ҳаракат қилди... Марксчилар фан, айниқса илмий фаолият амалий соҳаларда ва ҳокимият билан муносабатларда (прагматик даража) ижтимоий жабҳага боғлиқ эканлигини қайд этардилар, бундан ташқари, фанни технология билан тенглаштиришга мойил эдилар»⁹.

Расмий фан жамиятнинг асосий мафкуравий мўлжалларини қўллаб-қувватлаш, мавжуд ҳокимият ва мафкура ўзининг имтиёзли мавқеини сақлашига ёрдам берувчи интеллектуал далиллар ва амалий воситалар тақдим этишга доимо мажбурдир. Бу жиҳатдан фан мафкурадан «руҳланиши», уни ўзида мужассамлаштириши лозим. Т.Кун таъбири билан айтганда, «олимлар бошқотирмаларни ечишни ўрганадилар ва бунинг орқасида катта мафкура туради»¹⁰. Шу сабабли фаннинг бетарафлиги ҳақидаги хулоса доимо қизғин мунозарага сабаб бўлади.

Мафкурани ўзлаштириш онгсиз даражада, бирламчи ижтимоийлашув жараёнида юз беради, шу сабабли фан, гарчи у ҳар қандай мафкурадан бутунлай ҳоли бўлишга ҳаракат қилса-да, мафкура таъсиридан ҳеч қачон тўла халос бўла олмайди. Мафкуранинг хусусиятлари қаторига мафкурачилар унинг ҳақиқатни атайлаб бузиб кўрсатиши, догматизм, муросасизлик, фальсификацияланмасликни киритадилар. Фан мутлақо қарама-қарши тамойилларга амал қилади: у борлиқни аниқ ва тўғри акс эттиришга ҳаракат қилади, рақобатдош назариялар билан кўпинча муросага келади, ҳеч қачон эришилган натижа билан кифояланмайди ва фальсификацияланишга мойилдир.

Мафкуранинг фанга муносабати қуйидаги моделларда амал қилади:

1) қоралаш;

2) бефарқлик (фан ўз ҳолича ривожланишига йўл қўйиб беради);

3) раҳнамолик ва эксплуатация қилиш. Бунда муайян йўналишларни ривожлантириш, ривожланиш жараёнини секинлаштириш ёки тўхтатишга қаратилган механизмлар ишга солинади.

⁹ Агацци Э. Моральное измерение науки и техники. — М., 1998. — 2-б.

¹⁰ Американский философ Джованна Боррадори беседует с Куайном, Дэвидсоном, Патнэмом, Нозиком, Данто, Рорти, Кэйвлом. — М., 1998. — 200-б.

Фаннинг ижтимоий функцияси фан методлари ва унинг маълумотларидан ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг кенг кўламли режаларини тузиш учун фойдаланилишини назарда тутди. Фан ўзини ижтимоий куч функциясида давримизнинг оламшумул муаммоларини (табиий ресурсларнинг камайиши, атмосферанинг ифлосланиши, экологик хавф миқёсини аниқлаш) ҳал қилиш чоғида намоён этади. Ўзининг бу функциясида фан ижтимоий бошқарув билан боғланади.

Жамият муттасил таъсирининг сезилиши бугунги кунда фан «ижтимоий буюртма»ни бажаришга мажбурлиги билангина изоҳланмайди. *Технологик ишловларнинг қўлланиш оқибатлари учун катта ахлоқий масъулият ҳар доим олим зиммасига юкланади. Аниқ фанларга нисбатан махфийлик хусусияти жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу, хусусан, ҳарбий саноат соҳасида махсус буюртмаларни бажариш билан боғлиқ. Дарҳақиқат, шундай технологиялар ва ишловлар мавжудки, инсоният учун улардан фойдаланиш ўзига ўзи зиён етказиш ёки ўзини ўзи қирғин қилиш билан баробар.*

Фанни белгиловчи ижтимоий-психологик омиллар илмий тадқиқот контекстига тарихий ва ижтимоий онг ҳақидаги тасаввурларни, олимнинг шахси ва маънавий қиёфаси, билишнинг когнитив механизмлари ва унинг фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар ҳақидаги мулоҳазаларни киритишни тақозо этади. Улар фанни социологик ўрганиш мажбуриятини юклайди, чунки фан, ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида, ўз ривожланишининг нафақат ижобий, балки салбий оқибатлари билан ҳам тавсифланади. Файласуфлар фаннинг қўлланилиши ўзининг ахлоқий ва инсоний мазмунини йўқотишидан эҳтиёт бўлишга чақирадилар. Бу ҳолда фан қаттиқ танқид объектига айланади, олимлар фаолияти устидан назорат ўрнатиш муаммолари муҳим аҳамият касб этади.

Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари:¹¹

илмий ижод ва ахборот эркинлиги;

самарадорлик ва ижодий рақобат;

манфаатдорлик ва рағбатлантириш;

илмий экспертизанинг холислиги;

инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликдан иборат.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон Қонуни / <https://lex.uz/docs/4571490>

1.4. МАГИСТРАТУРА БИТИРУВЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР

Магистрлар:

- танланган мутахассислик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва бошқарув фаолияти учун;
- касбий фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойда-ланишга;
- тегишли мутахассислик бўйича олий таълимдан кейинги таълимни олиш учун;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўшимча профессионал таълимни олиш учун тайёрланадилар.

Магистр ўз мутахассислиги, илмий ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг қуйидаги турлари:

- илмий-педагогик;
- илмий-ижодий;
- илмий-тадқиқот ва тажриба;
- лойиҳа-конструкторлик;
- лойиҳа-технологик;
- бошқарув, шунингдек бакалавриат таълим йўналишига мувофиқ бошқа фаолият турлари бўйича ҳам шуғулланиши мумкин.

Ҳар қандай тадқиқот иши маълум соҳа доирасида олиб борилади ва у тадқиқот мутахассислиги (одатда тадқиқот йўналиши деб юритилади) деб номланади, яъни – узил-кесил шаклланган тадқиқот соҳаси ҳисобланиб, у бирор бир илмий фаннинг муайян тадқиқот муаммолари, шунингдек, ушбу фанни қўлланиш соҳасини ҳам ўз ичига олади.

Аниқ мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган магистратура мутахассисликлари малака талаблари билан белгиланади.¹²



Магистрлик диссертацияси, тор маънода, ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида магистратура тингловчиси эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бижарилган илмий-тадқиқот ишларининг натижасидир.

¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сонли “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига илова, IV.20/ <https://lex.uz/docs/2579469>



Магистрлик диссертацияси, кенг маънода, асосий профессионал таълим дастури бўйича битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси турларидан бири бўлиб, у магистр тайёргарлик кўраётган фаолият тури (илмий-тадқиқот, илмий-педагогик, ташкилий-бошқарув) доирасига кирувчи илмий вазифаларни ечишга қаратилган мустақил ва мантиқий якунланган малакавий иш ҳисобланади.

Магистрлик иши тадқиқотчи томонидан ҳимояга олиб чиқиладиган илмий талаб ва қоидалар ҳамда тадқиқот натижаларини ўзида мужассамлаштирган иш бўлиб, ички яхлитликка эга, муаллифнинг фанга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда илмий изланишларни назарий билимлар ва амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда мустақил ўткази олиш қобилиятларини кўрсатиб беради.

ХУЛОСА

Ҳар қандай соҳанинг ўз тарихи, ривожланиш босқичи бўлгани каби, илм-фан ҳам катта тараққиёт тарихига эга. Унинг доимий ривожланиши мазкур соҳага қаратилган эътибор, соҳада олиб бориладиган ислохотлар, энг муҳими – илмий тадқиқотларнинг сифатига боғлиқ.

Шунингдек, илмий тадқиқот ишларида, энг аввало, тегишли терминологияга алоҳида аҳамият берилиши ҳамда илмий тадқиқот соҳасига ва танланган мавзуга алоқадор атамалар моҳиятини чуқур англаб етилиши тадқиқот муваффақиятининг муҳим омили ҳисобланади.

Магистрларга қўйилган малака талаблари асосида ўқув ва илмий жараёни ташкил этиш сифатли, замон талабига мос кадрлар тайёрлашнинг асосий шarti ҳисобланади.

Илмий тадқиқот методологияси фани доирасидаги асосий атамалар сифатида асосий тушунчаларни келтирдик. Фанга алоқадор мазкур ва бошқа атамалар моҳиятига тўлиқ тушуниб етиш, уларни тўғри интерпретация қилиш фаннинг навбатдаги мавзуларини самарали ўзлаштиришга хизмат қилади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Илм-фан, илмий ижод, илмий мактаб, илмий тадқиқот, магистратура, магистр, метод, методика, методология, назария, интерпретация.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Илм-фан нима? Илм-фанга оид тушунчаларни изоҳланг.
2. Фан функцияларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи.
3. Ҳозирги вақтда фан аввало қандай ҳодиса сифатида намоён бўлади?
4. XVIII-XIX асрлардаги қандай жараён фаннинг бевосита бунёдкор кучга айланиши учун моддий негиз бўлиб хизмат қилди?
5. Фан тараққиётининг асосий босқичлари.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚ

Танланиши режалаштирилаётган мавзуга алоқадор атама ва тушунчаларнинг мазмунини изоҳланг ва глоссарий тузинг.



2-мавзу.

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ,
ТИПЛАРИ ВА ТАСНИФИ**

Кириш

2.1. Илмий тадқиқотнинг намоён бўлиш шакллари.

2.2. Илмий тадқиқотлар таснифи.

2.3. Илмий тадқиқотларда тушунчалар изоҳи.

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Маълумки, ижод – шахс, жамият ёки давлатнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият бўлиб, сифат жиҳатидан янги ва беқиёс, оригиналлиги ва ижтимоий тарихий жиҳатдан нодирлиги билан ўзгача бўлган нарсга яратишга интилиш ҳисобланади. Унинг қамровида инсонлар ижодий фаолиятининг турли кўринишлари ва шакллари мавжуд бўлиб, бугунги инсон тараққиёти даврида энг муҳими – илмий ижод фаолияти ётади.

“RAND корпорацияси” олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, долзарб илмий йўналишлар сифатида қуйидаги соҳалар қайд этилган:

арзон қуёш энергияси;

симсиз алоқалар технологияси;

генетик модификация қилинган ўсимликлар;

сувни тозалаш усуллари;

арзон уй-жой қурилиши;

экологик тоза саноат ишлаб чиқариш;

“гибрид” автомобиллар;

“аниқ” таъсир қилувчи тиббиёт воситалари;

жонли организм тўқималарини сунъий ишлаб чиқариш.

Юқорида келтирилган глобал ва ички муаммолар, хавфсизликка таҳдидлар ҳамда долзарб илмий йўналишлар бўйича таълим муассасаларида магистрлик ва докторлик (PhD, DSc) диссертациялари, шунингдек давлат буюртмалари асосида ўтказиладиган (шунингдек, таълим муассасаларида ички) фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида изланишлар олиб борилади.

Умуман, илмий тадқиқотнинг шакллари ва таснифи, муаммо ечимига қаратилган назариялар, илмий тадқиқотнинг асосий принциплари ва турлари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиш илмий фаолиятнинг энг муҳим босқичларидан ҳисобланади.

2.1. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

Илмий тадқиқот жараёнида инсон моҳиятан ўзлигини англайди. Бу билан инсон нафақат ташқи муҳитда, балки ўз руҳиятида ҳам ўзгариш ясайди. Илмий ижод хилма-хил маънавий-маданий эҳтиёжларни қондириш бўйича сон-саноксиз вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган фаолиятдир.

Илмий тадқиқот жараёнида эркин бўлиш – монеликсиз ижод қилиш, бировнинг қолипига тушмаслик, янги илмий билимларни олиш ва қайта

ишлашда объектив ва холис бўлиш муҳимдир. Бундан кўринадики, олимлар ўз илмий фаолиятининг мақсадлари ва методларига ўзлари ахлоқий нуқтаи назардан баҳо беришлари, ахлоқий меъёрларни бўзиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлардан воз кечишлари лозим.

Ҳар қандай илмий фаолият матнларда “ёзма” кўринишда (қоғозда ёки электрон) – илмий ҳисобот, илмий маъруза, реферат, мақола, китоб тарзида расмийлаштирилган бўлишининг асосида икки шарт-шароит ётади. Биринчидан, олим ўз ғоялари ва натижаларини қатъий илмий тилда фақат ёзма (электрон) тарзда баён этиши мумкин. Ҳар қандай илмий ишни, ҳатто кичкина мақолани қоғозга тушириш, фикрнинг ифодасида кетма-кетликка эришиш муҳим аҳамиятга эга, мақола ёки тезис ёзиш бошловчи тадқиқотчи учун жиддий муаммолар билан боғлиқ, чунки жамоа олдидаги чиқишларда осонлик билан айтиладиган ёки одам “ичида” тафаккурида шаклланган сўзлар ва фикрларнинг ифодасини ўз вақтида қоғозга тушириш учун олимга мантиқий изчиллик кўп ҳолларда етишмайди. Ёзма нутқ ва оғзаки нутқнинг бир-биридан фарқи шундаки, оғзаки нутқдаги баъзи нуқсонлар эшитувчилар томонидан эътиборга олинмайди, бироқ ёзма матнда қатъий мантиқий изчиллик талаб этилади, чунки ундаги фикрлар кетма-кетлигига ўқувчи қайта-қайта мурожаат қилади ва янги билимнинг мақсади ва моҳиятини аниқлашга ҳаракат қилади.

Иккинчидан, олимнинг салоҳияти унинг турли журналларда нашр қилган илмий мақолаларининг сони ва салмоғи ҳамда республика ва хорижда ўтказилган конференцияларидаги илмий маърузаларда аниқланади. Шу боис, тадқиқотчи учун нашр этилган ишлари рўйхатини доимий тўлдириб борилиши ва маърузалар мазмунининг турли-туманлиги унинг имижи шаклланишига асос бўлади.

Илмий тадқиқот жараёни олимнинг илҳоми, фантазияси, умумий маданияти, шунингдек унинг шахсий сифатлари билан чамбарчас боғлиқ.



Индивидуал илмий тадқиқот – якка тартибда амалга ошириладиган ва кашфиёт ёки инновацион ихтиро натижалари учун шахсан ўзи жавоб бериши кўзда тутилган тадқиқотдир.

Индивидуал илмий тадқиқотда олимнинг шахсий қизиқишлари доирасида мақсадли фаолият амалга оширилади. Зеро, фанда олимларнинг профессионаллашув жараёни уларнинг меҳнатга муносабати, интеллектуал салоҳияти нуқтаи назаридан индивидуаллашиб боради. Олимнинг фаолияти фаннинг фақат бир тармоғидаги фаолиятда намоён бўлади, ишнинг

аниқ йўналиши ажратиб олиниб, эгалланган билимлар селекция қилинади. Мавзунинг тўғри танланиши билимлар селекцияси билан боғлиқ бўлса, муаммонинг ечимини топиш йўлидаги илмий изланиш шу билимларни такомиллаштиришни талаб қилади. Шу тарзда олим мутахассис сифатида шаклланади ва пировард натижада том маънодаги олимга айланади.

Индивидуал тадқиқотнинг ўзига хом хусусияти унда ворисийликнинг амал қилишидир. Зеро, тадқиқотчи илмий муаммо бўйича изланиш олиб бориш учун дастлаб илмий раҳбарининг иш юритиш услубини ўрганади, илмий адабиётларнинг таҳлиliga мурожаат қилади, муҳим ва номуҳим маълумотларни саралайди ва масаланинг моҳиятини ўзининг интеллектуал салоҳияти даражасида таҳлил қилади.

Магистрлик диссертацияси, докторлик диссертацияси ҳимоялари, баъзи монографиялар индивидуал тадқиқотнинг ёрқин маҳсулидир. Барча турдаги индивидуал тадқиқот ишида, албатта, билим даражаси ва тадқиқотчининг қизиқишлари қамрови муҳим омил ҳисобланади.

Магистратура олий маълумотли юқори малакага эга бўлган кадрларни тайёрлаш тизимининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон олий таълим тизимига кирган. Шунинг учун магистрлик диссертациясини тайёрлаш, ҳимоя қилиш ва тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўрнатилади.

Илмий даража (аввал магистр, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc)) олиш мақсадида мустақил тайёрланган ва тугалланган илмий иш тайёрланиши ва унинг ошкора ҳимоя қилиниши асос бўлиб хизмат қилади. Магистрлик диссертацияси давлат аттестация комиссияси йиғилишларида, докторлик диссертациялари Илмий кенгашларда ҳимоя қилиниб, талабгорнинг илмий иши савияси нуфузли олимлар жамоасининг яширин овоз бериш орқали баҳоланади. Диссертацияларга қўйиладиган талаблар, илмий даражаларни ҳимоя қилиш ва уларни тақдим этиш тартиби ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси (ОАК) томонидан белгиланади. Аксарият мамлакатларда илмий даражаларни таълим муассасалари Илмий кенгашларининг ўзи тақдим этади ва тасдиқлайди.

Таълим муассасалари ходимлари учун доцент ва профессор, илмий муассасалар ходимлари учун катта илмий ходим илмий унвонлари берилиши белгиланган.

Тадқиқотчи илмий атамалардан тегишли жойда меъёрида фойдаланиш малакаларини эгаллаган бўлиши лозим, тажрибасизлик оқибатида у фикрини мураккаб атамалар ёрдамида ифодалашга ҳаракат қилади, аслида ҳақиқий олимнинг фазилатларидан бири – унинг энг мураккаб

нарсалар тўғрисида содда тил билан ёзиши ва сўзлай олишидир. Айни пайтда илмий матннинг мутлақ соддалаштирилиши натижасида илмийлик мезонлари бузилиши ҳам мумкин, шу боис олим илмийлик ва соддалик ўртасида мувозанатни сақлаши лозим.



Ҳамкорликдаги илмий тадқиқот илмий буюртма асосидаги мақсадли фаолиятдир.

Ҳамкорликдаги илмий тадқиқотда муайян мақсад ва уни амалга оширишнинг йўллари аниқ кўрсатилади. Ҳисоботларда жамоанинг иштироки аниқ ўзифодасини топиши лозим.

Масалан, ҳозирги кунда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича ҳамкорликда илмий тадқиқот олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга бўлган фундаментал, амалий, инновацион тадқиқот дастурлари ҳам ҳамкорликдаги ижод маҳсули ҳисобланади.



Техникавий тадқиқот воқеликни амалий (технологик) ўзгартириш билан боғлиқ тадқиқот ҳисобланади.

Техникавий ижод ўзининг психологик тавсифига кўра илмий ижодга яқин бўлса-да, фарқли томонларга ҳам эга. Улар қуйидагиларда кўринади:

1. Техникавий тадқиқот тафаккурнинг кўргазмали-образли ва кўргазмали-таъсирчан компонентларига таянади.

2. Техник тадқиқот жараёни ихтирочилик, лойиҳалаштиришда намоён бўлиб, амалиёт талабларига жавоб берадиган механизмлар, конструкциялар ихтироси унинг натижаси ҳисобланади. Шу маънода, техникавий тадқиқот рационал ва утилитар хусусиятга эга.

3. Ихтиро қилинган нарса, у мавжуд техник базис, техник равақ эришган даражага таянса-да, вужудга келгунига қадар мавжуд бўлмайди.



Педагогик тадқиқот – бу педагогик жараёнда янгиликни излаш ва топишдир.

Бундай ижоднинг биринчи босқичи – ўзи учун янгиликни кашф этиш, педагогик вазифаларни ҳал этишнинг ностандарт воситаларини билиб олишдан иборат. Бундай воситалар аввалдан маълум, бироқ педагог томонидан қўлланилмаган бўлади. Бу ерда гап инновация каби объектив янгилик ҳақида эмас, балки субъектив янгилик тўғрисида бормоқда. Шундай

бўлса-да, эски усул ва воситалардан янгича шароитларда фойдаланиш ҳам мумкин. Иккинчи босқич – нафақат ўзи учун, балки бошқалар учун ҳам янгиликни кашф этиш, яъни новаторликда намоён бўлади.

Ҳозиргача фанда илмий-тадқиқот фаолиятни англашга нисбатан янги ёндашувлар шаклланаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки илмий ҳамжамиятнинг ҳозирги кундаги илмий дунёқараши янги сифатий босқичга ўтди. Моҳиятан эса, ҳозирда илмий-тадқиқот фаолиятининг янги типологик хусусиятлари шаклланмоқда. Шунга мувофиқ илмий фаолиятнинг тадқиқот объекти ҳам ўзгариб бормоқда. Улар орасидаги гносеологик боғлиқлик тобора эпистемологик алоқадорликка ўз ўрнини бўшатиб бермоқда. Шу сабабдан ҳам фан тараққиётининг ҳозирги босқичида илмий билимларни эпистемологик жиҳатдан синтез қилиш ғояси устуворлик қилмоқда.

“Илмий фаолият ижод билан чамбарчас боғлиқ. Илмий ходимнинг билими, истеъдоди, қобилияти, кўникмалари, илмий ҳақиқатнинг тагига етишга бўлган интилишлари илмий ижодда ўз аксини топади”¹³.

Шу нуқтаи назардан, илмий ижод фақат илмий муаммоларнинг ечилиmini излаб топишни эмас, балки у дунёни янги тамойиллар асосида тушуниш, тараққиёт парадоксларини ноанъанавий ёндашув асосида таҳлил қилиш, янги илмий ғоя ва гипотезалар орқали илмий йўналишларни ишлаб чиқишга шарт-шароит яратади.

Илмий-тадқиқот фаолияти инсоннинг бевосита шахсий ва жамоавий билим ҳамда кўникмаларига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, илмий фаолият инсоннинг бир қанча тадқиқотлари асосида йиғиладиган шахсий ёки жамоавий интилишининг бир кўринишидир. Демак, илмий-тадқиқот фаолиятининг янгича турини шакллантириш тараққиёт учун муҳимдир. Зеро, илмий ижод натижаларини амалиётга татбиқ этиш орқали жамият миқёсида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда фаровонликни таъминлаш мумкин. Дарҳақиқат, илмий-тадқиқот фаолияти инсоннинг индивидуал кўникмалари, илмий изланишлари, назарий ва амалий билимларининг ривожланиши натижасида тобора мустаҳкамланиб боради. Айнан шунинг учун ҳам инсоннинг ижодкорлик қобилиятида билим ва руҳий кечинмаларининг уйғунлашганини кузатиш мумкин. Зеро, илмий-ижодий жараёни ҳеч қачон сунъий тарзда шакллантириб бўлмайди.

¹³ Саифназаров И., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. Ўқув қўлланмаси - Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. –Б.153.

Бугунги кунда янги илмий ғояларнинг инсонпарварлик билан уйғунлашуви фаннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Кобляков А.А. *“Одамлар мураккаб илмий-ижодий фаолияти натижасида, ўзлигини йўқотиш хавфига, барқарор ҳаётдаги бево-сита ёки билвосита босим остида кардинал равишда ўзгаришига олиб келмоқда. Бу эса уларнинг ўз инсоний сифатларини йўқотиши билан тобора хатарли тус олмоқда. Айни шу маънода, биз илмий ютуқлардан самарали фойдаланган ҳолда бир қутбда бир дунё бойлик тўпланаётганлигини, иккинчи қутбда эса қолоқлик, қашшоқлик, камбағаллик, касалликлар, очарчилик ҳукмронлик қилаётганлигини кузатиш мумкин бўлади”*,¹⁴ – деб ёзади

Дарҳақиқат, бундай ижтимоий-иқтисодий танглик кескин сиёсий келишмовчиликлар, конфликтлар, дискриминация, минтақавий зиддиятлар, террорчилик ва бошқа хавф-хатарларнинг ошиб боришига таъсир кўрсатишини унутмаслигимиз лозим.

Замонавий илмий тадқиқот концепцияларида инсон қандай кучлар таъсирида ўзгаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, бу янги концепцияларга муқобил равишда ахлоқий меъёрлар, тарбия, маърифат ва маънавий-маданий мулоқот жараёнидаги идеаллар ва қадриятларни киритиш устувор аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, илмий-тадқиқот фаолиятининг инсонпарварлашуви олимлар ўртасида ўзаро тушуниш, сайёрамизда умуминсоний руҳий-ахлоқий қадриятлар, яъни инсонпарварлик руҳининг қарор топишига ёрдам беради. Айни шу маънода, соғлом ижодга таянган илмий тадқиқот келажаги ижтимоий ҳамкорлик, инсонийликка асосланишига замин яратади. “Илм-фанга, ижодга қизиқиш ҳиссини болаларда ёшлиқдан уйғотиш масаласига мактаб, оналар, олимлар кўпроқ эътибор беришлари лозим. Шу билан бирга илмда ёши ўтиб қолди, деган гап бўлмайди”¹⁵. Дарҳақиқат, бу фикрда илмий-ижодий фаолиятнинг ахлоқий ва гуманистик жиҳатида эътибор берилганлигини кузатиш мумкин.

Илмий тадқиқот асосида инсон янги илмий йўналишлар ва янги фанларни вужудга келтирибгина қолмасдан, балки янги илмий билим ноанъанавий соҳаларининг таркиби ва тузилишига катта таъсир

¹⁴ Кобляков А.А. Основы общей теории творчества (синергетический аспект) // Сб.: “Философия науки”. М. 2002. Вып. 8. С. 96-107.

¹⁵ Файзуллаев О. XX аср зиёлилари: ўстозларим ва сафдошларим / О.Файзуллаев. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. – Б.278.

ҳам кўрсатмоқда. Бу эса илмий ижоднинг тадқиқот доираси кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Бундай фаолиятнинг юқори босқичи ҳақида алоҳида тўхталиб, А.С. Майданов: “Илмий ижод орқалигина фандаги ноанаънавий ғояларни тушуниш ва тушунтириш мумкин. Айни дамда ноанаънавий ёндашув илмийлик манбаини, илмий изланишларнинг янги босқичини очишга ёрдам беради”¹⁶ деган хулосага келади.

Фаолият соҳалари каби ижоднинг турлари ҳам хилма-хилдир. Ўз навбатида, яна бир қанча турларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган ижоднинг илмий, техникавий, бадий, муסיқий, адабий, педагогик турлари ажратиб кўрсатилади. Баъзи ижод кўринишлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлади.

2.2. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАСНИФИ

Илмий тадқиқотлар янги билимлар ёки мавжуд билимларни такомиллаштириш манбаи ҳисобланади. Ҳар қандай илмий тадқиқотлар қуйидаги учта асосий йўналишда олиб борилиши мумкин:

– инсон тафаккурининг маълум соҳалардаги тараққиёти даврида очилган янги ҳодисаларни идрок этиш;

– инсон ўз ҳаёти ва меҳнат фаолиятида дуч келаётган номаълум фактларни тушунтириш;

– маълум фактлар ҳақидаги эски тасаввурлар ҳамда янги маълумотлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар моҳиятини очиб бериш.

Ф.Бэкон фанда ўз-ўзича фойда келтирмайдиган, лекин «сабаблар ва аксиомалар»ни билишга кўмаклашадиган тажрибалар ҳамда фойдали кашфиётлар ва ихтироларга элтадиган тажрибалар борлигини таъкидлаган эди¹⁷. Янги даврдан бошлаб, фан ўзининг биринчи тоифадаги тажрибалари иккинчи тоифадаги тажрибаларга йўл очишига қараб тобора кўпроқ мўлжал олади. Ҳозирги замон фанининг амалиётга қараб мўлжал олиши мазкур фанга хос бўлган хусусият ва шу билан бир вақтда жамият фанга қўювчи муҳим талаблардан биридир. Ўз навбатида, амалиёт ҳам фанга тобора кўпроқ таянмоқда. Фаннинг амалиёт сари ҳаракатининг турли босқичларига илмий тадқиқотларнинг бир-бири билан боғланган, лекин шунга қарамай турли типлари мувофиқ келади:

- 1) фундаментал тадқиқотлар;
- 2) амалий тадқиқотлар;
- 3) тажриба-конструкторлик ишланмалар ва инновацион тадқиқотлар.

¹⁶ Майданов А.С. Интеллект решает неординарные проблемы /РАН. Ин-т философии. — М.: ИФ РАН, 1998. — 321 с.

¹⁷ Қаранг: Бэкон Ф. Новый орган // Соч.: В 2 т. Т. 2. — М., 1978. — Б. 59.

Фундаментал тадқиқотлар

 **Фундаментал тадқиқотлар** борлиқ ҳақидаги янги қонунларни очишга, воқеяликлар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга, янги назария ва тамойилларни яратишга йўналтирилган.

Улар инсонлар тафаккурини кенгайтишига, табиат қонунларини чуқурроқ англашга имкон беради.

Масалан:

1. **«Мамлакат миллий манфаатларини таъминлашда “юмшоқ куч” омили: назария ва тамойиллар».**
2. **“Ёшлар орасида мутаассиблашув: ўзига хослиги, келиб чиқиш сабалари ва оқибатлари”.**
3. **“Худкуш инсоннинг ўзига хослиги: ҳулқ-атвори ва психологияси”.**
4. **“Ижтимоий тармоқларнинг инсон турмуш тарзига ва ҳулқ-атворида таъсири”.**

Фундаментал тадқиқотлар натижасида янги қонун ва қонуниятлар, янги назария ва тамойилларни яратилишига эришилади ҳамда уларнинг амалиётда қўлланиш йўллари ва тартибларини ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, бу каби тадқиқот ишларида ҳодиса ва воқеалар, жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигига ойдинлик киритилади. Фундаментал тадқиқотларда, одатда, аниқ макон кўрсатилмайди.

Амалий тадқиқотлар

 **Амалий тадқиқотлар** амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимлар ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Амалий тадқиқотларнинг хусусияти шу билан белгиланадики, улар амалий вазифаларни ечиш учун керакли бўлган билимни олишга қараб тўғридан-тўғри мўлжал олади.

Улар назарий билимларни ва қонуниятларни амалий аҳамиятини очиб берувчи илмий базани ишлаб чиқишга йўналтирилади. Бунда гап айрим турдаги амалий вазифаларни ечиш ҳақида боради. Илмий изланувчи бошқа имкониятларни ўрганиш учун, ҳатто улар қизиқарли натижаларни

ваъда қилаётган бўлса ҳам, мазкур тадқиқот чизигидан четга чиқиши мумкин эмас.

Амалий тадқиқотлар халқ хўжалигининг маълум тармоғини ривожлантириш орқали жамият эҳтиёжини самарали қондиришга қаратилади.

Масалан:

«Ўзбекистонда фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш».

“Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш муаммолари ва истиқболлари”.

“Ўзбекистонда халқаро аҳамиятдаги транспорт инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари”.

“Ўзбекистон аҳолиси орасида камбағалликни қисқартиришга қаратилган чоралар: мавжуд имкониятлари ва истиқболлар”.

Шунингдек, амалий тадқиқотлар миллий хавфсизликнинг маълум жиҳатларидаги мавжуд муаммоларни ўрганишга ҳамда уларни ечимини топишга, тегишли соҳани такомиллаштиришга, амалдаги механизмларни янада ривожлантиришга қаратилган бўлиши мумкин. Шу жумладан, миллий хавфсизликни таъминлаш йўналишида фаолият юритадиган вазирлик ва идораларнинг фаолиятига оид масалалар бўйича, яъни мазкур йўналишдаги муаммолар, хавф-хатар ва таҳдидларни олдини олиш ёки бартараф этиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга бағишланган илмий ишлар ҳам амалий тадқиқотлар сирасига киради.

Масалан:

«Ўзбекистонда демографик ҳолат ва унинг миллий хавфсизликка таъсири»

“Ўзбекистон миллий хавфсизлиги кесимида мамлакат иқтисодий интеграцион тузилмаларда иштирокининг муаммо ва истиқболлари (ЁОИИ мисолида)”

“Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда генетик модификацияланган организм омили”

“Ўзбекистон Республикаси ижтимоий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”

“Коррупцияга қарши курашда хорижий тажриба (Сингапур мисолида)”

«Замонавий босқичда диний экстремистик тузилмалар тарғибот фаолиятига қарши кураш: муаммо ва имкониятлар”

“Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда яширин иқтисодиётга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш”

“Ўзбекистон сув хавфсизлигини таъминлашнинг муаммо ва истиқболлари”

“Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигини такомиллаштириш”

Тажриба-конструкторлик ишланмалари



Тажриба-конструкторлик ишланмалари фунда-ментал ва амалий тадқиқот натижалари асосида аниқ конструкторлик вазифаларни ечиш, яъни янги (ёки мавжуд) техника (технология)ларни яратиш (ёки такомиллаштириш) учун намунавий моделни ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар ҳисобланади.

Бу, масалан, бирон-бир аппарат ёки иншоот лойиҳасини яратиш, ишлаб чиқаришнинг технологик схемаларини тайёрлаш бўлиши мумкин.

Тажриба-конструкторлик ишланмаларнинг мақсади амалий ва назарий тадқиқотлар натижаларидан янги ишлаб чиқариш техника ва технологияларини яратиш ва ўзлаштириш, мавжудларини такомиллаштиришда фойдаланишдан иборат.

Бу каби тадқиқот жараёнида илмий тадқиқотлар техник топшириққа айлантирилади.

Масалан:

«Хорижда етиштириладиган юқори навли картошка уруғини Ўзбекистон шароитида етиштириш»

«Чиқиндидан маҳаллий ўғит тайёрлаш имкониятлари»

«Ўзбекистондаги кичик дарёлар ва сойлар имкониятидан фойдаланишга мўлжалланган мини гидроэлектростанцияларини ишга тушириш масалалари»

Фундаментал ва амалий тадқиқотларда олим амалда мавжуд бўлган, лекин номаълум нарса ёки ҳодисани тавсифлаш ва тушунтиришга ҳаракат қилса, лойиҳа-конструкторлик ишланмалари устида ишловчи илгари мавжуд бўлмаган нарсани ўйлаб топиш ва яратиш ҳақида ғам чекади.

Биринчи ҳолда нарсани табиат ёки инсон қандай қилиб яратганлигини билиш ва тушуниш керак бўлса, иккинчи ҳолда нарсани қандай яратиш мумкинлигини билиш ва тушуниш талаб этилади. Бу ҳолат лойиҳа-конструкторлик ишланмаларининг фан тизимидаги алоҳида ўрнини белгилайди. Улар, бир томондан, илмий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида қаралиши мумкин, бошқа томондан эса – техник ва технологик вазифаларни «тайёр» илмий билимлар асосида ечишдан иборат бўлган муҳандислик фаолияти сифатида амал қилади.

Масалан, аэродинамика соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар газ муҳитида газлар ва жисмлар ҳаракатининг қонуниятларини аниқлашга қаратилган. Олимлар аэродинамик жараёнларнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиб моделлар ва назарий схемаларни тузадилар, умумий теоремаларни таърифлайдилар. Аэродинамика соҳасида амалий тадқиқотлар муайян амалий вазифаларни ечиш назариясини яратиш мақсадида олиб борилади. Мазкур тадқиқотларда қанот назарияси, винт назарияси, самолёт динамикаси, аэродинамик вибрациялар назарияси ва ҳоказолар ривожлантирилади. Ниҳоят, тажриба-конструкторлик ишланмалари конкрет учиш аппаратларининг лойиҳаларини яратишда қўйиладиган техник вазифаларни ечишга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш билан боғлиқдир. Бунда аэродинамиканинг ўзидангина эмас, балки фаннинг бошқа соҳаларидан ҳам маълумотларни кенг жалб қилишга тўғри келади (масалан, кимёдан – берилган хоссаларга эга бўлган алоҳида сунъий материалларни ишлатиш зарурияти туғилганида).



Инновацион тадқиқотлар муайян соҳада мавжуд билимларга таяниб, амалиёт учун фойдали янги ишланмани ихтиро қилишни назарда тутади.

Масалан:

«Ўзбекистон Республикасида электр энергиясининг умумий бозорини шакллантириш воситаларининг электрон платформасини яратиш»

«Маҳаллий хом ашёлар асосида органик бўёқлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш»

«Водород олиш учун мўлжалланган қуёш энергияси асосида ишлайдиган қурилманинг тажриба намунасини яратиш»

*Ўзбекистонда сўнги йилларда илм-фан соҳасига, хусусан фундамен-
тал, амалий, инновацион илмий-тадқиқотлар олиб боришга ва тажри-
ба-конструкторлик ишланмаларини яратишга устуворлик берилмоқда.
Айтиш жоизки, тадқиқот турлари бўйича, фундаментал тадқиқотлар
учун илм-фанни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга ажратилган
барча маблағларнинг – 15 фоизи, амалий тадқиқотлар учун – 20 фоизи,
тажриба-конструкторлик ишланмалари учун 65 фоизи сарфланиши
белгиланган.¹⁸*

2.3. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ

Тушунчаларнинг назарий интерпретацияси назарий моделни яратиш мақсадида амалга оширилади. Бу муаммоли вазиятни илмий тарзда умумлашган кўриниши ҳисобланади. Тадқиқотчига илмий иш дастурининг назарий қисмида мазкур муаммоли вазиятга хос бўлган асосий тушунчаларни аниқлаб олиш талаб этилади.

Назарий интерпретация учта бир-бири билан боғлиқ турга ажратилади, улар тегишли кетма-кетликда амалга оширилади:

дескриптив (таърифлаш) интерпретация ёки ўз моделингизни тузишда фойдаланмоқчи бўлган тушунчаларни аниқ ва равшан таърифи (изоҳи)ни келтириш;

тузилмавий интерпретация, яъни таърифланган тушунчаларни тартибга келтириш, тизимга солиш, улар орасидаги боғлиқликларни аниқлаш;

омилли интерпретация – бошланғич ва ўзгариб турувчи тушунчалар орасидаги боғлиқликларни ўрнатиш.

Муаммоли вазият унинг иштирокчилари томонидан амалий фаолият терминларида таърифланади. Одамларнинг кундалик тажрибаси, меҳнат стажы ва маданият даражасига қараб, уларнинг фикрлари муаммоли вазиятни ва уни ечиш йўллари кўпроқ ёки камроқ акс эттириши мумкин. Эксперт баҳолари методи айнан шундай усулга асосланади. Ҳамма амалий билимлар гуруҳ ёки шахсий манфаатларга мойил бўлади. Шунинг учун ҳам

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги”ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли Фармони / <https://lex.uz/docs/5073447>

тадқиқотчи маълумотлар йиғишда ва назарий интерпретация учун модель ишлаб чиқишда муаммоли вазиятни қатъий илмий терминларда изоҳлаши лозим.

Тушунча ва терминларни аниқлай олиш жуда мураккаб бўлган жараён ҳисобланади, унинг учун катта билимлар захираси ва етарли даражада тажриба талаб этилади. Шунинг учун тушунчаларга тўғри таъриф бериш тадқиқотчининг мақбул йўлдан боришига ёрдам беради.

Масалан, коррупция терминига берилган таърифларнинг кўплиги тадқиқотчиларда маълум бир қийинчиликларни туғдиради ва мазкур таърифларда ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиб, ҳуқуқий ва криминологик томондан ёндашилган ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш билан боғланган, аслида эса латинча асоси бўлган *“corruptio”* термини ижтимоий–фалсафий фанлар доирасини қамраб олиб, унинг тушунчаси кенглигини кўришимиз мумкин.

“Коррупция” атамасининг этимологик жиҳати хусусида турли фикрлар мавжуд. Кенг маънода *“коррупция”* тушунчаси латинча *“corruptio”* сўзидан келиб чиққан бўлиб, *“пора эвазига оғдириш”* ёки *corruptus, corrumpere* – *“бузилган”*, *cor* – *“бирга”* ва *gumpere* – *“узиб олмоқ, синдирмоқ”* маъноларини англатиб, унинг синонимлари *“сотилиш ва порахўрликдир”*¹⁹.

Коррупция термини бир қанча тиллар оиласида айтиб бериш маънони, яъни *“пора эвазига оғдириш”*, *“пора”* сифатида таржима қилинади:

- инглиз тилида *“corruption”*;
- скандинавия тилларида *“korrupction”*;
- нидерландия тилларида *“corruptie”*;
- славян тилларида: *“корупција”* (серб тили), *“коррупция”* (рус тили);

австронезия тилларида *“rasuah”* (малай тилида), *“korupsi”* (индонезия тили), *“katiwalian”* (филиппин тили).

¹⁹ Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТГЮИ, 2008. – С. 219.

Қолаверса, ушбу тушунчанинг қуйидаги талқинлари мавжуд:

Талқинлар	Манба
“коррупция – кенг маънода, шахсий мақсадлар ва манфаатлар йўлида давлат ҳокимияти ваколатларини суиистеъмол қилиш”	Халқаро даражада коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги БМТ маълумотномаси, 1995 й. ²⁰
“коррупция – мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги”.	БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси” ²¹
“коррупция (коррупцион ҳуқуқбузарлик) – давлат функцияларини бажарувчи мансабдор шахслар, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахсларнинг ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланган ҳолда шахсан ёки воситачи орқали ғайриқонуний тарзда моддий бойлик ва имтиёзларни қўлга киритиши, шунингдек бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришидир”.	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги модел қонуни ²² .
“коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, ҳудди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”.	Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунининг 3-моддаси.

²⁰ Манба: http://www.un.org/ru/documents/congress/Previous_congresses/9th_Congress_1995.pdf

²¹ Манба: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml

²² Модельный закон Содружества независимых государств “О борьбе с коррупцией” (03.04.1999 г.). Антикоррупционные документы: международный и национальный опыт борьбы с коррупцией. - М., 2004.

Таъкидлаш жоизки, тушунчаларни кенг тарзда таърифлаш тадқиқот дастурини тузишни янада осонлаштиради ва кейинги босқичларга – эмпирик интерпретация қилиш босқичига ўтиш имконини беради.

Тушунчаларни эмпирик интерпретация қилишга бўлган заруратнинг моҳияти шундан иборатки, тингловчилар илмий адабиётлар ва ахборот базалари билан ишлаш жараёнида маълум бир тушунчалар ёки ижтимоий ҳодисаларни таърифлашда кўплаб турли ёндашувларга дуч келадилар ва бу ўз навбатида маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шундай вазиятларда тушунчаларни операционализациялаш жараёни тингловчилар учун қўл келади. Тадқиқот натижалари объективлиги айнан у ёки бу базавий тушунчаларни тўғри танлаш ва ишлатишга боғлиқ.

Шунинг учун нафақат магистрлик иши доирасида, балки ундан каттароқ қамровдаги илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳам асосий тушунчаларни эмпирик интерпретациялаш (шарҳлаш, изоҳлаш, талқин қилиш) ва тушунчавий аппаратга аниқлик киритиш тадқиқотнинг мажбурий шартларидан бири сифатида киритилиши лозим.

Ушбу жараён шартли равишда икки босқичга бўлинади: атамалар ва тушунчаларни унификация (бир хиллаштириш, уйғунлаштириш) қилиш; ўлчанаётган кўрсаткичлар ва индексларни аниқлаш. Одатда бу жараён тадқиқот объекти бўйича тегишли адабиётларни таҳлил қилишдан бошланади. Базавий тушунчалар аниқланади ва уларни изоҳлашдаги мавжуд қарама-қаршиликлар, зиддиятларга шарҳ берилади.

Масалан, агар биз ўз илмий тадқиқотимиз объектини «**шахс хавфсизлигини таъминлаш жараёни**», тадқиқот предметини эса «**шахс хавфсизлигини таъминлашга таҳдидлар**» сифатида танлаган бўлсак, у ҳолда, биз ўз фаолиятимизни қуйидаги тартибда амалга оширишимиз керак бўлади:

Атамалар ва тушунчаларни унификация қилиш

Бу ерда «**Шахс хавфсизлигини таъминлаш**» тушунчаси семантик (маъновий) изоҳининг бир неча вариантини кўриб чиқамиз ва мазкур мулоҳазалар умумий маъносини изоҳлаш ёки унификация қилиш йўли билан мантиқий солиштирилган ҳолдаги ўз таърифимизни шакллантиришга ҳаракат қиламиз:

Вариант А. Шахс хавфсизлигини таъминлаш – бу шахснинг хавф ва таҳдидлардан ҳимояланганлиги;

Вариант Б. Шахс хавфсизлигини таъминлаш – бу шахснинг ўз моҳиятини сақлаш ва мақсадли йўналтирилган турли омилларнинг бузғунчи ҳаракатлари шароитида ўзини ўзи ривожлантириш қобилияти;

Вариант В. Шахс хавфсизлигини таъминлаш – бу шахс ҳаётий фаолиятида унга моддий ва маънавий бойликларини сақлаш ва кўпайтиришга имкон берувчи шарт-шароитнинг мавжудлиги;

Вариант Г. Шахс хавфсизлигини таъминлаш – ўзининг мутлақ ифодасида ёки идеал шароитларда – бу моддий ва маънавий муҳитда хавф ва таҳдидларнинг йўқлиги;

Вариант Д. Шахс хавфсизлигини таъминлаш – бу шахс ҳаётий муҳим манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан конституциявий, қонуний ва амалий чоралар билан кафолатли ҳимояланганлиги.

Кўриб турганимиздек, амалиётда маълум бир тушунчага таъриф беришда бир вақтнинг ўзида сиёсий-ҳуқуқий, фалсафий, методологик ва бошқа турли ёндашувлар қўлланилганда, шу каби кўплаб вазиятлар учраб туради. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Ўзимизда мавжуд турли изоҳларнинг маъновий таҳлилини олиб бориш йўли билан «Шахс хавфсизлигини таъминлаш» тушунчасига энг маъқул таърифни беришга ҳаракат қиламиз. Мазкур процедура (тартиб) тадқиқот объекти моҳиятини аниқ очиб беришга, унинг энг муҳим элементларини ажратишга ва маълум даражада эмпирик тадқиқотни енгиллаштиришга ёрдам беради.

Мисол учун, шахс хавфсизлигини таъминлаш – бу шахс ҳаётий муҳим манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан кафолатли ҳимоясидир.

Кейин, мазкур тартибни ўрганилаётган муаммонинг энг муҳим нуқталарини ифода этадиган барча асосий тушунчалар устида олиб бориш керак бўлади. Сабаби «шахс хавфсизлиги» атамаси унинг моҳияти ва ички тузилмасини очиб берадиган кўплаб бошқа базавий тушунчаларни қамраб олади: ташқи ва ички таҳдидлар, шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар, манфаатлар ва бошқ.

Шундан сўнг иккинчи босқичга мантикий ўтилади.

Ўлчанаётган кўрсаткичларни талқин қилиш²³

Агар биринчи босқичда тадқиқот объектига изоҳ берган бўлсак, ишнинг ушбу босқичида эса мақсадли ўрганиш учун биз томондан танлан-

²³ Ядов В.А. Стратегия социологического исследования. – М.: Добросвет, 2000. - Б.84.

ган тадқиқот предмети қисмларга ажратилади, яъни тадқиқот предметига доир базавий тушунчалар тор ва кенг маънодаги атамаларга айлантирилади.

Бу ерда эмпирик белгилар ёрдамида таҳлил қилинаётган тушунчаларнинг мазмуни, хусусияти ва бошқа кўрсаткичлари аниқланади.

Мазкур эмпирик кўрсаткичлар аниқ ҳодиса ва фактлар билан солиштириш имкониятига эга бўлиши лозим. Айнан ушбу операционал атамалар тадқиқотчига предметнинг ўлчанаётган кўрсаткичларини аниқлашга, керакли маълумот мазмунини ва мавжуд маълумотларни қайд этишга ёрдам беради.

Масалан, агар таҳдид – бу шахс, жамият ва давлат манфаатларига жисмоний, моддий ва бошқа кўламда зиён етказадиган реал ёки потенциал хавф-хатар мавжудлиги бўлса, у ҳолда, тушунча изоҳи ёрдамида қандай тушунчалар орқали мазкур хавф-хатарнинг мавжудлиги ёки йўқлигини қайд этилиши аниқланиши лозим.

Мисол

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасига таърифлар

Муаллифлар	Тушунчанинг моҳияти
Сенчагов В.К. ²⁴	Иқтисодий хавфсизлик (ИХ) – иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг шундай ҳолати, унда ички ва ташқи жараёнларнинг энг ноқулай ривожланишида ҳам миллий манфаатлар ҳимояси, мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган ривожланиши, етарли даражадаги мудофаа потенциали кафолатли таъминланади.
Степашин С.В. ²⁵	ИХ давлатнинг қонунчилик, ижроя ва суд ҳокимиятлари орқали фаолият кўрсатиш режими сифатида қаралиб, бунда унинг иқтисодий манфаатлари ташқи ва ички таҳдидлар ҳамда таъсирларга нисбатан мустаҳкамлиги ва мустақиллиги таъминланади.

²⁴ Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник. Под ред. В.К.Сенчагова. 2-изд. – М.: Дело, 2005. – С.72.

²⁵ См. Международные экономические отношения: Учеб. пособие для вузов. Под ред. проф. Л.Е.Стровского. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – С.433.

Илларионов А. ²⁶	ИХ – иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитларнинг шундай мутаносиблигики, унда узоқ давр мобайнида аҳоли жон бошига максимал миқдорда иқтисодий ресурсларни энг самарали усул билан ишлаб чиқариш таъминланади.
Олейников Е.А. ²⁷	ИХ – хавф ва таҳдидлардан ҳимоя қиладиган мамлакат мудофаа қобилятини шакллантирувчи, жамиятнинг барча аъзолари ва ундаги алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг фаровонлигини оширишни таъминловчи ҳамда мамлакат иқтисодий потенциалининг прогрессив иқтисодий ривожланишини белгиловчи иқтисодий муносабатларнинг ҳимояланганлигидир.
Грунин О.А., Грунин С.О.	ИХ – халқ ҳўжалигининг мавжуд ва фавқулдда юз берувчи хавф ва таҳдидларга қарши турадиган, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи, инқирозли чегарадан паст бўлмаган даражада жамиятнинг реал иқтисодий эҳтиёжларини қондира оладиган даражада кенг миқёсда барқарор ривожлана олиш имкониятидир.
Абалкин Л.И.	ИХ – шароит ва омилларнинг шундай мажмуасики, у миллий иқтисоди-ётнинг мустақиллигини, барқарорлиги ва чидамлилигини, доимий янгиланиш ва такомиллашиш имкониятларини таъминлаб беради.
Афонцев С. ²⁸	ИХ – бу миллий иқтисодий тизимни келиб чиқиши иқтисодий ёки сиёсий бўлган ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан барқарорлиги бўлиб, у потенциал шок манбаларини нейтраллаштириш ва содир бўлган шоклар оқибатидаги зарарларни минималлаштиришда намоён бўлади.

²⁶ Илларионов А. Критерии экономической безопасности // Вопросы экономики. – М., 1998. – №10. – С.49.

²⁷ Экономическая и национальная безопасность: Учебник. Под ред. Е.А.Олейникова. – М., 2005. С.128.

²⁸ Афонцев С. Национальная экономическая безопасность: на пути к теоретическому консенсусу // Мировая экономика и международные отношения. – М. 2002. – №10. – С.35.

Ғарб мутахассис- лари таърифлари	ИХ: ▪ ҳукумат томонидан иқтисодий сиёсат соҳа-сида белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур шарт-шароитлар; ▪ барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит; ▪ мамлакатнинг халқаро хавфсизлигининг иқти-содий ўлчови; ▪ ноқонуний иқтисодий фаолиятга чек қўйиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъмин-лаш учун шарт-шароитлар; ▪ ўз товарларини сотиш ва хом ашё бозорларига кириш имкониятларини берувчи шарт-шароитлар.
Маҳаллий мута- хассислар ²⁹	ИХ – хўжалик субъектлари самарали фаолият кўрсатишларини бевосита таъминловчи ва кафо-латловчи ҳуқуқий муҳит, ҳолат ва режим.

Лекин, агар биз таҳдидни шахс хавфсизлигини таъминлаш нисбатида кўрадиган бўлсак, демак, мазкур тушунча таърифида келтирилганидек, шахснинг кафолатланган манфаатларига қаратилган таҳдидларнинг белги-ларини санаб бериш керак бўлади.

Шу боис, тадқиқот предметини эмпирик изоҳлаш учун шахс манфаатла-рига қаратилган таҳдидларни тизимга солишга ҳаракат қиламиз (*1-илова*).

Шуни айтиш жоизки, тушунчаларни тўла эмпирик интерпретация қилиш имконияти йўқ, лекин тушунчаларга максимал равишда аниқлик киритиш, ўрганилаётган кўрсаткичларни имкон қадар тизимга солиш тадқиқотни сама-рали олиб бориш имконини беради.

Агар дастлаб ҳар қандай тадқиқот мавзуси номланиши умумий ха-рактерга эга бўлган бўлса, тегишли тушунчалар изоҳидан сўнг тадқиқотчи муаммоли вазиятни бир мунча аниқ шакллантиришга эришади. Айнан тушунчалар изоҳидан сўнг изланувчи тадқиқот предмети тўғрисида тўлиқ таассуротга эга бўлади ҳамда нимани ўрганиш кераклиги, маълумотлар йиғишда аниқланган ўзига хосликларни қайд этишда қандай методлардан фойдаланиш кераклиги маълум бўлади.

²⁹ Проект Концепции экономической безопасности. ИСМИ. – Т. 2004. – С.1.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тушунчалар изоҳини магистрлик диссертациясининг асосий қисмида келтириш талаб этилмайди. Шунинг учун барча тушунчаларни глоссарий сифатида иловада келтириш тавсия этилади.

Миллий хавфсизликнинг хавф даражалари тушунчалари

Хавфсизлик тушунчасига берилган анъанавий таърифда хавф ва таҳдидлар, унинг асосини ташкил этишига айтилади. Улар шахс, жамият, давлат ва халқаро ҳамжамят ривожининг доимий йўлдоши ҳисобланади. Шу боис ушбу ҳодисалар ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабабларга ўз вақтида ва етарли даражада эътиборни қаратмаслик, миллатлараро зиддиятлар, ҳокимиятга ишончсизлик, давлатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг таъсирини ошиб кетиши ва шу каби бошқа кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хавф ва таҳдидларнинг таснифи

Хавф ва таҳдидларни келтириб чиқарувчи манбаларнинг ранг-баранглиги муайян таснифни талаб этади. Хавф ва таҳдидларни қуйидаги белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин:

- таъсир кўрсатиш объектларига нисбатан – ташқи ва ички;
- хавфсизлик соҳалари бўйича (экологик, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва ҳ.к.);
- макон ёки кўламига кўра (халқаро, минтақавий ва миллий);
- намоён бўлиш услуби ва шаклларига кўра (баёнот, келажақда хавф туғдириши мумкин бўлган ва ҳимоя чоралари кўрилишини талаб қилувчи шарт-шароитлар мажмуи, аниқ ҳаракатлар ва ҳ.к.);
- манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучларига кўра (табиий, инсон фаолияти билан боғлиқ ва ҳ.к.);
- ижтимоий хавфлилик даражасига қараб (риск, таҳлика, хавф ва таҳдид) ва бошқалар.

Қуйида ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифланган хавф турларига тўхталиб ўтилади. Улар ривожланиб бориш ёки хавфсизлик субъектлари манфаатларига нисбатан хавфлилик даражасига қараб, қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилган: риск-таҳлика-хавф-таҳдид.



Риск – одатда хавфсизлик субъектларининг бевосита фаолияти натижасида вужудга келадиган ноқулай ва кўнгилсиз вазиятларни англатувчи хавфнинг энг кичик кўриниши/тури ҳисобланади. Риск доимо қандайдир эҳтимолликдир.³⁰

³⁰ Бобокулов И.И. Хавфсизлик. Луғат. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – Б.45.

Субъектнинг бирор-бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги вужудга келган янги шарт-шароитлар таъсирида у ёки бу ҳолатга ўтиши мумкин.

Риск, одатда, муайян қарорнинг натижаси бўлиб, нафақат танлаш, балки истиқболдаги воқеалар ривожини ва маълум йўқотишларни ҳам баҳолаш субъект билан боғлиқ. Мисол учун, атом электростанциясини (АЭС) қуриш масаласида расмий ҳукумат (хавфсизлик субъекти) олиниши кутилаётган иқтисодий, сиёсий фойда (дивиденд) билан турли сабаблар натижасида АЭС келтириши мумкин бўлган эҳтимолдаги зарарни қиёсий таҳлил этиш орқали уни қуриш ёки қўрмаслик борасида сиёсий қарорни қабул қилади. Шунинг учун хавфнинг мазкур турини хавфсизлик субъектининг «онгли фаолияти» маҳсули сифатида кўриш мумкин. Иккинчи томондан, ўзга субъект ва акторларнинг фаолияти ҳам риск сифатида баҳоланиши мумкин.



Таҳлика – бевосита муайян таҳдид характериға эға бўлмаса-да, бироқ, шубҳасиз равишда бартараф этувчи ва олдини олувчи чоратадбирларни амалға оширилишини талаб этувчи ҳолат/ҳодиса/вазият ёки уларнинг мажмуидир.

Таҳликани бартараф этиш учун узоқ муддатли иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа шу каби комплекс чоратадбирларни амалға ошириш зарур бўлади. Ишсизлик алоҳида ижтимоий ҳодиса тарзидаги таҳликаға мисол бўлиши мумкин. Хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, ишсизлик, наркомания, коррупция каби ижтимоий ҳодиса ва иллатларнинг йиғиндисини ҳам хавфнинг мазкур туриға киритиш мумкин.



Хавф (хатар) – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий ва мунтазам равишда бузилиши, жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятларини емириш, давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига жиддий зарар етказиш қобилятиға эға эҳтимолдаги (ёки реал) воқеа/ҳодиса/жараён/ҳолат.

Хавф – зарар етказиш, яъни хавфсизлик объекти структураси ёки бошқа хусусиятларини ўзгартириш орқали унинг чидамлилиги ва рақобатбардошлилиги салоҳиятини камайтириш эҳтимолидир.



Таҳдид – хавфнинг энг олий даражаси бўлиб, унда нафақат яққол ният, балки хавфсизлик объектиға бевосита зиён етказиш қобиляти ва тайёргарлик намоён бўлади.

Хавфнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, миллий хавфсизлик концепцияларида фақатгина таҳдидлар белгилаб берилади. Бу ҳолат мазкур тур хавфларнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

Таҳдид – хавфнинг аниқ ва бевосита шаклидир. Унинг предмет характериға эға эканлиғиға яққол мисол, таҳдидларнинг жиноят қонунчилиғиға ўз аксини топишидир. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида агрессия, терроризм, коррупция каби жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган жиноятлар қайд этилган.

 **Зарар** – тизимнинг туб моҳиятини белгилловчи хусусиятлар ҳамда тизим мавжудлиғининг шарт-шароитлари ўзғариши натижасида унинг барқарорлиғи ёки чидамлилиғининг сусайиши ҳисобланади.

 **Бардошлилик (чидамлилик)** – тизимнинг турли вайронкор омиллар таъсириға қарамасдан, кўнгилсиз оқибатларнинг камайтирилишини келтириб чиқарувчи аксил таъсир чораларни ишға солиш йўли билан ёки кўнгилсиз ташқи таъсирларға нисбатан табиий қаршилиқ натижасида ўзининг асосий хусусиятларини сақлаб қолиш қобилиятидир.

 **Барқарорлик** – тизимға нисбатан сезиларли салбий таъсирларнинг мавжуд эмаслиғи, ёки узоқ муддат мобайнида бундай таъсирларға нисбатан унинг бардошлилиғи таъминланиши натижасида муайян вақт давомида тизимнинг муҳим хусусиятлари сақланиб қолиши ҳолати.

Авваламбор, шахс, жамият ва давлатға раҳна солувчи хавф ва таҳдидлар ҳамда уларни келтириб чиқарувчи бирламчи сабабларға аниқлик киритиб олиш зарур. Агар хавф ва таҳдидларға жамиятда мавжуд бўлган зиддиятларнинг маҳсули сифатида қаралса, хавфсизликка раҳна солувчи таҳдидлар билан курашда уларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашнинг муҳимлиғи намоён бўлади. Уларни аниқлаб олмасдан ва бартараф этмасдан туриб, хавфсизликни самарали таъминлаш мумкин эмас. Зиддиятлар муқим ҳолатда эмас, балки улар турли ички ва ташқи омиллар таъсирида ўз моҳияти ва йўналишини ўзгартириб туради.

Бевосита, *таҳдидлар билан кураш – уларнинг оқибатлари билан кураш демакдир. У фақатгина вақтинча самара беради, муаммоларни қисман ечимини таъминлайди.* Сақланиб қолган хавф манбаи бир мунча вақтдан сўнг, қулай шарт-шароитлар натижасида, янги хавфларни келтириб чиқаради ва маълум омиллар таъсирида бу хавфлар жуда тез суръатларда

тахдидлар даражасигача ўсиб боради. Шу муносабат билан хавфсизликни таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий усул ва воситалари хавфнинг манбаларини бартараф этишда ва хавфсизликнинг самарали таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Таҳдидларга қарши кураш – бу асосан мудофаа, уларнинг манбаларига қарши кураш эса стратегик ҳужумдир (А. Першин). Хавф манбалари ва уларнинг намоён бўлиш шакллари бир бутун уйғунликда ва тизим сифатида кўришгина уларга қарши курашда самара бериши мумкин.

Демак, таҳдид муайян манфаат билан бевосита боғлиқ. У субъект манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган фаолият эркинлигини чеклайди. Ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни кўрмаслик, боғлиқликни кучайишига, хавфсизлик тизимини емирилишига, давлат ва жамиятни инқирозига олиб келади.

Миллий хавфсизлик – сиёсий-ҳуқуқий қадриятдир. Бироқ бугунги кунда у мутлақ мавқега эга эмас. Мустақиллик, эркинлик, инсон ҳуқуқлари каби унга муқобил жамият ва давлат ривожига ўз ўрнига эга бўлган қадриятлар мавжуд ва уларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Бироқ, қадриятлар тизимида хавфсизлик бирламчи аҳамиятга эга. Чунки қайд қилиб ўтилган қадриятларнинг таъминланиши, ҳимоя қилиниши ва мустаҳкамланиши хавфсизлик, яъни барқарор ҳолатнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Миллий хавфсизлик – субъектлараро муносабатларнинг маҳсулидир. Субъективлик миллий хавфсизликнинг барча таркибий қисмларига хос жиҳат. Жумладан, миллий хавфсизлик сиёсати, унинг куч ва воситалари, манфаатлар ва таҳдидлар бевосита субъектларнинг ўзаро муносабати натижасида ишлаб чиқилади ва аниқланади.

«Миллий хавфсизлик» – норматив тушунча. Хавфсизлик субъектларининг амалий фаолияти учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган «миллий хавфсизлик» тушунчаси муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Чунки амалдаги қонунчилик ҳужжатлари давлатнинг хавфсизлик борасидаги расмий қарашлар тизимини белгилаб бериш билан бирга, миллий хавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади. Табиийки, хавфсизлик/ҳуқуқ субъектининг фаолияти амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши лозим. Хавфсизликнинг қай тарзда, яъни тор ёки кенг маънода таърифланиши жамият ва давлат тараққиёти ҳамда инсон фаолияти соҳаларининг ўзаро мувозанатини таъминлашда муҳим ўрин тутади.³¹

³¹ Бобокулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т.: Олий мактаб, 2019. – Б. 48-52.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқот иши аниқ методологияга асосланади ва унинг талаблари, мезонлари асосида олиб борилади. Шунинг учун ҳар бир илмий тадқиқот, унинг намоён бўлиш шаклидан ва туридан келиб чиққан ҳолда тегишли методларини ўз ўрнида қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот методологияси моҳиятини тўлиқ тушуниб олиш эса тадқиқот ишининг муваффақиятли тугаши гаровидир. Илмий тадқиқотларда методологик базани тўғри ва мукаммал ишлаб чиқиш тадқиқот натижаси учун ўта аҳамиятлилигини инобатга олиб, илмий тадқиқот методологияси фани тадқиқотчилар учун ҳам қанчалик муҳимлигини билиб олиш мумкин.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Илмий тадқиқот, индивидуал илмий тадқиқот, ҳамкорликдаги илмий тадқиқот, техникавий илмий тадқиқот, педагогик тадқиқот, фундаментал, амалий, тажриба-конструкторлик ва инновацион ишланмалар, мувофиқлик принципи, тўлдирувчанлик принципи, фальсификация принципи, редукция принципи, яхлитлик принципи, контрредукция принципи, тизимли ёндашув, моделлаштириш принципи ва ўхшатиш методи, тарихийлик принципи.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Илмий тадқиқотнинг намоён бўлиш шаклларини изоҳланг.
2. Илмий тадқиқотларнинг қандай турлари бор? Мисоллар келтиринг.
3. Мувофиқлик ва тўлдирувчанлик принцип-ларининг ўзаро фарқи нимада намоён бўлади?
4. Илмий тадқиқот ишларининг қамрови ва мақсадига кўра қандай турларга ажратилади?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Тадқиқот мавзусини танланг ва танқидий кўриб чиқинг.
2. Сиз танламоқчи бўлган мавзу қайси турдаги илмий тадқиқот ишига тааллуқли эканлигига ойдинлик киритинг.

3-мавзу. ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК ДАСТУРИ

Кириш

3.1. Илмий тадқиқот дастурининг (илмий аппарат) умумий тавсифи.

3.2. Илмий тадқиқот мавзусини танлаш (шакллантириш) ва муаммонинг қўйилиши.

3.3. Тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослаш.

3.4. Тадқиқот мақсади ва вазифаларини, объекти ва предмети шакллантириш.

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар



КИРИШ

Ушбу мавзу илмий ишни бошловчилар учун тадқиқотнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлган илмий тадқиқот дастурини ишлаб чиқишга бағишланади.

Ҳар қандай илмий тадқиқот олиб боришда даставвал тузиладиган дастур ўз ичига муаммони қўйилишидан тортиб, унинг долзарблигини, унинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети, гипотезаси, муаммони ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг назарий ва методологик базасини аниқлаш кабиларни қамраб олади.

Айрим ҳолларда тадқиқот методологиясини нотўғри тузилиши оқибатида тадқиқотчи муаммони тизимли таҳлил қилишда қийналади ва илмий иш қўзланган натижани бермайди.

3.1. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ДАСТУРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ҳар қандай илмий тадқиқот унинг туридан қатъи назар муаммони ўрганиш, мақсад ва вазифаларни, ишлаб чиқиш, объект ва предметни белгилаш, назарий-методологик моделни тузишдан бошланади. Бу жараён **илмий тадқиқот дастурида** ўз аксини топади.

Дастур илмий тадқиқотнинг стратегик характериға эға ҳужжати ҳисобланиб, унинг асосий мақсади – тадқиқот доирасига кирувчи келажакдаги тадбирлар режасини тузиш, бутун тадқиқот концепциясини баён этишдан иборат.


Илмий тадқиқот дастури қуйидаги қисмларни тўлиқ ва аниқ баён этиш орқали тузилади:

-  – **назарий-методологик қисм** – муаммони шакллантириш ва асослаш, мақсадни ва вазифаларни белгилаш, тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш, асосий тушунчаларни мантиқий таҳлил қилиш, тадқиқот гипотезаси шакллантириш;
-  – **методик қисм** – маълумотларни йиғишда ва таҳлил қилишда фойдаланилиши мумкин бўлган методларни тавсифлаш, маълумотларни қайта ишлаш мантиқий тузилмасини ишлаб чиқиш ва ташкилий режани белгилашдан иборат.

Тадқиқот дастурини тузиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- муаммони қўйилиши;
- тадқиқот мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- асосий тушунчаларни мантиқий таҳлил қилиш ва шарҳ бериш;
- тадқиқот предметининг назарий моделини тузиш;
- гипотезани ишлаб чиқиш;
- тадқиқот объекти эмпирик схемасини ишлаб чиқиш;
- методларни танлаш;
- олинган маълумотларни қайта ишлаш ва уларга изоҳ бериш;
- тадқиқот натижаларини амалиётда текшириш;
- хулосалар ва илмий мақолаларни тайёрлаш.

Илмий тадқиқот дастури схемаси



Шуни айтиш жоизки, тажрибали олимлар ҳам тадқиқот дастурини тузишга бутун тадқиқотга кетган вақтнинг тахминан 30 фоизини сарфлайдилар. Бу билан дастурнинг тадқиқот натижаларини муваффақиятли яқунланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

3.2. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИНИ ТАНЛАШ (ШАКЛЛАНТИРИШ) ВА МУАММОНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

Одатда магистрлик диссертацияси мавзулари долзарб илмий муаммолар ёки аниқ бир амалий масалаларни ечишга қаратилади³².

Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган узоқ жараённинг муҳим дастлабки босқичи ҳисобланади.

Мавзунини тўғри танлаш (шакллантириш) тадқиқот стратегияси ва илмий изланиш йўналишини аниқлаб, магистрантнинг қизиққан йўналиши учун ва унинг иш жараёнидан, шунингдек, натижалардан қониқиши учун бирламчи шароитларни яратиб беради.

Магистрлик иши малакавий иш ҳисобланади, шу боис ҳам тадқиқотчининг мавзунини танлай олиши ва ушбу мавзунини замон билан ҳамнафаслик ва мамлакат миллий манфаатлари нуқтаи назардан тушуниши ва баҳо бериши, унинг илмий салоҳиятини ва профессионал тайёргарлигини тавсифлаб беради.

Магистрантга ўз тадқиқот мавзусини мустақил танлаш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, унга таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари томонидан ҳамда тегишли вазирлик ва идоралардан олинган таклифлар асосида шакллантирилган мавзулари рўйхати тақдим этилади.

Магистрантларнинг тадқиқот ишига киришиш босқичиданоқ туғиладиган қийинчиликлардан бири – бу олдинда турган тадқиқот йўналишини танлаш, муаммони идрок этиш ва мавзунини шакллантириш ҳисобланади.

Мавзунини имкон қадар шундай шакллантириш лозимки, токи унда тадқиқотнинг асосий ғояси ва муаммоси аниқ кўриниб турсин.

Умуман, магистрлик даражасидаги илмий тадқиқот мавзуларига қўйидаги талаблар қўйилади:

- мавзу бугунги кунда ечилиши талаб этилаётган долзарб муаммо билан боғлиқ (эскирмаган муаммо) бўлиши;
- мавзуда тадқиқотнинг *асосий ғояси аниқ* акс этиб туриши;
- мавзу янги илмий вазифани бажариши ва илмий янгиликка эга бўлиши, яъни илмий муаммонинг мавжудлиги;
- назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши;

³² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сонли “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига илова, IV.20 / <https://lex.uz/docs/2579469>

– *илмий жамоа профилига мос келиши (масалан психология мутахассислиги доирасидаги муаммолар билан боғлиқ ишлар);*

– *илмий тадқиқот натижаларини татбиқ этиш имкониятининг мавжудлиги (аниқ истеъмолчининг мавжудлиги);*

– *муаммони ўрганишда маҳаллий ва хорижий олимлар ишлари билан ҳам яқиндан танишиб чиқиш (велосипедни қайта ихтиро қилмаслик мақсадида) лозим.*

Амалиётда барча қамровдаги тадқиқот фаолияти йўналишлари (малакавий-битирув ишлари, магистрлик, докторлик диссертациялари (*PhD* ва *DSc*), ахборот-таҳлилий ишлар, *илмий-тадқиқот лойиҳалари* ва бошқа турдаги тадқиқотлар) маълум потенциал истеъмолчилар манфаатлари билан боғлиқ бўлади ва улар мазкур йўналишлар бўйича буюртмачи ҳисобланадилар.

Одатда, таълим муассасаларида магистрлик диссертацияси мавзулари ички (кафедралар, илмий бўлимлар ва марказлар) ёки потенциал истеъмолчилар (вазирлик ва идоралар) манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ва уларнинг таклифлари асосида тегишли кафедралар томонидан ишлаб чиқилади. Шунинг билан бирга, Олий мактаб тингловчилари учун миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш соҳасида долзарб тадқиқотлар мавзулари рўйхати ҳамда республиканинг тегишли вазирлик ва идоралардан келиб тушган буюртмалари магистрлик диссертацияси учун мавзу сифатида танланиши мумкин.

Бундай буюртмалар расмий хат ёки бошқа қўшма дастурий ҳужжатлар сифатида расмийлаштирилади. Айнан шу ҳужжатлар олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарблигини аниқлашда асосий мезон сифатида хизмат қилади. Шунини айтиш жоизки, айрим ҳолларда тадқиқот мавзулари устувор йўналиш сифатида шаклланган мавзулардан ҳам танлаб олиниши мумкин. Ўз навбатида, тадқиқотчининг у ёки бу кўринишдаги тадқиқотларни олиб бориш юзасидан мавжуд имкониятидан келиб чиқиб мавзуларга аниқлик киритилиши талаб этилади.

Тадқиқот мавзусини шакллантиришнинг яна бир асосий талабларидан бири – танланаётган тадқиқот мавзуси тегишли мутахассислик йўналишига мос бўлиши лозим. Масалан, Олий мактабда “Сиёсатшунослик: тизимли таҳлил ва истиқболни белгилаш” мутахассислиги, яъни сиёсий фанлар қамрови ва миллий хавфсизлик муаммолари доирасида бўлиши керак.

Тадқиқот муаммосини шакллантириш жараёнига келсак, одатда бу босқичда масаланинг қўйилиши, унга аниқлик киритишдан бошланади.

Мавзуни тўғри шакллантириш тингловчида тадқиқот доирасида базавий билимларнинг мавжудлиги ва муаммоли вазиятни фаҳмлай олиш қобилияти даражасига боғлиқ.

Кўргазмали ва қиёслаш имконияти бўлиши учун қуйида Олий мактабда бажарилган бир нечта магистрлик диссертацияларининг мавзуларини келтирамиз, шу билан бирга уларни қанчалик тўғри шакллантирилганлигини асослашга ҳаракат қиламиз:

Мисоллар:

1. «Шахс хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва услубий муаммолари».

Мавзунини тўғри шаклланганлигини қуйидагича асослаш мумкин: мавжуд адабиётлар ва ҳужжатлар таҳлили шахс хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий-ташкилий механизмнинг етарли даражада шаклланмаганлигидан, *ягона ижтимоий-статистик базанинг*³³ ва ҳолатга баҳо берувчи индикаторларнинг мавжуд эмаслигидан далолат бермоқда, бу эса ўз навбатида мазкур йўналишда айрим ноаниқликларни келтириб чиқармоқда.

2. «Ўзбекистон сиёсий партияларининг аҳоли орасида ахборот-ташвиқот фаолияти».

Бу ҳолатда муаммоли вазият сифатида аҳолини сиёсий фаоллигига ва демократик жараёнлар ривожига салбий таъсир кўрсатаётган қуйидаги омилларни келтириш мумкин: партиялар билан аҳоли орасидаги алоқани ташкил этиш механизмларининг номукамаллиги, сиёсий партияларнинг дастурий ғоя ва режаларини ҳаёлий эканлиги (амалга ошириб бўлмайдиган) ва бошқ.

3. «Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар ҳулқ-атворида ва психологиясига салбий таъсири».

Кундалик кузатувлар ва ижтимоий сўров натижалари шунини кўрсатдики, республиканинг аксарият ёшлари у ёки бу ижтимоий тармоққа уланган ва асосий маълумотни ушбу тармоқлардан олади. Шундай экан, ёшларнинг кундалик ҳаётида бу каби ижтимоий тармоқларнинг роли жуда юқори. Бу ўз навбатида мазкур ҳолатнинг салбий оқибатларини доимий ўрганиб боришни тақозо этади.

³³ Ижтимоий-статистик база — аниқ соҳага тегишли илмий муассаса ёки ушбу соҳани мувофиқлаштириб турувчи давлат органи таркибида соҳа доирасидаги назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини марказлашган ҳолда ҳисобга олиш.

4. “Ўзбекистон Республикаси ёшлари орасида диний мутаассиблашувнинг сабаб ва оқибатлари”

Мамлакатда диний фоннинг ортиши шароитида ёшлар орасида шаърий амалларни бажариш ҳолатларининг ўсиш тенденциясини кузатилаётганлиги (масжидларга қатнов, *диний либос* кийиш, *соқол қўйиш*), шунингдек, улар иштирокидаги ижтимоий муносабатларда анъаналаримизга зид вазиятларни (масалан, ота ва фарзанд ўртасидаги келишмовчиликлар) юзага келаётганлиги, қолаверса мазкур ҳолатлардан экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётганлиги давлат хавфсизлигига таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур ҳолатнинг асосий сабабларини ўрганган ҳолда, уларни олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда юзага келган оқибатлари билан курашишга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарурияти ортиб бормоқда.

Шу ўринда, бизнинг назаримизда нотўғри шакллантирилган бир қатор мавзулардан ҳам мисол келтириб ўтамыз.

Мисоллар:

1. «Диний экстремистик оқимлар давлат хавфсизлигига таҳдид сифатида».

Мавзуни юқорида келтирилган тарзда шакллантириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки мазкур мавзу доирасида ишнинг асосий ғояси экстремистик оқимлар фаолиятининг давлат хавфсизлигига таҳдид эканлигини исботлашга ҳаракат қилинади, ваҳоланки, бунини исботлашга эҳтиёж мавжуд эмас.

2. «АҚШнинг Марказий Осиёдаги геостратегиясининг геосиёсий жиҳатлари».

Ушбу ҳолатда ҳам мавзуни шакллантиришда мантиқий хатога йўл қўйилганлигини кузатиш мумкин. Геостратегия геосиёсий таҳлилнинг ҳарбий соҳадаги таркибий қисми ҳисобланади, мавзуда аксинча, геосиёсат геостратегиянинг бир жиҳати сифатида қайд этилган.

3. «Осиё-Тинч океани ҳудудининг ўзига хослиги».

Бирор ҳудуднинг ўзига хослиги (сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, этномаданий, демографик ва бошқа жиҳатлардан) қиёсий таҳлил ёрдамида аниқланилади. Шунинг учун Осиё-Тинч океани ҳудудининг умум қабул қилинган чегараси ва ушбу гуруҳга кирувчи давлатлар сонининг белгиланмаганлиги сабабли юқорида айтилган жиҳатлар бўйича ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш қийин бўлади, шу билан бирга солиштириш учун бу каби ҳудуд мавжуд эмас. Шунингдек, бир диссертация (айниқса, магистрлик иши) доирасида бу каби йирик, *кўплаб бир-биридан тубдан фарқ қилувчи давлатларни ўз ичига олувчи* ҳудуднинг ўзига хослигини очиб бериш имконияти бўлмайди.

Мавзунини танлашда **муаммоли вазиятни** ёки **илмий муаммони** кўра билиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мавзу доирасида муаммони аниқлаш, уни асослаш ва унинг асосида мавзу шакллантириш масаласига тўхталамиз.

Таърифлар:

🔥 **Муаммоли вазият** – ўрганилаётган объект тараққиётининг нобарқарорлиги, келгуси тараққиёт талабларига мос келмаслик ҳолатидир.


🔥 **Муаммо** – идеал ҳолат (қўйилган мақсад) билан бугунги ҳолат ўртасидаги тафовут (тафовут қанча катта бўлса, муаммонинг қамрови ҳам шунга мос бўлади).

Таъриф:

🔥 **Илмий муаммо** – муаммони илмий акс эттириш шакли ҳисобланади, яъни мазкур муаммони ечишнинг илмий асослари мавжуд эмаслиги ёки етарли даражада шаклланмаганлиги, муаммони ечиш учун илмий асосланган тавсияларнинг мавжуд эмаслиги (у маълум соҳада мавжуд қарама-қаршиликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга ва уларнинг ечимини топишга бўлган зарурат сифатида акс этади).

Тадқиқот ишини олиб боришда, юқорида келтирилган таърифлар асосида дастлаб, **амалий муаммони**, унинг асосида эса **илмий муаммони** шакллантириш лозим.

Мисол: қуйидаги мисолда (3.1-чизма) амалий муаммо таърифидан келиб чиққан ҳолда реал ҳолат билан исталган ҳолат ўртасидаги тафовутни аниқлашга ҳаракат қиламиз, сўнгра илмий муаммони шакллантираемиз:



3.1-чизма. Ёшлар орасида гиёҳванд ва психотроп моддалар истеъмоли билан боғлиқ амалий ва илмий муаммони шакллантириш алгоритми

Ушбу алгоритм асосида қуйида Олий мактабда бажарилган диссертациялар доирасида шакллантирилган амалий ва илмий муаммолардан мисоллар келтираемиз.

Мисоллар:

1-мисол:

Муаммо: Ўзбекистон ёшлари орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмол қилувчиларининг ортиб бораётганлиги.

Илмий муаммо: Ўзбекистон ёшлари орасида гиёҳванд ва психотроп моддалар истеъмол қилинишига қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга бўлган зарурият.

2-мисол:

Муаммо: Марказий Осиё орқали қуруқликдаги транзит юк ташув ҳажми Европа-Осиё умумий юк ташувида атиги 1 фоизни ташкил этади.

Илмий муаммо: Марказий Осиё давлатларининг транспорт-транзит соҳасида интеграциясининг яхшилаш борасидаги муқобил вариантларнинг илмий жиҳатдан асосланмаганлиги.

3-мисол:

Муаммо: Мамлакатда олий сифатли ғаллага бўлган эҳтиёжнинг асосий қисмини импорт эвазига қондирилиши.

Илмий муаммо: Мамлакатнинг ғалла мустақиллигига сифат жиҳатидан эришишини таъминловчи илмий асосланган механизмнинг мавжуд эмаслиги.

Муаммони тўғри шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- муаммоли вазиятга жавоб топиш учун уни таркибий қисмларга (кичик муаммоларга) бўлиб чиқиш;
- мазкур муаммоларни гуруҳларга ажратиш ва уларни ечиш кетма-кетлигини аниқлаш;
- муаммо қамровини таҳлилчи имкониятидан келиб чиқиб чегаралаш, ўрганиш учун белгиланган масалаларни маълум ва номаълумларга ажратиш.

Муаммони баҳолаш учун қуйидаги амаллар бажарилади:

- муаммони келтириб чиқарувчи барча омилларни (бошқариладиган, назоратдаги ва назорат қилиб бўлмайдиган) ўрганиш;
- муаммони баҳолаш мезонларини шакллантириш ва тизимлаштириш;
- муаммонинг муҳимлилик даражасини аниқлаш;
- муаммони ечиш учун зарур ҳисобланган барча шарт-шароитларни, жумладан, методлар, воситалар, методика ва бошқаларни аниқлаш;
- мавжуд имконият ва шартларни аниқлаш;
- ушбу муаммога ўхшаш аввал ечилган муаммони қидириш.

Муаммони асослаш учун қуйидагилар бажарилади:

- муаммони бошқа муаммолар билан боғлиқлигини аниқлаш;
- муаммони амалда мавжудлигини исботловчи далиллар (факт, аргументлар) келтириш, реал ҳолат ва исталган ҳолат ўртасидаги тафовутни исботловчи маълумотларни келтириш;

– муаммога нисбатан билдирилаётган эътирозлар, келишмовчиликлар ҳақида ёрқин мисоллар келтириш.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, муаммонинг тавсифи тадқиқот қайси йўналишда олиб борилишини белгилаб берган. Муаммонинг тўғри қўйилиши уни англашга ва мавзу доирасида мақсадли йўналтирилган ишни бошлашга имкон беради.

3.3. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДҚИҚОТ МАВЗУЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИНИ АСОСЛАШ

Н.С. Леонов – “долзарблик бугунги ҳаёт кун тартибида турган муҳим муаммоларни ечиш юзасидан қарор қабул қилишда ёрдам бериши керак”



Долзарблик – миллий давлат тараққиётининг устувор йўналишларига мос келиши. Кўпинча, ушбу мезонни муҳимлилик билан белгилаш мумкин. Инглизча – «hot topic» («қайноқ мавзу») тушунчаси билан изоҳланади.

Танланган мавзунинг долзарблигини асослаш – ҳар қандай тадқиқотнинг бошланғич босқичидир. *Тадқиқот мавзусининг долзарблиги қуйидаги мезонлар асосида аниқланади: фойдалилик, аҳамиятлилик, мавридлик, янгилик.* Шунингдек, мавзунинг долзарблиги илмий муаммога таянади.

Мавзунинг долзарблигини асослаганда, қуйида-гиларга эътибор бериш лозим:³⁴

муаммоли вазият ёки амалий муаммо (*танланган мавзуга алоқадор соҳа ёки жараёнларда муаммоли вазиятнинг, салбий тенденцияларнинг мавжудлиги*);

илмий муаммо (*амалий муаммони ечиш юзасидан илмий асосланган таклифларнинг мавжуд эмаслиги*);

давлат сиёсати (*танланган мавзу доирасига қиравчи муаммоларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги*);

муаммонинг оқибатлари (*агар муаммога барҳам берилмаса келажакда миллий манфаатларга турли даражадаги хавф ва таҳдидларни келтириб чиқариш эҳтимолининг мавжудлиги*).

Қуйида Олий мактаб доирасида магистрлик диссертациялари мавзулари долзарблигини асослашга оид мисоллар келтирилган.

³⁴ Муаллиф талқини

1-мисол:

Диссертация мавзуси: “Диний экстремистик ташкилотлар томонидан оммавий тартибсизликларни уюштиришдаги мафкуравий таъсир усулларига қарши курашиш механизмлари”

Мавзунинг долзарблиги қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, диний экстремистик ташкилотлар томонидан оммавий тартибсизликларни уюштиришдаги мафкуравий таъсир усуллариининг янгиланиб бораётганлиги;

иккинчидан, диний экстремистик ташкилотлар томонидан оммавий тартибсизликларни уюштиришдаги мафкуравий таъсир усулларига қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш заруриятининг мавжудлиги;

учинчидан, диний экстремистик ташкилотлар томонидан оммавий тартибсизликларни уюштиришга қаратилган мафкуравий қўпоровчилик фаолиятининг замонавий кўринишлари ва амалга ошириш усуллариининг ўз вақтида ўрганиб борилмаслиги натижасида, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш соҳасида салбий оқибатларни келиб чиқиш хавфининг юқорилиги;

тўртинчидан, давлат сиёсатида мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сонли Қонуни, Давлат Раҳбарининг “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон – 2030 стратегияси”да белгиланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш борасидаги вазифаларни амалиётга тадбиқ этишнинг зарурлиги.

2-мисол:

Диссертация мавзуси: “Ўзбекистон Республикасида ёшлар онгига деструктив ғоялар таъсирини олдини олиш масалалари”

Мавзунинг долзарблиги қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, глобаллашув ва интеграцион жараёнларнинг кучайиб бориши натижасида турли хил мафкуравий хуружлар асосан ёшлар онгига қаратилаётганлиги;

иккинчидан, республикамизда бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолаётган ёшларнинг кўзатилаётганлиги;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасида ёшлар онгига таъсир этаётган деструктив ғояларга қарши курашиш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётганлиги (тегишли дастурлар ва чора-тадбирлар келтирилади);

тўртинчидан, ёшлар онгига таъсир этаётган деструктив ғояларга қарши курашишнинг мавжуд механизмни такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасида ёшлар онгига деструктив ғояларнинг таъсирини олдини олиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишга бўлган зарурат.

Шунингдек, мавзунинг долзарблиги адабиётлар шарҳи натижалари орқали ҳам асосланилади. Яъни мазкур мавзу доирасига кирувчи масала ва муаммолар олимлар ёки тадқиқотчилар томонидан қай даражада ва қандай ўрганилганлиги, муаммонинг қайси жиҳатлари ва қачон тадқиқ этилганлигидан келиб чиқиб танланган объектнинг тегишли жиҳатларини ўрганиш муҳим эканлиги кўрсатилади.

3.4. ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Мазкур мавзу доирасида аввал бажарилган илмий ишлар таҳлили асосида тадқиқот мақсад ва вазифаларини аниқлашнинг тартиб тамойиллари, ўзаро боғлиқлик алгоритми назарий фикрлар юритилади ва амалий мисоллар келтирилади.

Маълумки ҳар қандай тадқиқот инсоннинг бошқа мақсадли фаолиятлари каби маълум натижаларга эришишга йўналтирилган.

Масалан, айрим тадқиқотлар кўрилатган муаммоларни уларни ўрганишнинг янги ёндашувлари ва талқини орқали ечишга ёрдам берса, айримлари эса аниқ масалаларни белгиланган муддатда ечишга ёки муаммо юзасидан аниқ чоралар ишлаб чиқишга қаратилади.



Тадқиқот мақсади – фақат тадқиқот олиб бориш йўли орқали эришиш мумкин бўлган кутилаётган якуний натижа моделидир.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, унинг вазифалари аниқланилади.



Тадқиқот вазифалари – танланган муаммони таҳлил қилиш ва ечишга қўйиладиган аниқ талаблардир.

Тадқиқот дастурининг юқорида биз келтирган 3 та элементи – муаммо, мақсад ва вазифа орасидаги боғлиқлик жуда содда бўлиб, бири иккинчисидан ҳосил бўлади ёки келиб чиқади. Ушбу боғлиқлик алгоритми қуйидаги мисолда келтирилган.

Мисол:

*Қирғизистонда ҳукуматга қарши митинг ўтказилмоқда (**муаммоли вазият**). **Мақсад** – митингга йиғилганларни тинч йўл билан тарқатиш. Тегишли орган раҳбарларига қўйиладиган **вазифалар**: барча керакли чораларни кўриш, тартиббузарликларни олдини олиш, давлат ёки хусусий мулкка зарар етмаслигини таъминлаш, митинг иштирокчилари кайфиятини кескинлашувига йўл қўймаслик ва ҳ.к.*

Мазкур алгоритмни илмий ишларда татбиқ этилишини Олий мактабда бажарилган мавзулар мисолида кўришимиз мумкин.

Мисол:

«Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари (аҳоли бандлигини таъминлаш мисолида)».

Мазкур тадқиқотнинг МАҚСАДИни қуйидагича белгилаш мумкин:
«Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш».

Ўз навбатида бундай мақсадга эришиш учун қуйидаги ВАЗИФАларни ечиш керак бўлади:

- коррупцияга қарши курашиш тушунчаси ва унинг моҳиятини очиб бериш;
- коррупция иллатини тадқиқ этишдаги илмий ёндашувларни ўрганиш;
- аҳоли бандлиги соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини ва уларнинг шаклланиш босқичларини ўрганиш;
- аҳоли бандлиги соҳасида коррупциявий ҳаракатлар доирасини аниқлаш, уларни турлари ва субъектларини таснифлаш;
- аҳоли бандлиги соҳасида коррупциянинг юзага келиши, унинг ўсиш тенденцияларига таъсир кўрсатувчи омилларни таснифлаш;
- аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида коррупцияга қарши курашишда хорижий тажрибани ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш;
- аҳоли бандлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган миллий қонунчиликдаги ва сиёсий асосларидаги мавжуд бўшлиқларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг йўллари белгилаш.

“Мақсад”ни шакллантиришда йўл қўйиладиган хатоликлар ва уларни тўғрилаш бўйича вариантлар:

1) тадқиқот мақсадини шакллантиришда аниқ якуний натижага эътибор қаратилиши лозим, аксинча “ўрганиш”, “таҳлил қилиш” каби жумлалар жараёни англатиб, якуний натижани билдирмайди:

– Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракатлари фаолият услубларини таҳлил этиш ва миллий хавфсизликка таъсирини **ўрганиш (вариант: ...миллий хавфсизликка салбий таъсирини олдини олишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқиш);**

– диний мутаассиб шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи психологик омилларни **ўрганиш (...аниқлаш).**

2) тадқиқот мақсадига эришиш имкони бўлиши лозим, яъни тадқиқот якунида мақсад тўлиқ амалга оширилиши лозим, шунингдек мақсадни шакллантиришда якуний натижа сифатида тегишли муаммони ечимига қаратилган ёки соҳани такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга эътибор қаратилиши лозим:

БМТнинг халқаро хавфсизликни таъминлашдаги фаолиятини тадқиқ этиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш (...Ўзбекистоннинг иштирокини мустақкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш);

Қуролли Кучлар сафида шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган офицерларнинг касбий лаёқатини ошириш (... ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш).

Айрим, яъни мавзунини Ўзбекистонга алоқадорлик даражаси паст бўлган ҳолларда мақсадни қуйидагича шакллантириш мумкин:

– Хитой ташқи сиёсатининг замонавий моделини Ўзбекистон миллий хавфсизлиги кесимида ёритиш;

– Россия - Украина ҳарбий можароси оқибатларини Ўзбекистон миллий манфаатлари кесимида очиқ бериш.

Тадқиқот мақсадига қўйиладиган асосий ТАЛАБЛАР:

1. “Мақсад” танланган мавзу доирасида шакллантирилиши ва унга эришиш имконияти мавжуд бўлиши керак!

Мисол: қуйидаги мисолда мазкур талабга амал қилинмаган:

Мавзу: Марказий Осиёда миссионерлик ҳаракатлари ва уларнинг фаолият услубларининг ўзига хослиги

Мақсад: Минтақадаги миссионерлик ҳаракатлари ва уларга **қарши кураш механизмларини такомиллаштириш.**

Изоҳ: ушбу мисолдаги мақсадни шакллантиришда мавзудан четлаш ҳолати мавжуд, яъни, мавзу Марказий Осиёдаги миссионерлик фаолияти билан боғлиқ ҳаракатлар ва уларнинг ўзига хослигига бағишланган, мақсадда эса миссионерлик фаолиятига қарши кураш масаласи ўртага ташланмоқда. Ушбу ҳолатда минтақа давлатларидаги миссионерлик ҳаракатларига қарши кураш механизмларини такомиллаштириш имконияти Ўзбекистонда бажарилаётган илмий иш доирасида мавжуд эмас.

2. “Мақсад” барча вазифаларни қамраб олиши керак!

Мисол: қуйидаги мисолда мазкур талабга амал қилинмаган:

Мақсад: Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ёшлар ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Вазифалар:

- ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги тушунчасининг моҳиятини очиб бериш;
- ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган илмий ёндашувларни ўрганиш;
- Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асосларини ўрганиб чиқиш;
- Ёшлар ташкилотини ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этиш;
- хорижий давлатларнинг ёшлар ташкилотлари фаолиятига оид тажрибасини таҳлил қилиш;
- ёшлар ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Изоҳ: ушбу мисолнинг якунловчи вазифасида мақсад мантиқан такрорланганлигини кўришимиз мумкин, яъни барча вазифалар изчилликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда мақсадга эришиш учун хизмат қилиши лозим. Вазифаларни тўғри тузиб чиқиш, одатда, муаммонинг (ёки тадқиқот мавзусини) етарли даражада сифатли декомпозиция қилинишига боғлиқ³⁵.

Одатда, охирги вазифа мантиқий якунловчи ҳисобланади.

3. Бир “вазифа” “мақсадни” тўлиқ қамраб олиши ва такрорлаши мумкин эмас!

Мисол: қуйидаги мисолда мазкур талабга амал қилинмаган:

Мақсад: БРИКСнинг давлатлараро бирлашма сифатида халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрнини ёритиш.

Вазифалар:

- БРИКС юзага келишидаги шарт-шароитларни ва ўзига хослигини ўрганиш;
- БРИКСнинг шаклланиш босқичларини тадқиқ этиш;

³⁵ Муаммо декомпозицияси тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, уни амалга ошириш талаблари ушбу дарсликнинг 3-мавзусида батафсил келтирилган.

- БРИКС ва унинг геоиқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш;
- **халқаро муносабатлар тизимида БРИКС омилини ўрганиш;**
- БРИКСнинг шаклланаётган сиёсий институт сифатида ўрнини ўрганиш;
- халқаро муносабатлар тизимида БРИКС фаолиятининг истиқболларини тадқиқ этиш.

Изоҳ: мазкур мисолда ҳам 4-вазифа мақсад билан мантиқан бир хил тарзда шакллантирилган. Ушбу вазифа ўрнига БРИКСнинг давлатлараро бирлашма сифатида шаклланишига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИНИ АНИҚЛАШ

Мавзу бирламчи шакллантирилгач, муаммонинг моҳиятига тўлиқ англаб етилиб, мақсад ва вазифалар белгилангандан сўнг тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланади.


 **Тадқиқот объекти** – муаммоли вазиятни ташувчи (ёки муаммога эга), субъект ёки тадқиқотчининг илмий билиш фаолияти йўналтирилган соҳа ёки жараён.

 **Тадқиқот предмети** – муаммонинг марказида турган масала бўлиб, муаммони ечиш учун ўрганилиши керак бўлган объектнинг энг муҳим хусусиятлари, элементлари, жиҳатлари.

Тадқиқот объекти ва предмети, одатда, тадқиқотнинг қамровини белгилаш учун ишлаб чиқилади. Яъни, тадқиқот доирасида ўрганиладиган жиҳатлар ва масалалар қамрови “объект”дан ташқарига чиқмаслиги лозим. Шу орқали, тадқиқот чегараси белгиланади.

Тадқиқот “предмети” орқали асосий эътибор қаратиладиган жиҳат ёки масала (муаммо) аниқланади. Тадқиқот объекти ва предмети тадқиқотнинг мавзуси ва асосий муаммосидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади (3.2-чизма).





3.2-чизма. Тадқиқот объекти ва предмети нинг мазмун-моҳияти

Мисоллар:

1-мисол:

Тадқиқот МАВЗУСИ: «*Шахс хавфсизлигини таъминлаш муаммолари*»

Тадқиқот ОБЪЕКТИ сифатида муҳим ижтимоий ҳодиса ҳисобланган «*Шахс хавфсизлигини таъминлаш жараёни*» ни қайд этиш мумкин.

Тадқиқот ПРЕДМЕТИни аниқлаш учун ОБЪЕКТ хусусиятлари ва элементларини ажратиб оламиз. Масалан, объект сифатида танлаб олинган «жараён» методологик, ҳуқуқий, институционал жиҳатларни, жараён иштирокчилари фаолиятини, уларнинг ўзаро муносабатларини, унга нисбатан ички ва ташқи таҳдидлар каби қатор компонентларни ўз таркибига олади. Қоида бўйича ушбу элементларнинг ҳар бири тадқиқот характерида келиб чиқиб, ПРЕДМЕТ сифатида танланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқот мавзуси ва объектидан келиб чиққан ҳолда, юқорида қайд этилган объект компонентларининг энг муҳим, яъни бугунги кунда ўрганилиши лозим бўлган жиҳатини предмет сифатида ажратиб олиш мумкин:


Шунда, ПРЕДМЕТ: «*Шахс хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар*».

Тадқиқот МАВЗУСИ: «Ўзбекистон сиёсий партияларининг аҳоли ора-сида ахборот-ташвиқот фаолияти»

Тадқиқот ОБЪЕКТИ: «Сиёсий партиялар томонидан аҳоли билан алоқа-лар ўрнатиш жараёни» ҳисобланади.

Тадқиқот ПРЕДМЕТИ сифатида *“сиёсий партияларнинг ахборот ташвиқот фаолияти механизмлари ва методлари”*ни танлаш мумкин.

Юқорида кўриб ўтилган мисоллар ОБЪЕКТ ва ПРЕДМЕТни турли вариантларда шакллантириш, лекин албатта мавзудан келиб чиққан ҳолда ва асосий муаммони диққат марказда тутган тарзда ишлаб чиқ-лиши лозимлигини кўрсатмоқда. Бу ерда биринчи навбатда тадқиқотчига объектив ҳақиқатни англашга имкон берадиган ва навбатдаги барча ҳара-катлар шуларга қараб йўналтириладиган «моҳият», «ҳодиса», «имконият», «ҳақиқат», «объективлик», «факт», «жараён», «тенденция», «муносабат» каби базавий тушунчаларни қўллай олиш билими ва маҳорати муҳим ҳисобланади.



Умуман, тадқиқот дастурининг юқорида келтирилган элементлари бир-бири билан ўзвий боғлиқликда шакллантирилиши лозим. Яъни, тан-ланган мавзуси ва предмети тадқиқот объекти доирасига кириши ва ўзаро уйғунликда бўлиши лозим.

ХУЛОСА

Умуман олганда, юқорида кўрилган илмий тадқиқот дастури элементларини аниқ ва мантиқий кетма-кетликда шакллантириш тадқиқот ишини тўғри йўлдан боришига ва кўзланган натижага самарали эришишга ёрдам беради. Бундан ташқари, тадқиқотчилардан диссертация дастурини тузишда унинг барча элементларини мазкур маърузада келтирилган тартибда босқичма-босқич амалга ошириши ва қўйилган талабларга тўлиқ амал қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Тадқиқот дастури, дастурнинг назарий-методологик ва методик қисми, тадқиқот мавзуси, муаммо, илмий муаммо, мақсад ва вазифалар, объект ва предмет.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Илмий тадқиқот дастури нима учун керак ва унинг таркибига нималар киради?
2. Тадқиқот мавзусига қўйиладиган асосий талабларни айтиб беринг.
3. Тадқиқотнинг илмий муаммоси қандай шакллантирилади?
4. Тадқиқот мақсад ва вазифалари қандай шакллантирилади?
5. Тадқиқот объекти ва предмети деганда нимани тушунасиз?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ (ТРЕНИНГ МАШҒУЛОТИ) УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Танлаган тадқиқот мавзусининг долзарблигини асосланг.
2. Танлаган тадқиқот амалий ва илмий муаммосини шакллантиринг.
3. Танлаган тадқиқот мақсади ва вазифаларини шакллантиринг.
4. Танлаган тадқиқот объекти ва предмети шакллантиринг.

4-мавзу.

**ТАДҚИҚОТЛАРДА АМАЛИЙ ВА ИЛМИЙ МУАММО.
МУАММО ДЕКОМПОЗИЦИЯСИ**

Кириш

4.1. Муаммони шакллантириш алгоритми ва уни ўрганиш босқичлари.

4.2. Муаммо декомпозицияси ва унинг асосий тамойиллари, муаммони қисмларга ажратиш усуллари.

4.3. Диссертациянинг намунавий режаси.

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Ушбу маъруза илмий ишни бошловчилар учун тадқиқотнинг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланиб, мазкур босқичнинг асосий мақсади мавзунини (муаммони) деталларга ажратган ҳолда муаммонинг моҳиятини англаб етишдан иборат. Ҳар қандай муаммони таркибий қисмларга ажратиш уни тўлиқ тушуниб етишга, тўғри ва самарали таҳлил этишга ҳамда уни бартараф этиш бўйича объектив ечимларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўз навбатида муаммо декомпозициясининг ўзига хос шартлари, тартиблари ва тамойиллари мавжуд бўлиб, уларни мазкур маърузада мисоллар ёрдамида амалий қўлланма сифатида ёритишга ҳаракат қилинган.

4.1. МУАММОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АЛГОРИТМИ ВА УНИ ЎРГАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Илмий ишнинг дастлабки босқичларида миллий (ёки давлат хавфсизлигининг) хавфсизликнинг маълум бир жиҳатидаги мавжуд муаммо (танланган мавзуга алоқадор) аниқланилади ва у илмий муаммога “айлантирилади”. Яъни ушбу амалий муаммони илмий жиҳатдан ечишнинг зарурати ва уни аввал илмий ечими берилмаганлиги исботланилади.

Ўз навбатида, илмий муаммо ёрдамида амалий муаммони ечишнинг илмий асосланган ечимларини ўзида акс эттирувчи таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотнинг мақсади шакллантирилади.

Ҳар қандай муаммо ҳам илмий бўлавермайди. Илмий муаммолар қолган турдаги муаммолардан шуниси билан ажралиб турадики, улар илмий асослар негизида қўйилади ва асосан илмий билимни кенгайтириш мақсадида илмий методлар ёрдамида ўрганилади.

Бир қарашда муаммолар бир қирралидек бўлиб кўринади, лекин муаммонинг ечимини топиш жараёнида унинг кенг қамровли эканлиги сезилиб қолади. Муаммонинг ечими уни қисмларга ажратилиши, *яъни хусусий муаммолар ечимларини топиш* орқали амалга оширилади. *Улар ҳар қандай хусусий муаммоларни боғловчи, аниқловчи, тугалловчи хусусиятга эга бўлган бош муаммо атрофида жамланади.* Бундай хусусий муаммоларни ечиш тадқиқотчига бош муаммо ечимига жавоб излашда маълумотлар, ахборотлар ва далилларни беради.



Хусусий муаммолар маълум даражада асосий муаммонинг режаларига ўхшаш бўлади.


Бунда тадқиқот манбаини янги алоқадорликлар билан ўрганиш, янги манба билан ёки манбани янги шароитда ўрганишга тенглаш мумкин. Илмий-ижодий фаолиятнинг марказий муаммоси – муаммо ҳар хил турдаги жиҳатлардан иборат эканлиги ва улар орасидаги боғланишнинг хилма-хиллигидир. Улар баъзи ҳолларда алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ҳам кўриниши мумкин ва ҳаттоки алоҳида кичик муаммо ёки мустақил муаммо сифатида ҳам қаралади.

Юқоридагиларга асосланиб, илмий тадқиқот фаолиятидаги муаммо ва илмий муаммо тўғрисида қуйидагича фикрларни келтириш мумкин:

– бирор бир амалий муаммонинг илмий ечими мавжуд бўлмаганда ёки мавжуд ечим керакли натижани бермаган ҳолларда илмий муаммо юзага келади;

– бирор бир амалий муаммодан бир нечта илмий муаммо шакллантириш ҳам мумкин, ушбу илмий муаммолар ичидан энг мақбулини танлашда тадқиқот мавзусига алоқадорлиги қайта алоқа орқали текширилади.

Демак, амалий муаммодан илмий муаммо “ясалади”, илмий муаммодан эса – мақсад. Илмий тадқиқот мақсадига эришиш учун мос равишда тегишли вазифалар ишлаб чиқилади ва мазкур жараён ўзаро боғлиқлик алгоритми талаблари асосида амалга оширилиши лозим (4.1-чизма).



4.1-чизма. Муаммони илмий ечимини топишнинг ўзаро боғлиқлик алгоритми (муаллиф ишланмаси)

Мисоллар:

1-мисол

Муаммо: Интернет медиа маконида давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг ортиб бориши.

Илмий муаммо: Интернет медиа маконида келиб чиқаётган таҳдидларни олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган самарали механизмни ишлаб чиқишга бўлган зарурат.

Мақсад: Интернет медиа маконида келиб чиқаётган таҳдидларни олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган самарали механизмни ишлаб чиқиш.

2-мисол:

Муаммо: Туркиянинг Марказий Осиё ва Яқин Шарқдаги юз бераётган жараёнларга таъсирининг ортиши.

Илмий муаммо: Туркиянинг Марказий Осиё ва Яқин Шарқдаги юз бераётган жараёнларга таъсир этиш воситаларининг илмий жиҳатдан ўрганилмаганлиги.

Тадқиқот мақсади: Туркиянинг Марказий Осиё ва Яқин Шарқдаги юз бераётган жараёнларга таъсир муҳити ва воситаларини аниқлаш

3-мисол:

Муаммо: Маданий экспансиянинг мамлакат аҳолиси турмуш тарзига таъсирининг юқорилиги.

Илмий муаммо: Маданий экспансия таҳдидларини баҳолаш методикасининг мавжуд эмаслиги.

Тадқиқот мақсади: Маданий экспансия таҳдидларини белгилаб берувчи индикаторлар ва уларнинг қуйи чегараларини белгиланмаганлиги.

Танланган Мавзу, Амалий муаммо, Илмий муаммо ва Предмет ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлган ҳолда, уларнинг ҳар бири тадқиқот Обьекти қамровидан четга чиқмаслиги лозим.

Тадқиқот дастурининг мазкур элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлашнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд:

объектнинг мавзу, муаммо ва предметни қамраб олганлигини таъминлаш, яъни мавзу, муаммо ва предмет объектнинг “ичида” ётиши лозим;

объект қамровининг предметдан (мавзудан) бир поғона кенглигини таъминлаш;

мавзу, муаммо ва предметнинг ўзаро уйғунликда шакллантирилганлиги, бир-бирига яқинлигини таъминлаш (4.2-чизма).



4.2-чизма. Объект, мавзу, муаммо ва предмет ўртасидаги ўзаро боғлиқлик (муаллиф ишланмаси)

Муаммони дастлабки ўрганилишида қуйидаги амаллар бажарилади:

асосий муаммони қидириш (4.1-жадвал);

муаммони ўзига хос жиҳатларини англаш;

муаммони ўрганишга қаратилган илмий ёндашувларнинг таҳлили;

муаммони ўрганиш методларини аниқлаш;

муаммони ўрганиш методикасини ишлаб чиқиш.

4.1 – жадвал

Асосий муаммони қидириш жараёни

Соҳанинг муаммо мавжуд бўлган жиҳати	Йўналишлар	Миқдорий ва сифат таҳлили
Ҳуқуқий-меъёрий асос	халқаро	мавжудлиги
		сифати
	миллий	мавжудлиги
		сифати
	маҳаллий	мавжудлиги
		сифати
Институционал асос	халқаро	мавжудлиги
		сифати
	миллий	мавжудлиги
		сифати
	маҳаллий	мавжудлиги
		сифати

Қуйидаги мисолда транспорт соҳасидаги муаммоларни миқдорий кўрсаткичлар (индикаторлар) асосида аниқлаш услуби келтирилган (4.2-жадвал).

Мисол

4.2-жадвал

Халқаро аҳамиятдаги транспорт коридорлари билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш

Соҳа/ йўналиш	Кўрсаткичлар/ индикаторлар	Халқаро меъёр	Амалдаги кўрсаткичлар
Халқаро аҳамиятдаги коридорлар	Ўтказиш қобилияти	> 10 млн т.	5 млн. т. (меъёрдан 50% кам)
	Йўл сифати	I ва II тоифадаги йўллар	15% (жами йўлларга нисбатан)
Инфра-структура	Логистика марказлари хизматини мавжудлиги	100 кмга 1 та	300 км / 1 та (меъёрнинг 30%ни ташкил этади)
	1 тонна юкни 1 кмга ташиш нархи	< 1 \$	1,95 \$ (деярли 2 барабар қиммат)

Ўрганилаётган муаммо ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

- муаммоли вазиятдан муаммони ажратиб олиш, унинг чегараларини аниқлаш;
- тадқиқотнинг асосий муаммосини декомпозиция қилиш, муҳим ёки муҳим бўлмаган, маълум ёки номаълум, тизимли ёки хос муаммоларга ажратиш;
- муаммонинг тагмуаммоларини ҳамда муаммога таъсир этувчи омилларни аниқлаш орқали унинг моҳиятини англаш (4.3-чизма);
- муаммонинг оқибатларини аниқлаш, хусусан муаммонинг сақланиб қолиши ёки ўз вақтида бартараф этилмаслиги оқибатида юзага келадиган рисклар, хавф ва таҳдидларни аниқлаш;


- муаммонинг ечимини топиш учун асосий вазифаларни белгилаш, ушбу вазифаларни параграфларда акс этишини таъминлаган ҳолда ўрганиш (4.4-чизма);
- муаммонинг моҳиятини англаш ва илмий ечимини топиш алгоритмлари ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш (4.5-чизма).



4.3-чизма. Муаммонинг моҳиятини англаш алгоритми
(муаллиф ишланмаси)



4.4-чизма. Муаммонинг илмий ечимини топиш алгоритми
(муаллиф ишланмаси)



4.5-чизма. Муаммонинг моҳиятини англаш ва илмий ечимини топиш алгоритмлари ўртасидаги боғлиқлик

4.2. МУАММО ДЕКОМПОЗИЦИЯСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ, МУАММОНИ ҚИСМЛАРГА АЖРАТИШ УСУЛЛАРИ

Тадқиқот ишининг мазкур босқичи энг муҳим босқичлардан ҳисобланиб, унда қайси муаммолар ечилиши кераклиги аниқланади, мазкур муаммоларнинг қамрови ва чегараси белгиланади, шунингдек ушбу муаммоларни келтириб чиқарувчи омиллар таъсири аниқланади.

Таърифлар:



Декомпозиция – қўйилган вазифани тузилиши (таркибий қисмлари) билан боғлиқ бўлган ва мазкур битта катта вазифани бир нечта майда вазифаларга ажратган ҳолда ечишнинг илмий услуби ҳисобланади (Википедия).



Декомпозиция (Breakdown) – қисмларга ёки категорияларга ажратиш, содда таркибий қисмларга бўлиш (Интернет-энциклопедия).

Муаммони тадқиқ этиш босқичлари



Чизмадан кўриниб турганидек, муаммони тадқиқ этишнинг энг муҳим босқичларидан бири – декомпозиция ҳисобланади.

Декомпозиция турлари

Функционал декомпозиция. Декомпозиция тизим функцияларини таҳлил қилишга асосланади. Яъни қуйидаги савол-жавоб беради: Тизим қандай ишлашидан қатъи назар у нима вазифани бажаради?

Ҳаёт цикли бўйича декомпозициялаш. Тагтизимларни ажратиш белгилари – тизимнинг “яратилгандан тамом бўлгунга қадар” мавжудлик циклини турли босқичларида тагтизимларнинг фаолият кўрсатиши қонуниятидаги ўзгаришлар.

Жисмоний жараён бўйича декомпозициялаш. Тагтизимларни ажратиш белгилари – тагтизимлар ўзаро муносабатлари алгоритминини бажарилиш тартиби.

Муаммони декомпозиция қилиш жараёнида қатъий амал қилиниши лозим бўлган қуйидаги **мезонлари** мавжуд:

– **муаммони бир хил даражада** қисмларга ажратиш – ҳар бир қисмларга ажратилаётган элемент (майда муаммо)ларнинг қамрови ва даражаси бир хил бўлиши лозим;

– **тўлиқлик** – муаммо максимал даражада тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганилиши лозим;

– қисмларга ажратишнинг **чегарасини белгилаш** – муаммони қисмларга ажратишда уни ечиш имконияти ва қамрови ўртасидаги мутаносибликни топа билиш лозим;

– **содда** – муаммони ечиш имкониятини инobatга олиш лозим.

Асосий ва тагмуаммоларни қидириш, уларни илмий асослаш, одатда, миқдорий-сифат таҳлили асосида амалга оширилади (4.3-жадвал).

Мисоллар:

4.3-жадвал

Асосий муаммоларни қидириш ва асослаш тартиби
(миқдорий-сифат таҳлили асосида)


Тадқиқот ОБЪЕКТИ	Тадқиқот ПРЕДМЕТИ	Миқдорий- сифат ТАҲЛИЛИ	МУАММО	Сабаб	Оқибат
1. Ижтимоий муаммолар					
Ижтимоий муаммолар	тиббиёт	Тиббиёт ташкилотлари сони	...	...	...
		Сифати			
	таълим	Муассасалар сони			
		Сифати			
	бандлик	Иш жойи сони			
		Сифати			
	банк хизматлари	Терминаллар сони			
		Сифати			
	коммунал хўжа- лик хизматлари	Инфраструктура			
		Сифати			
Тадқиқот ОБЪЕКТИ	Тадқиқот ПРЕДМЕТИ	Миқдорий- сифат ТАҲЛИЛИ	МУАММО	Сабаб	Оқибат
2. Иқтисодий муаммолар					
Иқтисодий муаммолар	саноат				
	қишлоқ хўжалиги				
	кичик бизнес				
	савдо				
	инвестиция				

Муаммони декомпозиция қилиш усуллари

Одатда муаммони қисмларга ажратишда **қуйидаги усуллардан фойдаланилади**:

- “Мақсадлар дарахти”;
- “Сабаб-оқибат таҳлили”;
- “7S модели”;
- “Балиқ скелети (балиқ муаммо)”;
- “Муаммолар иерархияси”.

Мазкур усулларнинг барчаси муаммони қисмларга ажратиш ёрдамида ўрганиш таъминоти асосланади (4.6-чизма).




4.6-чизма. Асосий муаммоларни кичик муаммоларга ажратиш таъминоти

“Мақсадлар дарахти” усулидан фойдаланганда одатда **“муаммолар дарахти”** тушунчаси ишлатилади ва унда асосий муаммони қисмларга ажратиш, яъни тагмуаммоларни ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, таҳлил якунида асосий муаммонинг ечимини топиш жараёни назарда тутилади.

Мазкур усулнинг асосий талаби юқори иерархия даражасидаги муаммони бир мунча қуйи иерархия даражасидаги кичик тагмуаммолар йиғиндисига айлантиришдан иборат. Унда барча муаммолар қатъий мантиқий кетма-кетликда жойлаштирилади ва ўз навбатида ҳар бир катта муаммо кичик тагмуаммоларга, омилларга ажратилади (4.7-чизма).

“МАҚСАДЛАР ДАРАХТИ”




4.7-чизма. Декомпозициянинг “Мақсадлар дарахти” (“Муаммолар дарахти”) усули

Қуйида “Мақсадлар дарахти” усулини қўлланилиши юзасидан мисол келтирамиз (Олий мактаб тингловчилари ишланмаси).

1-мисол.

Криминалистик ҳисобларни юритиш тизимини марказлашмаганлиги муаммоси³⁶



³⁶ Олий мактабнинг 2017 йил битирувчиси С.С.Нурид-динов томонидан тайёрланган.

Криминалистик ҳисобларни юритиш марказлашмаганлиги		
Тагмуаммо	Омиллар	Омиллар таъсирини камайтириш ёки тагмуаммони ечиш
Тезкор қидирув фаолиятида турли органлар томонидан олинган ашёвий далиллар ягона криминалистик ҳисобга олинмай келмоқда 1.1.2. Криминалистик ҳисобларнинг жиноятларни фош этиш ва жиноят ишларини бирлаштириш кесимидаги самарадорлигини ўрганилмаётганлиги	1.1.1. ТҚФ органларининг ўзаро ҳамкорлигининг мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий механизмнинг йўқлиги 1.1.1.2. ТҚФ органларида воқеа жойидан олинаётган ашёвий далиллар қайд этишни марказлаштириш	1.1.1.1. ТҚФ органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи орган ҳуқуқий мақомини белгилаш
	1.1.2.1. ТҚФ олиб боровчи органларида криминалистик ҳисобларнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммоларини танқидий таҳлил қилиш	
	1.1.2.2. Криминалистик ҳисобларни марказлаштириш масаласини республика суд экспертизалари муаммолари бўйича кенгаш муҳокамасида кўриб чиқиш	

Жиноятларни фош этишда оптимал бўлган янги криминалистик ҳисоб турларини такомиллаштирилмаслиги		
2.1. Жиноят-ларни илмий-техникавий усуллар билан фош этилиши даражасининг пастлиги	2.2.1. Дунёда криминалистик техниканинг жадал ривожланиши	Криминалистик ҳисобларнинг замонавий имкониятларини республикага тадбиқ қилиш
	2.2.1. Шахснинг биометрик маълумотлари бўйича криминалистик ҳисобларнинг оммалашаётганлиги	Шасхларнинг ДНК таҳлили, кўз қорачиғи, ташқи қиёфа белгилари, қўл бармоқ излари, қулоқ чиғаноғи, жиноятчиларнинг алоҳида белгилари бўйича криминалистик ҳисобларни шакллантириш
	2.2.2. Ўзбекистон ҲМҚО ларнинг халқаро имижидаражаси	Манфаатдор мамлакатлар билан жиноятчиликка қарши курашда етарлича ҳамкорлик қилиш имкониятларини яратиш
	2.2.3. Жиноят содир этишнинг янги усулларининг такомиллашуви	Криминалистик ҳисоблар амалиётини ТҚФ органлари мутахассисларни тайёрловчи ОЎЮлари таълим стандартига мувофиқлаштириш


Криминалистик ҳисобларни юритиш шаклини автоматлаштиришга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги		
3.1. КХ фаолиятига АКТни жорий этилиши суғлиги	3.1.1. 21.03.2012 йилдаги ПҚ-1730, 27.03.2012 й.даги ПҚ-1989 ижросини ТҚФда ижросини мониторинг қилиш	
	3.1.2. КХ бўйича етакчи давлатларнинг илғор иш тажрибасини республика амалиётига тадбиқ этиш	
	3.1.3. Самарали бўлган автоматлаштирилган дастурларни маҳаллий илмий-техник марказларда миллийлаштириш	
	3.1.4. Мавжуд криминалистик картотека ва коллекцияларни автоматлаштириш	
3.2. Амалиётда эскича ёндашувнинг сақланиб қолаётганлиги	3.2.1. Автоматлаштирилган КХларнинг замонавий имкониятлари юзасидан ТҚФ раҳбариятига АТХ тайёрлаш	
	3.2.2. Автоматлаштирилган КХларнинг замонавий имкониятлари юзасидан конференциялар ўтказиш	
	3.2.3. Раҳбар кадрлар малакасини ошириш курсларига КХ соҳаси ходимларини жалб этиш	
	3.2.4. ТҚФда КХларни автоматлаштириш бўйича раҳбарлар масъулиятини оширишга оид чора-тадбирлар белгилаш	

2-мисол. Қонун чиқарувчи орган фаолиятини ўрганиш учун уни таркибий қисмларга ажратишга ҳаракат қиламиз



“7S МОДЕЛИ”

“7S модели” ўсули одатда муаммоли вазиятга алоқаси бўлган тегишли субъект (ваколатли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассаса кабилар) фаолияти ўрганилаётганда фойдаланилиши мумкин (4.8-чизма).



4.8-чизма. “7S модели” ўсули чизмаси

1. **Strategy – стратегия.** Бунда асосий ривожланиш режасини аниқлаш орқали эртанги барқарор ривожланишни таъминлаш кўзда тутилади.

2. **Skills – кўникмалар мажмуи.** Бунда субъектнинг мавжуд амалий имкониятлари ва салоҳияти тушунилади.

3. **SharedValues – умумий қадриятлар.** Ташкилотнинг стандарт ва меъёрлари, фаолият принциплари, ходимларнинг ишга бўлган муносабати назарда тутилади.

4. **Structure – структура.** Ташкилотнинг ташкилий иерархияси, ходимлар орасида ваколат ва функцияларни тўғри тақсимланганлиги.


5. **Staff – сотрудники.** Бунда ходимларнинг малакаси ва қандай мажбуриятларни бажаришлари лозимлиги, ушбу вазифалрни бажара олиш қобилияти тушунилади.

6. **Systems – бошқарув тизими.** Тўғри ва оптимал қарорлар қабул қилиниши, вазият бўйича оператив чоралар кўрилиши, бошқарув даражаларини минимал ҳолатга келтириш.

7. **Style – ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги.** Кун тартиби, ишга бўлган муносабат, шароитлар, бошқарув тактикаси ва бошқ.

“САБАБ-ОҚИБАТ ТАҲЛИЛИ” методи

“Сабаб-оқибат таҳлили” кутилмаган ҳолат ёки муаммонинг келиб чиқиш сабабларини (муаммога таъсир кўрсатувчи омилларни) ва унинг оқибатларини аниқлашда қўлланиладиган тузилмавий метод ҳисобланади (4.9-чизма).



4.9-чизма. “Сабаб-оқибат таҳлили” усули чизмаси

Қуйида ушбу усулдан фойдаланиш бўйича айрим мисоллар келтирилган.

1-мисол. Республикада тиббий хизмат билан боғлиқ муаммолар


Ўрганилаётган соҳа		Асосий муаммолар	Муаммонинг сабаблари	Муаммонинг оқибатлари
Тиббиёт муассасаси фаолияти	Тиббий хизматнинг мавжудлиги	Асосан амбулатория хизмати	Молиявий маблағнинг етишмаслиги	Тезкор тиббий хизматнинг йўқлиги
		Фақат бирламчи ёрдам кўрсатилиши	Қишлоқларда хусусий поликлиникаларнинг норентабеллиги	Ортиқча харажатларнинг кўпайиши
	Тиббий хизматнинг сифати	Техник жиҳозланганлиги	Молиявий маблағнинг етишмаслиги	Нотўғри диагностика қўйиш
		Малакали кадрларнинг етишмаслиги	Кадрларнинг шаҳарда ишлаши	Касалликнинг вақтида олди олинмаслиги

2-мисол. Республикада аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммолар

Ўрганилаётган соҳа		Асосий муаммолар	Муаммонинг сабаблари	Муаммонинг оқибатлари
Бандлик	Иш ўринларининг мавжудлиги	Мутахассислик бўйича иш ўринларининг камлиги	Ишчилар қўнимсизлигининг юқорилиги	кадрлар оқими; ишсизликни ортиши;
		Таклифнинг талабга нисбатан юқорилиги	Маҳаллий ишлаб чиқариш ривожининг сустлиги	жиноятчиликнинг ортиши; ташқи миграциянинг ортиши.
	Иш ҳақи ва иш шароити даражаси	Иш ҳақининг пастлиги	Иш берувчининг молиявий имкониятларининг пастлиги	меҳнат унумдорлигини тушиб кетиши; ишчилар қўнимсизлигини ортиши;
		Иш шароитидан қаноатланмаслик	Замонавий менежмент усулларида фойдаланилмаслик	жамоада интизомнинг бузилиши.

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ (БАЛИҚ МУАММО)”


«Балиқ скелети (балиқ муаммо)» усули, одатда юқорида келтирилган «Сабаб-оқибат таҳлили» усулининг бир кўриниши ҳисобланиб, унинг ўзига хослиги шундаки, унда асосий муаммо балиқнинг боши сифатида акс эттирилади, тагмуаммолар – балиқнинг қаноти, балиқнинг суяклари (қил-таноқлари) эса омиллар ва оқибатлар кўринишида схема тарзида келтирилади (4.10-чизма). Муаммонинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, балиқнинг қанотлари ва суяклари кўп бўлиши, ёки аксинча нисбатан камроқ бўлиши ҳам мумкин. Ушбу усулнинг асосий тамойилларидан бири – балиқнинг қанотларини-омилларни белгилаганда ўзаро тенг кучли, яъни мантиқан муаммога бирдек таъсир кўрсатадиган омиллар келтирилиши лозим.



4.10-чизма. “Балиқ скелети (балиқ муаммо)” усули чизмаси

Мисол:

Диний экстремистик ва террористик ташкилотларнинг ёллов фаолиятига қарши кураш муаммолари³⁷



4.3. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ НАМУНАВИЙ РЕЖАСИ (миллий хавфсизликни таъминлаш мисолида)

Муаммо декомпозицияси натижалари ва тадқиқот вазифалари асосида тадқиқот ишининг режаси тузилади.

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг асосий қисми камида учта бобдан, фан доктори (DSc) диссертациясининг асосий қисми эса, камида тўртта бобдан иборат бўлиши лозим.³⁸

Магистрлик диссертацияларининг режасини ишлаб чиқишда ҳам, одатда 3 бобдан иборат этиб шакллантириш, ҳар бир бобда камида 2 тадан параграфни белгилаш мақсадга мувофиқ.

³⁷ Олий мактаб битирувчилари томонидан тайёрланган.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/8-сон қарори билан тасдиқланган (2017 йил 31 майдаги 239/8-сон қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) “Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари”. -Тошкент: 2017 йил.

Магистрлик диссертацияси режасини шакллантиришда қуйидаги намунавий вариантдан фойдаланиш тавсия этилади.

1-боб. МУАММОНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

§ Муаммони асослаш.

§ Муаммо ечимига қаратилган назарий-методологик ёндашувларни ўрганиш.

§ Муаммони таҳлил қилиш методикасини (*муаллифлик*) танлаш (*ишлаб чиқиш*).

2-боб. ИЛМИЙ МУАММО ТАҲЛИЛИ

§ Тадқиқот объекти ҳолатини декомпозиция ёрдамида ўрганиш.

§ Статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, салбий тенденцияларни аниқлаш мақсадида эмпирик тадқиқотлар ўтказиш, муаммони юзага келиш сабабларини ва оқибатларини аниқлаш, риск ва таҳдидларни аниқлаш, истиқболни прогнозлаш.

3-боб. МУАММОНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

§ Муаммони ечишнинг энг мақбул вариантларини иноватга олган ҳолда таҳлил натижаларини умумлаштириш.

§ Соҳа (ўрганилаётган йўналиш) ривож юзасидан прогнозлар (сценарийлар) ишлаб чиқиш.

§ Муаммони ечими юзасидан мавжуд механизмларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Намунада қайд этилганидек, биринчи боб, одатда назарий-илмий боб ҳисобланиб, унда муаммонинг мазмун моҳияти, уни ечишга қаратилган мавжуд илмий ёндашувлар тадқиқ этилади.

Мавзу: АҚШНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ СИЁСАТИ: ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА МИНТАҚАВИЙ ОҚИБАТЛАРИ

1 боб. АҚШНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА СИЁСАТИНИНГ ИЛМИЙ-КОНЦЕПТУАЛ (МЕТОДОЛОГИК) АСОСЛАРИ

1.1. АҚШнинг афғон сиёсатига оид илмий ёндашувлар;

1.2. Афғонистонга нисбатан АҚШ ташқи сиёсатининг концептуал асослари;

1.3. АҚШнинг афғон сиёсатини ва уни минтақавий оқибатларини ўрганиш методикаси.

2 боб. АҚШНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА СИЁСАТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. АҚШ янги маъмуриятининг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ва устувор йўналишлари;

2.2. АҚШнинг афғон муаммосига оид музокаралардаги иштироки;

2.3. Афғон ҳукуматига АҚШ ва халқаро ёрдамнинг истиқболлари.

3 боб. АҚШНИНГ АФҒОНИСТОН СИЁСАТИНИ МИНТАҚАВИЙ ОҚИБАТЛАРИ

3.1. Марказий Осиё АҚШнинг Афғонистондаги сиёсатини таркибий қисми сифатида;

3.2. АҚШ Афғонистон сиёсатининг Ўзбекистонга таъсири ва сценарийлар.

Иккинчи бобда эса, муаммонинг бугунги ҳолати, уни келиб чиқиш сабаблари, уни бартараф этишга қаратилган куч ва воситалар, имкониятлар ва механизмлар таҳлил қилинади.

Учинчи боб, муаллифлик боби ҳисобланиб, унда 1- ва 2-бобларда қайд этилган муаммонинг ечими юзасидан тадқиқотчининг шахсий мулоҳазалари, ишланмалари, хулосалари келтирилади.

Диссертациянинг таркибий қисмлари бир-бири билан ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ҳамда тушунарли равишда мантиқий изчилликда ёритилиши лозим. Ҳар бир бобда ишнинг мазмун-моҳияти тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тизимли равишда очиб берилиши, ҳар бир бобнинг охирида тадқиқ қилинган муаммолар бўйича хулоса ва таклифлар берилиши талаб этилади.

Тадқиқот ишининг режаси магистрлик диссертацияси таркибий қисмларини, яъни боблар ва параграфларни мантиқий кетма-кетликда шакллантирилишини англатади. Ҳар бир таркибий қисм камида иккита тобе таркибий қисмларни ўзида мужассамлаштириши лозим.

ХУЛОСА

Умуман олганда муаммо ёки мавзуни декомпозиция қилиш жараёни ҳар бир тадқиқотчидан ижодий ёндашувни талаб этади. Шу билан бир-галикда юқорида келтирилган тамойиллар, талаб ва шартларни ёддан чиқармаслик лозим. Бундан ташқари, тадқиқотчилар мавзуни (муаммони) декомпозиция қилганларидан сўнг, ундаги ҳар бир элемент босқичма-босқич таҳлил этилиши ва у диссертациянинг маълум параграфларида мантиқий кетма-кетликда акс этиши мақсадга мувофиқ.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Декомпозиция, муаммо, илмий муаммо, тагмуаммо, омиллар, “Сабаб-оқибат таҳлили”, “Мақсадлар дарахти”, “7S модели”, “Балиқ скелети (балиқ муаммо)”, “Муаммолар иерархияси”.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Муаммони шакллантириш алгоритмини кетма-кетликда изоҳланг.
2. Муаммони ўрганиш босқичларини келтиринг.
3. Муаммони декомпозиция қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
4. Декомпозициянинг қандай асосий тамойилларини ва мезонларини биласиз?
5. Декомпозиция усулларига мисоллар келтиринг ва улардан бирини ўзига хослиги ҳақида айтиб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Танлаган мавзуни (ёки мавзу доирасига кирувчи асосий муаммони) декомпозициянинг усулларидан фойдаланган ҳолда қисмларга ажратинг ва чизма кўринишида ифодаланг.
2. Декомпозиция асосида тадқиқот режасини шакллантиринг.



5-мавзу.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИНИ ТАЙЁРЛАШ

Кириш

*5.1. Маълумот манбалари ва улар билан ишлаш. Катта ҳажмли
(BigData) илмий маълумот манбалари*

5.2. Мавзуни илмий ўрганилганлик даражаси.

*5.3. Илмий манбаларни таҳлил қилиш ва уларда келтирилган
маълумотлардан фойдаланиш тартиби.*

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Илмий изланишлар олиб боришда маълумот манбалари билан ишлаш ва керакли маълумотларни йиғиш тадқиқотнинг дастлабки муҳим босқичи ҳисобланади. Чунки тадқиқот натижаларининг сифатли чиқиши – бу бошланғич маълумотларни синчковлик билан тўғри ва тўлиқ саралаб олишга боғлиқдир, яъни ушбу босқични тўғри ташкил этиш даражасига қараб белгиланади. Бу ерда тадқиқотчининг асосий дастлабки вазифаси манбаларни тўғри танлаш, тадқиқот доирасида қизиқтираётган маълумотларнинг муҳимлиги ва олиш имконияти мавжудлигини аниқлашдан иборат бўлади. Яъни энг аввало бошланғич ахборотни қаердан ва қандай қилиб олишни аниқлаб олиш керак.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бир йилда турли йўналишлардаги 500 минг номдаги китоблар нашрдан чиқади. Бундан ташқари сўнгги йилларда электрон манбаларга қизиқиш ортиб, тадқиқотчилар учун улардан фойдаланиш ҳам бир мунча қулайликлар яратмоқда. Шундай шароитда тадқиқотчидан нафақат керакли маълумотга эга манбани қидириб топиш, балки ушбу манбалардан керакли маълумотни ажратиб олиш, уларни таҳлил қилиш талаб этилади.

Тадқиқот доирасида манбалар билан ишлашда асосий эътибор илмий манбаларга қаратилади, айниқса, ушбу манбаларнинг аҳамияти адабиётлар шарҳини тайёрлашда жуда муҳим. Илмий тадқиқот ишини бошланғич босқичида танланган муаммонинг бошқа тадқиқотчилар ва олимлар томонидан қай даражада ва қайси жиҳатлари ўрганилганлигини билиш ва шу тариқа мазкур мавзунинг долзарблигини асослаш мақсадида адабиётлар шарҳи келтирилади.

Адабиётлар шарҳини олиб боришнинг асосий шартларидан бири бу мавзуга тааллуқли илмий ишларни топиш ва уларни ўрганиш ҳисобланади. Мазкур жараён ёш тадқиқотчилар учун бир мунча мураккаб ҳисобланиб, тадқиқотчида чуқур изланишларни ва ўз навбатида сабр-бардошни талаб этади. Шундай экан, мазкур мавзу доирасида адабиётлар шарҳини тайёрлашнинг умумий талаблари билан бир қаторда, ушбу жараённи тадқиқотчи томонидан енгилроқ кечишини таъминлашга қаратилган махсус механизм ва ундан фойдаланиш тартиб ва қоидалари келтирилган.

5.1. МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШ



Маълумот манбаси – тадқиқотчи учун муҳим ҳисобланган ва уни доимий тарзда олиш имконияти мавжуд бўлган хабарлар ташувчиси.

Маълумот манбаларини тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. **Ижтимоий-хабар берувчи манбалар.**
2. **Профессионал-махсус.**
3. **Академик (илмий).**
4. **Оммавий-оғзаки.**
5. **Шахсий.**
6. **Техник.**

1. Ижтимоий-хабар берувчи манбалар – мамлакат ичкараси ва ташқарисида рўй бераётган ҳодиса ва жараёнлар ҳақида аҳолининг кенг қатламини таништириш вазифасини бажарадиган радио ва телевидение, кинофильмлар, газета ва журналлар, китоб ва бошқа нашрларнинг алоҳида дастурлари.

Бу ерда ахборот-янгиликлари ва таҳлилий материаллар, айрим махсус ҳужжатли фильмлар, сиёсий ток-шоулар, дебат ва “ақлий ҳужум” каби дастурлар ва бошқ.

2. Профессионал-махсус – у ёки бу давлат, жаҳоннинг бирон ҳудуди сиёсати, иқтисодиёти, хавфсизлик ёки бошқа соҳаларининг аниқ аспектларига (жиҳат) ихтисослашган давлат ва нодавлат тузилмалар ва бошқа ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий, статистик материаллари, шу жумладан тадқиқот марказларининг эксперт нашрлари, («ақл марказлари» ёки «think-tanks»).

Ушбу манбанинг энг фойдали маълумотлари булар тадқиқот олиб боришда таҳлил ёки ўрганиш учун керак бўладиган турли статистик, муаммоли шарҳ ҳамда таҳлилий материаллар ҳисобланади.

3. Академик (илмий) – алоҳида олимлар ёки илмий тадқиқот институтлари жамоасининг турли кўринишдаги илмий материаллари ва ишланмалари. Булар, илмий мақолалар, тўпламлар, докладлар, диссертациялар, монографиялар ва бошқ.

Ундаги янги ғоялар, тадқиқот предметига методологик тизим асосида ўзига хос ёндашувлар, ушбу маълумотлар манбасининг энг қимматли жиҳатлари ҳисобланади.

4. Оммавий оғзаки манбалар – қатнашувчилар сони чегараланган турли кўринишдаги учрашувлар (“юзма-юз” ёки “бирга-бир” форматидаги суҳбатлардан ташқари).

Мазкур учрашувлар сиёсий арбоблар, олимлар ва экспертлар иштирокидаги расмий ёки норасмий бўлиши мумкин. Улар интервьюлар, консультациялар, маърузалар, брифинглар, учрашувлар, музокаралар, дипломатик қабуллар тарзида амалга оширилиши мумкин.


Шу каби тадбирлар иштирокчилар сони чегараланганлиги ва мавзунинг аниқлиги (бир хиллиги) профессионал ва ижтимоий жиҳатдан сараланган мутахассисларни ўзида жамлайди ва улар манфатларининг мос келиши қизиқтирган саволлар бўйича етарли даражада очик ва аниқ мулоқот қилишга имконият яратади.

5. Шахсий – тор доирадаги турли суҳбат формалари. Унинг ўзига хослиги шундаки тадқиқотчининг ўзи шу жараёнда иштирок этади. Мисол учун “бирга-бир” форматидаги суҳбат, интервью, музокара ва консультациялар бўлиши мумкин.

Мазкур манба “биринчи қўл” деб аталадиган маълумотни олишга, маълумотни ташувчи билан психологик алоқа ўрнатишга ва шу орқали мавзу доирасига кирувчи долзарб муаммоларни аниқлашга имконият яратади.

6. Техник – телефон, факс, электрон почта ва Интернет.

Бу ўринда асосий эътиборга молик манба юқорида келтирилган барча манбалар ахборот массивини ўзида жамлаш имконига эга Интернет ҳисобланади. Маълумотлар базасининг кўплиги ва турли-туманлиги қайсидир маънода тадқиқотчига қийинчилик туғдиришини ҳисобга олиб, қидириш тизимидан тўғри ва оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир манбанинг ўзига хослиги мавжуд бўлиб, уларнинг аҳамияти йиллар давомида ўзгариб келмоқда. Ўтказилган сўров натижаларига кўра, 1991 йилларда асосий манба сифатида телекўрсатувлар, газета ва журналларда чоп этилган материаллар фойдаланилган бўлса, сўнгги йилларга келиб Интернетнинг аҳамияти ортиб бормоқда (5.1-чизма).



5.1-чизма. Маълумот манбалари аҳамиятининг ўзгариши

Маълумот манбалари билан ишлашнинг асосий талаблари

Илмий изланишлар олиб боришда маълумот манбалари билан ишлаш ва керакли маълумотларни йиғиш тадқиқотнинг дастлабки муҳим босқичи ҳисобланади. Чунки тадқиқот натижаларини сифатли чиқиши, бу бошланғич маълумот – «маҳсулот»ларни синчковлик билан тўғри ва тўлиқ саралаб олишга, яъни ушбу босқични тўғри ташкил этиш даражасига боғлиқдир.

Бу ерда тадқиқотчининг асосий дастлабки вазифаси манбаларни тўғри танлаши, тадқиқот доирасида қизиқтираётган маълумотларни муҳимлиги ва олиш имконияти мавжудлигини аниқлашдан иборат бўлади. Яъни энг аввало бошланғич ахборотни қаердан ва қандай қилиб олишни аниқлаб олиш керак. Бунда қуйидаги амаллар бажарилади:

1. Тадқиқот доирасига кирувчи асосий масалаларни аниқлаб олиш (тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда). **Мазкур босқични амалга ошириш** диссертациянинг дастлабки (хомаки) режасини (структурасини) тузишдан бошланади. Одатда диссертация режасига киритилган масалалар ўз навбатида тадқиқотнинг асосий вазифалари ҳам ҳисобланади. Тадқиқот вазифалари эса тадқиқот мақсади, объекти ва предметида келиб чиқиб шакллантирилади. Шунинг учун тадқиқотнинг методологик аппаратини тузишда ишлаб чиқилган вазифаларни диссертация режасида тегишли параграфлар билан бириктириш мақсадга мувофиқ.

³⁹ 1991 йилда “Интернет” жавоби кўзда тутилмаган. Манба: ВЦИОМ, 2024 й.

2. Муҳим ҳисобланган маълумотлар манбаларини (илмий ишлар, илмий институтлар, олимлар ва экспертлар) аниқлаш.

– республика журнал ва электрон манбаларини аниқлаш ва кузатиб бориш;

– тегишли илмий марказлар ва олий таълим муассасаларини аниқлаш ва у ердаги мутахассислар билан алоқа ўрнатиш;

– вазирлик ва идораларнинг мутахассислари билан алоқа ўрнатиш;

– чет эл нашрлари ва электрон манбаларини аниқлаш;

– чет эл илмий марказлари ҳамда ОЎЮлари профессорларининг илмий ишлари билан танишиш;

– маълумотларни тизимлаштириш, тўплаш, манбалар рўйхатини тузиш.

3. Йиғилган маълумотлар билан ишлаш:

– аниқланган маълумот манбасини мунтазам кузатиш ва ундаги материалларни ўрганиб таҳлил қилиб бориш;

– адабиётлар шарҳини тайёрлаб бориш;

– маълумотлар базасини яратиш.

Манбалар таҳлили методи

Манбалар таҳлили ҳар бир тадқиқотда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим босқичлардан ҳисобланиб, унинг ўз тартиби ва шартлари мавжуд.

Таҳлилни олиб бориш босқичлари:

1. Манбалар ўрганилаётган объект характеридан келиб чиқиб, гуруҳларга ажратилиб чиқилади ва классификация қилинади.

2. Гуруҳларга ажратилган манбалардан олинган маълумотларнинг мазмунини таҳлил қилинади.

3. Ҳар бир гуруҳдаги манбаларга изох (комментарий) бериб чиқилади, таҳлилий манбалар базаси яратилади (2-илова).

Танлаб олинган маълумотлар манбалари билан ишлаш босқичлари

Тадқиқот доирасига киритилган саволлар бўйича маълумот манбаларини қидириш:

– тадқиқотнинг назарий қисмидаги тегишли параграфлар доирасидаги (базавий терминларга ойдинлик киритиш, муаммони ўрганилганлик даражаси, ҳуқуқий асос ...) вазифалар;

– асосий қисмнинг тегишли параграфлар доирасидаги (статистика, экспертлар фикрлари, чет эл тажрибаси, методология, таҳлил ...) вазифалар.

Манбалар таҳлили ҳар бир тадқиқотда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим босқичлардан ҳисобланиб, унинг ўз тартиби ва шартлари мавжуд.

Умуман олганда, маълумот манбалари билан ишлаш тартиби бўйича қатъий белгиланган алгоритм мавжуд эмас. Бунда маълумотларни тизимга сола олиш ва у ёки бу маълумот манбалари аҳамиятини кўра билиш муҳим ҳисобланади.

Маълумот манбалари рўйхатини тузиш

Маълумот манбасини аниқлаш ва маълумот манбалари рўйхатини тузиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- танланган мавзуга тааллуқли бўлган маълумотларни йиғиш, яъни асосий республика газеталари, журнал ва электрон нашриётларни мониторинг тариқасида кўриб чиқиш;
- танланган мавзу бўйича ихтисослашган республика олий таълим муассасалари ва илмий марказларини аниқлаш;
- шу йўналишга тааллуқли вазирликлар ҳамда муассасалар мутахассислари билан алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш;
- танланган мавзуга тааллуқли бўлган маълумотларни йиғиш, яъни асосий чет эл газеталари, журнал ва электрон нашриётларни мониторинг тариқасида кўриб чиқиш;
- шу йўналишга тааллуқли чет эл илмий марказлар ҳамда мутахассислар билан алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш;
- шу йўналишга тааллуқли чет эл ҳамда маҳаллий нашриётлар билан алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш;
- маълумотлар негизини тизимлаштириш ва тўплаш.

Тадқиқот доирасига кирувчи маълумот манбалари билан ишлашда қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

- тадқиқот доирасига кирувчи маълумот манбаларини доимий равишда қидириш ва уларни саралаб бориш;
- тадқиқот доирасига кирувчи маълумот манбаларини доимий мониторингини олиб бориш;
- манбалар томонидан йиғилган маълумотларни мунтазам равишда тизимлаштириб бориш;
- манбаларда берилган маълумотларнинг объективлигига эътибор қаратиш ва шундан келиб чиқиб маълумот манбасини “қора рўйхатга” киритиш.

5.2. КАТТА ҲАЖМЛИ (BIGDATA) ИЛМИЙ МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ

Ахборот коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиши натижасида ҳаётимизга кириб келган катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш инсон ҳис этиш имкониятидан ташқарида бўлган қонуниятларни аниқлашга ёрдам беради. Бу эса кундалик ҳаётдаги барча соҳалар, жумладан, ҳукуматни бошқариш, тиббиёт, телекоммуникация, молия, транспорт, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятларни янада яхшилаш, уларнинг имкониятларини ошириш, муаммоларга муқобил ечимлар излаш имконини яратади.

Атрофимиздаги миллиардлаб тўпланиб қолган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш орқали маълум ҳолат ёки объект тўғрисида тарихий, жорий ва келажак вақт учун муҳим бўлган билимларга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, катта ҳажмли ахборотлар статистик маълумотларни шакллантириш, сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш, давлат стратегияси ва истиқболини белгилашга кўмаклашади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ6079-сонли фармонида – бир нечта замонавий илғор технологиялар билан бир қаторда катта ҳажмли ахборотларга алоҳида урғу берилган.

Катта ҳажмли маълумотлар қуйидаги вазифаларни бажаришга кўмак беради:

- бизнес мақсадларни яхшилаш ва тадқиқотлар олиб бориш мақсадида;
- маълумотларни моделлаштириш: диаграмма, ҳисобот;
- жараёнларни автоматлаштириш;
- башорат қилиш.

Илмий фаолият билан шуғулланувчи барча олимлар, лаборатория изланувчилари ва тадқиқотчилар халқаро нуфузли журналларда чоп этилган мақолалар билан танишиб боради. Дунёнинг турли бурчагидаги олимлар ўзлари эришган ютуқларни Интернет тармоғига жойлаштириб боради. Scopus ва Web of Science каби йирик базалар ёки Google ва Yandex каби қидирув тизимлари ёрдамида соҳага тегишли мақолалар билан танишиш мумкин. Ушбу тизимлар нафақат илмий мақолалар, балки ихтиёрий технология, ҳодиса ва жараён ҳақида маълумотларни катта ҳажмли ахборотлар ичидан саралаб олишга имкон беради. Мазкур манбалар қаторига катта

ҳажмли ахборотларни ҳам киритиш ўринли. Сунъий интеллект каби технологиялар ихтиёрий катта ўлчамли базалардан фойдаланувчи учун қулай тилда маълумот тақдим этиб келмоқда.

Илмий маълумот олиш манбалари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1. Илмий мақолалар ва журналлар тўплами:

Scopus (Scopus.com) – илмий мақолалар тўплами ҳамда индексация ва иқтибосларни тақдим этади;

Web of Science (webofscience.com) – йирик илмий нашрлар ва уларнинг иқтибос базаларини тақдим этади.

Google Scholar (scholar.google.com) – илмий мақолалар, диссертациялар, китоблар ва илмий ишлар қидирувини ўз ичига олади;

ResearchGate (researchgate.net) – мақолалар ва илмий савол-жавобларни ўз ичига олган, олимларни бирлаштирадиган тизим;

PubMed (pubmed.ncbi.nlm.nih.gov) – тиббиёт ва биология бўйича илмий мақолаларни тақдим этади;

ScienceDirect (sciencedirect.com) – техника, тиббиёт ва ижтимоий фанлар бўйича мақолаларни тақдим этади;

JSTOR (jstor.org) – гуманитар ва ижтимоий фанлар архивини тақдим этади;

Directory of Open Access Journals (doaj.org) – бепул илмий журналларни тақдим этади;

arXiv.org – физика, математика, информатикага тегишли мақолаларни тақдим этади.

2. Диссертациялар ва академик тадқиқот базалари:

ProQuest Dissertations & Theses (proquest.com) – халқаро диссертациялар базасини тақдим этади;

National Digital Library of Theses and Dissertations (ndltd.org) – турли мамлакатлар олимлари томонидан ёзилган диссертацияларни тақдим этади.

3. Рақамли кутубхоналар:

World Digital Library (wdl.org) – тарихий ва илмий ҳужжатлар, материаллар ва манбаларни ўз ичига олади;

Hathi Trust Digital Library (hathitrust.org) – жаҳон университетларининг китобларини ўз ичига олади;

Open Library (openlibrary.org) – очиқ кириш имкониятини тақдим этадиган манбалар рўйхатини тақдим этади.

IEEE Xplore (IEEE Xplore.org) – рақамли кутубхона ҳисобланиб, китоблар, конференция материаллари, стандартлар ва журналларни ўз ичига олади;

Ziyonet кутубхонаси (library.ziyonet.uz) – мамлакатимизда тайёрланган докторлик диссертациялари авторефератлари, дарсликлар, рефератлар каби ўнлаб турдаги материалларнинг электрон нусхасини кўчириб олиш имкониятини тақдим этади;

unilibrary.uz platformasi платформаси – республикаимизнинг барча давлат олий таълим муассасалари кутубхоналаридаги ўқув адабиётлар ҳамда илмий нашрларидан онлайн фойдаланиш имкониятини тақдим этади.

4. Катта ҳажмли маълумотлар ва сунъий интеллект технологиялари:⁴⁰

ChatGPT (<https://chatgpt.com>) – катта ҳажмдаги матнларда ўрганади, мураккаб семантик маъноларни аниқ тушунади, турли тилларда ва соҳаларда матнларни қайта ишлайди. У фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида истакларини аниқлаб, контекстга мос юқори сифатли жавоблар яратади. Мазкур интеллектуал тизим mijozларга хизмат кўрсатиш ва контент яратиш учун кучли қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Ундан йўналишни танлаш мақсадида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

DeepSeek (<https://chat.deepseek.com/>) – мультимодал интеграцион ёндашувга ихтисослашган бўлиб, бу ёндашув матн, тасвирлар, аудио ва бошқа маълумот турларини бирлаштиради. Бу анъанавий ягона моделлар чекловларини енгиб ўтишга ва мураккаб вазиятлар учун тўлиқроқ ечимлар тақдим этишга имкон беради.



ChatGPT ва DeepSeekda сўров беришда асосий талаб – сўров тушунарли, аниқ, қисқа, керакли деталлар киритилган, тартибли бўлиши керак.

Мисоллар:

Қисқа: “Менга тарих ҳақида маълумот беринг”.

Тўлиқ: “Буюк ипак йўлининг иқтисодий ва маданий таъсири ҳақида 300 та сўзли хулоса ёзинг”.

Наъмуна: “Сунъий интеллект ва таълим мавзусида мақола режасини тузинг”.

“Сунъий интеллект фани бўйича 10 та тест тузинг”.

“Расм яратиш: Сунъий интеллект фани бўйича расм”.

“Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг импорт ва экспорт ҳажмини таҳлилий кўринишда тақдим этинг”.

⁴⁰ Исломов Ш.З. Очиқ маълумотлардан фойдаланишда сунъий тинтеллект имкониятларини қўллаш. Амалий қўлланма – ДХХ Академияси, 2025. -Б. 36.

Сунъий интеллект имкониятлари асосида ишлаб чиқилган матнларни детекторлар ёрдамида таҳрирлаш, фарқлаш ва таҳлил қилиш мумкин. Қуйидаги жадвалда асосий детекторлар таҳлили келтирилган (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

Сунъий интеллект асосида яратилган асосий детекторлар⁴¹

Детектор номи	Веб-сайт	Асосий хусусиятлари	Фойдаланувчилар
GPTZero	gptzero.me	- СИ томонидан ёзилган матнларни аниқ ажратади.	ўқитувчилар, тадқиқотчилар
Turnitin	turnitin.com	- плагиатни аниқлайди.	университетлар
Copyleaks	copyleaks.com	- 99 % аниқлик билан СИ томонидан ёзилган матнларни аниқлайди.	университетлар, бизнес вакиллари
Writer	writer.com	- файлдаги матн улушини аниқлайди.	журналистлар, блогерлар

Сунъий интеллект технологиялари нафақат тайёр мақола ва тезислар ёзишга кўмаклашади, шунингдек, улар ёрдамида яратилган материалларни оригиналликка текшириш ҳам мумкин.

5.3. МАВЗУНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Тадқиқот олиб боришнинг асосий босқичи бу танланган мавзу доирасида шу даврга қадар бажарилган илмий ишлар шарҳини ўтказиш ҳисобланади. Қўйилган муаммо бўйича олиб борилган илмий ишларни сифат жиҳатидан таҳлили ва изоҳисиз тадқиқот илмий янгилигини, назарий ва амалий аҳамиятини асослаш қийин.

Бу ерда тадқиқотчи мавзу доирасида аввал олиб борилган тадқиқотларни (*фан доктори (DSc), фалсафа доктори (PhD) ва магистрлик диссертациялари, махсус тадқиқот ишлари натижалари, илмий мақолалар, монографиялар*) сифат ва миқдор жиҳатидан таҳлил қилиши талаб этилади. Мавзуга бевосита яқин бўлган энг аҳамиятли илмий ишлар умумлаштирилиши, таҳлил қилиниши ва жиддий баҳоланиши керак. Мазкур жараённинг натижаси тадқиқотчи учун мавзуни ўрганилганлик даражасига баҳо бериш имконини беради ва у адабиётлар шарҳида акс эттирилади.

⁴¹ Сенко А. Работа с Big data в облаках. Обработка и хранение данных с примерами из Microsoft Azure. — СПб.: Питер, 2019. — 448 с.



Адабиётлар шарҳи – у ёки бу мавзу бўйича бирламчи манбаларни таҳлил қилиш орқали олинган, тизимлаштирилган илмий маълумотларни ўз ичига олувчи илмий ҳужжат. У илмий муаммонинг замонавий аҳволи ва унинг ривожланиш истиқболлари билан таништиради.

Бунинг учун мазкур тадқиқотларни асосий йўналтирилган предмет соҳасини, илмий вазифаларини, фойдаланилган таҳлил, йиғиш ва қайта ишлаш методларини, якуний натижаларини ва уларни амалиётда қўлланилганлик даражасини диққат билан ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур.

Бу жараён янги тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва асосий йўналишига аниқлик киритишга ёрдам беради.

Илмий адабиётлар қидируви.

Мазкур босқичда мавзуга тааллуқли бўлган қуйидаги турдаги илмий манбаларни қидириш талаб этилади:

диссертациялар (*магистрлик, PhD (номзодлик) ва DSc*);

монографиялар;

илмий мақолалар;

конференция ва семинарлар, давра суҳбати ва учрашувлар материалари (тўпламлар);

илмий тадқиқот институтлари олиб борган изланишлар натижалари (масалан, ижтимоий тадқиқотлар маркази томонидан тайёрланган ҳисоботи);

халқаро ташкилотлар берган баҳолар (*масалан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Transparency International*);

халқаро ва минтақавий лойиҳалар ҳисоботлари (*масалан, CADAP, TRACECA, CAREC*);

мутахассислар фикри.

Адабиёт манбалари билан ишлашда ва уларни тизимга солишда керакли маълумотларни қайд этиш учун турли шакллар ва жадваллардан фойдаланиш тадқиқот самарадорлигини оширади.

Интернет саҳифалари орқали қидирув бериш тартиби

диссертация мавзусига тегишли сўзлар орқали (*масалан, экстремизм, экстремизмга қарши курашиш...*);

диссертацияда белгилаб олинган асосий муаммо орқали (*масалан, ички этник муаммо, сиёсий нобарқарорлик...*);

диссертация вазифаларида келтирилган калит сўзлар орқали (*масалан, ҳуқуқий ва институционал асос, хорижий тажриба, мамлакат салоҳиятини (иқтисодий, ҳарбий ...) баҳолаш мезонлари ...*);

таниш муаллифлар (олимлар, мутахассислар)нинг фамилиялари

орқали (мазкур соҳада бирон мақоласи, диссертацияси ёки монографияси чиққан мутахассис).

Шу билан бирга илмий қидирувни амалга оширишда, хусусан маҳаллий экспертларни топишда соҳа мутахассислари кўмагидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Бунда: шу йўналишдаги мутахассис билан учрашиш, ундан мазкур йўналишдаги барча олимлар, тадқиқотчилар рўйхатини олиш талаб этилади.

Йиғилган илмий ишларни саралаш. Мазкур илмий ишларнинг мазмуни билан танишишдан аввал, уларни қўйидаги саралаш мезонлари асосида таснифлаш мақсадга мувофиқ (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

**Илмий адабиётларни саралаш мезонлари
(мавзуга алоқадорлиги даражаси бўйича)**

№	Даражалар	Мезонлар
1.	1- даражали мезонлар:	– тадқиқот мавзусининг ўхшашлиги бўйича;
		– тадқиқот мақсадларининг ўхшашлиги бўйича;
		– тадқиқот вазифаларининг ўхшашлиги бўйича.
2.	2-даражали мезонлар:	– объект ва предметнинг яқинлиги бўйича;
		– илмий муаммонинг ўхшашлиги бўйича.
3.	3-даражали мезонлар:	– тадқиқот соҳасининг ўхшашлигига қараб (бир хил соҳа ёки тармоқ, йўналиш);
		– тадқиқот йўналишининг ёки структурасининг ўхшашлиги бўйича;
		– тадқиқотдан андоза сифатида фойдаланиш имкониятининг мавжудлигига қараб, яъни муаммони ечишда мазкур методикани қўллаш мумкинлигига қараб (методологик асоснинг бир хиллиги, илмий мактаблар қолдирган назариялар, қарашларнинг яқинлиги, фойдаланилган ёндашув ва методларнинг ушбу ишда қўллаш мумкинлиги).
4.	Тўртинчи даражали мезонлар:	– тадқиқот объекти сифатида танланган давлатнинг Ўзбекистон билан ўхшаш хусусиятларини мавжудлиги (хорижий тажриба сифатида);
		– илмий иш муаллифининг катта тажрибага эгаллиги ва кўзга кўринган олимлиги.

Йиғилган илмий ишларда (*диссертация, монография, мақола, илмий ҳисоботлар*) берилган маълумотларнинг ҳолислиги, сифати ва мазмунига қараб, уларни гуруҳларга ажратиб олиш илмий адабиётлар билан ишлаш жараёнини енгиллаштиради ва мазкур тадқиқот ишларида эришилган натижалар аҳамиятини белгилаб беради.

5.4. ИЛМИЙ МАНБАЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Мавзуга алоқадор илмий адабиётларнинг сони ва ҳажмининг катталиги туфайли улар билан танишиб чиқиш ва улардаги илмий натижаларни қайд этиш ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Ҳар бир илмий иш учун алоҳида формуляр тўлдирилади. Адабиётлар шарҳини олиб боришда ишлаб чиқилган махсус формулярдан фойдаланиш тавсия этилади (5.3-жадвал).

5.3-жадвал

Адабиётлар шарҳини ўтказиш учун махсус формуляр

I. Умумий маълумотлар	
Муаллиф	
Мавзу (адабиёт номи)	
Мутахассислик	
Нашр йили, нашриёт номи	
II. Тадқиқотнинг илмий аппарати	
Мавзунинг долзарблиги	
Тадқиқот объекти ва предмети	
Тадқиқот мақсади ва вазифалари	
III. *Муаммони ўрганилганлик даражаси (муаммонинг қайси жиҳатлари тадқиқ этилган)	
IV. Қўлланилган илмий ёндашувлар ва методларнинг таҳлили	
Метод номи ва қўллашдан мақсади	
Методни ёрдамида эришилган натижалар	
Ушбу методларни ўз тадқиқотимда қўллаш имконияти	
V. Тадқиқот натижалари таҳлили (амалий аҳамияти)	
Ишлаб чиқилган: дастурлар, концепциялар, методикалар	
Чоп этиш шакллари	

***Изоҳ.** Формулярнинг мазкур қисмида танланган мавзунинг қайси вазибалари ушбу илмий ишда қай даражада ўрганилганлиги таҳлил қилинади.

Мисол тариқасида сиёсий конфликтлар мавзуси билан боғлиқ илмий адабиётни ўрганиш натижасида тўлдирилган формуляр *3-иловада* келтирилган.

Формулярнинг қулайлиги:

- формани тўлдириш орқали адабиётлар таҳлилини тизимга солиш имконияти яратилади;
- вақтдан ютилади;
- тўлдирилган формулярлар асосида таҳлилий адабиётлар шарҳини тайёрлаш осон кечади.

Илмий ишларда келтирилган маълумотлардан фойдаланиш тартиби
Тўлдирилган формалар асосида маълумотлар базаси ташкил этилади. Юқорида келтирилган формулярнинг ҳар бир пунктлари мавзунинг долзарблигини асослашда, муаммони жиддийлигини исботлашда муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, тўлдирилган формулярларда келтирилган ишларни:

- **йиллари бўйича** тартибга солинганда, мазкур соҳадаги илмий ишларни асосан қайси даврлар оралиғида бажарилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айтайлик сўнгги 3-5 йиллар ичида якунланган илмий ишларнинг мавжуд эмаслиги ҳам танланган мавзунинг долзарблигини асослашда маълум даражада хизмат қилиши мумкин;
- **мутахассислиги бўйича** таҳлили муаммони асосан қайси йўналиш (яъни қайси илмий шифр) доирасида ўрганилганлиги ҳақидаги аргументни беради, бу эса ўз навбатида муаммони қайсидир (масалан сиёсатшунослик) кесимида ўрганилмаганлигидан далолат беради;
- **тадқиқотнинг методологик аппарати бўйича** таҳлилда, ўрганилган ишларда асосан қайси жараён объект сифатида ва унинг қайси муҳим элементлари предмет сифатида танланганлигини, мақсад сифатида нималар илгари сурилганлиги ҳақидаги умумий маълумотларга эга бўламиз ва бу ўз навбатида танланган мавзу бўйича аниқланган объект, предмет ва мақсадларнинг ўзига хослигини, муаммо аввал бу тарзда тадқиқ этилмаганлиги тўғрисидаги фактларни бериши мумкин;
- **муаммони ўрганилганлик даражаси бўйича** таҳлил натижалари танланган мавзу доирасида бажаралиши режалаштирилаётган вазибалар кесимида таҳлил қилиниб, уларнинг қайси бири қай даражада ўрганилганлиги ҳақидаги

ахборотни беради (*айрим ҳолларда танланган мавзу бўйича бажарилиши режалаштирилаётган вазифалар ўз аҳамиятини йўқотиши ҳам мумкин*);

– қўлланилган илмий ёндашувлар ва методлар бўйича таҳлил мазкур методлардан ўз тадқиқот ишида қўллаш имконияти ва зарурияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, қандай методика асосида таҳлил қилиш кераклиги ҳақидаги дастлабки шартли фикрларни ҳосил қилишда ёрдам беради.

Юқоридаги амаллар натижасида тизимга солинган маълумотлар база-сини шакллантиришга эришилади.

Адабиётлар шарҳини тайёрлашда қуйидагилар муҳим!

Одатда, адабиётлар шарҳи қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

– *танланган муаммога оид илмий қарашларнинг ривожланиш босқичлари ва ўзгаришига муаллифнинг тавсифи*. Бу ерда, тадқиқотчи томонидан мазкур илм-фан соҳаси жуда қадимий илдизларга эга (ёки, аксинча, жуда ёш) эканлиги аниқланади. Шунингдек, ушбу фан соҳасининг асосчилари, назариётчи олимларнинг фикрлари, қарашлари ва ёндашувлари талқин этилиб, уларнинг бугунги шароитдаги аҳамияти ёритилади;

– *танланган муаммо моҳиятига максимал даражада ойдинлик киритиш*. Ҳар қандай илм-фан соҳасида турли бир-бирига қарши мактаблар мавжуд бўлиб келган. Шундан келиб чиққан ҳолда, танланган мавзу доирасидаги тадқиқот иши қайси мактаб йўналиши доирасида олиб борилиши белгилаб олиниши лозим;

– *танланган муаммога оид бажарилган тадқиқот ишларини танқидий таҳлили*, яъни аввалги илмий ишларда қандай натижаларга эришилган, уларнинг ўзига хослиги очиб берилади;

– *хулоса*. Адабиётлар шарҳининг ушбу қисмида тадқиқотчи томонидан амалга оширилиши керак бўлган илмий вазифалар аниқланади.

Адабиётлар шарҳини тайёрлашнинг юқорида келтирилган босқичлари ва талабларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларни тавсия сифатида келтириш мумкин:

– адабиётлар шарҳини ёзиш ижодий ёндашувни талаб қилади, лекин шунга қарамай унинг структураси ахборот таҳлилий ҳужжатга қўйиладиган талаблар асосида тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлади (*4-илова*);

– адабиётлар шарҳи махсус формулярда келтирилган пунктлар кетма-кетлигида тайёрланиши лозим;

– адабиётлар шарҳида сифат ва миқдор кўрсаткичлари таҳлил этилиб, тегишли хулосалар берилиши лозим;

– хулоса қисмида мавзуга тааллуқли ишларда муаммони қайси жиҳатлари ўрганилганлиги ва қайси жиҳатлари ўрганилиши муҳимлиги қайд этилиши лозим.

Шунингдек, адабиётлар шарҳини ёзишнинг илмий баён этиши услуби талаблари ҳам мавжуд.

Жумладан, стандарт лингвистик жумлалардан фойдаланган ҳолда қуйидаги талабларга амал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Шахсий хулосаларни *“мен”* олмошисиз бериш тавсия этилади. Масалан: *“... томонидан келтирилган фикрларга қўшилиш мумкин”*.

2. Айрим ҳолларда қуйидаги жумлаларни ишлатиш мумкин: «Мазкур тадқиқот иши муаллифининг фикрига кўра, ...».

3. Баъзан, жумлаларни шакллантиришда «биз», «бизнингча» каби ибораларни ишлатишга рухсат берилади. Масалан: «Бизнинг фикримизча, давлат бошқаруви тизими функциялари...».

4. Илмий ишлар муаллифларини *“яхши - ёмон”, “тўғри - нотўғри”* схемаси бўйича қиёслаш мумкин эмас.

5. Имкон қадар қуйидаги иборалардан фойдаланмаган маъқул:

– эгасиз ҳаволалардан: *“Барчага маълумки, ...”*, «Умумқабул қилинган тахминга (фаразга) кўра, ...»;

– мақтов ва бўрттирувчи сўзлар: *“энг зўр илмий натижа”, “энг долзарб муаммо”*;

– *“болалар”* иборалари: *“Ишда энг маъқул масалалар кўтарилган бўлиб, ...”, “Бизга ёққан жиҳати шундаки, ...”*;

– қатъий ва бир ёқлама фикрлар: *«... ягона тўғри ечим ҳисобланади», «Келтирилган қонуният ҳар доим ўзини одилоналиги билан изоҳланиб, ...»*.

ХУЛОСА

Илмий манбалар таҳлили, хусусан адабиётлар шарҳини олиб бориш натижасида мавзунинг долзарблиги исботланади (айрим ҳолларда мавзунини ўзгартириш ёки маълум бир бошқа йўналишга буришга тўғри келиши ҳам мумкин) ва у қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- тадқиқот доирасига кирувчи илмий ишларни қидириш ва уларни тизимга солиш;
- илмий ишларни қидиришда мазмун ва ҳудуд жиҳатдан қамровни кенгроқ (имкон даражасида) олиш (*масалан, хорижий давлатларда ба-жарилган ишлар билан танишиш*);
- йиғилган илмий ишларнинг аҳамиятли жиҳатларини алоҳида махсус формулярга қайд этиш;
- тўлғазилган махсус формулярлар ёрдамида адабиётлар шарҳини тайёрлаш.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Маълумот манбаси, илмий манба, адабиётлар шарҳи, илмий мақола, диссертация, илмий ишлар тўплами, монография, махсус формуляр.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тадқиқот манбалари классификациясини айтиб беринг.
2. Қайси манбаларни илмий адабиётлар сирасига киритиш мумкин?
3. Илмий адабиётлар қидируви қай тарзда амалга оширилади?
4. Йиғилган илмий ишларни саралаш тартибини тушунтиринг.
5. Махсус формулярдан фойдаланиш тартибини тушунтиринг.
6. Адабиётлар шарҳини тайёрлашдан асосий мақсад нима ва у қайси босқичларда амалга оширилади?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Мавзуга оид илмий манбалар рўйхатини шакллантириш.
2. Мавзуга оид илмий адабиётлар асосида махсус формулярларни тўлдириш.
3. Адабиётлар шарҳини тайёрлаш.

6-мавзу.

ИЛМИЙ МАКТАБ: НАЗАРИЯ, МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

Кириш

6.1. Илмий мактаблар ва уларнинг ўзига хослиги.

6.2. Илмий-тадқиқот ишларида назария ва унинг аҳамияти.

6.3. Метод, методика ва методология.

6.4. Илмий тадқиқотларда методологик принциплари.

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Ҳар бир фан тараққиётида илмий мактабларни ўрни беқиёс. Уларсиз, уларнинг илмий ишланмалари, қарашлари ва назариялари давомий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ҳар қандай илмий тадқиқот қайсидир илмий мактаб қарашларини давом эттиради. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотчи ўз илмий позициясига эга бўлиши ва уни асослашда илмий мактабларга, назарияларга таяниши лозим бўлади.

6.1. ИЛМИЙ МАКТАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Илмий мактаблар ўзида муайян шахс, олимнинг илмий фаолияти йўналишини ўрганиш натижасида шаклланган касб эгалари, олимлар когортаси бўлиб, унда муайян илмий ғоя, назария доирасида ҳамжиҳатликда фаолият олиб борилади. Илмий мактаб тушунчаси метод тушунчасидан кенгроқдир.



Илмий мактаб ўзида муайян олимнинг илмий фаолияти йўналиши бўйича шаклланган тадқиқотчиларни жамлаган бўлиб, унда бирор илмий ғоя ва назария доирасида ҳамжиҳатликда фаолият олиб борилади ҳамда мазкур ғоя ва назария тарафдорлар томонидан ривожлантириб борилади.

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, янги ғоялар илгаридан қотиб қолган эски ғоялардан амалий аҳамияти билан устуворлик касб этади, илмий мактаб вакилларининг шу ғояни ҳимоя қилиши унинг амалиётга жорий қилинишининг гаровидир.

Илмий мактаблар фан тараққиётида ворисийликни таъминлайди, яъни фандаги тизимли ривожланишни ўзида намоён қилади. Илмий мактабларнинг парадигмал ва локал даражалари фарқланади. И.Ньютон, А.Эйнштейн, Н.Бор, И.Пригожин илмий мактаблари парадигмал даражани намоён қилса, мамлакат, алоҳида олий таълим муассасалари ёки илмий тадқиқот институтларида фаолият олиб борадиган илмий мактаблар локал даражани акс эттиради.

Илмий мактабнинг парадигмал даражаси ўз навбатида ўз етакчиларига эга бўлган локал даражадаги илмий мактабларнинг мажмуини ташкил қилади. Илмий мактабларда бир ёки ундан ортиқ етакчилар бўлиши мумкин. Илмий мактабда ўзига хос илмий инновацион механизмлар амал қилади, уларнинг пайдо бўлиши доимо янги ғояларни амалиётга жорий қилишда шу ғояга акс ғояни илгари сүрүвчи оппонентлар билан курашида шаклланади. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, янги ғоялар илгаридан қотиб қолган эски ғоялардан амалий аҳамияти билан устуворлик қилади, илмий мактаб вакилларининг шу ғояни ҳимоя қилиши унинг амалиётга жорий қилинишининг гаровидир.

Илмий мактабда устознинг раҳбарлик маҳорати ва илмий салоҳияти, олимлик масъулияти муҳим аҳамиятга эга. Илмий мактаблар назарий концепцияларни ривожлантиришга йўналтирилган илмий ғоялар мажмуи шаклида намоён бўлади. Илмий мактаблар илгари сүрилган ғояларнинг қамрови, уларнинг аҳамиятига кўра бир-биридан фарқ қилади. Илмий мактабларда индивидуал илмий тадқиқот олиб бориш методи шаклланади.

6.2. ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИДА НАЗАРИЯ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

“Назария китоб ёрдамида уруш ҳақида билмоқчи бўлганлар учун энг асосий восита ҳисобланади... Назария тадқиқотчилар йўлини “ёритади”, уларнинг илмий муваффақиятга эришиш йўллари осонлаштиради, шунингдек хатоларга йўл қўйишдан асрайди... Назария бўлажак ҳарбийларнинг ақлини тарбиялашда жуда қўл келади...”⁴²

Карл Мария фон Клаузевиц,
“Уруш ҳақида” асарининг муаллифи



Назария – илмий билимларни умумлаштириш ва тизимга солишнинг олий шакли ҳисобланади.



Назария – мавжуд объект, жараён ва ҳодисаларни идрок этиш ва умумлаштириш, шунингдек янгиларини олдиндан айтиб бериш имконини берувчи илмий тамойил ва қонунлар, тадқиқот методларини ифода этади.

⁴² Клаузевиц К. О войне. – М.: Госвоениздат, 1934 г. / <http://militera.lib.ru/science/clauzewits/index.html>

Назария мавжуд объект, жараён ва ҳодисаларни идрок этиш ва умумлаштириш, шунингдек янгиларини олдиндан айтиб бериш имконини берувчи илмий тамойил ва қонунлар, тадқиқот услубларини ифода этади.

Назария идрок этилган жараён ва ҳодисаларни одамларнинг амалий фаолиятида фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар бериш манбаи бўлиб хизмат қилади. Айниқса, илмий тадқиқотнинг таҳлил жараёнида олимлар томонидан асос солинган қонун ва қонуниятлар, назариялар ёрдамида бир ечимга келиш амалиётда кенг қўлланилади ва бу тадқиқотчи учун энг тўғри ва қулай йўл ҳисобланади.

Умумқабул қилинган тамойиллар (постулатлар) ва аксиомалар илмий билимларнинг бошланғич ҳолати бўлиб, ўз навбатида тизимга солишнинг дастлабки шакли сифатида таълимот ва назарияларнинг асосида ётади.

Назариялардан мисоллар

Халқаро иқтисодий муносабатлар ва иқтисодий хавфсизлик йўналишидаги назариялар:

“Ўзаро боғлиқлик” назарияси
(неолиберализм)

Назариётчи олимлар Жозеф Най ва Роберт Кеохейн томонидан асос солинган **ўзаро боғлиқлик** назарияси доирасида давлатлар ўртасида интеграцион жараёнларнинг кучайиши, ўзаро боғлиқликка сабаб бўлувчи омиллар таъсирининг ортиши масалалари ўрганилган. Айниқса, мазкур жараёнда интеграцион тузилмалар, халқаро ташкилотлар ва транснационал компанияларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилади, яъни мазкур субъектлар ўзаро боғлиқликни таъминловчи асосий инструмент воситасини бажаради.

Мазкур назария иқтисодий хавфсизлик кесимида талқин қилинганда, давлат суверенитети даражасидаги таҳдидларни юзага келиши мумкинлигини қайд этиш лозим. Яъни интеграцион тузилмалар фаолияти доирасида йирик (иқтисодий ва ҳарбий қудрати юқори), яъни актор давлатларнинг имконияти бошқа аъзо давлатларнинг имкониятига нисбатан юқори бўлади ва мос равишда ўзаро муносабатларда уларнинг манфаатлари кўпроқ таъминланади. Масалан, кўплаб экспертларнинг фикрига кўра, Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида Россиянинг мазкур тузилма фаолиятдан қутилган манфаатлар кўлами катта ва уни таъминланиш даражаси ҳам юқори.

Шуни қайд этиш лозимки, айрим ҳолларда бу каби муносабатларда кичик (иқтисодий ва ҳарбий қудрати паст) давлатлар мазкур интеграциядан иқтисодий фойда кўрмаслиги ҳам мумкин, аксинча иқтисодий ва сиёсий нуқтаи назардан қарам давлатга айланиб қолиш эҳтимоли мавжуд.

Халқаро савдонинг

меркантилистлар назарияси

Халқаро савдо назарияларидан дастлаб меркантилистлар назарияси яратилган бўлиб, ушбу назария тарафдорларининг фикрига кўра, ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсати фақат экспортга йўналтирилиши керак, яъни улар хориждан келтириладиган импорт товарларни имкон қадар қисқартириш кераклигини таъкидлайдилар.

Мазкур назарияни иқтисодий хавфсизлик кесимида кўрилганда, товарлар ёки хизматлар экспортини ҳам географик жиҳатдан, ҳам товарлар ассортименти нуқтаи назардан диверсификация қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Яъни импортёр давлатнинг монополиясига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда давлатлараро муносабатлар кескинлашувчи шароитида иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар юзага келади. Бунга, Ўзбекистон меҳнат мигрантларининг асосий қисмини Россияга тўғри келишини мисол сифатида келтириш мумкин.

“Мутлақ афзаллик” назарияси

Меркантилистлар назариясидан фарқли ўлароқ, Адам Смит томонидан асос солинган мутлақ афзаллик назариясига кўра, кўп харажат талаб қиладиган товарларни импорт қилиш, кам харажат талаб қиладиган товарларни мамлакатда ишлаб чиқариб экспорт қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Австралияда ёзилган қўлёзмалар Сингапур, Малайзия ва Хитойда чоп этилиши ва мамлакатга тайёр китоб ҳолда келтирилиши ушбу назарияга мисол бўла олади.

Ўз навбатида, ташқи савдо балансида импортни ортиб кетиши ёки импорт бўйича маълум давлатларга боғланиб қолишлик иқтисодий хавфсизлик кесимида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунини, биргина Россия-Украина можароси оқибатида юзага келган иқтисодий санкциялар мисолида кўришимиз мумкин.

“Кўзга кўринмас қўл” назарияси

А.Смитнинг “Кўзга кўринмас қўл” назариясида “бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатни “кўзга кўринмас қўл” бошқариши лозим, яъни тадбиркорлар томонидан талабдан келиб чиқиб ўз-ўзидан таклиф яратилади ва бунда давлатнинг аралашуви керак бўлмайди” – дейилади.

Лекин бугунги кунга келиб, ушбу назария тамойиллари ва талабларини тўлиқ жорий этилиши, айрим ҳолларда жиддий муаммоларга олиб келиши мумкинлиги ўз тасдиғини топди. Яъни ривожланаётган давлатларда иқтисодиётга аралашувининг аҳамияти катта эканлиги маълум бўлиб қолмоқда. Айниқса, иқтисодий-молиявий кризис бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Халқаро хавфсизлик соҳасидаги асосий илмий мактаблар:

Халқаро хавфсизлик соҳасида қуйидаги асосий илмий мактаблар шакланган бўлиб, мазкур мактаб асосчилари ва тарафдорларининг фикрлари бир-биридан тубдан фарқ қилади:

“Либералсиёсат” мактаби

“Либералсиёсатчилар”нинг қарашларига кўра, глобализация шароитида мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини кучайтиши халқаро хавфсизлик соҳасидаги низоларга барҳам беради. Уларнинг таъкидлашича, бир давлатнинг мағлуб бўлиши бошқаларнинг мағлубиятига сабаб бўлиши мумкинлиги, бир давлатнинг ютуғи эса бошқаларнинг ҳам ютуғига олиб келиши мумкин. Трансчегаравий муаммоларни ҳал этиш мақсадида интеграцион тузилмаларнинг фаолият юритиши ушбу назарияга мисол бўла олади. Масалан, ШХТ ташкил этилишида, асосан 3 та муаммо: терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш ташкилотнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Шунингдек, Афғонистонда барқарорликка эришиш, хусусан мамлакат ҳудудидаги турли террористик ташкилотларининг фаолиятига барҳам берилишидан Марказий Осиё давлатлари ҳам бирдек манфаатдор ҳисобланади, аксинча мазкур Афғонистондаги нотинчлик минтақа мамлакатларининг нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

“Реалсиёсат” мактаби

Ушбу мактаб тарафдорлари ўзларини реалистлар деб аташади. Унда давлатлар манфаатлари ҳақида фикр юритилиб, ҳар бир давлат манфаатларининг кўлами унинг имкониятларидан келиб чиқади, яъни қанчалик қудратли давлат бўлса, шунчалик манфаатлар кўлами кенгайиши таъкидланади. Уларнинг фикрича, давлатлар ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакат қудратини оширишга ҳаракат қилса, ўз навбатида ушбу ҳолат бошқа давлатнинг хавфсизлигига таҳдид сифатида қаралади. Мактаб асосчилари Ганс Моргантау, Томас Гоббс.

Мазкур назарияга мисол тариқасида, Хитой ёки Россия давлатлари томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсатни келтириш мумкин. Хусусан, Хитой ўз манфаатлари доирасида эҳтиёжларини қондириш учун Марказий Осиё давлатларининг (Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон) айрим ҳудудларини ўз ҳудудига қўшиб олиш ёки узоқ муддатга фойдаланиш учун сотиб олиш сиёсатини юритмоқда. Масалан, Қозоғистон ўзининг 407 км² майдонини берган. Тожикистон Хитойдан олинган ташқи қарзининг ортиб бориши шароитида (1,1 млрд \$ - Тожикистон ташқи қарзининг 60%) ўзининг 1158 км² ҳудудини (мамлакат ҳудудининг 0,8%) беришга мажбур бўлди. Бунда, Тожикистон олтин кони, шунингдек бир қатор нефть ва кўмир конларини Хитой ихтиёрига топширган. Шунингдек, Хитой Қирғизистоннинг 161 км² ҳудудига эгалик қилган (мазкур ҳолат 2005 йилдаги мамлакат биринчи революциясига сабаб бўлган).

Ўз навбатида, Хитой “Бир йўл, бир камар” лойиҳаси доирасида “юмшоқ куч” воситасидан фойдаланган ҳолда кўплаб мазкур минтақадаги давлатларни ўз таъсир доирасида ушлаб туришни мақсад қилиб олган. Хитой сўнгги 8 йил давомида “Бир йўл, бир камар” лойиҳасидаги иштирокчи-давлатларга 130 млрд \$ ортиқ тўғридан-тўғри инвестиция киритган. Шунингдек, Россия ўз манфаатлари доирасида мамлакатни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида Украина билан қуролли конфликтларга киришди. Шунингдек, Россиянинг Ўвроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги фаолиятини ва ушбу тузилмага аъзо давлатлар сонини кенгайтириш орқали минтақада ўз таъсирини ушлаб туришга ҳаракат қилмаётганлигини мазкур назарияга яққол мисол сифатида келтириш мумкин.

“Кучлар мувозанати” назарияси

Ушбу назария мактабининг асосчиларидан бири Г.Моргентаунинг фикрича, ҳар бир давлат ўз манфаатларини ҳимоя қилиши учун ўзининг ҳарбий ва иқтисодий қудратини оширишга ҳаракат қилади, ўз навбатида давлатлар ўртасида рақобат юзага келади. Ушбу жараёнда кучли ва қудратли давлатлар таъсирига бардош бериш учун ва ўзининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида нисбатан кучсиз давлатлар коалицияларга ёки интеграцион тузилмаларга қўшилишга мажбур бўлади. Шунингдек, ушбу илмий мактаб тарафдорларидан бири ҳисобланган М.Шихин, ҳар қандай давлат ўзининг давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, яъни бошқа бир қудратли-гегемон давлат тазйиғига дуч келмаслик учун “кучлар мувозанати” номли “ўйин” да иштирок этади.

Бунга Украинанинг НАТО (Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти) га аъзо бўлишга уринишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Украина ўз минтақасида айнан кучлар мувозанатини тиклаш мақсадида шундай қарорга келган, лекин ушбу қарор Россия манфаатларига тўғри келмади.

Шуни таъкидлаш жоизки, нафақат илмий ишларда, балки ахборот-таҳлилий ҳужжатларда ҳам (айрим ҳолларда) назарияларга асосланиш ёки уларга урғу бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Амалиётда назариядан фойдаланиш қуйидаги мисолларда келтирилган (*мисол тариқасида муаллиф томонидан тайёрланган ахборот-таҳлилий маълумотномалардан фойдаланилди*).

Хитойда макроиқтисодий барқарорликка эришиш чораларига оид⁴³

Иқтисодий ўсиш суръатининг юқорилиги Хитой мутахассисларининг хавотирига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар “хавфли” даражага кўтарилди.

Хитой миллий статистика бюроси маълумотларига кўра, 2007 йил ярим йиллик ҳолатига ЯИМ 11,9% га ўсиб, 1,412 трлн долларга етган (2006 йил 2,5 трлн. долл.). Хитойнинг ташқи савдо ҳажми 980,9 млрд долларни ташкил этиб, 2006 йил ҳолатига нисбатан 23,3%га ошган.

2007 йилнинг биринчи ярмида мамлакат ташқи савдосидаги ижобий сальдо ҳажми 112,5 млрд долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 84%га юқори кўрсаткич қайд этилган.

Охирги 3 йил давомида Хитой ташқи савдо айланмаси 300 млрд долларга ошди. Хитой хорижий валюта захираси ҳажми кўрсаткичи бўйича (940 млрд долл.) дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Бу охирги 10 йил давомида энг юқори кўрсаткичлар эканлиги қайд этилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, кузатилаётган ЯИМнинг, савдо профицити ҳамда сармоявий маблағлар ҳажмининг тез ошиб бориши иқтисодий “қизиш”га олиб келиши мумкин.

Иқтисодий назарияга кўра, бу каби табиий суръатдаги ўсиш шароитида, ҳар қандай қамровдаги иқтисодиёт ҳам тўлқинсимон тараққий этади ва қуйидаги босқичларни босиб ўтади:

1. Иқтисодий ўсиш. Ишсизларни камайиши ҳамда инфляциянинг паст суръати шароитида ишлаб чиқариш ва ЯИМ ўсиши билан характерланади. Бу ерда салбий ҳолатлар кузатилмайди.

2. Иқтисодий жонланишнинг юқори нуқтага етиши. Бу босқичда иқтисодий “қизиш” содир бўлиши мумкин, яъни керагидан ортиқ суръатдаги ўсиш салбий оқибатларни кескинлаштириб юборади: ресурслар дефицити, пул захираларининг ошиб кетиши ва ҳоказо.

3. Иқтисодий пасайиш. Иккинчи босқичнинг салбий оқибатлари натижасида сармоявий, истеъмол ҳамда давлат харажатлари тақсимооти ва муддатийлиги бузилади, бу эса меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш ҳажмини камайишига, қолаверса инфляция ва ишсизлик даражасини ошишига олиб келади...

⁴³ Мазкур ахборот-таҳлилий маълумотнома (қисқа варианты) 2007 йил муаллиф томонидан тайёрланган ва ушбу маълумотномада иқтисодиётнинг циклилиги назариясига мурожаат қилинган.

**Қирғизистоннинг ташқи қарзини тўлаш билан
боғлиқ муаммоларга оид⁴⁴**

Қирғизистоннинг ташқи қарзини тўлаш билан боғлиқ вазият таҳлили мамлакатда ушбу муаммо жиддий сиёсий муҳокамалар предметиға айланганлигидан далолат бермоқда.

Қирғиз Республикасининг қарздан қутулиш объектив зарурати қарз фоизининг йил сайин ошиб бориши билан боғлиқ. Имтиёзли муддатнинг тугаши муносабати билан ташқи қарз мамлакатда катта юк бўлиб қолмоқда. Кўплаб кредитлар билан боғлиқ йиллик харажатлар 1995 йил 6 млн долларни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб ушбу кўрсаткич 56 млн долларга етди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Қирғизистон тажрибасида энг кўп тўланган қарз миқдори бу 40 млн долларни (2001 йил) ташкил этган.

Маҳаллий иқтисодчилар томонидан олиб борилган комплекс тадқиқотлар ва ҳисоб-китоблар асосида 2006 йилда мамлакат иқтисодий ўсиш кўрсаткичи тахминан 3%ни ташкил этиши мумкинлиги башорат қилинган, ташқи қарзни тўлаш учун мамлакатда келажакда ҳеч қандай муаммолар рўй бермаган ҳолда ушбу кўрсаткич камида 7% кўтарилиши лозим.

Шу муносабат билан ҳукумат ташқи қарздан қутулишнинг самарали йўллари қидирмоқда.

Айтиш жоизки, иқтисодий назарияда ташқи қарзни тўлашнинг тўрт хил усули мавжуд:

- анъанавий усул – олтин захиралари ҳисобидан тўлаш;
- консолидация усули – кредиторлар халқаро молиявий мажбуриятларни бажара олмаётган давлатларга нисбатан ҳамжиҳатликда сиёсат юргизиш мақсадида махсус қўшма ташкилотларни ташкил қиладилар;
- конверсия усули ёрдамида ташқи қарз ҳажмини камайтириш, яъни давлат мулкани хусусийлаштиришда кредиторлар иштироки орқали қарз маблағларини узоқ муддатли хорижий сармояларга айлантириш;
- кризис вазиятдан чиқиш мақсадида ҳудудий ва халқаро банкларга имтиёзли кредит ажратишлари учун мурожаат қилиш (қарзни янги қарзлар эвазига тўлаш).

Ўз навбатида Қирғизистон раҳбарияти қарздан қутулишда конверсия усулини кўпроқ маъқул кўрмоқда. ...

⁴⁴ Мазкур ахборот-таҳлилий маълумотнома (қисқа варианты) 2007 йил муаллиф томонидан тайёрланган ва ушбу маълумотномада ташқи қарздан қутулиш усуллари билан боғлиқ назарияга мурожаат қилинган.

Аҳоли даромадлари даражасини аниқлаш усуллари⁴⁵

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасини аниқлашнинг муҳим индикаторларидан бири уларнинг даромадларини ўрганиш ва харид қобилиятига баҳо бериш ҳисобланади.

Аҳоли даромадларини ўрганишда расмий банд аҳоли қатламининг иш ҳақи даражасини аниқлаш лозим бўлади ва ушбу жараён амалиётда қўлланилиб келинаётган **4 хил параметр ёрдамида ўрганилади:**

“Энг кам иш ҳақи”ни (ЭКИХ) “ўртача иш ҳақи”га (ЎИХ) нисбати;

ЭКИХ билан “ҳаёт кечириш учун минимум маблағ” (ҲКММ) ўртасидаги тафовут;

иш ҳақининг ЯИМдаги улуши;

соатбай иш ҳақининг даражаси.

Назарияда келтирилишича, ҳар бир параметр учун чегаравий қийматлар ўрнатилган бўлиб, улардан четга чиқиш ривожланишдаги салбий вазият сифатида қаралади.

1. ЭКИХни ЎИХга нисбати. Амалиётда қўлланилиб келинаётган меъёрларга кўра, ЭКИХ билан ЎИХ ўртасидаги нисбат 5:1 га, яъни **5 та ЭКИХ ҳажми 1 та ЎИХга эквивалент бўлиши керак.**

2. ЭКИХ билан ҲКММ ўртасидаги тафовут. Назарий адабиётларда келтирилишича, ЭКИХнинг ўртача меъёри ҲКММдан камида **2,5 баробар ортиқ бўлиши керак.**

3. Иш ҳақининг ЯИМдаги улуши. Мамлакат ЯИМда иш ҳақининг улуши 50%дан камини ташкил этиши иқтисодиётда маълум муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Охирги 10 йилликда барқарор ривожланаётган давлатларда иш ҳақи мамлакат ЯИМнинг 67-72%га тўғри келмоқда.

4. Соатбай иш ҳақининг даражаси. БМТнинг ижтимоий муаммоларни ўрганишга ихтисослашган ташкилотлари маълумотларига кўра, фаолият тури ва шаклидан қатъи назар, **3 доллардан (ёки ойига 500 доллар) кам бўлган 1 соатлик иш ҳақи энг қуйи меъёр ҳисобланиб, иқтисодиётда меҳнат салоҳиятини бузилишига олиб келади.** Ўзбекистонда мазкур параметрлар бўйича аҳоли даромалари таҳлили иқтисодиётда маълум муаммолар мавжуд эканлигидан далолат бермоқда...

⁴⁵ Мазкур ахборот-таҳлилий маълумотнома (қисқа варианты) муаллиф томонидан тайёрланган ва унда иш ҳақи даражасини аниқлаш усуллари билан боғлиқ назарияга мурожаат қилинган.

Юқорида келтирилган мисоллардан келиб чиққан ҳолда, назария ва метод ўртасидаги тафовутни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

а) назария – аввалги ишларнинг натижаси ҳисобланади, метод – навбатдаги ишнинг асоси ва дастлабки пункти;

б) назариянинг асосий функциялари – тушунтириш ва олдиндан айтиш, методнинг функциялари эса – фаолиятни тартибга солиш ва мўлжал олиш;

с) назария – объектнинг моҳиятини, қонуниятларини акс эттирувчи идеал образлар тизими, метод – воқеяликни кейинги ўрганиш ва уни ўзгартириш қуроли сифатидаги қоидалар, йўл-йўриқлар, тартиботлар тизими.

Умуман, илмий назариянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– илмий билимни тизимга солиш ва тушунтириш;

мавжуд билимни кенгайтириш, тўлдириш, чуқурлаштириш ва унга аниқлик киритиш;

– янги тенденцияларни прогноз қилиш;

– янги қонуниятларни аниқлаш;

– илмий билимнинг ишончилигини ошириш;

– фанда эмпирик ва назарий билимларни синтез қилиш ва бошқ.

Илмий билимларнинг муҳим таркибий қисмини илмий қонунлар ташкил этиб, улар энг аҳамиятли, барқарор ва такрорланиб турадиган табиат, жамият ва тафаккур ички объектив боғлиқлигини акс эттиради. Одатда илмий қонунлар умумий тушунча ва категориялар жумласига киради.

Олимлар етарли даражада фактологик материалларга эга бўлмаган ҳолларда, илмий натижага (ижобий ёки салбий) эришиш воситаси сифатида гипотезадан фойдаланадилар. Гипотеза илмий тахмин бўлиб, уни ишончли илмий назария даражасига етказиш учун тажрибада текширишни ва назарий асослаш талаб этилади.

Илмий назарияни шакллантиришда унда фойдаланиладиган атамаларни аниқлаш муҳим. Аниқлаш процедуралари икки асосий вазифани бажаради: 1) мавжуд назарияга янги атамаларни киритиш; 2) бирор атамани уни бошқа атамалар воситасида тавсифлаш орқали маъносини намоён қилиш. Шунга мос равишда икки комплекс масала юзага келади: атамалар киритишга оид масалалар ва атамаларнинг бошқа атамалар орқали аниқланишига оид масалалар. Шундай ҳам бўлиши мумкинки, назариянинг бирор атамаси «ортиқча»лик қилади. Бунда бу атамага тегишли тушунчани қолган тушунчалар орқали ифодалаш мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, назарияни бошқа атамалар орқали аниқланмайдиган атамалар сонини камайтириш йўли билан соддалаштириш мумкин.

6.3. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШДА МЕТОД, МЕТОДИКА ВА МЕТОДОЛОГИЯНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Диссертация ўзида илмий мактаблар томонидан шаклланган қарашлар, ёндашувлар ва назарияларга, шунингдек, амалий тажрибаларга асосланган тадқиқот натижаларини, илмий муаммони ҳал этишга нисбатан янги усул ва методик ёндашувлар ишланмасини мужассамлаштириши даркор.

Тадқиқот ишларининг муваффақияти, энг аввало, тадқиқот методологиясига боғлиқ.

 **Методология** илмий тадқиқот фаолиятининг фалсафий негизлари ҳақидаги тасаввурлар мажмуини қамраб олади, тадқиқотчи методология ёрдамида билимларни англайди, талқин қилади ва уларни амалиётга татбиқ этиш йўллариини ишлаб чиқади.

Илм-фан методологияси илмий билимлар олиш йўллари ва уни ташкил этиш тамойилларини фалсафий таҳлил қилиш ҳисобланиб, илмий билишнинг умумий ва махсус методлари тизимидир.

 **Метод** – муайян мақсадга эришиш, аниқ вазифани бажариш усули, борлиқни амалий ва назарий ўзлаштириш (билиш) усуллари ёки жараёнлари мажмуи.

 **Методика** – метод билан боғлиқ шарт-шароитлар, ундан фойдаланишнинг ташкилий жиҳатлари.


 **Методология** – илмий фаолиятнинг структураси, мантиқий тузилиши, метод ва воситалари, тамойиллари ва шакллари ҳақидаги таълим.

Тадқиқотчилар томонидан баъзан метод, методика ва методология тушунчаларининг тўлиқ моҳиятини англамаслик ҳолатлари кузатилади.

Мазкур атамаларни тингловчига тушунарли бўлиши учун уларни ҳаётий мисоллар, хусусан амалий ва илмий муаммолар ёрдамида чизмалар орқали изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб амалий мисол тариқасида “Экин учун мўлжалланган ерни юмшатиш” вазифаси доирасида метод, методика ва методология тушунчалари талқинини кўриб чиқамиз.

1. “Экин учун мўлжалланган ерни юмшатишнинг қандай усуллари мавжуд?” – деган саволга мавжуд таҳлил МЕТОДЛАРИ орқали жавоб топишимиз мумкин.



2. Ерни юмшатишда мавжуд методларнинг ташкилий жиҳатларининг ўзига хослиги ҳақидаги маълумотлар, билим ва кўникмаларни бизга МЕТОДИКА беради:

			
	Механик усул		Кимёвий усул
Умумий кўрсаткичлар	□ меҳнат қуролининг қулайлиги (ушлаш учун махсус мосламанинг мавжудлиги); □ ускунанинг ерга киритиладиган уч қисмини ўткирлиги; □ мустаҳкамлиги.	□ тракторга юмшатиш мосламасини улаш имкониятининг мавжудлиги; □ ерни керакли чуқурликда қовлаш учун мослаш имкониятининг мавжудлиги; □ мустаҳкамлиги.	□ ўғитнинг тегишли тарзда қопла жойланганлиги; □ фойдаланиш муддатининг ўтиб кетмаганлиги; □ ўғитнинг кимёвий таркиби; □ ўғитни солиш технологик режимлари.
Харажатлар (1 га учун минг сўмда)	200	1000	2 000
Ўзига хослик	□ меҳнат қуролини вақти-вақти билан ўткирлаб туриш лозим.	□ юмшатишган ердаги ортиқча нарсаларни (тош, металл) териб ташлаш лозим.	□ ўғитни майдоннинг барча қисмига бир хил тушишини таъминлаш лозим.

3. МЕТОДОЛОГИЯ – Қайси методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ? – деган саволга жавоб беради, яъни ушбу вазифани услубий жиҳатдан ечиш йўллари ҳақида таълимотларни методология орқали оламиз.

		
	Механик усул	Кимёвий усул
Қай ҳолларда қўллаш мумкин	☐ минерал ўғит экинга салбий таъсир қилиш эҳтимоли мавжуд бўлганда; ☐ уй шаронгиди; ☐ кичик майдонлар учун қулай; ☐ мевали дарахтлар тагини юмшатишда.	☐ ерни чуқур қисмигача юмшатиш зарурати бўлганда; ☐ дала шаронглариди; ☐ катта, очиқ майдонлар учун қулай; ☐ қип олдида, яъни тупроққа қорни аралаштириш таъминлаш учун.
		☐ механик усулни қўллаш имконияти бўлмаганда; ☐ ёмғирли шаронгларда; ☐ экинни ҳам ўғитлаш керак бўлганда; ☐ ерни саёз қисмини юмшатиш зарур бўлганда.

Энди, қуйида мазкур атамаларни илмий вазифа мисолида кўриб чиқамиз. Масалан «Толибон» ҳаракати томонидан тузилган ҳукумат бош-қаруви шароитида ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг мамлакат хавфсизлигини таъминлашдаги имкониятларини баҳолаш» мавзуси мисолида кўриб чиқамиз.

4. Баҳолашда фойдаланиш мумкин бўлган МЕТОДЛАР (ушбу рўйхатни яна кенгайтириш мумкин):

Методлар	Қиёсий таҳлил
	SWOT-таҳлил
	Сценарий
	Контент таҳлил
	Омилли таҳлил
	...

5. Илмий вазифанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, мазкур методларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари ва улардан фойдаланиш имконияти – МЕТОДИКАда акс этади. Қуйида айрим методларнинг ўзига хослиги ва уларни қўллаш шартлари келтирилган:

Методлар	Мақсади	Қўллаш шarti
Қиёсий таҳлил	Икки ва ундан ортиқ объектни солиштириш	Солиштириш учун танланган объектлар маълум параметрлар бўйича яқин бўлиши лозим
Омилли таҳлил	Объектга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсир даражасини ўрганиш	Ички ва ташқи омилларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ
Контент таҳлил	Расмий матннинг асл моҳиятини ўрганиш	Калит сўзлар ва сўз бирикмалари аниқланиб олиниши шарт
Экспертлар баҳоси	Аниқ фактлар бўлмаган ҳолларда, жараён ёки ҳодисанинг истиқболини ўрганиш	Экспертлар ўрганилаётган йўналиш бўйича мутахассис бўлиши ва объективликни таъминлаш учун экспертлар фикрини ўрганиш
SWOT таҳлил	Объектнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини, имкониятлари ва унга таҳдидларни ўрганиш	Объектнинг кучли жиҳатлари ва имкониятлари, кучсиз ва таҳдидлари ўртасидаги алоқадорликни топиш лозим
Сценарий	Объект истиқболини бир неча вариантларда бериш	Таъсир кўрсатувчи омиллар ўзгарувчан бўлган ва аниқ прогноз бериш имконияти бўлмаган ҳолларда ишлаб чиқилади

6. МЕТОДОЛОГИЯ: Қайси методлар ёрдамида хавфсизлик кучларининг мамлакатда хавфсизликни таъминлашдаги имкониятларини баҳолаш мақсадга мувофиқ ва нима учун?

Методология ёрдамида мазкур илмий вазифани бажариш методикаси танланди, яъни: хавфсизлик кучларининг имкониятларига баҳо беришда тизимли таҳлил ёндашуви талаблари асосида, асосан экспертлар баҳоси (белгиланган барча мезонлар учун), қиёсий таҳлил (ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлигини қиёслаш учун), омилли таҳлил (хавфсизлик кучлари фаолияти имкониятларига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун), шунингдек сценарий (хавфсизлик кучларининг мамлакатда хавфсизликни таъминлаш имкониятлари истиқболларини прогноз қилиш учун), SWOT таҳлил (Афғонистон Хавфсизлик кучларининг фаолиятига умумий баҳо бериш учун) методларидан комплекс тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Асосий кўрсаткичлар	Қиёсий таҳлил	Омилли таҳлил	Контент таҳлил	Эксперт баҳоси	SWOT таҳлил	Сценарий
Хавфсизлик кучлари сони (<i>минг киши</i>)				+		
Ҳарбийлар сонининг ўсиш/камаиш тенденцияси (%)				+		
Хавфсизлик кучларининг йиллик моддий таъминоти (<i>млн долл.</i>)				+		
Ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлиги (<i>махсус тайёргаликдан ўтганлар, %</i>)	+			+		
Жанговар қуроллар билан таъминланганлик даражаси (<i>қўшин турлари бўйича қурол ва ҳарбий техникалар сони, та</i>)				+		
Хавфсизлик кучлари фаолияти имкониятларига таъсир кўрсатувчи омиллар (<i>ички ва ташқи, шароит яратувчи ва тўсқинлик қилувчи</i>)		+		+		
Хавфсизлик кучларининг мамлакатда хавфсизликни таъминлаш имкониятлари истиқболлари				+		+
Хавфсизлик кучлари фаолиятига умумий баҳо					+	+

6.4. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК ПРИНЦИПЛАРИ

Илмий тадқиқотларга оид ёндашувлар принциплар тарзида таърифлангунга қадар ҳам қўлланилиб келинган, аммо уларни муайянлаштириш, уларнинг амал қилиш соҳаларини муфассал таҳлил қилиш асосан XX аср методологиясида амалга оширилди.

Ҳар бир принцип юзасидан жуда кўп адабиётлар мавжуд, аммо уларни ўқиш мазкур принципларнинг мухтасар тавсифига таққослаганда тадқиқотчига жуда кам методологик маълумотни беради. Муфассал тадқиқотлар профессионал методологларга ўз қарашларини муайянлаштириш ва ҳимоя қилишлари учун фойдалидир.



Мувофиқлик принципи. Илмий билишнинг мазкур соҳасидаги билимларни янги принциплар (ғоялар, концепциялар, назариялар) асосида тизимга солиш бу соҳадаги «эски» билимни ушбу тизимнинг элементи сифатида (хусусий ҳодиса, энг сўнгги ҳодиса сифатида ва ш.к.) ўз ичига олиши лозим. Масалан, релятивистик механика жисмлар паст тезликда ҳаракатланганида Ньютоннинг классик механикасига ўтади.

Илмий билиш методологиясида мувофиқлик принципининг шаклланиши одатда Н.Бор номи билан боғланади. Ваҳоланки, мувофиқлик принципи ғоялари турли шаклларда ундан олдин ҳам илгари сурилган. Адабиётларда, жумладан, шундай деб кўрсатилади: «Нильс Бор 1913 йилда машҳур «мувофиқлик принципи»ни таърифлаб берди. Мазкур принцип нурланишнинг классик назарияси билан квант назарияси ўртасида қонуний муносабат ўрнатди. У атом назариясининг ривожланишида шу қадар муҳим роль ўйнадики, А.Зоммерфельд Н.Борнинг «мувофиқлик принципи»ни «сеҳрли таёқча» деб таърифлади»⁴⁶. Аммо ўтган асрга назар ташлайдиган бўлсак, шунга ўхшаш ғояларни А.Бутлеровда ҳам учратишимиз мумкин. У, жумладан, шундай деб ёзади: «Кимёвий энергия ва атомлар ҳаракатининг табиатини тушуниб етсак, механика қонунлари бу ерда ҳам амал қила бошласа, кимёвий тузилиш ҳақидаги таълимот кимёнинг эски назариялари сингари ўз аҳамиятини йўқотади. Аммо у фақат йўқолиш учун эмас, балки ўзгарган шаклда янги, янада кенг қарашлардан ўрин олиш учун ўз аҳамиятини йўқотади»⁴⁷.

⁴⁶ Антонов А.Н. Преемственность и возникновение нового знания в науке. - М.: Изд-во МГУ. 1985. - С. 171.

⁴⁷ Бутлеров А.М. Сочинения. - М., 1953. Т.1.- С. 640.

Мазкур принцип аксарият ҳолларда илмий билимни фарқлашга кўмаклашади.

 **Тўлдирувчанлик принципи.** Тадқиқотнинг кўпгина объектлари (микродунёнинг элементар зарраларга ўхшаш энг оддий объектларидан тортиб, то инсон ва жамият сингари мураккаб объектларгача) ҳар хил, ҳатто қарама-қарши билимлар (назариялар, концепциялар, ёндашувлар)ни бирлаштириш асосида нисбатан тўла тавсифланади.

«Тўлдирувчанлик принципи»ни аниқ шаклда таърифлаш яна Нильс Бор номи билан боғланади.

Назарий ғояларнинг сони ва ранг-баранглиги билан объектни мукамал билиш имконияти ортиб боришини назарда тутадиган мазкур принципларни «квадратга кўпайтирилган тўлдирувчанлик принциплари» деб номлаш мумкин. Мазкур принцип тўлдирувчанлик принципларга ўхшаб кетса-да, мураккаб объектларни ўрганишда (масалан, «Инсон ва барча мавжуд ёндашувлар, назариялар, йўналишлар, мактаблар, таълимотлар» муаммосини оладиган бўлсак) ўзининг мукамаллигини кўрсатади.

 **Верификация принципи** – моҳият-эътибори билан формал мантиқни етарли асослаш принципининг ўхшаши.

Унинг асосий мазмуни жуда содда – илмий билим тизимига киритиладиган қоидаларга асосланган бўлиши керак. Аммо ҳақиқий ёки асосланган илмий билимнинг умумэътироф этилган мезонларини танлаш муаммоси ҳақида бундай дейиш мушкул. Афсуски, бу ерда олимлар ўртасида яқдиллик йўқ. Мантикий позитивизмда ҳар қандай билимни энг содда атомар эмпирик мулоҳазалар, қайдларга боғлаш орқали эмпирик асослаш имконияти мана шундай мезон бўлиб хизмат қилади.

 **Фальсификация принципи** – мазкур тамойилга биноан, фақат инкор этиш орқали текшириб кўриш имконияти мавжуд бўлган билимгина илмий билим бўлиши мумкин.

Анъанавий илмий билимни сохта, мистик, эзотерик ва бошқа шунга ўхшаган таълимотлардан ажратишда фальсификация тамойили айниқса

катта самара беради. Масалан, кимдир осмонда ўзга сайёраликлар кетаётган “учар ликоп”ни кўрдим деб айтса, мазкур хабарни илмий нуқтаи назардан кўриб чиқиш учун унинг ёлғонлиги ёки ҳақиқийлигини танқидий текшириш имконияти (*гувоҳлар, фотосурат, қайд этилган радиосигналлар ва ш.к.*) бўлиши керак.

Мазкур тамойилни К.Поппер таърифлаб берган. Аммо унинг асосий ғояси қисман илгари ҳам тадқиқ қилинган эди. Масалан, Ф.Ницше «Яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида» асарида: «Назарияни инкор этиш мумкин эмаслиги, унинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Айнан мана шу жиҳати билан у энг нафис ақл эгаларини ўзига тортади»⁴⁸, деб ёзади.



Редукция принципи – маълум яхлитлик, тизим, «мураккаблик»ни унинг нисбатан содда таркибий қисмлари, элементлари орқали билишдир.

Редукция тамойили – тадқиқ қилинаётган объектлар (яхлитликлар, тизимлар)нинг маълум интеграл хоссаларини мазкур объектларнинг таркибий қисмлари орқали билишдир. Бу тамойил жонли ва жонсиз табиатнинг маълум объектларини, ижтимоий тизимларни, ижтимоий-табиий тизимларни илмий билишга кўпроқ хос. Масалан, атомнинг баъзи бир хоссаларини унинг ядроси ва электронларининг хоссаларидан, тирик ҳужайранинг хоссаларини унинг таркибидаги органоидлардан, жамиятнинг хоссаларини уни ташкил этган ижтимоий табақалар, иқтисодиёт, жуғрофий-сиёсий ҳолатнинг хоссаларидан келтириб чиқариш мумкин ва ҳ.к.



Яхлитлик принципи – тадқиқ қилинаётган объектларнинг алоҳида яхлит хоссаларини бошқа объектлар билан ўзаро алоқадорлиги орқали билиш.

Содда қилиб айтганда, бутун нарсa унинг таркибий қисмлари йиғиндисидан катта. Аниқроғи, ҳар қандай тизим, яхлитликда таркибий қисмлар, элементларнинг жами хоссаларига боғлаб (редукциялаб) бўлмайдиган хоссалар бўлади. Масалан, молекулаларнинг хоссалари уларнинг таркибидаги атомларнинг хоссалари билангина чекланмайди; тирик ҳужайраларнинг хоссалари уларнинг таркибидаги молекулалар ва органоидларнинг хоссалари билангина чекланмайди; популяцияларнинг хоссалари ўз таркибига кирувчи мавжудотларнинг хоссалари билангина чекланмайди; тил

⁴⁸ Ницше Ф. По ту сторону добра и зла // Ницше Ф. Сочинение в 2-т. М.: Мысль. 1990. – С. 58.

хоссалари уни ташкил этувчи лексик бирликлар, грамматика қоидалари, семиотик тафсилотларнинг хоссалари билангина чекланмайди.



Контрредукция принципида олий имманент «метаяхлит» хоссаларнинг мавжудлиги ва мазкур тизим яхлитлигини янада юксак даражада уюшган тизимнинг таркибий қисми, элементи сифатида гносеологик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш мумкинлигини эътироф этилади.

Контрредукция тамойили «бутуннинг хоссалари унинг таркибий қисмлари хоссаларининг йиғиндисидан катта», деган маълум қоидага асосланибгина қолмасдан, табиий тузилмалар (яхлитликлар)нинг олий (метаяхлит) хоссаларини ажратади. Муайян объектнинг аниқланган яхлит хоссалари, агар улар таркибий қисмларнинг хоссаларига боғлиқ бўлмаса, «метаяхлит хоссалар» бўлмаслиги мумкин.



Тизимли ёндашув – умумилмий билимнинг тармоқланган соҳаси бўлиб, унинг предметиға редукция, яхлитлик ва контрредукциянинг методологик муаммолари ҳам киради.

Бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш керакки, редукция, яхлитлик ва контрредукция тамойиллари айни бир объектни ҳар хил даражада кўриш имконини беради. Бунда аниқланган хоссаларга, агар объект ривожланаётган Оламнинг ягона тизимиға қўшилган яхлитлик сифатида тўлиқ тавсифланган бўлса, тўлдирувчанлик тамойили нуқтаи назаридан қараш лозим.



Моделлаштириш принципи ва ўхшатиш методи – объектларнинг баъзи бир хоссаларини уларға ўхшаган моддий ёки номоддий (концептуал тушунчаға асосланган, мантиқий-математик) конструкцияларни тадқиқ қилиш орқали билиш мумкинлигига асосланади.

Моҳият-эътибори билан бу қиёсий билиш йўлидир. «Қиёслаш», «ўхшатиш», «модель» тушунчалари методологик нуқтаи назардан кўп жиҳатдан ўхшашдир. Шу муносабат билан моделлаштириш (қиёсий билиш) тамойилини тушунишни енгиллаштириш учун И.Кантнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли бўлади: «...Қиёсий билиш ...икки нарсанинг номукамал ўхшашлигини эмас, балки икки мутлақо ўхшаш бўлмаган нарсалар ўртасидаги икки муносабатнинг мутлақ ўхшашлигини англатади»⁴⁹.

⁴⁹ Кант И. Пролегомены ко всякой будущей метафизики, могущей возникнуть в смысле науки. М.: 1993. - С. 210.



Тарихийлик принципи – объектни келиб чиқиши ва ривожланишига боғлаб, уни муфасссал ўрганиш мумкин.

Методологик тамойиллар ва ёндашувларнинг табиати ҳар хилдир. Масалан, редукция, яхлитлик, контрредукция тамойиллари тадқиқотнинг табиий объектлари табиатини: верификация, фальсификация тамойили, мантиқ қонунлари эса билиш ва фикрлаш фаолиятининг шакллари: тўлдирувчанлик, тарихийлик тамойиллари ва системали ёндашув эса тадқиқот объектлари ҳамда билиш ва фикрлаш фаолиятининг хоссаларини ифода этади.

Илмий билиш тизимида методологиянинг тутган ўрни, вазибалари ҳақида билдирилган фикрларга шуни қўшимча қилиш керакки, методологиянинг операционал-амалий аҳамиятидан ташқари, унинг инсон ақлий ва билиш фаолиятининг айрим механизмларини очиб берувчи билим тизими сифатидаги аҳамияти тўғрисида сўз юритиш мумкин. Зотан, бу инсон ўз-ўзини англаши учун ҳам, «сунъий интеллект» тизимларини яратиш учун ҳам муҳимдир. Бундан ташқари, ҳар қандай илмий билиш фаолияти доимо муайян методга ва у ҳақидаги қарашларга (яъни маълум протометодологияга ёки аниқ бўлмаган методологияга) асосланишини ҳам тушуниш керак. Аммо барча тадқиқотчилар ҳам методология муаммоларини махсус ўрганавермайди. Бу методология ҳар қандай илмий билиш фаолиятининг ажралмас қисми эканлигини тушуниб етиш учун муҳимдир.

ХУЛОСА

Назария – бу табиат ва жамият қонуниятларини тушунишгина эмас, балки унга фаол таъсир этиб ақлий асосда ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги илмий ғоялар тўпламидир.

Илмий билишда назария ҳодисаларнинг муайян туркуми, бутуркумдаги ҳодисаларнинг моҳияти ва уларга нисбатан амал қиладиган борлиқ қонунлари ҳақидаги билимларнинг мантикий асосланган ва амалиёт синовидан ўтган тизими сифатида ҳам талқин этилади. У ўрганилаётган ҳодисаларнинг мазмунини ёритувчи табиат ва жамият умумий қонунларининг кашф этилиши натижасида шаклланади. Назария таркибига унинг асослари сифатида мавжуд бўлган ва юзага келишини белгилаган барча элементлар киради. Дастлабки назарий негиз, яъни жамулжам ҳолда тадқиқот объекти ҳақида умумий тасаввурни, объектнинг идеал моделини ташкил этувчи кўп сонли тамойиллар, аксиомалар, қонунлар назариянинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Назарий модель айна вақтда асосий назарий тамойиллар тизимига таянувчи келгуси тадқиқотлар дастури ҳамдир.

Пухта ишлаб чиқилган назария фанга маълум бўлмаган ҳодисалар ва хоссаларни башорат қилиш имкониятига эга бўлади. Назария одамлар амалий фаолиятининг негизи бўлиб хизмат қилади, уларга табиий ва ижтимоий ҳодисалар дунёсида йўл кўрсатади. Назарияда илмий ғоялар, яъни унда акс эттирилган объектлар туркуми доирасида амал қилувчи фундаментал қонуниятлар ҳақидаги билимлар марказий ўринни эгаллайди. Илмий ғоя мазкур назарияни ташкил этувчи қонунлар, тамойиллар ва тушунчаларни мантиқан изчил яхлит тизимга бирлаштиради. Одатда сабабларни аниқлаш ўрганилаётган объектнинг моҳиятини очиш билан боғлиқдир. Назариянинг вазифаси сабабни аниқлаган ҳолда ҳодисанинг табиатини тушунтиришдан иборат.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Илмий мактаб, илмий қарашлар ва ёндашувлар, назария, метод, методика, методология, методологик ёндашувлар.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Илмий мактаб нима? Қандай илмий мактабларни ва унинг намоёндаларини биласиз?
2. Назария нима? Айрим назарияларга мисоллар келтиринг.
3. Метод, методика ва методология тушунчаларига изоҳ беринг.
4. Илмий тадқиқотнинг қандай методологик тамойилларини биласиз?.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚ

Танланган мавзуга алоқадор назарияларни топинг ва ундаги қарашларни ўз илмий позициянгиз билан қиёсланг.

7-мавзу.

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДА ДАЛИЛЛАР ВА ГИПОТЕЗАЛАР.
ТАДҚИҚОТНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ**

Кириш

7.1. Илмий тадқиқот ишларида далилларнинг аҳамияти

7.2. Тадқиқот гипотезасини шакллантириш.

7.3. Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси.

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Ушбу маъруза илмий ишни бошловчилар учун тадқиқот дастурининг энг муҳим элементлари ҳисобланган тадқиқот гипотезаси, уни шакллантириш шартлари ва талаблари, тадқиқотнинг методологик асоси, илмий янгилиги ва аҳамияти кабиларга бағишланади.

Тадқиқот дастурининг юқорида келтирилган таркибий қисмлари ҳам илмий ишнинг муҳим элементлари ҳисобланиб, тадқиқот доирасида қандай мавҳумликларга ойдинлик киритилиши ва қайси илмий жумбоқларни ечилиши кераклиги билан боғлиқ саволларга жавоб беради.

7.1. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИДА ДАЛИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Фанда далиллар назарий мулоҳазаларнинг ахборот манбаи ва эмпирик асоси вазифасини бажариш билан бир қаторда, уларнинг ҳақиқийлиги мезони бўлиб ҳам хизмат қилади. Ўз навбатида, назария далилнинг концептуал асосини шакллантиради: воқеликнинг ўрганилаётган жиҳатини фарқлайди, далилларни баён этиш тилини, экспериментал тадқиқот воситалари ва усуллари белгилайди. Бу ерда энг катта қийинчилик ҳақиқий далилларни ҳақиқий бўлмаган, ҳақиқий бўлиб туюлаётган далиллардан фарқлашдан иборат.

-  **Далил (лот. *factum* – юз берган ҳодиса)** – ҳақиқийлиги аниқ белгиланган даъво кўринишидаги билим.
-  **Далил** – бу содир бўладиган (содир бўлган) воқеа.
-  **Далил** қайд этилган эмпирик билимни ўзида ифодалайди ва “воқеа”, “натижа” тушунчаларининг синоними сифатида амал қилади (яъни маъно жиҳатидан улар билан яқин туради).
-  **Далил** – бу амалда аниқланган, уйдирма бўлмаган воқеа, ҳодиса.
-  **Далил** – бу билиш мумкин бўлган ҳодиса; билиш мумкин бўлмаган ҳодиса илмий далил ҳисобланмайди.
-  **Илмий далиллар** асосида ҳодисаларнинг хоссалари ва қонуниятлари аниқланади, назариялар ва қонунлар келтириб чиқарилади.

Илмий далиллар холисоналик, ҳақиқийлик ва аниқлик билан тавсифланади. Илмий далилдан фойдаланиш жараёнида унинг янгилиги улкан аҳамият касб этади. Илмий далилнинг муҳимлигидан келиб чиқиб тадқиқотчи унга танқидий баҳо беради, унинг холисоналиги ва ҳақиқийлиги даражасини аниқлайди. Илмий далилнинг ҳақиқийлиги унинг дастлабки манбалари асосида аниқланади. Агар илмий далилнинг ҳақиқийлиги аниқланган бўлмаса, биринчидан, у илмий деб аталиши, иккинчидан, ундан илмий ишда (масалан, диссертацияда) фойдаланилиши мумкин эмас.

Шу туфайли ҳам давлат ва жамоат ташкилотлари номидан чоп этиладиган расмий нашр аниқлиги шак-шубҳа уйғотмайдиган материаллардан иборат бўлиши лозим. Одатда, тадқиқотчилар, ҳатто расмий нашрлардан олинган далилларни ҳам қайта текширишларига тўғри келади.

Илмий далиллар назарияга нисбатан ҳам икки хил вазифани бажаради: мавжуд назарияга нисбатан илмий далил ё уни мустаҳкамлайди (верификация қилади), ё у билан тўқнашади ва унинг асоссизлигини кўрсатади (фальсификация қилади). Бироқ, бошқа томондан, назария эмпирик тадқиқот даражасида олинган илмий далиллар йиғиндисини шунчаки умумлаштиришгина эмас. Унинг ўзи янги илмий далиллар олиш манбаига айланади. Шундай қилиб, эмпирик ва назарий билим яхлит ҳодиса – илмий билим икки томонининг бирлиги ҳисобланади. Бу томонларнинг муайян илмий билиш жараёнидаги ўзаро алоқаси ва ҳаракати, уларнинг ўзаро нисбати назарий билимга хос бўлган шаклларнинг изчил қатори юзага келишини белгилаб беради.

Назарий билимнинг асосий шакллари: илмий муаммо, гипотеза, назария, тамойиллар, қонунлар, категориялар, парадигмалардир.

Илмий далил қайси манбадан олингани, унинг келиб чиқиши кўрсатилган, илмий далилнинг ҳақиқийлиги асосланган монографиялар ва бошқа илмий ишлар илмий далилнинг ишончли манбалари ҳисобланади. Илмий ишнинг ўзи ҳам бошқа тадқиқотчилар томонидан манбаларни кўрсатган ҳолда фойдаланилиши мумкин бўлган илмий далилни яратади. Бироқ монографияда манбаси асосланмасдан келтирилган илмий далилдан унинг ҳақиқийлиги аниқланмасдан ва тасдиқланмасдан кейинчалик илмий далил сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

Эмпирик билиш фанга далилларни етказиб берадиган алоҳида турдаги билимни шакллантиради. Далилларни аниқламасдан туриб бирон-бир илмий тадқиқот ўтказиш мумкин эмас. Шу сабабли илмий далилларни аниқлаш ва тўплаш эмпирик билишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Илмий далилларни аниқлаш усуллари жумласига қуйидагилар киради: кузатиш, таққослаш, ўлчаш, эксперимент (ўқитувчи бунини аниқ мисоллар билан тушунтириши шарт).

Далилларнинг илмий билишдаги аҳамияти ва “имтиёзли” далиллар. Оламшумул илмий кашфиётлар қилиш, фаннинг муайян соҳасида инқилоб яшаш, одатда, кўп сонли далиллар асосида амалга оширилади. Масалан, Дарвиннинг эволюция назарияси чорвадорлар ва ўсимликшунослар, шунингдек “Турларнинг келиб чиқиши” муаллифи тўплаган улкан далилий материал асосида яратилган. Дарвин ўзининг бу борадаги ижодий фаолияти тўғрисида кўп сонли ноёб маълумотлар берган. Бироқ кўп сонли далилларни тўплаш ўз-ўзича илмий тадқиқотнинг муваффақиятини кафолатламайди. Ҳозирги замон фанида далилларнинг кичик бир йиғиндисидан улкан аҳамиятга эга бўлган илмий хулосалар чиқарилгани ва назарий умумлаштиришлар қилинганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ерда гап “имтиёзли” далилларнинг билиш жараёнидаги улкан аҳамиятига, шунингдек муайян тадқиқот учун айниқса мос келадиган далилларни танлаш масаласига бориб тақалади.

Муайян йиғиндидаги далилларнинг барчаси ҳам тенг қиммат ва аҳамиятга эга бўлавермайди. Далилларнинг билишдаги аҳамиятига келсак, уларнинг ўртасида муайян иерархиявий алоқа мавжуд. Ушбу вазиятда у ёки бу далиллар йиғиндисининг кенг имкониятлари ҳам, унинг маълум даражада чекланганлиги ҳам намоён бўлади. Далилларни тадқиқ этиш уларнинг реал иерархиясига асосланиши, бунда ҳар бир далилнинг билишдаги аҳамияти очиб берилиши лозим. Олим олдида ҳар доим ўзи дуч келган кўп сонли ҳодисаларга доир далилларни саралашдан иборат бўлган ижодий вазифа туради. Олим ўзи қўйган муайян илмий вазифанинг ечимини ҳисобга олган ҳолда, энг ёрқин, ўзига хос далилларни танлаб олиши, фарқлаши ва ўз эътиборини уларга қаратиши лозим.

Субъективизм хавфининг олдини олиш учун далилларни танлаш уларнинг ҳақиқий илмий кучи, аҳамияти ва иерархиясини англаб етиш ва тадқиқ этиш асосида амалга оширилиши лозим. Ушбу вазифани ҳал қилиш жараёнида олим турли гносеологик муаммоларга дуч келади. Айнан шу муаммоларни ечиш илмий ижод мазмунини ташкил этади. Бир томондан, олим ўзи тадқиқ этаётган далилларнинг мураккаблик даражасини ҳисобга олиши лозим. Бошқа томондан эса, у мазкур далилларни сунъий равишда соддалаштириши, уларнинг энг муҳим жиҳатларини иккинчи даражали жиҳатлардан фарқлаши, ўзи кўзлаётган аниқ гносеологик мақсад учун аҳамиятга эга бўлмаган жиҳатларни онгли равишда эътибордан соқит этиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, олим илмий тадқиқот жараёнида барча далилларни ва уларнинг барча жиҳатларини ҳисобга олиши, шу билан бир вақтда, уларнинг орасидан айниқса диққатга сазовор бўлган, “имтиёзли” далиллар ва жиҳатларни ажратиб олиши, сўнг ўзининг асосий эътиборини уларга қаратиши лозим.

Муайян илмий далилни аниқлаш ва унга ишлов бериш фан учун турли натижаларга олиб келади. Айрим илмий далиллар бутун фанни ёки унинг айрим бўлимларини янада ривожлантиришга сезиларли даражада таъсир кўрсатади, баъзи далиллар эса бундай ролни ўйнашга қодир бўлмайди.

Ўз вақтида Д'Аламбер "имтиёзли" далиллар тўғрисидаги масалани ўзига хос тарзда қўйган эди. "Энциклопедияга муқаддима"да олим фан қонунлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилар экан, у "мумкин қадар кўпроқ далилларни тўплаши, уларни табиий тартибда жойлаштириши ва биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган маълум далиллар билан боғлаши" шарт эканлигини кўрсатиб ўтган эди⁵⁰.

Фан далиллари умумлаштирилиши натижасида улар назария учун асос бўлиб хизмат қилади. Далилларни умумлаштиришнинг оддий шакллари – уларни таҳлил, синтез қилиш, типларга ажратиш, бирламчи тушунтириш схемаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар асосида амалга ошириладиган тизимга солиш ва таснифлашдир. Маълумки, жуда кўп илмий кашфиётлар олимларнинг далилларни тизимга солиш ва таснифлаш борасидаги фидокорона меҳнати натижасида юзага келган (масалан, Ч.Дарвин яратган турларнинг табиий танланиш йўли билан пайдо бўлиши назарияси, Д.И.Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системаси).

Ўрганилаётган объектларнинг фан далиллари ёрдамида аниқланувчи миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги алоқалар ва изчил такрорланувчанлик хоссасини ёритувчи эмпирик гипотезалар ва эмпирик қонунлар далилларни умумлаштиришнинг энг мураккаб шакллари ҳисобланади.

Илмий далиллар, эмпирик гипотезалар ва эмпирик қонунлар фақат ҳодисалар ва жараёнлар қандай юз бериши ҳақида билим беради, бироқ улар ҳодисалар ва жараёнлар нима учун айнан шундай тарзда юз беради, деган саволга жавоб бермайди, уларнинг сабабларини тушунтирмайди. Фаннинг – ҳодисаларнинг сабабларини аниқлаш, илмий далиллар замирида ётган жараёнларнинг моҳиятини тушунтириш, вазифаси илмий билимнинг олий шакли – назария доирасида ҳал қилинади.

Илмий далил ишончли кузатиш, эксперимент маҳсулидир: у объектларни бевосита кузатиш, асбоб кўрсаткичи, фотосурат, ўтказилган синовларнинг баённомалари, схемалар, қайдлар, шохидларнинг гувоҳликлари билан тасдиқланган архив ҳужжатлари ва ҳоказолар кўринишида амал қилади. Бироқ, қурилиш материаллари ҳали бино бўлмаганидек, далиллар ҳам ўз ҳолича фанни ташкил этмайди. Далиллар саралаб олингани, таснифлангани, умумлаштирилгани ва тушунтирилганидан кейингина

⁵⁰ Д'Аламбер Ж.-Л. Очерк происхождения и развития наук // Родоначальники позитивизма. Выпуск 1. – 109-б.

фандан ўрин олади. Илмий билишнинг вазифаси мазкур далилнинг юзага келиш сабаби, унинг муҳим хоссаларини, далиллар ўртасидаги қонуний боғланишни аниқлашдан иборат. Янги далилларнинг аниқланиши илмий билиш тараққиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

7.2. ТАДҚИҚОТ ГИПОТЕЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*«Агар гипотеза тасдиқланса бу ёқимли,
агар тасдиқланмаса – қизиқ»
А.Белопольский*



Гипотеза – илмий тафаккурнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, тадқиқот предмети, унинг доирасига кирувчи муаммо ҳақидаги дастлабки шартли хулосани акс эттиради.

Гипотеза тадқиқ этилаётган ҳолат ва жараёнлар ўртасидаги сабаб ва оқибатиларнинг ўзаро алоқадорлигига доир дастлабки тахминий хулосалар асосида шакллантирилади.

Илмий тадқиқот ва ижодий фаолият инсон интеллектуал салоҳиятини юксалтирувчи омиллар бўлиб, булар орқали инсоннинг биладиган ҳақиқати ҳам билимдан иборат бўлади, ақл эса илмдан қувват олади ва шунинг билан бирга илм ҳам эгалланади. Бу жараёнда гипотезанинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Айни шу маънода, С.Ю. Сауров “Гипотеза феномени назарияни яратишнинг дастлабки босқичидир”⁵¹, деб ёзади. Мазкур фикрда гипотезанинг динамик хусусияти ёритиб берилган бўлса-да, унинг эҳтимолий асосларга таяниши очиб берилмаган. Зеро, илмий-ижодий фаолиятда гипотеза орқали тадқиқ этилаётган муайян ҳодисанинг эҳтимол тутилган янги асослари ва сабаблари ҳақидаги фаразлар, тахминлар, фикрлар муҳим ўринни эгаллайди.

Гипотеза деганда янги илмий изланиш жараёнида далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи қонун мавжудлиги ҳақидаги асосли тахмин кўзда тутилади. Гипотеза, одатда, олимлар томонидан илмий муаммонинг қўйилишига сабаб бўлган илмий далилларни тахминий тушунтириш мақсадида ҳам ишлаб чиқилади. Бунда гипотеза назарий ва эмпирик талабларга жавоб бериши талаб этилади. Агар бундай текширишнинг иложи бўлмаса,

⁵¹ Сауров С.Ю. Научная гипотеза в контексте методологии естествознания / С.Ю. Сауров. - Киров ВятГУ, 2009 (Киров : Старая Вятка). - 166 с.

гипотеза илмий жиҳатдан асоссиз, деб топилади. Текширувларнинг ижобий натижаси гипотезанинг тўғрилигини тасдиқлайди ёки гипотеза ҳаққоний илмий назарияга айланганини кўрсатади. Бу илмий ижоднинг тантанаси, чинакам илмий кашфиётдир. Илмий ижодда теран, мазмунли гипотеза илмий билимнинг ўсиши, фанда прогноз ва башорат қилиш, илмий қонунни кашф этиш ва назария яратиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади”⁵².

Мазкур фикрлардан маълум бўладики, гипотеза асосида инсон билимсизликдан билимга, номукаммал ва ноҳаққоний билимдан мукаммал ва ҳаққоний билимга, далилларни ўрганишдан объектив мавжудликнинг ички мантиғини билишга, илмий назарияни шакллантиришга, бир назариядан билимнинг юқори даражасидаги бошқа назарияга ўтиш имкониятига эга бўлади.

*Лейбниц: “Агар гипотеза қуйидаги уч шартни қаноатлантирса, у асосли бўлади:
биринчидан – у содда бўлса;
иккинчидан – кўп сонли ҳодисаларни тушунтирса;
учинчидан – янги ҳодисаларни башорат қилишга ёрдам берса”⁵³.*

Мазкур учта шартнинг охиригиси айнан илмий-ижодий фаолиятда намоён бўлувчи гипотезанинг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Гипотезалар икки хил турда шакллантирилади:



Тавсиф берувчи – қандайдир воқеъликнинг мавжудлиги ҳақида тахмин қилинади.



Изоҳ берувчи – воқеъликнинг сабабларини очиб беради.

Мисол:


Тавсиф берувчи: Оға Хон жамғармаси Ғарб давлатларининг Марказий Осиё стратегияси инструментларидан бири ҳисобланади.

Изоҳ берувчи: Оға Хон жамғармасининг Марказий Осиё давлатларида ўз фаолиятини кенгайтириши минтақадаги, хусусан, Тожикистондаги диний вазиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

⁵² Қаранг: Саифназаров И., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. Ўқув қўлланма – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004..

⁵³ Қаранг: Лейбниц Г.В. Сочинения в 4-х т. Т. 1. М, 1982. - С. 16.

Гипотезани шакллантиришнинг асосий талаби бу уни эмпирик текшириш имкониятининг мавжудлигидадир. Гипотеза таркибига кирувчи тушунчалар фақат кузатиш, ўлчаш, қайд этиш ва таҳлил қилиш имконияти бўлган воқеа ва ҳодисаларни таърифлаши мумкин. Шу каби тушунчаларни йиғиш алоҳида процедура – эмпирик интерпретация ёрдамида амалга оширилади. Кўплаб воқеа ёки тенденцияларни тўғридан-тўғри идрок этиб бўлмаган ҳолларда, улар нисбий аниқланганда эмпирик интерпретацияларга зарурат туғилади.



Мисоллар:

1. Исбот талаб қилиши:

Гипотеза: «Ўзбекистон учун экспортга мўлжалланган янги транспорт йўлакларини очишдан кўра транзит имкониятини ошириш устувор ҳисобланади».

2. Марказий муаммога қаратилиши:

Мавзу: «Туркия ташқи сиёсатида Яқин Шарқ омили»


Гипотеза: «Адолат ва тараққиёт партиясининг ҳокимият тепасига келиши билан Туркия нафақат Яқин Шарқда халқаро сиёсатнинг акторларидан бирига айланди».

3. Умумқабул қилинган тушунчалардан фойдаланиш:

Гипотеза: «Норасмий ташкилотлар» фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги муаммонинг асосий сабаби ҳисобланади».

4. Текшириш имкониятининг мавжудлиги:

Гипотеза: «Тухумдан аввал жўжа пайдо бўлган».



Гипотеза мазмунига кўра ўрганилаётган ҳодиса ва жараённи сабаб-оқибат жиҳатдан ўзаро бир-бирига боғлиқлигини очиб беради, яъни турли оқибатларга олиб келувчи шартларни тушунтиради. Бунда тадқиқ этилаётган объектив реалликни келиб чиқиш ёки мавжудлик сабабларига доир дастлабки тахминий тушунтиришлар у ҳақидаги маълум билимлар асосида шакллантирилади.

Мисоллар:

1. Магистрлик диссертацияси мавзуси: «Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига таъсири».

Гипотеза: Ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик билан боғлиқ эмас.

2. Мавзу: «Ғарб давлатлари ва Россия Федерацияси ўртасидаги санкциявий низолар шароитида Ўзбекистон-Россия муносабатлари».

Гипотеза: Ғарб давлатлари томонидан Россия Федерациясига қўлланилаётган иқтисодий санкциялар Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий муносабатларига салбий таъсир кўрсатаётган бўлса-да, Россиянинг жавоб чоралари ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларга қўшимча имкониятларни яратмоқда.

3. Мавзу: «Ўзбекистон Республикасида йўловчи ташиш тизимини такомиллаштириш муаммолари ва истиқболлари».

Гипотеза:

А. Автотранспорт воситасида йўловчи ташиш тизимидаги мавжуд камчиликлар Ўзбекистон Республикаси йўловчи ташиш тизимининг энг заиф нуқтаси бўлиб қолмоқда.

Б. Ўзбекистонда йўловчи ташиш бўйича мувофиқлаштирувчи логистика марказларининг жорий этилиши, автотранспорт воситасида йўловчи ташиш тизимини такомиллаштиришнинг энг мақбул йўли ҳисобланади.

4. Мавзу: «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда импорт сиёсатини такомиллаштириш масалалари».

Гипотеза:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда амалдаги импорт сиёсатининг ўзига хослиги объектив зарурат ҳисобланиб, ундаги протекционизм ва фискал сиёсат, алоҳида давлатларга нисбатан импорт боғлиқлик даражаси, ҳамда тариф ва нотариф усулларнинг фаол қўлланилиши шулар жумласидандир.

2. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятида амалдаги импорт сиёсати мамлакат иқтисодиётида рақобат муҳитини ёмонлаштириши ва турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши билан бирга давлатнинг халқаро имижини туширади.

3. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда импорт сиёсати самарадорлигининг талаб даражасида эмаслиги уни амалга ошириш механизмлари ҳамда ТИФ субъектларининг ўзаро муносабатлари тўлиқ шакллантирилмаганлиги билан боғлиқ.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, шу каби оддий мантиқий амалларни бажариш орқали ўрганилаётган ҳодисага изоҳ берувчи бирламчи концепция ёки ғоя яратилади. Бу ерда дастлабки гипотеза асослари ижтимоий ва бошқа қўшма фанлар назарияларида мавжуд тушунчалар ёрдамида кузатилаётган аниқ воқеаларни тушунтириш орқали шакллантирилади. Шунинг учун улар билимларни ҳақиқийлигига исбот талаб қилувчи тахминий билимлар тизими сифатида кўрилади.

Д'Аламбер: "Гипотезани текширишда мумкин қадар кўпроқ далиллар тўпланиши, улар тизимлаштирилиши ва биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган далиллар сараланиши" шарт.

Қуйида магистратура тингловчилари томонидан **нотўғри** шакллантирилган айрим гипотезалардан мисоллар келтирилган.

Мисоллар:

1. Мавзу: «Регионализмнинг этник омили (Фарғона водийси мисолида)»

Фарғона водийсида **яқин келажакда** миллий-этник муносабатлар кескин тус олиб, улар нафақат субминтақа доирасида, балки Марказий Осиё минтақаси миқёсида асосий масалага айланади.

2. Мавзу: «Қозоғистон ташқи сиёсатининг ўзига хослиги»

Сўнги даврда Қозоғистон ташқи сиёсатида устувор йўналиш сифатида Россия бошчилигидаги интеграцион тузилмаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу жараён **келажакда** Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатларга салбий таъсир этиши ҳамда икки мамлакат миллий манфаатларини уйғунлаштиришга тўсиқ бўлиши **мумкин**.

Юқоридаги мисолларга шарҳ берадиган бўлсак, тадқиқотчилар томонидан шакллантирилган мазкур фикрлар прогноз характерга эга бўлиб, унда келажакда юз бериши мумкин бўлган тенденцияни очиб беришга ҳаракат қилинган.

3. Мавзу: «Покистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги»

а) Покистоннинг қўшни давлатлар билан муносабатларидаги муаммоларнинг сақланиб қолиши Жанубий ва Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ва халқаро майдонда нуфузининг тушишига олиб келмоқда;

б) **Покистоннинг ядро қуролига эга эканлиги унинг хавфсизлигини таъминлайди.**

Ушбу мисолда эса (а) гапларни мантиқий бузилишига ва такрорланишига йўл қўйилган ва ўз навбатида исбот талаб қилмайдиган воқеалар гипотеза сифатида келтирилган. Кейинги мисолда эса (б) мавзуга яқин бўлмаган гипотеза келтирилган.

Тадқиқот вазифаларини бажариш жараёнида барча ишлаб чиқилган гипотезалар ўрганилаётган соҳани ўзлаштириш ва турли тажрибалар ўтказиш ёрдамида тасдиқланади ёки инкор этилади.

7.3. ТАДҚИҚОТНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

 **Назарий-методологик асос** деганда одатда олимлар, илмий мактаблар томонидан ишлаб чиқилган мазкур диссертация иши мавзуси билан боғлиқ масалаларни ёритишнинг назарий ва услубий йўллари, ёндашувлари тушунилади.

Бугунги кунда олиб борилаётган ҳар қандай соҳа ёки йўналишдаги илмий тадқиқотлар албатта аввалроқ яратилган ва асос солинган назарияга таянади ва ушбу назарияларни яратишда муҳим роль ўйнаган мактаблар таълимоти ғояларини такомиллаштиришга бағишланади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, бир соҳанинг ўзида икки ёки ундан ортиқ бир-бирига қарши бўлган таълимотларни тарғиб қилувчи мактаблар бўлиши мумкин, яъни бир хил муаммони турли позицияда ва турли йўналишларда ўрганадиган мактаблар мавжуд. Бундай ҳолларда тадқиқотчи бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, мазкур қарашлардан тўғри ва самарали фойдаланиш ўз тадқиқотининг методологик базасини яратиши лозим бўлади.

Шунингдек, тадқиқот ишининг методологик асосини ёритишда танланган объект (жараён) билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишнинг қандай

ёндашувлари ва йўллари мавжудлигини аниқлаш ва улардан мазкур тадқиқот ишида маълум даражада фойдаланиш мумкинлиги келтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мисол:

Иқтисодий назарияда асосан иккита мактаб мавжуд: биринчиси, классик иқтисодий мактаб бўлиб, унда эркин тадбиркорлик, бозор муносабатлари ёки давлат аралашувисиз фаолият юритиш қўллаб-қувватланилади, иккинчиси, неоклассик иқтисодий мактаб бўлиб, унинг тарафдорлари аксинча, режали иқтисодиётни бошқаришда давлат ролини кучайтириш ғоясини олға суриб келганлар.

Бугунги кунда Европа-Америка илмий мактаби томонидан хавфсизлик соҳасида шакллантирилаётган иккита асосий илмий йўналиш мавжуд – «Стратегик тадқиқотлар» («Strategic studies») ва «Хавфсизлик тадқиқотлари» («Security studies»). Кўплаб давлатларнинг миллий хавфсизлик концепцияларини ишлаб чиқишда асосий тамойиллар, ёндашувлар ва тартиб-қоидаларни ўрнатишда айнан мазкур мактаб томонидан яратилган қарашлари асос қилиб олинмоқда.

Шундай экан, магистрант ўз тадқиқотини олиб боришда аниқ белгиланган позицияда туриши лозим, яъни қандай назария ва концепцияларни у ўз ишида асос қилиб олган, қайсиларини эса фақат манбалар таҳлили жараёнида уларга ҳавола қилиш билан чегараланган.

Мисоллар:

1. Мавзу: “Хом ашё мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигининг омили сифатида”

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Мавзу билан бевосита шуғулланган олимлар тадқиқот ишлари, хусусан иқтисодий хавфсизлик назарияси асосчилари *Е.Олейников, В.Загашвили, В.Сенчаговлар* ва бошқаларнинг илмий қарашлари тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилди. Ишнинг методологик асоси эса индикатив ёндашув ҳисобланади.

2. Халқаро алоқалар билан боғлиқ тадқиқотларда методологик асослар

Халқаро алоқалар мавзуси бўйича Ғарб мактаби фалсафаси, ғоялари (айниқса АҚШнинг) халқаро миқёсда кенг тан олинган. Лекин ушбу мактаб тарғиб қилаётган ғоялар барча мамлакатлар халқаро алоқалари учун ҳам тўғри келмаслиги мумкин.

ХУЛОСА

Тадқиқот методологик дастурини лойиҳалашда тадқиқотчи қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

Тадқиқот мавзуси долзарблигини юқорида келтирилган мезонлар асосида ҳамда олиб борилган адабиётлар шарҳи натижаларидан келиб чиқиб асослаш зарур.

Тадқиқот гипотезаси объект ҳақидаги дастлабки шартли хулоса ҳисобланиб, уни шакллантиришда тегишли талабларга қатъий риоя қилиш керак. Гипотезани аксиома ёки прогноз тарзида ифода этиш нотўғри ҳисобланади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Гипотеза, назарий-методологик асос, илмий мактаблар, амалий аҳамият.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Илмий тадқиқотнинг гипотезаси қандай шакллантирилади?
2. Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси деганда нимани тушунасан?
3. Илмий назарияларга асос солган мактаблар таълимотлари нима учун керак?
4. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қандай мезонларга жавоб бериши лозим?
5. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нима?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Танлаган мавзуингиз бўйича гипотезаларни шакллантиринг.
2. Танлаган мавзуингиз доирасига кирувчи назарий-методологик асосга изоҳ беринг.

8-мавзу.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДА ИННОВАЦИЯЛАР: КАШФИЁТ ВА ИХТИРОЛАР, ИЛМИЙ ЯНГИЛИКЛАР

Кириш

*8.1. “Инновация”, “ихтиро” ва “кашфиёт” тушунчалари ҳамда
уларнинг таҳлили*

8.2. Новацияларнинг ўзига хос хусусиятлари

8.3. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти.

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Ушбу мавзу доирасида, илмий-тадқиқот фаолиятидаги инновацияларга, хусусан, уларсиз илмий тадқиқотларни тасаввур қилиш мумкин эмаслиги, чунки улар такрорланмайдиган ҳодисалар сифатида намоён бўлиши ҳақида тўхталамиз.

Замонавий адабиётларда инновация жараёнининг уч компоненти мавжуд. Булардан биринчиси, субъектли, креатив (ижод), амалий (меҳнат) компонентлар алоҳида ўрганилади. Жумладан, маълум бўладиги, ҳозирги кунда ижод маданиятида меҳнатнинг аҳамияти ортиб, у креатив характер касб этмоқда, янгиликни объективлашнинг ижтимоий маданий модели сифатида инновация намоён бўлмоқда. Чунки замонавий ижтимоий-маданий ижоднинг ўзига хослиги коммуникатив инновациялар билан белгиланади. Унинг маданиятда кенг қўлланилиши эса ижтимоий-маданий тизимнинг виртуаллашуви ва глобаллашувига олиб келади. Бугун инновация техникавий – иқтисодий чегаралардан ўтиб маданиятнинг турли жабҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу ҳолат илмий-ижодий фаолият маҳсули бўлган фанда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда.

8.1. “ИННОВАЦИЯ”, “ИХТИРО” ВА “КАШФИЁТ” ТУШУНЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ



«Инновация» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, у янгиланиш, ўзгартириш, янгилик киритиш деган маъноларини билдиради.

Инновация илмий-тадқиқот фаолиятининг мавжуд шакл ва усуллари янгилашга, уларни амалга ошириш учун янги мақсад ва воситалар яратишга қаратилган парадигмал фаолиятдир.

Инновация феномени ўзининг эвристик асосига кўра, биринчидан, янгиликка йўналган, яъни маданият янгиликларини очишга қаратилади, иккинчидан, у ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида маданиятнинг бугунги кунини ҳам акс эттиради. Инновация субъектнинг креатив-назарий ва предметли амалий фаолиятининг маҳсули сифатида ҳам талқин этилади. И.Т.Балабановнинг таъкидлашича, “Инновация – янги техника ёки технология, меҳнат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув, шунингдек, назорат, ҳисоб-китоб, режалаштириш услублари, таҳлил ва бошқаларни ташкил этишнинг янги шаклларига маблағ киритиш орқали эришилган моддийлашган натижадир”⁵⁴.

⁵⁴ Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент – СПб: Питер, 2000 – С. 11.

Ҳозирда инновацияга илмий-тадқиқот фаолиятининг бош манбаи сифатида қаралмоқда. Маълумки, инновация мураккаб ижтимоий-маданий феномен. Инновация ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида маданиятнинг барча тенденцияларини ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, инновация янгиликка йўналтирилган феномен сифатида ўзи билан маданият келажагини белгилаб берадиган эвристик ғояларга асосланади.

У.Уэвелл: “Олдинги ҳақиқатлар қувилмайди, рад қилинмайди, балки кенгайтирилади ва ҳар бир фан тарихи – ҳақиқатдан новацион характерга эгадир”⁵⁵, деб ёзади. Бироқ Дюгельнинг тахминича, фан бўш жойда пайдо бўлмаган кўп ҳолларда янги илмий ғоя, албатта, ўз манбасига эга бўлган, яъни фандаги ҳар бир юксалиш ундаги анъанавий илмий ғоялар билан бир қаторда янгидан-янги инновациялар ва новациялар асосида босқичма-босқич амалга оширилган.

Умуман олганда, инновация билан илмий-иждодий фаолият асосида қўлга киритилган ютуқларни биров ўзгартириш мумкин. Аммо уларни мутлақо рад қилиб ҳам бўлмайди, яъни турли доирадаги инновация ва новациялар асосида янги гипотезалар пайдо бўлади. Аммо биз фан ривожига секин ва кетма-кет ўзгаришлар бўлганлигини ҳам инкор қилолмаймиз. Дарҳақиқат, кўпгина фан ютуқлари улардан олдин мавжуд бўлган назария ёки гипотезаларга таянмаган. Бу жараён айниқса “вақтидан илгари” пайдо бўлган илмий кашфиётларга тааллуқлидир.

Инновация олимнинг бутун салоҳияти ривожланиши, ҳар қандай, ҳатто кутилмаган ҳолатларга ҳам тайёр туриши, янги вазиятларга тез мослаша олиши учун ҳам муҳим шарт-шароит яратиб беради⁵⁶. Илмий-тадқиқот фаолияти тўғрисидаги замонавий қарашларда кўпроқ унинг инновацион компонентларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирда иждодий фаолият деганда, инсоннинг янги моддий ва маънавий қадриятлар яратишга қаратилган ва ижтимоий аҳамиятга йўналтирилган инновацион фаолият усули тушунилмоқда. Айни шу маънода, иждоднинг махсус шакли бўлган илмий ижод ҳам ўзига хос инновацион характерга эга. Унинг асосий вазифаси эса ҳодисаларнинг реал имкониятлари ва предметларига янгилик киритиш орқали намоён бўлади.

Ҳозирги даврда республикамызда илмий-тадқиқот фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва ундаги структуравий ўзгаришлар инновацион фаолият билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, фаннинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига янгилик киритишда инновацияларнинг ўрни беқиёс

⁵⁵ Уэвелл У. История индуктивных наук. –СПб., 1867-1869. Т. 1-3. – 48 с.

⁵⁶ Крючкова С.Е. Инновации и их роль в современном мире (Глава в коллективной монографии: “Синергетика - нелинейность - глобализм”. – М.: Изд-во МГТУ “Станкин”, 2007.

ҳисобланади. Бу ҳар йил ўтказилаётган инновацион ғоя ва технологиялар ярмаркасида иштирок этаётган ишланмалар тақдимотида ўз ифодасини топмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда фан, техника тараққиётини таъминлаш мақсадида инновацион муҳитни шакллантириш ҳамда доимий равишда эвристик фаолиятни рағбатлантириб бориш муҳимдир.

Тор маънода инновация деб янги илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланишга айтилади.

Бу ҳолатни илмий-ижодий фаолиятдаги муҳитга мувофиқлаштириш, унинг самарасини ошириш республикамиздаги фан имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга катта ёрдам беради. Бу жараёнда асосий эътибор ёш авлоднинг энг рационал фаолиятига қаратилади. Чунки инновацион ғоялар жамият тараққиёти учун жуда кучли самара беради. Бундай ғояларни ривожлантиришда новаторликнинг ўрни катта. Чунки айнан новаторлик асосида илмий-ижодий фаолият олиб боришнинг янги типик кўринишини шакллантириш мумкин. Бу ҳолат янги ғоя, назария ёки парадигмада бирор хил янгилик устувор бўлганда содир бўлади. Ўз илмий янгиликлари асосида новатор шу пайтгача мавжуд бўлган назарияларни тубдан ўзгартириб юборади ва асосий вазифаси эса бундай янги ғояларни амалий ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлади.

Бунда, у энг аввало:

Биринчидан, ўз ихтиролари ёки янги ғояларини амалга ошириш учун барча тўсиқларни енгиб ўтишга ҳаракат қилади.

Иккинчидан, ўзи фанга олиб кирган янгиликлардан бошқа олимлар ҳам фойдаланишлари учун имкон яратади.

Учинчидан, самарасиз илмий ғоялардан воз кечишга ундайди.

Тўртинчидан, инновацион ғоялар ва шу кунгача мавжуд бўлган конструктив ғоялар билан мутаносиб ривожланиши мумкинлигига ундайди.

Дастлаб, адабиётларда инновация иқтисодий тадқиқотлар тизимида ўрганилган. Вақт ўтиши билан инновацион ўзгаришлар жамият ҳаёти фаолиятининг ҳамма соҳаларида сифат кўрсаткичларини баҳолашда қўлланилади. Шу боис, бу инновациялар фақатгина иқтисодиётда қўлланилиши ҳақидаги фикр нотўғри эканлиги асосланди. Илмий-тадқиқот фаолиятида инновацияларнинг жорий қилиниши замонавий ютуқлардан фойдаланишга кенг имконият яратади. Илмий-тадқиқот фаолиятига инновацион ёндашув янги кашфиётлар мазмуни, таркиби ва таснифини текшириш, натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Инновацион асосга эга бўлган илмий-тадқиқот фаолиятда олим ўзи тадқиқ этаётган объектнинг микроструктурасини ўрганиб олиш билан бир

қаторда унга янгилик киритиш билан машғул бўлади. Бу ҳолатда янгилик яратилиши унинг ижро этилиши билан узвий боғлиқ бўлади. Мазкур жараён фанда илмий-иждодий фаолиятдаги “Янгилик босқичи” деб аталади.

Эвристик асосга эга бўлган илмий-тадқиқот фаолиятида бирон-бир янги ғоянинг кашф этилиши вақти алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараёнда ғоялар мустаҳкамланиб боради. Натижада эса, бу янги ғояларнинг тарқалиши тезлашиб, уларнинг янги соҳаларга диффузияланиб (қўшилиб) кетиш ҳодисаси юз беради. “Бундай фаолиятнинг энг эътиборли жиҳати шундан иборатки, унда янги самарали ғоя ёки парадигмаларнинг пайдо бўлиши ёки унинг янада янги самарасига ўрин алмашиши билан якунланади”⁵⁷.

“Кашфиёт”, “ихтиро” тушунчалари инновация билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай боғлиқликнинг асоси сифатида ушбу тушунчалар қатори учун муҳим бўлган “янги” ва “иждод” тушунчалари чиқади. Ушбу тушунчалар билан бирга қайд этиладиган барча ҳодисалар у ёки бу даражада иждод маҳсули ҳисобланади. Зеро, улар креатив жараёнда яратилади, шаклланади ҳамда уларнинг ажралмас тавсифи янгилик саналади.

Табиий равишда, *кашфиёт, ихтиро, инновация бир турдаги ҳодисалардир. Бироқ уларнинг биринчисидан индивидуал-шахсий жиҳат, охиригисидан эса ижтимоий-маданий жиҳат ҳал қилувчи аҳамият касб этади.* К.Файндлей ва Ч.Ламсденлар кашфиёт ва инновациянинг табиати ҳақида сўз юритиб, шундай ёзадилар: “Биз аввал бошдан кашфиёт мезонларига чекловлар қўймаймиз. Бироқ у янгилик талабларига жавоб бериши ва танловнинг социомаданий ўлчовига мувофиқ бўлиши зарур”⁵⁸.

Бундан ташқари, ушбу мутахассислар фикрларида давом этган ҳолда: “Инновация – жамият томонидан муайян даражада тан олинган ҳар қандай кашфиётдир. Кашфиётни инновация сифатида баҳолаш учун, уни трансляция қилиш имкони мавжуд бўлиши зарур”⁵⁹, - деб ёзадилар. Шундай қилиб, кашфиёт-инновация жуфтлигида кашфиёт индивидуал-шахсий даражада мутлоқликка яқин бўлган юқори янгилик босқичида амалга ошадиган креатив жараён маҳсули сифатида, инновация эса, социомаданий даражада мутлақликка яқин бўлмаса-да, муайян янгилик билан амалга ошадиган креатив жараён маҳсули тарзида намоён бўлади.

⁵⁷ Теркина А.В. Инновация как социокультурный феномен. Автореф. дис. на соискание уч. ст. канд. фил. наук. — М., 2006. - 22 с.

⁵⁸ Findlay C.S., Lumsden Ch.J. The Creative Mind. Towards an Evolutionary Theory of Discovery and Innovation // J. of Social and Biological Structures. 1988.Vol. 11. -P. 10.

⁵⁹ Ўша манба.

Ушбу ҳодисалар ўзаро алоқадор ва ўзаро таъсирда бўлса-да, ҳар қандай кашфиёт ҳам инновация бўла олмайди. Е.Н.Князеванинг таъкидлашича, кўп ҳолларда кашфиёт ўзи учун янгилик сифатида қолади ёки чекланган трансляция доирасига эга бўлади ва келгуси изланишлар учун зарур бўлган локал муҳитнигина ўзгартиради⁶⁰. Бироқ ҳар қандай инновация ҳам янги кашфиёт бўлавермайди. Масалан, аввал мавжуд нарсаси, ҳодисаларнинг такомиллашган модификациясини яратиш бунга мисолдир. И.Т.Балабанов кашфиёт ва инновацияни қиёсий таҳлил қилган ҳолда, уларнинг ўзаро фарқларини қуйидагича тавсифлайди:

– “Кашфиёт, шунингдек, ихтиро ҳам қоида тариқасида фундаментал даражада амалга оширилади. Инновация эса, технологик (амалий) тартибда яратилади;

– Кашфиёт якка ихтирочи томонидан қилиниши мумкин. Инновация эса, жамоа (лабораториялар, институт бўлимлари) томонидан ишлаб чиқилади ва инновацион лойиҳа сифатида амалиётга жорий этилади.

Кашфиётдан фойда олиш мақсади кўзланмайди. Инновация эса, доимо сезиларли даражадаги фойда олиш, хусусан, катта пул маблағларига эга бўлиш, техника ва технологияга қандайдир янгиликни жорий этган ҳолда меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш тан наرخини пасайтиришга йўналган бўлади.

Кашфиёт тасодифан содир бўлиши мумкин, инновация эса, доимо изланиш натижаси бўлиб, уни қўққисдан ишлаб чиқиб бўлмайди. Инновация аниқ мақсад ва техник-иқтисодий асосларни тақозо этади⁶¹.

Ихтиро, кашфиёт ва инновация ўртасидаги ўзига хос “оралиқ” ҳолатидир. Агарда, кашфиёт табиатдаги аввал маълум бўлмаган ҳодисаларни аниқлаш, инновация бозор талабларига мувофиқ бўлган ижодий фаолият маҳсули бўлса, ихтиро эса, инсон яратувчанлик фаолиятининг турли техник-технологик маҳсулотларини ифода этади.

Мазкур тушунча “кашфиёт” тушунчаси билан ўзаро муносабатда амалий характер, “инновация” тушунчаси билан эса, аксинча, илмий-тадқиқот характерига эга бўлади. Г.А. Краюхин ва Л.Ф. Шайбаковалар бу борада шундай ёзадилар: “кашфиёт тушунчаси илмий-тадқиқот фаолияти билан узвий боғлиқ, инновация тушунчаси эса илмий тадқиқотлар натижаларини амалда қўллаш босқичида пайдо бўлади. Бу эса маҳсулотлар ва ишлаб

⁶⁰ Князева Е.Н. От открытия к инновации: синергетический взгляд на судьбы научных открытий// Эволюция, культура, познание. М., 1996. -С. 77.

⁶¹ Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2000 – С.12.

чиқариш жараёнларининг ўзидаги ўзгаришлар билан белгиланади”⁶².

Илмий-ижодий фаолиятнинг самарали маҳсули кашфиётдир. Илмий изланиш жараёнида моддий дунёнинг илгари номаълум бўлган объектив қонуният, хосса ва ҳодисаларни очишга кашфиёт дейилади. Шунинг учун ҳам А.Т.Шумилин “Илмий ижод бу кашфиёт ва ихтиро қилишдан иборат мураккаб жараёндир”⁶³, – деб ёзади. Дарҳақиқат, кашфиёт деганда борлиқдаги ҳалигача номаълум бўлган нарсани субъект томонидан билишга айтилади. Айни шу маънода, ижодий изланиш жараёнида муайян кашфиётлар юз беради. Уларнинг орасида энг муҳими илмий кашфиётдир. Мазкур илмий-ижодий фаолиятнинг намоён бўлишини ўрганувчи соҳа эвристика деб аталади. Дарҳақиқат, илмий-ижодий фаолият асосида тадқиқотчи муайян кашфиёт очиши мумкин. Агар топилган янги ғоя муаллиф томонидан илмий асослаб берилса, у кашфиётга айланади.

Кашфиёт илмий фаолиятнинг энг юқори даражадаги намоён бўлиш шаклидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, кашфиёт ўз объектлари уч хил шаклда намоён бўлади.

Буларнинг биринчиси:

қурилма бўйича кашфиётлар бўлиб, унга маълум конструкция воситалари, қурилмаларнинг ўзел ва деталлари, уларнинг жойлашиши ва ўлчамларига тегишли янгиликлар киради.

Иккинчиси эса усул бўйича кашфиётлар бўлиб, унга технологик жараёнлар, воситалар, ечимлар ва параметрлар тааллуқлидир.

Учинчиси эса ишлаб чиқаришга қўллаш бўйича кашфиётлар бўлиб, унга маълум бир предметни бошқа жойда бошқа мақсадда ишлатиш бўйича таклифлар киради.

Илмий тадқиқот фаолиятида “яратиш”, “кашфиёт” ва “ихтиро” кабилар муҳим методологик аҳамият касб этади. Бунда яратиш ижодий субъект томонидан ижод натижасини вужудга келтиришни англатади. Ихтиро – субъект томонидан нарса, ҳодиса, жараёнларнинг объектив ҳолатига ўзига хос тарзда сезиларли ўзгартиришлар киритишдир.

Назария яратиш учун тажриба асосида қўлга киритилган далилларни шунчаки жамлашнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун ҳар доим муаммонинг моҳиятига қаратилган ихтирочилик лаёқати зарур бўлади. Аксарият ихтиролар саноат ишлаб чиқариши ёки кундалик маиший турмуш талабларидан келиб чиққан ҳолда яратилади. Айни шу маънода одамлар

⁶² Краюхин Г.А., Шайбакова Л.Ф. Инновации, инновационные процессы и методы их стимулирования: сущность и содержание. – СПб., 1995 - С. 12.

⁶³ Қаранг: Шумилин А.Т. Проблемы теории творчества: Моногр. – М.: Высш. шк., 1989. – 143 с.

эхтиёжини қаноатлантиришнинг имкон қадар тежамкор йўллари топган инсонни ихтирочи деб аташ мумкин. Кашфиёт эса-кашфиётчидан мустақил равишда мавжуд бўлган нарсаси, ҳодисанинг субъект томонидан англаб етилишидир.

Илмий тадқиқот жараёнида кашфиётни очиш бу бажарилган илмий ишнинг ичида энг тараққий этган, ўзида янгиликни сақлаган, ижобий томонларга эга бўлган ва бошқалардан жиддий фарқ қилган элементини ажратиш демакдир.

Илмий тадқиқот жараёнида одатда кашфиёт илмий ишнинг ичида беркиниб ётади, муаллиф уни очиб билиши керак бўлади. Кашфиётни очиш берилган объектлар гуруҳидаги умумий, фойдали ва янги томонларни топиш ва унинг бошқа кашфиётлардан фарқини аниқлаб, ижобий томонларини кўрсатиб бериш илмий-ижодий фаолиятнинг негизини ташкил қилади.

И.Саифназаров, Г.В.Никитченко ва Б.У.Қосимов-ларнинг фикрича, “Илмий кашфиёт илмий ижоднинг муҳим жиҳати бўлиб, у илмий тадқиқот объекти ҳақида янги сифатли ахборот олиш, янги қонунлар, гипотезалар ва назарияларни аниқлаш, фаннинг янги соҳалари ҳақида маълумотлар олишда намоён бўлади”⁶⁴. Ўзларининг мазкур ёндашувлари орқали муаллифлар илмий кашфиётни ижоднинг фандаги олий ифодаси эканлигига алоҳида эътибор қаратадилар. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай илмий ютуқ ёки кашфиёт нафақат муайян предмет мазмунига, балки методологик жиҳатга ҳам эгадир.

Илмий-ижодий фаолиятда қизиқарли ва муҳим далилларнинг янги манбаларини топиш, кашф этиш – олим ижодий тафаккурининг ёрқин кўриниши бўлиб, илмий кашфиёт унинг чўққисини ташкил этади.

Фаннинг кўп асрлик тарихи кашфиётлар билан ўзвийликка эга. Илмий кашфиётлар олимларнинг далилларни тизимга солиш ва таснифлаш борасидаги фидокорона меҳнати натижасида юзага келади. Дарҳақиқат, “Олимлик оғир меҳнат натижасидир. Олимлик хислати кечаю-кундуз ўйловлар натижаси. Олимлик бу синчковликлар оқибати”⁶⁵.

Илмий кашфиёт сари йўл муаммоли вазиятни аниқлашдан бошланади, уни таърифлашдан ўтади ва бу вазиятнинг ечимини топиш билан якунланади. Илмий-ижодий фаолият, бирон-бир кашфиёт амалда қўлланилиши натижасида, илмий билишнинг тегишли соҳаси жадал суръатларда ривожлана бошлашини, техниканинг ривожланиши фанда

⁶⁴ Қаранг: Саифназаров И., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. Ўқув қўлланмаси – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.

⁶⁵ Давронов З. Баркамолликка даъват мактублари. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2011 – Б.116.

инқилоб ясадини кўрсатади. Бундай инқилобларнинг энг каттаси XIX асрга тўғри келади. Шунинг учун ҳам П.Сорокин “Фақат биргина XIX асрдаги кашфиёт ва янгиликларнинг ўзи олдинги асрлардаги кашфиётларнинг ҳаммасини жамлагандан ҳам кўпдир”⁶⁶, - деб ёзади. Хусусан, бу асрда 8527 та кашфиёт амалга оширилган⁶⁷. Шу ўринда интернет сўровнома натижасини тақдим этиш мумкин.

Дунёнинг энг машҳур кашфиётлари⁶⁸

№	Кашфиёт номи/ мазмун	Муаллифи (қайси ҳудудда кашф этилганлиги), йили/даври
	Кимёвий элементлар- нинг даврий системаси	1869 йил, Дмитрий Иванович Менделеев (бу ғоя унинг тушига кирган дейилади)
	Темирни эритиш техно- логияси	Эрампиздан аввалги 1550 йилда
	Транзистор	1948 йил, америкалик олимлар Уильям Шокли, Дж.Бардин ва Уолтер Браттей
	Шиша	Эрампиздан аввалги 2200 йилда марка- зий Ўрта ер денгизи бўйларида кашф қилинган
	Микроскоп	XVII аср голландиялик табиатшунос олим Антони ван Левенгук томонидан кашф қилинган; лупа билан кифо- яланмасдан у битни ўрганиш учун ускуна яратади ва сўнг сувни ўрганиб даҳшатга тушади ҳамда бир умр чой ва вино ичган
	Цемент	XVIII асрда қурилиш ишларида фойда- ланиш бошланиши инқилобий ҳодиса бўлган

⁶⁶ Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. Мыслители XX века. Общ. ред. Согомонова А. Ю. Пер. с англ. — М.: Политиздат, 1992. — 542 с.

⁶⁷ Ўша манба.

⁶⁸ Турли Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

	Пўлат	эрамиздан аввалги 300 йил илгари Ҳиндистонда кашф қилинган(пўлат пуш-калар, ўқ ёй)
	Мис ишлаб чиқариш	Эрамиздан аввалги 3 минг йил илгари кашф қилинган. (Дастлаб у мис конларини топиш орқали, сўнгра 5 минг йил илгари Кичик Осиёда уни минераллардан олишни ўрганган
	Рентген нурларининг кристаллар билан дифракцияси	1912 йилда Макс фон Лауе томонидан кашф қилинган ва бу ядро физикасининг ривожланишидаги муҳим қадам бўлди
	Пўлат ва чўян эритиш учун мўлжалланган конвентор	XIX асрда инглиз муҳандиси Генри Бессемер (1813-1898) томонидан кашф қилинган

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий кашфиёт пайтида ва янги билимлар олишда эмоцияларнинг роли каттадир. Чунки олимлар ўз илмий-ижодий изланишлари ҳақида баҳс юритган пайтда янги топган далиллари ҳақида ҳаяжон билан мулоҳаза қилади, суюнади, ҳайратланади, қўрқади, эзилади, изтироб чекади ва мунгли ҳолатга тушади, бошқаларга ҳиммат кўрсатади ёки хуноб бўлади, лоқайд бўлади⁶⁹. Яхши ёки ёмон кайфиятда бўлади, ижод «тўлғоқлари» билан қийналади. Бу ва бунга ўхшаган бошқа баҳолаш, қадрлаш ҳолатлари илмий фаолиятнинг конкрет таркибини акс эттиради. Булардан маълум бўладикки, илмий-ижодий фаолиятнинг намоён бўлиш шакллари ўз мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифасига кўра фарқланади.

Ихтиро муайян кашфиёт доирасида содир бўлиб, инновация даражасига чадарли бўлиши мумкин. “Инновация” тушунчасининг мазмунини янада теранроқ англаш учун уни “ўзгариш” тушунчаси билан ҳам қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда, Й.Шумпетер томонидан инновациянинг мазмунини ўзгаришлар орқали аниқлаш аънанаси жорий этилгани ва замонавий илмий адабиётларда бундай талқин тез-тез учраб туришини таъкидлаш жоиз.

⁶⁹ Кудрявцева В.Т. Формирование творческих способностей человека: проблемы методологии // Современные проблемы теории творчества. – М., 1992. – С. 41-55.

Хусусан, инновацион муаммонинг машҳур тадқиқотчиси Ла Пьерре инновацияни дастлабки ҳолатнинг янги ҳолатга ўтиши воситасида ҳўжалик организми ички структурасидаги ҳар қандай ўзгариш сифатида талқин этган⁷⁰.

Инновациянинг турли таърифларининг таҳлилига таянган ҳолда, С.Д. Ильенкова “инновациянинг ўзига хос мазмунини ҳамда инновацион фаолиятнинг асосий функциясини ўзгаришлар ташкил этади”⁷¹, – деб ёзади.

Бу ерда биз инновациянинг ўзгаришлар билан боғлиқлиги тўғрисидаги таърифнинг унчалик тўғри эмаслиги позициясини қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, агарда инновация фақат сифат жиҳатдан ижобий, бошқариладиган, онгли, маҳсулли ўзгаришлар маъносида талқин этилса, у ҳолда “ўзгариш” тушунчаси шу тўрда бўлган янада кенгроқ спектрдаги ҳодисаларни англатиши мумкин. Уларни ҳам биз ўзгаришлар деб аташимиз мумкин, бироқ инновация деб эмас. Шу маънода, ўзгариш инновацияга нисбатан ўзаро таққослаб бўлмайдиган тушунча экани маълум бўлади.

Айни пайтда, инновация ва инновацион фаолиятнинг асосий функцияларидан бири – ўзгаришлар эканини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бироқ бу ҳолатда ҳам ўзгаришлар деганда, биринчидан, ижобий ўзгаришлар назарда тутилиши зарур. Бу борада Б.Санто: “инновация – бу, ташкиллашувнинг моддий ва номоддий элементларининг мақсадга йўналтирилган ҳар қандай ижобий ўзгаришларидир, яъни бундай ўзгариш ривожланиш ва ташкиллашувнинг ўсишига хизмат қилади”⁷², – деб ёзади. Иккинчидан, ўзгаришлар инновациянинг ўзига эмас, балки унинг атрибутив сифатларига хос бўлиши зарур. Шу ўринда, И.Бестужев-Ладанинг: “янгиликни жорий этиш – бу, бошқарув қарорининг шундай шаклики, у муайян жараён, ҳодисанинг (техник, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий) сезиларли даражада ўзгаришини англатади”⁷³.

Шунинг билан бирга, инновация киритадиган бевосита ўзгариш ва оқибатда пайдо бўладиган, яъни илк ҳолатдан келтириб чиқариладиган ва инновация қўлланилаётган соҳага тааллуқли бўлмаслиги ва доим ҳам ижобий характер касб этмаслиги мумкин бўлган ўзгаришларни фарқлаш зарур. Бизнингча, “ўзгариш” ва “янгилик киритиш” тушунчаларининг ўзаро ўзвий алоқадорлиги тўғрисида гапириш тўғри бўлади. Зеро, юқорида таъкидланганидек, қатор тадқиқотларда инновация ва янгилик киритиш синонимлар сифатида намоён бўлади. Бироқ бу ҳолатда ҳам янгилик киритиш

⁷⁰ Қаранг: La Pierre R. T. Social Change – New York, 1965.

⁷¹ Инновационный менеджмент/ С.Д. Ильенкова, Л.М. Голхберг, С.Ю. Ягудин и др.; Под ред. С.Д. Ильенковой – М.: Банки и биржи, Юнити, 1997 – С. 7.

⁷² Санто Б. Инновации как средство экономического развития: Пер. с венг. – М.: 1990 – С.100.

⁷³ Бестужев-Лада И. В. Прогнозное обоснование социальных нововведений. – М.: 1993 – С. 18.

“Ўзгариш”га бўйсундирилган тушунча ҳисобланади. Масалан, Х.Барнетт янгилик киритишни маданий ўзгариш жараёнларининг асосий механизми сифатида талқин этган эди⁷⁴.

А.И. Пригожиннинг фикрича эса, “янгилик киритиш махсус механизм сифатида кўплаб аниқ мақсадга йўналтирилган ўзгаришларда ўз ўрнига эга”⁷⁵. Шундай қилиб, инновация тушунчасининг генезиси ва унинг замонавий адабиётлардаги таърифларининг таҳлили инновацияни культурологик дискурсда маданиятга ташқи омилларни киритиш ва унинг таркибида янгиликни қарор топтириш механизми сифатида юзага келиб ХХI асрда техник-иқтисодий муаммолар доирасида янгиликни объективлаштириш, маданият ички салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган механизм сифатида таъкидлаш имконини беради.

Инновациянинг “ихтиро”, “кашфиёт” тушунчалари билан ўзаро муносабатининг семантик таҳлили унинг креатив-назарий жиҳатини акс эттирса, инновациянинг янгилик киритиш билан ўзаро муносабатининг шундай таҳлили – предметли-амалий характерини, унинг “ўзгариш” ва “янгилик” тушунчаларига татбиқ этилиши эса, инновация категориал мазмунининг йўналганлигини очиқ беради. Шунга мувофиқ тарзда, инновациянинг асосий функцияси маданий муҳитда ижобий ўзгаришларни келтириб чиқариш ва унда кенг акс-садо топишда намоён бўладиган субъект креатив-назарий ва предметли-амалий фаолиятининг бирлиги сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлил ХХ аср илмий дискурсида инновация феноменини тадқиқ этиш техник-иқтисодий контекст доирасидан ташқарига чиқмаганини кўрсатади. Хусусан, бунга мувофиқ инновацияни ишлаб чиқариш структурасида иқтисодий фойда келтирувчи технологик янгилик сифатида тушуниш кенг тарқалган. Шунинг учун, илмий муҳитда техник-иқтисодий парадигма тушунчаси пайдо бўлади. Бу тушунча “имтиёзи нафақат маҳсулотлар ва тизимларнинг янги диапазонида, балки кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин бўлган маблағларнинг нисбий структурасидан изланиши керак бўлган ўзаро алоқадор техник, ташкилий ва менеджерлик инновациялар тўплами”⁷⁶ни англатади.

Бугунги кунда интернет сўровнома натижаларига кўра дунёнинг энг машҳур ихтиролари қуйидагилар белгиланган⁷⁷:

1. Биринчи ноёб ихтиро – олов. Инсоният тарихида биринчи ноёб ихтиро сифатида ўзининг иситиш, ёритиш, пишириш билан боғлиқ

⁷⁴ Қаранг: Barnett H.G. Innovation: The Basis of culture change. – N.Y., 1953.

⁷⁵ Пригожин А.И. Современная социология организаций – М., 1995 – С. 185.

⁷⁶ Freeman C. Preface to Part II// Dosi et al. (1988b: 10).

⁷⁷ Турли Интернет маълумотлари асосида шакллантирилди.

хоссаларга эга бўлганлиги учун “олов” тан олинган. Одамлар оловнинг иситиш, ёритиш, ўсимлик ва ҳайвонлардан тайёрланган овқатга ўзгача таъм беришини ниҳоятда эрта аниқлаганлар. Ўрмон ёнғинлари ёки вулқон тўлқинлари натижасида пайдо бўлиб, одамзодни даҳшатга солган ёввойи оловни инсон ғорга олиб кирган ва уни ўзига хизмат қилдирган. Шу даврдан бошлаб олов инсоннинг доимий ҳамроҳига айланган. Узоқ йиллар давомида инсон табиий оловдан ўй хўжалигида фойдаланган кейинчалик инсон дарахт ўймакорлиги билан шўғулланиш жараёнида тасодифан иккита шохчанинг учини бир бири билан ишқалантириши натижасида оловни яратган.

2. Ғилдирак ва арава. Инсоният дастлаб у ёки бу оғир жисмни жойдан-жойга кўчиришда уларнинг тагига дарахт шохини қўйган (балки ўшандаёқ айланувчи жисм хоссалари ихтиро қилингандир). Дарҳақиқат, дарахт шохаси у ёки бу сабабга кўра марказда ингичкароқ бўлади, у оғир юк тагида текис ҳаракатланган. Буни сезган инсон кейинчалик дарахт шохаси марказини махсус ингичкалаштирган. Қадимги одамнинг бу ихтироси янги авлод усталари томонидан такомиллаштирилган ва ғилдирак ихтиро қилинган. Ғилдирак дастлаб ёғочдан ясалган, темирнинг ихтиро қилиниши ғилдирак ва аравадан фойдаланишдаги ноқулайликларга якун ясаган. Бу техника тараққиётидаги муҳим далил қадам бўлган.⁷⁸

3. Ёзув – инсоният тарихини ўрганиш, сақлаш ва қайта ишлашда муҳим воқеликдир. Ёзувнинг дастлабки белгилар шакли эрампидан олдинги 4 минг илгари пайдо бўлган (йиғилган шох-шаббалар гулхан тутуни, ўқ ёй). Кейинчалик, маълумотни етказиш билан боғлиқ бу содда усуллар такомиллашган. Масалан, Қадимги Инклар сугунчалар ёрдамидаги ёзувни ихтиро қилган. Бунинг учун турли рангдаги инклардан фойдаланилиб, улар бир-бирига боғланган ва шохчага улашган. Шу тарзда “хат” манзилига жўнатишган. Инклар шу йўсинда қонунларни, шеърларни ва муҳим воқеаларни қайд қилганлар. Бироқ, ҳақиқий ёзув алоҳида график белгилар тарзида маълумотни етказиш усули пиктограммадир. Пиктограмма бу нарса воқеа ва ҳодисаларни расмларда ифодалашдир.

Тош асрининг сўнгги даврида пиктограмма турли халқларда кенг тарқалган. Пиктограмманинг такомиллашуви натижасида муайян тушунчани ўзида ифодаловчи шартли белгилар пайдо бўлган (масалан, қўлнинг қовуштирилиши алмашиш белгиси). Бундай белгилар идеограммалардир. Ёзувнинг навбатдаги муҳим босқичи иероглифли ёзувдир. Дастлаб, у Қадимги Мисрда пайдо бўлган кейинчалик иероглифлардан узоқ Шарқда,

⁷⁸ Изобрести колесо: как люди создавали важнейший атрибут цивилизации // <https://www.vokrugsveta.ru/articles/puti-progressa-kak-chelovek-izobrel-koleso-id663497/>

Хитой, Япония ва Кореяда фойдаланилган. Ёзувни ўрганиш учун бир-нечта минг белгиларни эслаб қолиш талаб қилинган, шунинг учун кам сонли қадимги одамлар ёзиш ва ўқишни билганлар.

Милоддан аввалги 2 минг илгари финикийлар ҳарфли товушли алфавитни ихтиро қилганлар ва бу бошқа халқлар алфавити учун намуна ҳисобланган. Финикийлар алфавити ҳар бири алоҳида товушни ифодаловчи 22 та унли товушдан иборат бўлган. Кейинги 4-5 та энг машҳур алфавитлар финикий алфавитидан пайдо бўлган.

4. Қоғоз ихтироси муаллифи хитойликлардир ва бу тасодиф эмас, чунки улар башқарув қоидаларига қатъий риоя қилганлар. Талабларни эслаб қолиш учун уларни қаердадир сақлаш лозим бўлган, шунинг учун Хитойда дастлаб ёзиш манбаи сифатида бамбук тахталаридан ва ипакдан фойдаланилган. Бироқ, ипак ниҳоятда қиммат бамбук эса оғир ва катта бўлган.⁷⁹ Битта бамбук тахтасига ўртача 30 та иероглиф жойлашган. Шунини таъкидлаш жоизки, хитойликлар узок давр мобайнида ипак ишлаб чиқариш технологиясини билганлар. Қоғоз эса ипакни қайта ишлаш жараёнида ихтиро қилинган, аёллар ипакни қайнатганлар сўнгра уни ёйганлар, сувга чўктириб яхлит мато пайдо бўлгунига қадар ишқалаганлар, уни сувдан олиб чиққанда ипак пахта пайдо бўлган. Сувда қолган ипак излари қуригач фойдаланиш мумкин бўлган юпқа қоғозга айланган. Бундай қоғоз пахта қоғоз деб номланиб, у ниҳоятда қиммат бўлган. Шу боис, 105 йил Цай Луи балиқчиларнинг тўридан янги қоғоз турини яратган. Бу ихтиро нафақат Хитой, балки бутун дунё учун муҳим воқелик бўлди. Цай Луи номи инсоният тарихига энг буюк ихтирочи сифатида киритилди. IV асрда ихтиро қилинган қоғоз бамбук тахталарини муомоладан бутунлай чиқариб ташлади.

5. Порох-қурол. Порохнинг ихтиро қилиниши ва Европада тарқалиши инсоният тарихидаги бурилиш бўлди. Бироқ, у Европада пайдо бўлгунига қадар Хитойда кўп асрлик тарихга эга бўлган. Порохнинг муҳим таркибий қисми селитрадир. Хитойлик баъзи китобларида табиий ҳолда қор парчалари шаклида ер қатламида жойлашган олов ёқар эканлар, хитойликлар селитра ва кўмир қоришмаси ёниши натижасида пайдо бўлган гулханни кузатганлар. Селитранинг хоссаларини биринчи бўлиб хитойлик табиб Тао Хуицин тавсифлаган. Шу даврдан бошлаб у баъзи дориларнинг таркибий қисми сифатида ишлатилган. VII асрда хитой алхимиклардан бири Суиъ Си Мяо симоб ва селитра аралашмасига тахта кукунини қориштирган. Бу қоришма қиздирилганда бирдан катта гулхан алангаси пайдо бўлган. Шу даврдан бошлаб Суиъ Си Мяо порохнинг биринчи намунаси муаллифи

⁷⁹Тарихни ўзгартирган 15 инновация // <https://www.xabar.uz/tehnologiya/tarixni-ozgartirgan-15-innovaciya>

сифатида эътироф этилган. Кейинчалик порохнинг таркиби кўмир селитра ва калийли селитра аралашмасидан иборат бўлган ва хитойликлар ундан ҳарбий мақсадларда фойдалана бошлаганлар.

6. Телеграф, телефон, Интернет, радио ва бошқа замонавий коммуникация воситалар. XIX асргача мамлакатлараро ахборот ва маълумотларни етказиш воситаси сифатида дастлаб кабутарлар, чопарлар ва пороход почтаси амал қилган. Қўшни мамлакатлардаги воқеалар ҳақидаги маълумот икки ҳафта ва ҳатто бир ой давомиде етказилган. Телеграф йўналишининг жуда тез муддатда дунёда тарқалиши маълумотнинг электр симлар орқали соат ва ҳаттоки дақиқаларда билиш имконини берди. Шу боис телеграф инсоният цивилизациясида масофани қисқартиришга йўналган ноёб ихтиродир. Бироқ инсоният бу билан кифояланмаган. 1837 йилда америкалик физик Пейдж овоз ёки куйни узоқ масофага етказиш бўйича изланиш олиб берган ва телефонни ихтиро қилган унинг янада такомиллашган варианты мобил телефонлардир.

7. Автомобилнинг ихтиро қилиниши янги индустриянинг шаклланишига саноатнинг такомиллаштиришга ишлаб чиқаришнинг қайта қуришга таъсир қилди. У миллион километрлик йўللарни қуришни режалаштиришни талаб қилди. Бензинли двигателли биринчи автомобиль 1864 йилда австриялик олими Зигфридо Маркус томонидан ихтиро қилинди. 1875 йилда Маркус автомобилнинг такомиллашган вариантини ихтиро қилди. Автомобилнинг расмий ихтирочилари немис муҳандислари Бенц ва Доймлардир.

Бенц икки акти газ двигателини ихтиро қилди ва уни ишлаб чиқарувчи кичик заводнинг хўжайини бўлди. Автомобиль саноати тез суръатларда такомиллаша бошлади.

8. Электр лампаси XIX асрнинг сўнги 10 йиллигида Европа шаҳарларида электр ёруғлиги пайдо бўлади. Дастлаб кўча ва майдонларни ёритган электр лампалари жуда тез ҳар бир қадамда пайдо бўлди. Электр ёруғликни шиддат билан тарқалиши оммавий электрификацияга, энергетикадаги тўнтаришга ва саноатдаги йирик ривожланишга сабаб бўлди. Инсоният тарихидаги бу сифат ўзгариши электр лампасининг ихтиро қилиниши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда ҳаётни электр лампасиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

9. Антибиотиклар (хусусан пенициллин) XX асрда тиббиёт соҳасидаги йирик ихтиродир. XX асрнинг 30-йилларида минглаб одамларнинг зотилжам, дизентерия каби ташҳизлар билан қирилиб кетганини, “Сепсис” барча жарроҳлик муолажаларига ҳалақит берувчи омиллигини эшитиб, таажубланиш мумкин. Бундай даҳшатли касалликларга антибиотик ихтиро

қилиниб барҳам берилди. Энг муҳими у уруш даврида ҳарбий тиббиётда ярадорларни даволашда қўлланилди. Чунки, урушда аксарият ҳолларда ярадорлар отилган ўқдан эмас, балки яранинг йиринглаши оқибатида ҳалок бўлган. Кундалик шароитда инсон териси организмни микроблардан ҳимоя қилган. Бироқ ярага микроб жуда тез кирган ва жуда катта тезликда кўпайиб энг чуқур тўқималаргача кириб боради, натижада беморга ҳеч қандай жарроҳ ёрдам бера олмай қолган, шу боис, кўп ҳолларда беморнинг ярадор органи кесиб ташлашган. Микробга қарши микроб билан курашиш ғояси XIX асрдаёқ пайдо бўлган. Масалан, Луи Пастер сибир яраси бациллеси бошқа микроблар таъсирида ўлишини аниқлади. 1940 йилда Флеминг томонидан пенциллиннинг ихтиро қилиниши тиббиёт тарихидаги энг муҳим воқеа бўлди ва тиббиётнинг кейинги босқичида такомиллашувига туртки бўлди.

10. Елкан ва кема. Дастлабки елкан энг қадимги даврда инсоният биринчи қайиқларни яратиб денгизга чиққан даврида ихтиро қилинган. Дастлаб тортилган ҳайвон териси елкан вазифасини бажарган, уни инсон қайиқнинг бошида туриб икки қўли билан ушлаб шамолнинг йўналишига қараб ўзгартириб борган. Кейин инсон елканни мачта ёрдамида мустаҳкамлашни ихтиро қилган. Шу боис, елканли кемаларнинг ихтиро қилиниши энг қадимги даврга бориб тақалади. Биринчи елканли катта кемалар Мисрда ихтиро қилинган ва Нил дарёсида фойдаланилган. Бугунги кунда катта сув ости ядро кемалари, йўловчилар, юк ташувчи кемалар, ҳарбий кемалар ихтиро қилиниб, улардан фойдаланиш даражаси дарёлар билан эмас, денгизлар ва океанлар билан ўлчанмоқда⁸⁰.

Ҳозирги кунга келиб инновация феномени техник-иқтисодий соҳанинг тор доирасини енгиб ўтган. Бунини инновация маданиятининг турли соҳаларида қўлланилаётганида ҳам кўриш мумкин. Эндиликда, инновацион фаолият ривожланишнинг асосий шарт сифатида намоён бўлмоқда. Таълим, илмий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий инновацияларнинг мавжудлиги жамият ва маданиятнинг турли маконларида юзага келган янгиликка интилувчанлик хусусиятидан дарак беради. Бу эса, ўз навбатида, замонавий ижтимоий-маданий воқеликнинг характерли хусусиятидир. Е.К. Краснухиннинг таъкидлашича, ўтмишга муносабат бугунги кунда ўзгармоқда ва ижтимоий воқеликни шакллантирувчи асос сифатида аъёналар эмас, балки инновациялар чиқмоқда. Мутахассис шундай ёзади: “агарда тарихнинг мазмуни долзарб ва бугунги кун учун аҳамиятли бўлса, у ҳолда ўтмиш ҳозирги замоннинг илдизи сифатида энди йўқ. Ҳозирги давр ўз-ўзидан ишлаб чиқариш, хусусий деконструкция тарзида қурилмоқда. Ўтмиш реанимацияси инновация кўринишида содир бўлмоқда.

⁸⁰ Справочно-энциклопедический портал Samgo.net

Бундан ташқари, инновация ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида ўз моҳиятига, нафақат, замонавий маданиятнинг барча тенденцияларини, балки у янгиликка йўналган феномен сифатида маданиятнинг келажagini ҳам сингдиради. Бизнинг фикримизча, инновацияни янги постиндустриал ривожланиш босқичи объективлашувининг ижтимоий-маданий модели, деб таърифлаш зарур.

8.2. НОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Илмий-ижодий фаолиятга хос бўлган новациялар назарий ва эмпирик жиҳатдан янги сифатли ҳолатга ўтиш, эскириб қолган ҳолатда, вазият ва аҳамиятларни қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ. Новация илмий-тадқиқот фаолияти асосида тўпланган тажриба ва янгиликларнинг динамик бирлигини сақлаган ҳолда, инсоният ҳаётининг турли соҳаларига оид янгиликларни мақсадли йўналтиришга хизмат қилади. Шунингдек, у ворисийлик тамойилига риоя қилган ҳолда эркин тарзда янги назарияларни яратишда ҳам методологик аҳамият касб этади⁸¹.

Демак, назарий ва эмпирик янгиликлар йиғиндиси илмий-ижодий фаолиятдаги инновация ва новацияларнинг яхлитлигини ташкил этади. Янгилик киритиш ички мантиқ ва йўналишларга эга бўлиб, у янги ғоя (фикрни) пайдо бўлишдан ундан фойдалана бошланишигача бўлган жараён ҳам илмий-ижодий фаолият мантиғини белгилаб беради. Шу тариқа илмий-ижодий фаолиятнинг динамикаси янгилик киритишда такомиллашиб боради. Чунки новация жараёнининг тузилиши янгиликнинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтишида ўзгариб боради. Бинобарин, илмий-ижодий фаолиятдаги янгиликлар динамикасида унинг самараси намоён бўлади.

Новация янги илмий ғояда «эскилик» элементи, илгари мавжуд бўлган бирор нарса борлигини ифодалайди. Шу тариқа янгилик ворисийликка таянади. Бу янгилик ихтирога тенг, яъни яна ўрнатилган янги ҳақиқат демакдир. Новацияда, шунингдек, аввалги мавжуд бўлган ғоя ёки парадигмани янада такомиллаштириб, замонага мослаштирилади. Шундай қилиб, новация жамият ва табиат ривожланиши қонуниятларини яхлит ҳолда, тизимлар ранг-баранглигида англаш олдиндан кўра билиш учун зарур асос ва замин ҳисобланади.

⁸¹ Черепанова Н.В. Традиции и новации: социально-философский анализ: Автореф. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – С. 13 - 14.

Илмий ижоднинг асосий мақсади ҳам оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонунларини аниқлаш, улардан қайсиларини билиш инсонларга табиат ва ижтимоий жараёнларни бошқаришда зарурий билимларни эгаллаш, уларни шахсий эҳтиёжларга мос равишда ўзгартиришга қаратилган. Бинобарин, илмий-ижодий фаолият одамларнинг табиат ва ижтимоий муносабатлар устидан ҳукмронлик қилиш, номаълум нарсаларни кашф этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни кўпайтириш, моддий ва маънавий бойликларни яратишда, эски назария ва амалий тажрибага таянишда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, фан ривожига илмий-ижодий фаолият, инновацион ва новацион ёндашувлар катта роль ўйнайди. Зеро, бугунги кунда фан ривожига, илмий мантикий операцияларга ғоялар, назариялар, қатъий мулоҳазалар натижаси сифатида қараш лозим.

Томас Куннинг фикрича, “Фан ривожига даврий трансформация ва илғор тасаввурлар алмашилиши орқали рўй беради, яъни мувозанатли равишда рўй берувчи илмий инқилоблар орқали, эски парадигмаларни янгиларга алмашиш кабилар ўзида нафақат назариялар, балки фанда ҳаракатланиши усуллари мутасаммак бўлади”. В.Н.Кудрявцев унинг фикрини давом эттириб, илмий кашфиёт жараёни далил, назарий мулоҳаза ва тахмин даражасини ўз ичига қамраб олади, кейин эса эксперимент ёки унинг муҳокамасига эътибор қаратилади⁸², деб таъкидлайди.

Бизнингча, Т.Кун ва В.Н.Кудрявцев илмий-тадқиқот фаолият натижаси сифатида намоён бўладиган тасодифий янгиликларга етарли даражада объектив баҳо бермаганлар, яъни улар илмий инқилобларни чизикли тафаккур асосида таҳлил қилган, холос. Ваҳоланки, бугунги илмий инқилоб асосида катта сакраш – чизикли тафаккурдан ночизикли тафаккурга, классик фандан ноклассик ва постноклассик фанга ўтиш содир бўлди. Бундай ўзгаришлар натижасида назарий мулоҳаза ва илмий тахминларга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Чунки шу кунгача назарий мулоҳаза ва тахмин ягона илмий талабларга бўйсунарди ва ўзига хос илмий мезонларга амал қиларди. Постноклассик фан маҳсули бўлган синергетикада эса назарий мулоҳаза ва илмий тахминлар бир неча вариантларда намоён бўлиши эътироф этилади.

Тўғри инновация ёки новация “бирор қизиқ воқеага дуч келсанг, уни тадқиқ қил, қолганига қўл силта” деган ақидага суяниб қолмай, анъанавий қарашларнинг турли вариантларига эътибор қаратади. Зеро, инсониятнинг илмий-ижодий фаолияти ўз моҳияти ва методи бўйича рационал, шунингдек, ўзининг энг ғаройиб ютуқларини фақат мининг хавфли қутилмаган фаолияти орқали ифодалайди, яъни олим инновация ёки новациялар

⁸² Кудрявцев В.Н. Свобода научного творчества // Государство и право. – Москва, 2005. -№5. –С.22-28.

асосида билимни эвристик селекция қилади ва саралайди. Бу муайян мақсадга йўналган бўлади. Кейин бу жараён қайта такрорланади ва олимга янги горизонтларни (уфқларни) кўришга имкон беради. Бунинг натижасида, олим миясида илғор инновацион ғоялар шакллана бошлайди ва кутилмаганда кристаллашувга ўхшаш эвристик жараён рўй беради. Демак, инновацион таъсир воситасида олим мияси муайян вақтда ўзининг янги концепциясининг асосий белгиларини аниқлайди, математикада бўлгани каби бу кутилмаган фикр ҳам мақсадли фаолият жараёнида эмас, балки фаолиятга боғлиқ бўлмаган вақтда ҳам рўй беради, яъни олим мияси кашфиёт билан банд бўлмаган пайтда содир бўлади. Бу даврда ижодий жараёнга ҳис-туйғулар аралашади. Бироқ кутилмаган омадли ғоянинг кашф қилиниши ифодаланиши ижодий жараённинг охири эмас, балки боши ҳисобланади. Чунки олим ўз ғояларининг тўғрилигини асослаши, оқибатларини аниқлаши, уларни эксперимент натижалари билан солиштириши, барча эҳтимолий имконларга жавоб топиши ва ниҳоят ўз кашфиёти чегараларини аниқлаши лозим бўлади.

Албатта, илмий кашфиётларда интуициянинг ролини инкор қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам француз олими М.Заар ўзининг “Ижод йўллари” номли китобида, интуиция ҳис-туйғулар ҳам қодир бўлмаган нарсага қодирлигини асослаш мақсадида “У нарсалар борлигини ва уларнинг яширин қийматини (қадрини) қамрайди, забт этади”⁸³ – деб таъкидлайди. Интуиция дунёқараш, илмий гипотезага йўл очади. Илмий ижодда тасаввур, фантазия маълум роль ўйнайди, борлиқдаги мавҳумлик қисмини дарров кўриш мумкин бўлган тарзда тасвирлайди. Аммо тасаввур ва интуиция ақлий чегарада қўлланилувчи, олимларнинг илмий кашфиётлар қилишида ёрдамчи воситаларгина бўлиб қолади.

Илмий тадқиқотнинг такомиллашувига таъсир кўрсатувчи ночизикли тафаккур, ижоднинг аттрактор ҳолати, ижодий фаолиятдаги бифуркацион ўзгариш ҳамда флуктуацион таъсирлар масаласи ҳам эътибордан четда қолган. Шу нуқтаи назардан, илмий тадқиқотнинг мазкур жиҳатларига эътибор бериш унинг ҳалигача очилмаган қирраларини излаб топишга ёрдам беради. Бунинг учун аввало илмий тадқиқотга дахлдор ҳар бир тадқиқотлардаги қўлланилган усул, восита, техника ва технологияларни ўринли бирлаштириш, фанлараро ўзвий уйғун тадқиқотларни тўғри йўлга қўйиш лозим.

Илмий тадқиқотнинг манбаи бўлган янги назарий билимлар ва технологиялар ўзаро мувофиқлашган ҳолда илмий-методологик тизимни юзага

⁸³ Егоров А.В. Теория познания и проблема интуиция. Автореф. дис....канд филос. наук. –М.: 1973. – 18 с.

келтиради. Шу маънода, ҳар қандай ижодий муҳитда янги билимга эга бўлиш даражаси чекланган бўлса, унинг фаоллиги паст даражага тушиб қолишини таъкидлаб ўтишни лозим деб топдик. Бундай илмий саёзлашиш илмий фаолиятдаги доғмалашувни ёки бўрттирилган илмий фундаментализмни шакллантириш мумкин, яъни эски илмий андазаларга, меъёрларга мослашиб ундан чиқиб кетолмаслик ҳақиқатни билишдаги конкрет далил ва воқеликни аниқлашга тўсқинлик қилади. Илмий ижодда ушбу йўл билан нафақат аниқ бир илмий мақсад тўғри танлаб олинади, балки унга етишиш учун бир-бирига адекват билимлар ҳам инкор қилинади. Оқибатда эса, янги билимларга эмас, балки эскилик сарқитларига суяниб қолиш ҳолатлари кўп учрайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бундай муаммоли ҳолатларнинг олдини олишда ноанъанавий ёндашувлардан самарали фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

В.А. Лекторский илмий-тадқиқот фаолияти масаласининг классик ва ноклассик эпистемология доирасида таҳлил қилиб, инсон билимининг ўсиб бориши кўпроқ унинг ижодий фаолиятда қўлга киритган янгиликларга боғлиқ эканлигини асослаб беради⁸⁴. Бироқ бу фаолиятда фақат янги ғоялар эмас, балки уларнинг ворисийлик тамойилига мос келадиганлари ҳам эътиборга олинishi керак. Бу эса ижодий изланишлардаги прагматик камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. А.Н.Кирюшин ҳам ижодий фаолият масаласининг когнитив-эволюцион таҳлиliga эътибор қаратиб, у кўпроқ амалий характер касб этадиган ижодий омилларнинг босқичма-босқич ўзгаришига боғлиқ эканлигини таъкидлайди⁸⁵.

Илмий-тадқиқот фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйишда инсоннинг юқори савияси тадқиқот жараёнида тез қарор чиқара олиши, бир вазиятдан иккинчисига тез кўника олишида намоён бўлади. Шунинг учун илм-фан, сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий-маданий ҳаётда илмий-ижодий фаолият аҳамиятининг ошиб бориши инсоннинг илмий салоҳият даражасини ёрқинроқ акс эттиради. Бу эса инсоннинг ижодий фикрлаш даражаси, руҳий зўриқишлардан озод бўлишига олиб келади. Маълумки, XX асрда илмий-ижодий фаолиятнинг янги йўналишлари вужудга келди. Уларнинг умумийлиги бир томондан, антропологик хусусиятида; иккинчи томондан – баъзи ҳолларда илмий бўлмаган қарашлар намоён бўлади.

Илмий тадқиқотда қарама-қарши бўлмаган меъёрий тизимлар ёки уларнинг қисмлари доирасида фарқланадиган интеллектуал фаолиятнинг шакллари муҳим роль ўйнайди ва тизимнинг ижодий ривожига турли

⁸⁴ Лекторский Д.А. Субъект. Объект. Познание. – М.: Наука, 1980. -280 с.

⁸⁵ Кирюшин А.Н. Феномен свободы и проблема его концептуализации // Вестник ТГУ. Тамбов: Изд-во ТГУ им Г.Р. Державина, 2004, Выпуск 2 – С. 74-76.

аҳамият касб этади, бундан ташқи меъёрий фаолиятнинг ижодий характери умуман муаммоли бўлиб қолади. Илмий тадқиқотга хос меъёрий фаолиятнинг ижодий характери кўрилатган ҳолатда шубҳа уйғотмайди, чунки бунда моддийликнинг меъёрий инновациялари ҳосил бўлади, яъни меъёр тадқиқот жараёнида, илмий-тадқиқот жараёнида янги концептуал элементлар ёки янги ижодий тизимларни ишлаб чиқишига тўртки бўлади. Шаклланган янги илмий ғоя ёки назария доирасида умумий ҳолда фақат меъёрий фаолият ҳар доим ижодий характер касб этади. Дарҳақиқат, реалликда исталган меъёрий фаолият бир вақтда ҳам конструктив, ҳам деструктив бўлиши ҳам мумкин. Деструктивлик илмий-ижодий фаолият универсаллик ва яхлитликни таъминлайди, шунингдек, ижобий фаолиятнинг муқобилларига нисбатан негатив танқидий ёндашувни шакллантиради. Илмий-ижодий фаолиятнинг меъёри ностандарт ижодий хатти-ҳаракат билан шаклланади.

Илмий-тадқиқотнинг ўз-ўзини ташкиллаштирувчи интеллектуал тизим сифатида намоён бўлишида инсоннинг билим даражалари ва ижодий тафаккури ҳам методологик аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, интеллектнинг маънавий ва моддий бўлиниши натижасида илмий ва кундалик цивилизация уфқида билим шаклланди. Тан олиш керакки, замонавий дунёдаги ижодий янгиликлар ижодкорларнинг оғир меҳнатлари туфайли амалга оширилмоқда. Лекин ижтимоий қатламларнинг бўлинишида илмий тафаккур шакли унга мос илмий бўлмаган билим даражаси ва тажрибаларга ҳам таянилади. Шу маънода, илмий ва кундалик билим орасига «хитой девори»ни қўймаслик керак. Бинобарин, муболаға қилиб айтадиган бўлсак, ҳатто фил суягидан қилинган минорада яширинган олим ҳам вақти-вақти билан кундалик билим ҳукмрон бўлган ерга тушиб туриши керак. Бундан кўринадики, олимнинг онгида билимнинг икки даражаси мавжуд бўлади. Бу билимлар ўз навбатида илмий-ижодий фаолиятга у ёки бу даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Олим онгида кундалик ва илмий билим ўртасидаги алоқалар фақат салбий таъсир эмас, балки ижобий таъсир ҳам кўрсатади. Ижодий фаолият олиб боровчи субъект маълум босқичда бу муаммони ҳал этишга муҳтож дейиш мумкин, фақат психологик мезонда бу жараён бошқачароқ намоён бўлади. Ижодий жараённинг лаҳзаси ҳар бир ижодкор инсониятнинг космосга, ноосферага алоқадорлигини ҳам ҳис этади. Билимнинг қуйи даражаси учун тизимлашмаганлик, хаотиклик, рефлексияланмаслик, қандайдир болаларча ўйноқилик ва жасорат хос бўлса-да, улар баъзан тизимлашган, мантиқий асосланган билим шаклланишига муайян даражада таъсир қилади.

8.3. ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ

Одатда тадқиқот янгилиги унинг қамровига қараб белгиланади ва у амалиётга қўлланилган назарий фикрлар кўринишида ифода этилади.

Тадқиқотнинг қамровидан келиб чиққан ҳолда (*DSc, PhD ёки магистрлик диссертациялари доирасида*) илмий янгиликларнинг даражаси ҳам турлича бўлади.

Магистрлик диссертацияси доирасида оламшумул илмий янгиликни очишга даъвогарлик қилиш нафақат қийин, балки у мақсадга мувофиқ ҳам бўлмайди.

Илмий ишни бошловчи тадқиқотчилар учун ўрганилаётган муаммони методологик базасини чуқур ўрганиб, намунавий ечим йўлларида фойдаланган ҳолда уни эмпирик даражага олиб чиқиш ҳам ижобий натижа ҳисобланади.

Масалан, тадқиқотдаги янгиликлар муаммони ахборот шаклида, аниқ ижтимоий масалаларни ўрганишнинг янги илмий ёндашувлари кўринишида ифода этилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот мавзуси доирасида аввал ишлатилмаган таҳлил методларини қўллаш бўйича услубий натижаларга эришиш ҳам илмий янгилик сирасига киради.



Илмий янгилик аввал маълум бўлмаган ва биринчи илмий факт сифатида қайд этилган ва ўзида янги назарий ҳамда амалий муаллифлик ишланмаларини акс эттиради.

Тадқиқот илмий янгилиги илмий таҳлиллар асосида эришиладиган яқуний натижа ҳисобланиб, уни тадқиқот аввалида кўра билиш муҳим ҳисобланади. Яъни, тадқиқот бошланган пайтданоқ изланувчи қандай янгиликка эришмоқчи эканлиги маълум бўлиши лозим. Бунинг учун тадқиқотнинг методологик дастурини тўғри шакллантириш муҳим, яъни юқоридаги мавзуларда келтирилган алгоритм асосида, тадқиқотнинг асосий муаммолари ва илмий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мантикий кетма-кетлик ва изчилликда тадқиқот олиб бориш талаб этилади.

Мисоллар:

Тадқиқот мавзуси: “Хом ашё мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигининг омили сифатида”

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

Хом ашё ресурслари билан таъминланиш даражасини ифода этувчи индикаторлар ва уларнинг қуйи чегаралари белгиланди.

Индикаторлар таҳлили асосида республикамиз иқтисодиётида хом ашё ресурслари билан боғлиқ муаммолар таснифланди ва уларнинг юзага келиш сабаблари тизимга солинди.

Нотўғри шакллантирилган “илмий янгиликлар”га мисоллар:

Қозоғистон ва Хитой алоқаларининг бугунги ҳолати **таҳлил қилинди**.

Муаммога таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида **биринчи-бор омилли таҳлил методидан фойдаланилди**.

Экстремизм билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан **таклифлар ишлаб чиқилди**.

Нотўғри шакллантирилган “илмий янгиликлар”ни қуйида келтирилган вариантлардаги каби таҳрир қилиш мумкин ва мос равишда тадқиқотнинг мазмунида ҳам тегишли илмий амалларни бажариш лозим:

Замонавий геосиёсатда Яқин Шарқ минтақасининг геостратегик аҳамияти **таҳлил қилинди** юқорилиги илмий исботланди.

Туркиянинг Яқин Шарқ минтақаси давлатлари билан икки томонлама ҳамкорликка тўсқинлик қилувчи ва шароит яратувчи омиллар **ўрганилди** таснифланди.

Ҳозирги кунда Туркияни Яқин Шарқ давлатлари билан муносабатларининг муаммо ва истиқболлари **таҳлил қилинди** юзасидан муаллифлик сценарийлари ишлаб чиқилди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижаларни фойдаланишга яроқлилиқ даражасига қараб аниқланилади.

Тадқиқот амалий аҳамияти йўналишнинг назарий ёки амалийлигига қараб 3 гуруҳга бўлинади: методологик, методик, амалий.

1. Методологик. Агар диссертация методологик характерга эга бўлса, унинг амалий аҳамияти тадқиқотнинг асосий натижаларини илмий нашрларда чоп этилиши (маҳаллий ва хорижий); муаллифлик гувоҳномаси, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этганлиги ҳақидаги далолатномаларни мавжудлиги билан, тадқиқот натижаларини илмий-амалий конференциялар ва симпозиумларда (олий таълим муассасалари, хорижий ва ҳ.к) маъқулланиши билан, илмий ишланмаларни олий таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланилиши билан белгиланади.

2. Методик. Агар диссертация методик характерга эга бўлса, у ҳолда тадқиқот амалий аҳамияти тажриба ўтказиш натижасида асосланган ва маъқулланган мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини такомиллаштирувчи метод ва воситалар тизимининг мавжудлиги билан белгиланади. Масалан, *Олий мактаб базасида тайёрланган диссертацияда Оммавий ахборот воситалари фаолияти мониторингининг ахборот модели ишлаб чиқилди ва маъқулланди. Кейин мазкур тажрибавий модель, ушбу муаммо билан бевосита боғлиқ бўлган амалий бўлинмаларга жўнатилди.*

3. Амалий. Агар тадқиқот амалий аҳамиятга эга бўлса, яъни меҳнат ва моддий ресурслар ёки ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш йўллари илмий асослаб берса, у ҳолда тадқиқот амалий аҳамияти намунавий моделлар асосида алоҳида бошқарув тизимлари фаолиятини қайта ташкил этиш кўринишида ифода этилиши мумкин.

Бундан ташқари, манфаатдор ташкилотларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, агар тадқиқотнинг алоҳида натижалари доирасида олинган маълумотлар ахборот-таҳлилий маълумотнома ёки доклад сифатида тегишли жойларга юборилиши мумкин.

ХУЛОСА

Мавзу доирасида тадқиқотчилар учун қуйидагилар муҳим:

1. Магистрлик диссертацияси доирасида катта кашфиёт ёки ихтиро кутилмайди, амалий ва илмий муаммо юзасидан илмий асосланган таклифлар, механизмлар, алгоритмлар, моделлар каби илмий янгиликларни яратилиши кифоя.

2. Кўпчилик мутахассислар, олимлар томонидан илмий янгилик тадқиқот якунида ойдинлашади деган фикрни илгари суради. Лекин, амалга ошириладиган илмий янгиликларни олдиндан кўра билиш ва уларни тадқиқот дастурида келтирилиши қўйилган мақсадга эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида хизмат қилади.

3. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти танланган муаммонинг қамрови билан, яъни магистрлик ишлари доирасида бажарилган ишларнинг аҳамияти асосан муаммони ўрганишга қаратилган методиканинг шу каби муаммони ўрганишда қўллаш имконияти мавжудлиги билан, қолаверса ишлаб чиқилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг мазкур ташкилот доирасида, тармоққа ёки соҳа ривожига қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Илмий янгилик, кашфиёт, ихтиро, инновация, амалий аҳамият.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Инновация”, “ихтиро” ва “кашфиёт” тушунчаларининг моҳияти ва уларнинг ўзаро фарқи нимада?
2. Новацияларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.
3. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қандай мезонларга жавоб бериши лозим?
4. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нима?

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚ

1. Танланган мавзу бўйича кутилаётган илмий янгиликларни шакллантиринг.
2. Танланган мавзу бўйича диссертациянинг амалий аҳамиятини очиб беринг.

9-мавзу.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ (миллий хавфсизликни таъминлаш муаммолари мисолида)

Кириш

9.1. Илмий тадқиқот методлари таснифи.

9.2. Назарий тадқиқот методлари.

9.3. Умумилмий тадқиқот методлари.

9.4. Эмпирик тадқиқот методларининг ўзига хослиги ва улардан фойдаланиш тартиби (сўров, кузатув, қиёслаш, ўлчаш, эксперимент, SWOT-таҳлил, сценарий ва бошқа методлар).

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Тадқиқот дастурининг методик қисмида тингловчиларга (тадқиқотчиларга) ўрганилаётган соҳа (йўналиш)нинг ўзига хослигини ўрганиш, соҳага тааллуқли маълумотларни йиғиш тартиби, йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш методлари тавсифи ва таснифи, методларни қўллаш шартлари, шунингдек йиғилган маълумотларни компьютерда қайта ишлаш тартиби ҳақида билим ва кўникмалар берилади.

Борлиқнинг объектив қонуниятларини очиш, назарияларни яратиш ёки мавжудларини такомиллаштириш, илмий фактларни ўрнатиш кабилар илм-фан вазифаларини ечиш омиллари ҳисобланиб, улар ўз навбатида илмий билиш (идрок этиш)нинг таҳлил методлари ёрдамида амалга оширилади.

Ҳар бир илмий тадқиқот методлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар маълум бир соҳа ёки йўналишдаги муаммоларни, масалаларни ечишга мўлжалланган ҳисобланади. Ўз навбатида ҳар бир методнинг устувор ҳамда камчиликлари ҳам мавжуд бўлади.

9.1. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ТАСНИФИ

Тадқиқот методи билан боғлиқ асосий тушунчаларга ойдинлик киритиш мақсадида, айрим атамаларга қуйида таърифлар келтирилган.

- ✦ **Метод** – муайян мақсадга эришиш, аниқ вазифани бажариш усули, борлиқни амалий ва назарий ўзлаштириш (англаш) усуллари ёки жараёнлари мажмуи.
- ✦ **Методология** – илмий фаолиятнинг мантиқий тузилиши, метод ва воситалари, тамойиллари ва шакллари ҳақидаги таълимот.
- ✦ **Илм фан методологияси** эса илмий билимлар олиш йўллари ва уни ташкил этиш тамойилларини таҳлил қилиш ҳисобланиб, илмий билишнинг умумий ва махсус методлари тизимидир.
- ✦ **Билиш методлари** – бу объектни ўрганишнинг асосланган ва изчил усуллари ва қоидаларидир.

Айрим манбаларда тадқиқот методига қуйидагича таъриф ҳам берилади: тадқиқот методи – эски билимни янги билим олиш учун қўллаш усули, илмий далиллар олиш қуроли ҳисобланади.



Метод (юнон. *methods* — усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади. Метод у ёки бу шаклда маълум қоида, тартиб, усул, ҳаракат ва билим мезонларининг йиғиндиси ҳамдир.

У тамойиллар, талаблар тизими бўлиб, субъектни аниқ вазифани бажаришга, фаолиятнинг шу соҳасида маълум натижаларга эришиш сари йўналтиради. У ҳақиқатни излашда вақт, кучни тежайди, мақсадга энг яқин ва осон йўл билан етишишга ёрдам беради.

Методнинг асосий вазифаси фаолиятнинг билиш ва бошқа шаклларини бошқарувдан иборат. Бироқ:

биринчидан, метод ва методологик муаммоларнинг ролини инкор қилиш ёки тўғри баҳоламаслик;

иккинчидан, методнинг аҳамиятини бўрттириш, мутлақлаштириш, уни барча масалаларнинг калити, илмий янгиликларни яратишнинг энг қулай воситаси (методологик эйфория), деб тушуниш нотўғридир.

Ҳар қандай метод муайян назария асосида яратилади ва тадқиқотнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Ҳар бир методнинг самарадорлиги унинг чуқур мазмун ва моҳиятга эгалиги, назариянинг фундаменталлиги билан асосланади. Ўз навбатида, метод мазмуни кенгайиб боради, яъни билимнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, тажрибага татбиқ этилиши билан методнинг кўлами ҳам ўзгаради.

Метод билиш предмети ва ҳаракатни сунъий равишда боғламайди, балки уларнинг хусусиятлари ўзгариши билан ўзгариб боради. Илмий тадқиқот предметга дахлдор далил ва бошқа белгиларни жиддий билишни талаб қилади. У маълум материалнинг ҳаракати, унинг хусусиятлари, ривожланиш шакллари ва бошқаларда намоён бўлади. Демак, методнинг ҳақиқийлиги, энг аввало, тадқиқот (объект) предметининг мазмуни билан боғлиқ.

Метод субъект билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача қилиб айтган-да, «инсон умумметодологиянинг марказидир» (Фейербах). Иккинчидан, ҳар қандай метод у ёки бу даражада бошқарув қуроли вазифасини бажаради.

Метод субъект ва объектнинг мураккаб диалектикаси асосида ривожланади ва бунда охиргиси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода, ҳар қандай метод, энг аввало, объектив, мазмунли ва конкрет бўлса-да,

айни пайтда, субъектив ҳамдир. Бироқ у фақат мавжуд қоидалар тизими эмас, балки объектив илмийликнинг давоми сифатида намоён бўлади.

Метод методикада конкретлашади. Методика далилий материалларни йиғиш ва саралаш воситаси, аниқ фаолият түридир.

У методологик тамойиллардан фарқ қилса-да, уларга асосланади.

Методлар хилма-хиллигига қараб, түрли мезонлар асосида таснифланади. Энг аввало, маънавий, ғоявий (шунингдек, илмий) моддий ва амалий фаолият методларини ажратмоқ лозим.

Фан тарихида методлар янги назарияларни яратиш жараёнида шаклланади. Янгилик яратиш санъати янгиликлар жараёнида камол топади. Дастлабки тадқиқот тажрибада шаклланар экан, метод тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси, амалиёт билан назарияни боғловчи восита сифатида намоён бўлади. Метод ва назариянинг узвий алоқаси илмий қонунларнинг методологик ролида ўз аксини топади. Ҳар қандай фанга оид қонун инсонни воқелиқдаги нарса ва ҳодисаларни шу фанга мансуб соҳага мос фикрлашга ундайди. Масалан, энергиянинг сақланиш қонуни бир вақтнинг ўзида методологик тамойил бўлиб, у олий нерв фаолиятининг рефлекторлик назарияси, ҳайвонлар ва инсон ахлоқини тадқиқ қилишнинг методларидан бири ҳамдир.

Илмий тадқиқот жараёни тарихан ишлаб чиқилган методлар асосида амалга оширилади. Ҳеч ким ҳеч қачон ҳақиқатни йўқдан бор қила олган эмас. Албатта, олим изланишлар, хатолар қўршовида ҳаракат қилади. Баъзи ҳолларда бир нарсани излаш жараёнида бутунлай бошқа нарса яратилади.

Метод ўз-ўзидан тадқиқотнинг муваффақиятли бўлишини таъминлай олмайди, чунки нафақат яхши метод, балки уни қўллаш маҳорати ҳам муҳимдир. Илмий билиш жараёнида түрли методлардан фойдаланилади. Умумий даражасига кўра, улар кенг ёки тор кўламда қўлланилади. Ҳар қандай фан ўз предметини ўрганишда у ёки бу объектнинг моҳиятидан келиб чиқувчи түрли хусусий методлардан фойдаланади.



Методология – фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к.) ва тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси сифатида амал қилади.

Ҳозирги даврда методология фақат илмий билиш соҳаси билан чекланиши мумкин эмаслиги аён бўлди ва у албатта, билиш чегарасидан

чиқиши ва ўз соҳасида амалиётда ҳам қўлланиши зарур. Бунда билиш ва амалиётнинг узвий алоқадорлигига эътибор қаратмоқ керак.

Методология фақат методларни эмас, балки тадқиқотни таъминловчи бошқа воситаларни ҳам ўрганади. Тамойил, қоида ва кўрсатмалар, шунингдек, категория ҳамда тушунчалар мана шундай воситалар жумласига киради. Номувозий, беқарор дунё шароитларида воқеликни методологик ўзлаштиришнинг ўзига хос воситаларини ажратиш фан ривожланишининг «постноклассик», деб номланган ҳозирги босқичида анча долзарб аҳамият касб этмоқда.

Фан методологияси унинг структураси, тараққиёти, илмий тадқиқот воситалари ва усуллари, унинг натижаларини асослаш йўллари, билимни тажрибага татбиқ қилиш механизмлари ва шакллари ўрганади. Хуллас, методология методлар йиғиндиси ва фаолият тури ҳақидаги таълимотдир.

Методлар умумийлик даражаси ва амал қилиш доирасига кўра, бир неча гуруҳга бўлинади. Улар: фан методлари, хусусий илмий методлар, умумилмий тадқиқот методлари, эмпирик тадқиқот методлари, назарий тадқиқот методлари, умуммантикий методлар, фанлараро тадқиқот методлари, фалсафа методлари, ижтимоий-гуманитар фанлар методлари кабилардир. Қуйида уларнинг асосийларини таснифлаймиз ва мазмунини таҳлил қиламиз.

Юқорида келтирилган таҳлил методларини умумлаштирган ҳолда мазмунига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- назарий тадқиқот методлари (масалан, интерпретация, терминологик, таснифлаш ва бошқ.);
- умумилмий тадқиқот методлари (таҳлил ва синтез, индукция (хусусий далиллардан айрим фаразларга ўтиш йўли билан илмий хулоса чиқариш) ва дедукция (мантиқ қонун-қоидалари асосида хулоса чиқариш), моделлаштириш, абстрактлаш ва бошқ.);
- эмпирик тадқиқот методлари (масалан, сўров, кузатув, қиёслаш (солиштириш), ўлчаш, тажриба (эксперимент), SWOT-таҳлил, *сценарий методи* ва бошқ.).

9.2. НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Назарий тадқиқот методлари. Назарий асосланган ва исботланган билимлар мажмуи назарий тадқиқот методлари орқали эгалланади. Қуйидагилар назарий тадқиқот методларидир:



Аксиоматик метод – илмий назария тузиш усули. Бунда унинг асосига айрим дастлабки қоидалар-аксиомалар қўйилади ва назариянинг қолган барча ғоялари мана шу аксиомалардан соф мантиқий йўл билан исботлаш орқали келтириб чиқарилади.

Аксиомалардан теоремаларни (умуман, бир формуладан бошқа формулаларни) келтириб чиқариш учун махсус қоидалар таърифланади. Бинобарин, аксиоматик методда исботлаш – ҳар бири ёки аксиома бўлган ёки олдинги формулалардан маълум қоидага биноан келтириб чиқариладиган формулаларнинг маълум кетма-кетлиги. Аксиоматик метод – олинган илмий билимни тизимга солиш усулларида бири. Унинг амалда қўлланиши чекланган, чунки уни фақат аксиомалаштирилган мазмун назариясининг ривожланиш даражаси жуда катта бўлган ҳолдагина қўллаш мумкин. Машҳур француз физиги Луи де Бройлнинг таъбири билан айтганда, «аксиоматик метод таснифлаш ёки таълим беришнинг яхши методи бўлиши мумкин, аммо у кашф этиш методи бўла олмайди».



Гипотетик-дедуктив метод – бир-бири билан дедуктив боғлиқ бўлган гипотезалар тизимини яратишни назарда tutади.

Мазкур гипотезалардан пировард натижада эмпирик далиллар тўғрисида хулосалар чиқарилади. Ушбу метод гипотезалардан ва ҳақиқий маъноси маълум бўлмаган бошқа фаразлардан хулосалар чиқаришга (дедукцияга) асосланади. Бинобарин, мазкур метод ёрдамида чиқарилган хулоса муқаррар тарзда эҳтимолий хусусиятга эга бўлади.

Гипотетик-дедуктив методнинг умумий тузилиши:

– назарий тушунтиришни тақозо этувчи материал билан танишиш ва мавжуд назариялар, қонунлар ёрдамида назарий тушунтиришга ҳаракат қилиш. Агар бунинг иложи бўлмаса:

– турли-туман мантиқий усуллар ёрдамида мазкур ҳодисаларнинг сабаб ва қонуниятлари тўғрисида фараз (гипотеза, тахмин)лар қилиш;

– фаразларнинг асослилиги ва жиддийлигига баҳо бериш ва уларнинг орасидан ҳақиқатга энг яқинини танлаб олиш;

– гипотезадан оқибатларни (одатда, дедукция йўли билан) келтириб чиқариш ва унинг мазмунига аниқлик киритиш;

– гипотезадан келтириб чиқарилган оқибатларни тажрибада текшириш. Бу ерда гипотеза ё тажрибада исботланади, ё инкор этилади. Аммо айрим оқибатларнинг исботланганлиги гипотезанинг ҳақиқийлигини (ёки сохталигини) кафолатламайди. Текширув натижаларига кўра, энг яхши гипотеза назарияга айланади.

Математик гипотезани гипотетик-дедуктив методнинг тури деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда илгари маълум бўлган ва текширилган ҳолатларнинг такомиллаштирилган кўринишларини ифода этувчи маълум тенгламалар гипотеза вазифасини бажаради. Илгари маълум бўлган ва текширилган ҳолатлар ўзгартирилиб, янги ҳодисаларга тааллуқли бўлган гипотезани ифодаловчи янги тенглама тузилади. Гипотетик-дедуктив метод (аксиоматик метод сингари) кашф этиш методидан ҳам кўра кўпроқ илмий билимни тузиш ва асослаш методи ҳисобланади, чунки у янги гипотезага қандай йўл билан келиш мумкинлигини кўрсатади.



Мавҳумликдан конкретликка юксалиш методи – илмий фикрнинг дастлабки мавҳумликдан билишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш изчил босқичлари орқали натижага – тадқиқ қилинаётган предметни назарияда яхлит акс эттиришга томон ҳаракатидан иборат.

Муайян ҳиссийликдан мавҳумликка юксалиш, тафаккурда предметнинг алоҳида жиҳатларини ажратиш ва уларни тегишли мавҳум таърифларда «мустаҳкамлаш» мазкур методнинг шартларидир. Билишнинг муайян ҳиссийликдан мавҳумга томон ҳаракати хусусийдан умумийга томон ҳаракат демакдир. Бу ерда таҳлил ва индукция сингари мантиқий усуллар етакчилик қилади. Мавҳумдан муайян ҳиссийликка юксалиш – айрим умумий мавҳумликлардан уларнинг ягоналигига, муайян умумийга томон ҳаракат жараёнидир. Бу ерда синтез ва дедукция усуллари етакчилик қилади. Билишнинг бундай ҳаракати формал, техник процедура эмас, балки предметнинг ривожланишидаги қарама-қаршиликни, ички қарама-қаршиликларга мувофиқ унинг бир даражадан бошқа даражага ўтишини акс эттирувчи диалектик зиддиятли ҳаракатдир.

Мазкур ҳолда билиш жараёни иккита мустақил босқичга ажралади.

Биринчи босқичда конкретдан унинг абстракт ҳолатидаги таърифига ўтилади. Тадқиқот объекти қисмларга ажратилади ва кўплаб тушунча ва мулоҳазалар ёрдамида тавсифланади, яъни у фикрий қайд этилган мавҳумликлар мажмуига айланади. Бу – абстракция даражасида тадқиқот объектининг таҳлилидир.

Кейинчалик, билишнинг иккинчи босқичида абстрактдан фақат тафаккурда конкретга бориш амалга оширилади. Бунда тадқиқот объектининг яхлитлиги тикланади (синтез).

Шуни таъкидлаш ўринлики, юқорида кўриб ўтилган илмий билиш усуллари қоидага кўра биргаликда, бир-бирларини тўлдирган ҳолда қўлланилади.

Билиш мантиқи аҳамиятли бўлган, барқарор такрорланувчи ва айримликни аниқлаш жараёни сифатида тасаввур этилади, бу ўрганилаётган объектни бошқалардан фарқлайди.

Билиш жараёнида тирик мушоҳададан абстракт фикрлашга ва ундан амалиётга ўтиш умумий технологиясига риоя этиш муҳимдир.

Назарий тадқиқот методларига яна қуйидагиларни киритиш мумкин:

“Интерпретация” методи;

“Терминологик (атамалар) таҳлили” методи;

“Таснифлаш (классификация)” методи;

“Деталлаштириш (декомпозиция)” (“Мақсадлар дарахти”) методи;

“Моделлаштириш” методи ва бошқ.

9.3. УМУМИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Эмпирик ва назарий тадқиқотларда таҳлил ва синтез, дедукция ва индукция, абстрактлаш каби универсал методлар кенг қўлланилади.

Умумилмий тадқиқот методлари – фалсафа билан махсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик қоидалари ўртасида ўзига хос «оралиқ методология» бўлиб хизмат қилади.

Умумилмий тушунчалар қаторига кўпинча «ахборот», «модель», «тузилма», «функция», «тизим», «элемент», «оқилоналик», «эҳтимоллик» сингари тушунчалар киритилади.

Биринчидан, бир қанча хусусий фанлар ҳамда фалсафий категорияларнинг алоҳида хосса, белги ва тушунчалари умумилмий тушунчаларнинг мазмунига «сингдириб» юборилганлиги, иккинчидан, (фалсафий категориялардан фарқли ўлароқ) математик назария ва символик мантиқ воситалари билан уларни формаллаштириш, уларга аниқлик киритиш мумкинлиги умумилмий тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Агар фалсафий категориялар умумийликнинг мумкин бўлган энг юқори даражаси – муайян умумий даражани ўзида мужассамлаштирган бўлса, умумилмий тушунчаларга кўпроқ умумий мавҳум (бир хил) даража хоски, бу уларни мавҳум-формал воситалар ёрдамида ифода этиш имконини беради. Фалсафанинг асосий масаласини (тўла ҳажмда) ечишда «иштирок этиш» шarti муайян «тафаккур шаклини яратиш»нинг «фалсафийлиги», «диалектиклиги» даражасини аниқлашнинг муҳим мезонидир.

Умумилмий тушунча ва концепциялар асосида билишнинг тегишли методлари, тамойиллари таърифланади, улар эса, ўз навбатида, фалсафанинг махсус илмий билим ва унинг методлари билан оқилона ўзаро алоқасини таъминлайди.



Структуравий-функционал (структуравий) метод яхлит тизимларда уларнинг структурасини, структуранинг таркибий қисмлари ўртасидаги барқарор муносабатлар ва ўзаро алоқаларни ҳамда уларнинг бир-бирига нисбатан роллари (функциялари)ни ажратиш асосига қурилади.

Структура – тизимнинг тузилиши ва ички шакли, мазкур тизимнинг таркибий қисмлари ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларнинг бирлигини ифодаловчи фалсафий тушунча. Функция эса мазкур тизим ҳар бир таркибий қисмининг «вазифаси» деб тушунилади (маълум биологик аъзо функциялари, давлат функциялари, назариянинг функциялари ва ҳ.к.).

Структуравий-функционал (структуравий) методнинг (унга баъзан системали ёндашувнинг тури деб ҳам қаралади) асосий талаб (жараён)лари:

- а) тизимли объектнинг тузилиши, структурасини ўрганиш;
- б) унинг таркибий қисмларини ва уларнинг функционал хусусиятларини тадқиқ қилиш;
- в) мазкур таркибий қисмлардаги ва уларнинг функцияларидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;
- г) бутун тизимли объектнинг ривожланиши (тарихи)ни кўриб чиқиш;
- д) барқарор фаолият кўрсатаётган объектнинг барча таркибий қисмларига шу барқарорликни сақлашга хизмат қилаётган тизим сифатида қараш.



Формаллаштириш – маълум мазмунни муайян шакл-белгилар ҳолига келтириш.

Бу ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этиш мақсадида фикрни аниқ ифодалашга хизмат қилади. Формаллаштиришда объектлар ҳақидаги мулоҳазалар белгилар (формула) соҳасига ўтказиладики, бу сунъий тиллар (математика, мантиқ, кимё тили ва ш.к.)ни яратиш билан боғлиқ.

Махсус шакл-белгилардан фойдаланиш оддий, табиий тилнинг кўп маънолилигини бартараф этиш имконини беради. Формаллаштирилган фикрларда турли белги қатъий маънони билдиради. Формаллаштириш

алгоритмлаштириш ва ҳисоблаш мосламаларини дастурлаштириш жараёнларига, бу билан эса билимнинг нафақат илмий-техникавий, балки бошқа шакллари ҳам компьютерлаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Формаллаштириш жараёнининг энг муҳим хусусияти шундаки, сунъий тилларнинг формулалари устида амалларни бажариш, улардан янги формула ва нисбатларни келтириб чиқариш мумкин. Айтилган фикр мантикий хулоса асосида чиқарилади. Амалиётда турли тимсоллар асосида хулосалар чиқарилади. Бу тимсоллар аксиомаларни ифодалайди. Формаллаштириш кенг маънода мантикий хулоса чиқариш ҳақидаги таълимотдир. Мантикий хулоса натижани изоҳлаб тушунтириб беради. Хулоса чиқариш тимсоллар тизими ва унга асосланиш демакдир. Аммо, XX асрда ижод қилган австриялик мантиқчи ва математик К. Гедель мазмун назариясида ҳар доим аниқланмаган, формаллаштирилмаган қолдиқ қолишини кўрсатади. Тобора чуқурлашиб бораётган билим мазмунини формаллаштириш ҳеч қачон мутлақ тўлиқликка эришмайди, чунки билиш предмети ва у ҳақидаги билимларнинг ривожланиши (ўзгариши) ҳеч қачон тўхтамайди. Бу формаллаштиришнинг ички имкониятлари чекланганлигидан далолат беради. Зотан, ҳар қандай фикрни ҳисоблаш билан алмаштириш имконини берувчи умумий методнинг йўқлиги исботланган. Геделнинг теоремалари илмий фикрни ва умуман, илмий билимни тўлиқ формаллаштириш мумкин эмаслигини мукаммал исботлаб берган.



Моделлаштириш – борлиқни билвосита ўрганиш усули. Бирон объектнинг хусусиятларини, уларни ўрганиш учун махсус тузилган бошқа объектда қайта ҳосил қилишдир.

Моделлаштириш асосида тадқиқ қилинаётган объект билан унинг модели ўртасидаги ўхшашлик, мувофиқлик ётади. Мазкур усул илмий тадқиқот жараёнини енгиллаштиради, объектнинг ўрнини бевосита тадқиқ этиш мумкин бўлмаган, қиммат бўлган, жуда узоқ вақт талаб қиладиган ва ҳолатларда моделга эҳтиёж пайдо бўлади.

Моделлаштириш шакллари хилма-хил бўлиб, фойдаланилаётган моделларга ва моделлаштириш қўлланаётган соҳага боғлиқ. Моделларнинг хусусиятига қараб, моддий (предметли) моделлаштириш ва идеал моделлаштириш фарқланади. Моддий моделлар табиий объектлар ҳисобланади. Улар ўз фаолиятида табиий қонунлар – физика, механика қонунларига бўйсунди. Идеал моделлар тегишли белгилар шаклида ифодаланади.

Муайян объектни моддий (предметли) моделлаштиришда уни ўрганиш оригинал билан бир хил физик табиатга эга бўлган маълум моделни тадқиқ

қилиш билан алмаштирилади (самолёт, кема ва космик аппаратларнинг моделлари).

Идеал (белгили) моделлаштиришда моделлар графиклар, чизмалар, формулалар, тенгламалар системалари, табиий ва сунъий тил гаплари (тимсоллар) шаклида бўлади. Ҳозирги вақтда математик моделлаштириш (компьютерда моделлаштириш) кенг тарқалган.

Эҳтимолий-статистик методлар барқарор такрорийлик билан тавсифланадиган кўплаб тасодикий омилларнинг таъсирини эътиборга олишга асосланади.

Бу кўплаб тасодиқларнинг умумий таъсири орқали ўзига йўл очадиган зарурат (қонун)ни очиш имконини беради. Мазкур методлар кўпинча тасодиқлар ҳақидаги фан деб аталадиган эҳтимоллик назариясига таянади.

Эҳтимоллик-ҳақиқатга даъвогарлик қилувчи ва бунга етарли асоси бўлмаган илмий ҳаётий тушунча. Эҳтимолликнинг диапазони-нолдан (мумкин эмасликдан) биргача (воқеликкача). Мазкур методлар динамик ва статистик қонунларни фарқлашга асосланади. Бунда улар мазкур қонунлардан келиб чиқадиган башоратларнинг хусусиятига таянади. Динамик қонунларда башоратлар аниқ белгиланган бир маъноли хусусиятга эга бўлади (масалан, классик механикада).

Статистик қонунларда башоратлар ҳақиқий эмас, балки эҳтимолий хусусиятга эга бўлади. Бу хусусият кўплаб тасодикий омилларнинг таъсири билан белгиланади. Илмий билиш тарихи кўрсатганидек, «биз зарурат ва тасодиқ билан боғлиқ барча муаммоларнинг аҳамиятига энди-энди муносиб баҳо бера бошляпмиз».

Эҳтимолий-статистик методлар тасодикий хусусиятга эга бўлган айрим ҳодисаларни эмас, балки оммавий ҳодисаларни ўрганиш (квант механикаси, статистик физика, синергетика, социология ва бошқа фанлар)да кенг қўлланилади. Бугунги кунда фанга эҳтимолий фикр юритиш тарзи кириб келаётганлиги тўғрисида кўп гапирилмоқда.

Умумилмий ёндашувларнинг муҳим роли шундан иборатки, ўзининг «оралиқ хусусияти»га кўра, улар фалсафий ва алоҳида илмий билим (шунингдек, тегишли метод)ларнинг ўзаро ўтишида воситачилик қилади.

Мазкур методлар барча фанларда қўлланилганлиги учун ҳам улар умумилмий методлар деб аталади. Аммо уларни фанларда қўллашда ҳар бир фан ёки фан соҳасининг хусусиятлари, табиий, ижтимоий ва маънавий ҳодисаларни билиш хусусиятлари эътиборга олинади.

Тадқиқотнинг умумий мантиқий методлари – мантиқий мушоҳада юритиш орқали эгалланган билимлар мажмуи бўлиб, улар қуйидагилар:

 **Анализ** – объектни амалда ёки фикран таркибий қисмларга ажратиш.

 **Синтез** – қисмлардан бутунни, худди шундай тарзда, қайта бирлаштириш.

Синтез натижасида мутлақо янги объект ҳосил бўлади.

Анализ (таҳлил қилиш фаолияти) жараёнида фикр мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Анализ қилишнинг мақсади қисмларни, мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида билиш ва улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Бироқ, анализ моҳиятни ажратиб қарашга олиб келадики, мавҳум ҳолда қолаётган бирлик, хилма-хилликдаги бирлик сифатида ҳали очилмаган бўлади. Синтез, аксинча, анализ воситаси билан ажратилган қисмлар, хоссалар, муносабатларни ягона бир бутунга бирлаштириш жараёнидан иборат. Синтез бирликдан тафовутга ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган бўлиб, умумийлик ва айримликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян жонли бутунга бирлаштиради. Анализ ва синтез чамбарчас боғлиқ ҳолда амал қилади.

 **Мавҳумлаштириш** – ўрганилаётган ҳодисанинг бир қанча хоссалари ва нисбатларидан фикран узоқлашиш, айти пайтда тадқиқотчини қизиқтирган хоссаларни (энг аввало, муҳим, умумий хоссаларни) ажратиш жараёни.

Мазкур жараён натижасида ҳар хил «мавҳум предметлар» олинади. Бунда «мавҳум предметлар» деганда алоҳида тушунчалар ва категориялар («ривожланиш», «қарама-қаршилик», «фикрлаш» ва бошқалар) ҳамда уларнинг тизимлари тушунилади.

Кўриб чиқиладиган хоссаларнинг қай бири муҳим, қайсиниси иккинчи даражали эканлигини аниқлаш мавҳумлаштиришнинг бош масаласидир. Мазкур масала ҳар бир муайян ҳолатда, энг аввало, ўрганилаётган предметнинг табиатига, шунингдек, тадқиқотнинг муайян вазифаларига қараб ҳал қилинади.

✦ **Умумлаштириш** – предметнинг умумий хосса ва белгиларини аниқлаш жараёни бўлиб, мавҳумлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Бунда ҳар қандай умумий (абстракт-умумий) ёки муҳим (муайян умумий, қонун) белгилар ажратилиши мумкин.

✦ **Идеаллаштириш** – воқеликнинг тажрибада принципиал амалга ошириб бўлмайдиган, лекин реал оламда уларнинг тимсоли бўлган объектларнинг тушунчаларини фикран шакллантиришни ифодалайдиган («нуқта», «идеал газ», «мутлақо қора жисм» ва ш.к.) тушунча.

Идеаллаштирилган объектлар, пировард натижада, объектив ашёлар, реал жараён ва ҳодисаларнинг инъикоси сифатида майдонга келади. Идеаллаштириш ёрдамида шаклланган тушунчалардан кейинчалик реал объектнинг инъикоси сифатида изланишлар олиб боришда, мулоҳазалар юритишда, реал жараёнларнинг мавҳум схемаларини тузишда фойдаланиш мумкин.

Идеаллаштириш илмий ёки ғайриилмий, реал ёхуд мавҳум бўлади. Илмий, реал идеаллаштиришни мавҳум идеаллаштиришдан фарқлайдиган белги шундан иборатки, унда ҳосил этилган идеаллаштириш объектлари, шахслар муайян шароитларда идеаллаштирилган, яъни реал объектлар атамаларини ишлатиб, талқин этиш мумкин.

✦ **Индукция** – айримлик (тажриба, далил)дан умумийга (уларни умумлаштириб хулоса чиқаришга) фикран ҳаракат қилиш.

✦ **Дедукция** – билиш жараёнининг умумийдан айримликка юксалиши.

Индукция ва дедукция ўзаро боғланади ҳамда бир-бирини тўлдиради. Тажриба ҳамиша чексиз ва номукаммал бўлганлиги учун индуктив хулосалар доим муаммоли (эҳтимолий) хусусиятга эгадир. Индуктив умумлаштиришларга, одатда, тажрибада билинган ҳақиқатлар (эмпирик қонунлар), деб қаралади.

Индуктив умумлаштириш турларидан оммавий индукция, тўлиқсиз индукция, тўлиқ индукция, илмий индукция ва математик индукция ажратилади.

Дедукциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, тадқиқотчи дедукция воситасида бир синф, бир жинс, бир гуруҳ нарса ёки ҳодиса тўғрисидаги

умумий билимлардан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида билимларни ҳосил қилади. Инсоннинг билиш тажрибасидан шу нарса маълумки, агар бирон хусусият бир тоифа ёки бир жинсдаги ҳамма нарса ёки ҳодисаларга хос бўлса, бу хусусият шу тоифа ёки жинсга оид ҳар бир нарса ёки ҳодисага ҳам хос бўлади.

 **Аналогия** (мослик, ўхшашлик) – ўхшаш бўлмаган объектларнинг айрим жиҳатлари, хоссалари ва муносабатларидаги ўхшашликларни аниқлаш.

Аниқланган ўхшашлик асосида тегишли аналогия бўйича хулоса чиқарилади. Унинг умумий схемаси: В объект а, b, c, d белгиларга эга; С объект b, c, d белгиларга эга; бинобарин, С объект а белгига эга бўлиши мумкин. Аналогия ҳақиқий эмас, балки эҳтимолий билим беради. Аналогия бўйича хулоса чиқаришда муайян объект («модел») ни кўриб чиқиш натижасида олинган билим бошқа нисбатан кам ўрганилган объектга кўчирилади.

 **Тизимли ёндашув** – фанда турли объектларни тизимлар сифатида тадқиқ этишни назарда тутадиган методологик тамойил (талаб)лар мажмуи.

Мазкур талабларга қуйидагилар киради:

а) ҳар бир элементнинг тизимдаги ўрни ва функцияларига боғлиқлигини аниқлаш, бунда бутуннинг хоссалари унинг таркибий қисмлари хоссаларининг йиғиндисига боғлиқ бўлмаслигини эътиборга олиш;

б) тизимнинг ҳулқ-атвори унинг алоҳида таркибий қисмлари хусусиятлари ҳамда унинг тузилиши хоссаларига қай даражада боғлиқлигини таҳлил қилиш;

в) тизим билан муҳитнинг ўзаро алоқалари механизмини тадқиқ қилиш;

г) мазкур тизимга хос бўлган даражалиликнинг хусусиятини ўрганиш;

д) тизимни ҳар томонлама, кўп жиҳатли тавсифлашни таъминлаш;

е) тизимга динамик ривожланаётган яхлитлик деб қараш.

Тизимли ёндашув ўз-ўзидан ривожланувчи мураккаб объектларни (кўп даражали, иерархик, ўз-ўзини ташкил этувчи биологик, психологик, социал ва ҳ.к. системаларни) тадқиқ этишда кенг қўлланилади. Тизимли ёндашувнинг муҳим хусусияти шундаки, фақат тадқиқот объектигина эмас,

балки тадқиқот жараёнининг ўзи ҳам мураккаб система сифатида намоён бўлади. Унинг асосий вазифаси объект турли моделларини яхлит қилиб бирлаштиришдир.

Ҳозирги замон фанида ўз-ўзини ташкил этувчи тизимлар ўз-ўзини ташкил этиш умумилмий назарияси – синергетиканинг тадқиқот предмети ташкил қилади.

9.4. ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Ўрганилаётган ҳар қандай объект ҳақида эгалланадиган билвосита билим эмпирик билиш деб аталади.

Кузатув эмпирик билишнинг асосий методидир.



Кузатув – билиш методи бўлиб, гувоҳ томонидан муҳим деб белгиланган назорат қилиш ёки текширилиши керак бўлган ижтимоий жараёнлар, ҳодисалар, вазиятлар, фактларни ўрганишга қаратилган мақсад ва вазифаларни йўналтирилган, тизимли, бевосита кўриш ёки эшитиш ва қайд этиш орқали бирламчи эмпирик маълумотларни йиғишда қўлланилади.

Кузатув методи турли мақсадларда қўлланилиши мумкин: дастлабки илмий фаразни шакллантиришда ва уни текширишда маълумот манбаи бўлиши, бошқа методлар воситасида олинган маълумотларни текшириш ва ўрганилаётган объект ҳақида қўшимча маълумот олиш ва бошқ.

Кундалик кузатувдан фарқли ўлароқ илмий кузатув аввалдан ўйланган жараён асосида режалаштирилади. Барча кузатув ёрдамида олинган маълумотлар кундаликка маълум тартибда қайд этиб борилади. Ушбу маълумотлар асослилиги ва барқарорлиги бўйича текширишга юборилади.

Кузатувчининг ҳолатидан келиб чиқиб, кузатув методи иштирокчи (ёки бевосита иштирок этган) ва оддий кузатувга бўлинади.

Биринчи ҳолатда тадқиқотчи ижтимоий соҳадаги жараёнга бевосита аралашиб, унга ўзини мослайди ва воқеликни “ичкаридан” таҳлил қилади.

Бу ҳолда фақат объект хусусияти, унинг ўзгариш характери ўлчанади ва қайд этилади (масалан, мамлакат ички бозорига ноқонуний товар-моддий бойликларнинг чегарани кесиб ўтиш жараёнини кузатиш). Тадқиқот натижалари реал объектларнинг объектив хусусият ва муносабатлари (алоқалари) ҳақида маълумот беради. Ушбу натижалар субъект хоҳиш-иродаси, сезиларига боғлиқ бўлмайди.

Оддий кузатувда эса ҳодисаларни “ташқаридан” қайд этиб боради. Ҳар икки ҳолатда ҳам кузатув очик тарзда ёки кузатувчи ўз фаолиятларини яширган тарзда олиб борилиши мумкин.

Кузатувни ташкил этиш шартларига қараб, кузатув методи дала (табиий шароитдаги кузатув) ва лаборатория (тажрибавий вазиятларда) кузатувларига бўлинади.

Кузатув методини қўллашга қўйиладиган талаблар:

1. Кузатувчининг имкониятлари кузатилаётган объект масштаби билан мос бўлиши керак. Масалан, агар Ўзбекистонда сиёсий партиялар сони 5 та эмас, фараз қилайлик 20 бўлганда эди, у ҳолда бир мутахассиснинг чегараланган вақти доирасида кузатувни ташкил этиш имкони бўлмас эди.

2. Ўрганилаётган кўрсаткичлар имкон қадар максимал тарзда батафсил тавсифланиши ва ҳар томонлама кузатилаётган объект хусусиятларини акс эттириши лозим. Биринчидан, бу маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тизимга солишни енгиллаштиради. Иккинчидан, тадқиқот олиб боришда доимо тажрибали кузатувчилар етишмаслиги сезилиб туради. Бундай вазиятларда ўрганилаётган кўрсаткичларни аниқлаштириш катта аҳамиятга эга.

3. Агар кузатув бир неча киши ёрдамида амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда улар маълумотларни қайд этишнинг ягона техникасидан фойдаланган ҳолда йиққан маълумотларини солиштиришлари ва баҳоларни келишишлари, воқеаларга изоҳ беришлари керак бўлади.

4. Битта объектни ҳар томондан кўриш учун турли вазиятларда (нормал ва стрессли, стандарт ва низоли) кузатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Кузатилаётган воқеалар ва уларнинг миқдорий тавсифини (интенсивлиги, барқарорлиги, даврийлиги, частотаси) намоён бўлиш мазмуни ва шакллари аниқ фарқлаш ва қайд этиш зарур.

6. Шунинг ёдда тутиш лозимки, воқеаларнинг тавсифи улар интерпретацияси билан аралашиб кетмаслиги лозим. Одатда кузатувчи кўрган ёки ўқиганларини шарҳлашда муҳим ҳисобланган элемент – ўлчанаётган кўрсаткични ўтказиб юбориши мумкин. Айниқса, кузатув бир неча шахслар томонидан олиб борилаётганда якуний натижанинг объективлигига таъсир кўрсатади. Шунинг учун барча формулярларда фактли маълумотларни ёзиш ва уларни шарҳлаш учун махсус графаларни бўлиши мақсадга мувофиқ.

Илмий кузатишга қўйиладиган асосий талаблар: мақсад (кузатиш объекти)нинг аниқлиги; қайта кузатиш орқали ёки бошқа методлар (масалан, эксперимент) ёрдамида назорат қилиш мумкинлиги. Кузатиш натижаларини талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга. Кузатув илмий билиш учун ўта зарур, чунки у бўлмаса, фан бошланғич ахборот ололмас, илмий

далиллар ва эмпирик маълумотларга эга бўлмас, ўз-ўзидан маълумки, назарий билимни ҳам қуриб бўлмас эди. Кузатув илмий билиш учун ўта зарур, чунки у бўлмаса, фан бошланғич ахборот ололмас, илмий далиллар ва эмпирик маълумотларга эга бўлмас, ўз-ўзидан маълумки, назарий билимни ҳам қуриб бўлмас эди.

Кузатув жараёни қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим: «Нимани кузатиш?», «Қандай кузатиш?» ва «Қандай тартибда қайд қилиш?».

Шунингдек, кузатув олиб боришдан аввал кузатув объекти, ўлчов кўрсаткичлари, кузатишнинг оптимал шакли ва қайд этиш тартиби аниқлаб олинади.

Мисол:

«Сиёсий партияларнинг аҳоли орасида ахборот-ташвиқот билан боғлиқ фаолияти» мавзусидаги тадқиқот лойиҳаси доирасида қўлланилган кузатув методи қуйидаги тартибда амалга оширилган:

1. Кузатув объекти ва ўлчов кўрсаткичлари аниқланди, кузатиш ва маълумотларни қайд этиш оптимал шакли танланди.

кузатув объекти – сиёсий партияларнинг ахборот – таҳлилий хизматлари, уларнинг жойлардаги филиаллари;

ўлчов кўрсаткичлари – ишни ташкил этиш шакли; кадрлар малакаси; унумдорлик; ахборот ўтиш тартиби; оперативлик; моддий-техник таъминот; ОАВ бозорида маҳсулот рейтинги.

кузатиш шакли – бевосита иштирок, содда;

маълумотларни қайд этиш шакли – стенограммаларни қайд этиб бориш, формулярларни тўлдириб бериш, аудио/видео ёзувлар, маълумотлар ёзиш.

2. Кузатиш жараёни битта мутахассис томонидан олиб борилди ва ушбу мутахассис Ўзбекистон либерал–демократик партияси ахборот хизмати фаолиятини бевосита кузатиш орқали ўрганиши учун мазкур партияга тадқиқотчи сифатида юборилди ва барча керакли шароитлар яратиб берилди.

3. Кузатувчи объект ичида атрофдагиларнинг ҳеч қандай эътиборини жалб қилмаган ҳолда вазиятни ўрганди, у ердаги ходимлар билан суҳбат ўтказди, ҳужжатлар билан танишди ва керакли маълумотни ўзига қайд этиб борди.

4. Кузатув натижалари бўйича маълумотнома тайёрланди.

Шунингдек, кузатувнинг ташкил этилишига боғлиқ ҳолда у очиқ ва яширин, дала ва лаборатория кузатуви, қайд этиш турига кўра – қайд этувчи, баҳоловчи ва аралаш бўлади. Ахборот олиш турига кўра, кузатувлар бевосита ва инструментал турларга бўлинади. Ўрганилаётган объектларни қамраб олиш ҳажмига кўра эса ялпи ва танлаб кузатиш фарқланади; такрорланишига кўра – доимий, даврий ва бир марталик кузатувлар бўлади. Кузатувнинг тез-тез учраб турадиган хили – ўз-ўзини кузатиш бўлиб, у, масалан, психологияда кенг тарқалган.

Бироқ кузатув билиш услуби сифатида қатор жиддий камчиликларга ҳам эга. Тадқиқотчининг шахсий хусусиятлари, унинг манфаатлари, ниҳоят, унинг психологик ҳолати кузатув натижаларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқотчи муайян натижага эга бўлиш, ўзида мавжуд фаразларни тасдиқлашга қаратилганида кузатувнинг объектив натижаларини бузилишига янада кўпроқ мойил бўлади.

Кузатувнинг объектив натижаларини олиш учун интерсубъективлик талабларига риоя қилиш лозим, яъни кузатув маълумотлари, имкон қадар, бошқа кузатувчилар томонидан ҳам олиниши ва қайд этилиши шарт (ва/ёки мумкин).

Бевосита кузатишни асбоб-ускуналар билан алмаштириш кузатув имкониятларини чексиз тарзда кенгайтириб юборади, аммо у ҳам субъективликни истисно этмайди; бу каби билвосита кузатувни баҳолаш ва тушунтириш субъект томонидан амалга оширилади ва шунинг учун тадқиқотчининг таъсири барибир рўй беради.



Сўров методи

Сўров методи⁸⁶ – социологик тадқиқотларда дастлабки маълумотларни йиғиш методи бўлиб, унда тадқиқотчи биринчидан, бир гуруҳ одамларга (респондентлар) муаммони ўрганиш юзасидан оғзаки ёки ёзма мурожаат этади, иккинчидан, олинган жавобларни қайд этади ва статистик қайта ишлайди, шунингдек уларни назарий изоҳлайди.

⁸⁶ Российская социологическая энциклопедия. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1998. – С. 343-344.

Сўров методини қўллашни иккита йўналишда кўриб чиқамиз:

Биринчиси, сўров статистик тадқиқотлар олиб боришда қўлланилади: аҳолини рўйхатга олишда, ҳосилни, молларни, хўжалик инвентарини, ер майдонларини ҳисоблашда ва бошқ. Ушбу тадқиқотларда сўров методи статистик метод доирасида ёрдамчи техник усул ҳисобланиб, ташқаридан кузатиш имконияти бўлган воқеа ва ҳодисалар, одамлар хатти-ҳаракати кабилар ҳақида фактологик маълумотларни олишда фойдаланилади: *инсон туғилиши ва ўлими, кўчиши, турмуш тарзи ва бошқ.*

Иккинчиси, давлат ва қонунчилик қарорларини ишлаб чиқишда ва муҳокама этишда экспертлардан ёзма ва оғзаки сўров ўтказиш. Бу йўналиш фактларни ўрганишда фойдаланилган анкета методи номини олган: *экспертлар фикрлари, баҳолари ва хулосалари. Бу каби сўровларнинг муҳокама предмети кўпинча иқтисодий ва сиёсий қонунлар ишлаб чиқишга қаратилган қарорлар ҳисобланади.*

1-мисол:

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларини тартибга солиш муаммоларига бағишланган тадқиқот доирасида меҳнат миграцияси жараёнини бошқариш миллий тизимининг самарадорлиги таҳлили олиб борилди.

Мазкур муаммони ўрганиш учун объект параметрлари аниқлаб олинди: миграциянинг демографик, географик ва профессионал тўзималари, меҳнат воситачилари, мигрантларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, уларнинг ахборот билан таъминоти, мигрантлар банд бўлган тармоқлар, мигрантларнинг даромадлари даражаси. Ушбу параметрлар асосида мос равишда анкета ишлаб чиқилди. Меҳнат мигрантларининг кўпчилигини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қилганлигини эътиборга олиб, саволлар ўзбек тилида тўзилди.

Умумий миқдорнинг ноаниқлиги туфайли (мигрантларнинг аниқ сони мавжуд эмас) танлаш имконияти бўлмади. Шунинг учун сўровни Тошкент шаҳрининг барча катта «мардикор бозор»ларида (жами 7 та) ва йирик қўрилиш объектларида (3 та) ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Умуман олганда ҳар бир объектдан 10 тадан жами 100 та респондентдан сўров олинди. Сўровни 10 нафар Олий мактаб магистрантлари амалга оширдилар (5-илова).

Сўров методи статистик метод доирасида ёрдамчи техник усул ҳисобланиб, ташқаридан кузатиш имконияти бўлган воқеа ва ҳодисалар, одамлар хатти-ҳаракати кабилар ҳақида фактологик маълумотларни олишда фойдаланилади.

2-мисол:

Экспертлардан ёзма сўров «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлиги мониторинги тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги тадқиқотни олиб боришда қўлланилган (текстиль саноати мисолида).

Муаммони ўрганиш учун текстиль саноатининг умумий ҳолатини очиб берадиган асосий параметрлари аниқлаб олинди: тикланиш даврида тадбиркорлик муаммолари, сотиш омили, технологик омил, хом ашё омили, инсон омили, молия-кредит омили, солиқ омили, ҳуфиёна иқтисодиёт, коррупция, уюшган жиноятчилик, ташқи иқтисодий фаолият ва статистик ҳисоб. Ушбу параметрлар асосида анкета тузилди.

Респондентларни ажратиб олиш учун танлаб олиш жараёни амалга оширилди.

Дахлаб механик танлаб олиш ёрдамида Ўзбекистоннинг текстиль тармоғидаги саноат корхоналари аниқлаб олинди, серияли танлаб олиш методидан кейин статистика органларининг мутахассислари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари орасидан керакли респондентлар сони аниқлаб олинди.

Экспертлар фикри бўйича анкета сўрови Олий мактабнинг 12 нафар тингловчилари томонидан республиканинг барча вилоятларида ўтказилди. Умуман олганда, 2 ой мобайнида тармоқнинг 500 та мутахассиси сўров қилинди.

Сўров анкеталарини тузишда тадқиқотчи қандай маълумотларга эга бўлмоқчилиги ҳақида аниқ тўхтамга келиб олиши зарур ва ушбу керакли маълумотларни категорияларга бўлиб тизимга солиниши ва тегишли саволлар ишлаб чиқиши керак.

Кўп ҳолларда сўров анкетасидаги саволларга берилиши мумкин бўлган жавоблар респондентни синаш учун ишлаб чиқиши кузатилади. Сўров анкеталари тест вазифасини бажармаслиги керак, аксинча мавжуд маълумотларни қайта текшириш имкониятини ёки муаммони кўрсатиб берадиган маълумотларга бой бўлиши зарур.

Сўров натижалари талқини қуйидагича баён этилди:

**Ички меҳнат миграциясининг демографик таркиби
(жинси, ёши, миллати, оилавий аҳволи ва бошқалар)**

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, мамлакат меҳнат қобилиятига эга аҳолисининг барча қатламлари амалда ички меҳнат миграцияси жараёнига жалб этилган. Жумладан, респондентларнинг 67 фоизи эркалар, 33 фоизи аёллар бўлиб, улардан 20 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар – 53 фоиз, 30 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар – 16 фоиз, 20 ёшгача ва 40 ёшдан ошганлар биргаликда – 10 фоизни ташкил қилган.

Меҳнат мигрантлари орасида 20-30 ёшлилар сони кўплиги сабаби шундаки, уларнинг оғир жисмоний меҳнат қилиш имкониятлари кўпроқ бўлганлиги учун ушбу тоифадаги кишиларга меҳнат бозорида талаб каттадир. Бундан ташқари, мазкур тоифа мигрантлари ҳаракатчан ва уюшқоқ ҳисобланади. Мигрантларнинг 77 фоизини ўзбеклар, 5 фоизини руслар, 3 фоизини қozoқлар, 2 фоизини тожиклар, 3 фоизини бошқалар этник бирликлар вакиллари ташкил қилади.

Сўровда қатнашганларнинг 40 фоизини оилалилар, 35 фоизини бўйдоқлар, 5 фоизини ажрашганлар ташкил қилади. Шундан 42 фоиз респондентлар оиласида 5-8 киши, 39 фоизда 3-5 киши, 4 фоизда 2 киши, 4 фоизда эса 10 дан ортиқ киши истиқомат қилади.

Ички меҳнат миграциясининг географик таркиби

Мигрантларнинг 69 фоиздан ортиғини қишлоқда яшовчилар, 31 фоизини шаҳарликлар ташкил қилади.

Меҳнат қилувчиларнинг асосий қисми Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд (жами 53%), Фарғона, Наманган ва Андижон (жами 21%), Тошкент, Жиззах, Сирдарё (жами 16%) вилоятлари аҳолиси вакиллари ҳиссасига тўғри келади. Респондентларнинг 36 фоизи ўз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ёмон, 51 фоизи ўрта, фақат 2 фоизи яхши баҳолашган. Респондентлар ўз яшаш жойларида оиласининг бир ойлик даромадлар миқдорини қуйидагича баҳолашган: 10 минг сўмгача – 7 фоиз, 20 минг сўмгача – 21 фоиз, 40 минг сўмгача – 19 фоиз, 40 минг сўмдан ортиқ – ҳеч ким.

Агар 2004 йилда республика бўйича ҳар бир меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган кишининг ойлик даромади ўртача 45 минг сўмни ташкил қилган бўлса, алоҳида регионлар бўйича қуйидагича бўлган: Қорақалпоғистон Республикасида – 25 минг сўм, Қашқадарё вилоятида – 37 минг сўм, Самарқанд вилоятида – 32 минг сўм, Андижон вилоятида – 42 минг сўм. Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич ўртача 120 минг сўмни ташкил қилган.

Қиёслаш методи



Қиёслаш – билишнинг кенг тарқалган методи бўлиб, «ҳамма нарса қиёслаш орқали идрок этилади» тамойилига асосланади. Қиёслаш натижасида бир қанча объектлар учун умумий ва хос бўлган жиҳатлар аниқланади. Бу эса, маълумки, қонун ва қонуниятларни билиш учун қўйилган биринчи қадамдир.

Қиёслаш – объектлар (ёки айтиб бериб объектнинг ривожланиш босқичлари)нинг ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини, яъни уларнинг айниийлиги ва тафовутларини аниқловчи билиш операцияси. У фақат туркум ҳосил қилувчи турдош предметлар мажмуидагина маъно касб этади. Предметларни туркумда таққослаш айтиб тадқиқот учун муҳим белгиларга қараб амалга оширилади. Бунда битта белгига қараб таққосланаётган предметларни бошқа белгига қараб таққослаб бўлмаслиги ҳам мумкин. Қиёслаш мантиқий усул – аналогиянинг (қуйида қаранг) негизи ҳисобланади ва қиёсий-тарихий методнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Унинг мақсади – айтиб бир ҳодиса ёки биргаликда мавжуд ҳар хил ҳодисалар ривожланишининг турли босқичлари (даврлари, даражалари)ни билишда умумий ва хусусий ҳолатларни аниқлаш.

Қиёслаш самарали амалга оширилиши учун иккита асосий талабларга амал қилиш лозим:

– биринчидан, қиёслаш объектлар орасида маълум умумийлик мавжуд ҳоллардагина амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, иккита фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинганда уларнинг ҳажмида, фаолият турида умумийлик бўлиши керак, яъни мисол учун 50 гектар майдонга эга пахта етиштиришга мўлжалланган фермер хўжаликлари;

– иккинчидан, объектларни қиёслаш уларнинг энг муҳим хусусиятлари ва белгилари бўйича амалга оширилиши керак. Масалан, иккита давлат иқтисодий аспекти қиёсий таҳлил қилинганда, улар алоҳида саноатга тааллуқли хом ашё ресурслари захираси, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш потенциали, экспорт потенциали таҳлил объект элементлари сифатида олиниши мумкин.

Ўлчаш методи



Ўлчаш методи – қиёслашдан фарқли ўлароқ, билишнинг бир мунча аниқ инструменти ҳисобланади. Ушбу методнинг аҳамиятлилиги объект ҳақидаги маълумотларнинг юқори даражада аниқлилиги билан белгиланади. Эмпирик илмий билиш жараёнида кузатув ва қиёслаш каби ўлчаш ҳам кенг қўлланилади.

Ўлчаш методи содда кўринишга эга бўлиб, уни амалиётга қўллашда аниқ белгиланган ўлчов бирликлари ва қоидаларидан фойдаланилади.

Масалан, меҳнат унумдорлигини ўлчаш. Одатда меҳнат унумдорлиги икки йўл билан аниқланилади: ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига ёки маҳсулотга ишлаб чиқаришга кетган вақтга нисбатан.

Ўлчаш – қабул қилинган ўлчов бирликларида ўлчанаётган катталикнинг сон миқдорини топиш мақсадида маълум воситалар ёрдамида бажарилувчи амаллар мажмуи. Ўлчашнинг тузилмаси қуйидаги элементлардан ташкил топади:

билиш субъекти, муайян билиш мақсадларида ўлчашни амалга оширади;

ўлчаш воситалари, табиий ва инсон томонидан яратилган;

ўлчаш объекти, яъни ўлчанадиган катталик ёки қиёслаш амалиётини қўллаш мумкин бўлган хосса;

ўлчаш ўсули яъни, ўлчаш асбоблари ёрдамида бажариладиган амалий ҳаракатлар, операциялар йиғиндисидан иборат бўлиб, ўз ичига муайян мантиқий ва ҳисоблаш амалиётларини ҳам олади;

– ўлчаш натижаси, номланган катталикдан иборат бўлиб, тегишли номлар ёки белгилар ёрдамида ифодаланади.

– Ўлчаш аниқлиги муаммоси ҳам эмпирик билиш услуби сифатида шу каби ўлчашнинг гносеологик асосларига оид ҳисобланади. Ўлчаш аниқлиги ўлчаш жараёнидаги қуйидаги объектив ва субъектив омилларга боғлиқ:

– ўрганилаётган объектда у ёки бу турғун миқдор таърифларини ажратиш олиш имконияти мураккаб, баъзан эса бунинг умуман иложи бўлмайди;

– ўлчаш воситалари имкониятлари (уларнинг мукамаллик даражаси) ва ўлчаш жараёни кечаётган шароитлар. Қатор ҳолларда катталикнинг аниқ қийматини топишнинг умуман имкони йўқ. Масалан, электроннинг атом атрофидаги траекториясини аниқлаш мумкин эмас ва ҳ.к.



Ўлчашнинг субъектив омиллари қаторига ўлчаш усулини танлаш, ушбу жараёни ташкил қилиш ва субъектнинг билиш имкониятлари – эксперимент ўтказувчи малакаси, унинг олинган натижаларини тўғри ва саводли изоҳлаб бериш маҳорати киради.

Бевосита ўлчаш билан бирга илмий эксперимент ўтказиш жараёнида билвосита ўлчаш услуби кенг қўлланади. Билвосита ўлчашда изланаётган катталик дастлабки функционал боғлиқлик билан боғлиқ бошқа катталикларни бевосита ўлчаш асосида аниқланади. Жисм массаси ва ҳажмининг ўлчанган қийматларига кўра, унинг зичлиги аниқланади; ўтказгичнинг солиштира қаршилиги қаршилиқнинг ўлчанган катталиклари, ўтказгичнинг кўндаланг кесими узунлиги ва майдонига кўра топилиши мумкин ва ҳ.к. Айниқса объектив реаллик шароитида бевосита ўлчаш мумкин бўлмаганида билвосита ўлчаш услубининг роли катта. Масалан, ҳар қандай космик объект (табиий) нинг массаси бошқа физик катталикларни ўлчаш маълумотларини қўллашга асосланган математик ҳисоб-китоблар ёрдамида аниқланади.

Эксперимент методи



Эксперимент (тажриба) эмпирик тадқиқотнинг анча умумий ва тажрибалар билан асосланган методи ҳисобланади. Унинг ёрдамида нафақат кузатиш ёки ўлчаш ишлари олиб борилади, балки, объект жойлашган шароитни ёки тадқиқот объектининг ўзини ўзгартиришга эришилади.

Эксперимент – ўрганилаётган жараёнга фаол ва изчил аралашиш, экспериментнинг мақсадларига мувофиқ махсус яратилган ҳамда назорат остига олинган шароитларда тадқиқ қилинаётган объектни тегишли тарзда ўзгартириш ёки уни акс эттириш. Эксперимент жараёнида ўрганилаётган объект унинг моҳиятини бузиб кўрсатиши мумкин бўлган ножўя таъсирлардан ажратилади ва «соф шакл»да ифода этилади.

Экспериментнинг асосий хусусиятлари:

а) тадқиқот объектига (кузатишдагига қараганда) янада фаолроқ муносабат, шу жумладан, уни ўзгартириш ва қайта тузиш;

б) объектнинг хулқ-атворини назорат қилиш ва натижаларни текшириш имкониятининг мавжудлиги;

в) тадқиқотчининг хоҳишига кўра, ўрганилаётган объектни бир неча марта акс эттириш мумкинлиги;

г) ҳодисаларнинг табиий шароитларда кузатил-майдиган хоссаларини топиш имкониятининг мавжудлиги.

Экспериментларнинг турлари жуда хилма-хилдир. Вазифаларига қараб тадқиқот (қидириш), текшириш (назорат) ва акс эттириш экспериментлари фарқланади. Объектларнинг хусусиятига қараб физик, кимёвий, биологик, ижтимоий ва ҳ.к. экспериментлар фарқланади. Сифат ва сон экспериментлари ҳам мавжуд. Фикрий эксперимент – идеаллаштирилган объектлар ҳақида фикр юритиш процедуралари тизими ҳозирги замон фанида кенг тарқалган.

Тавсифлаш-тажриба (кузатиш ёки эксперимент) натижаларини фанда қабул қилинган маълум белгилаш тизимлари ёрдамида қайд этишдан иборат билиш операцияси.

Эксперимент натижасида бир ёки бир неча омилларнинг бошқаларига таъсирини ўрганиш мумкин бўлади. Кузатишдан фарқли ўлароқ эксперимент тажрибани такрорланиш, объект хусусиятини турли шароитларда тадқиқ этиш ва объектни «соф ҳолда» ўрганиш имконини беради.

Масалан, далилий маълумотларни қайта текширишда қўллаш мумкин.

Мисол:

Гувоҳ жабрланувчини яшил рангдаги 01 А 914 АЗ рақамли Spark автомашинасига эрталаб соат 6⁰⁰ ўтирганлиги ҳақида кўрсатма беради. Ушбу ахборотни ҳақиқатга яқинлилигини аниқлаш мақсадида эксперимент методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни тегишлижойга айнан эрталабки 6⁰⁰ да худди шу рангдаги Spark моделидаги автомашинани қўйиб текшириб кўриш мумкин. Гувоҳ кўрсатмасидаги вақтда автомобиль рангини ва русумини ёки белгиланган масофадан унинг рақамини аниқлай олиш имкони мавжудлигини текшириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда эмпирик методлар амалий методлар ҳисобланиб, илмий тадқиқотларни олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Улар нафақат гипотезаларни тасдиқлаш, балки янги илмий кашфиётлар, қонунларнинг манбаи ҳам ҳисобланади.

SWOT-таҳлил методи

 **SWOT-таҳлил** ўрганилаётган объектнинг энг долзарб муаммоларини топиш, унинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган таҳдид, хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида олиб борилади. Бундан ташқари кучли томонларни мустаҳкамлаш, кучсиз жиҳатларни эса минимумга тушириш, имкониятлардан самарали фойдаланиш ва уларни кенгайтириш ва таҳдидларга қарши чораларни кўриш учун тегишли таклифлар ишлаб чиқишда қўл келади.

SWOT-таҳлил моҳияти

SWOT	Strong – кучли (жиҳатлари); Weakness – кучсиз (жиҳатлари); Opportunities – имкониятлар; Threats – хавфлар (таҳдидлар).
------	--

Қўлланиш соҳаси

Ҳар қандай таҳлил методи ҳам SWOT-таҳлил каби ўрганилаётган объектни ички ва ташқи параметрлар доирасида ўрганиш имкониятига эга эмас. Яъни ушбу таҳлил методи объектнинг ички (кучли ва кучсиз жиҳатлари) ва ташқи (имкониятлар ва хавфлар) омилларини ўрганиш имкониятига эга бўлиб, унда объект сифатида, алоҳида давлатлар, мамлакатнинг бирон-бир тармоғи, саноати, соҳаси, ташкилот ёки корхоналар олиниши мумкин. SWOT-таҳлил тадқиқот объектнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини, имкониятлари ва мавжуд хавф-хатарларни ўрганишда қўлланилади ва бу хавфсизлик соҳасига оид муаммоларга бағишланган тадқиқотлар учун жуда қўл келиши мумкин.

Мазкур таҳлил методи ёрдамида олинган илмий натижалар миллий хавфсизликнинг алоҳида жиҳатларини ёки бирон тармоғининг бугунги кундаги ҳолатига баҳо беришда қўлланилиши ва мазкур йўналишнинг истиқболини белгилашга имкон беради.

SWOT – таҳлилни олиб бориш босқичлари тартиби:

Объектнинг муҳим элементларини ажратиб олиш

SWOT-таҳлилда кўриладиган асосий элементлар аниқланилиб, мазкур элементларнинг ҳар бири учун алоҳида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Масалан, ўрганилаётган тармоқда фаолият юритаётган ишчиларнинг даромади. Бунда берилаётган иш ҳақи “Энг кам иш ҳақи” (ЭКИХ)га ҳамда “Ҳаёт кечириш учун энг кам маблағ” ХХЭКМга нисбатан қай даражадалиги, 1 иш соатига тўғри келадиган пул миқдори каби кўрсаткичлар асосий баҳолаш мезони сифатида олиниши мумкин.

Ҳар бир элементни алоҳида SWOT-таҳлил қилиш

Белгиланган мезонлар ёрдамида ҳар бир элементни **SWOT-таҳлил** ёрдамида элементларнинг кучли ва кучсиз жиҳатлар, мавжуд имкониятлар ва хавфлар аниқланилади, элемент учун умумий баҳо берилади.

Ўрганилаётган объектни тўлалигича SWOT-таҳлил қилиш

2-босқичда ўрганилган элементларни ўзаро таққослаган ҳолда объектнинг қайси элементлари кучли ёки кучсиз, объектнинг ривожланиши учун мавжуд бўлган имкониятлар ва аксинча унинг ривожига салбий таъсир кўрсатувчи хавф-хатарлар келтирилади.

4. Ҳар бир жиҳатнинг ўзаро боғлиқлик даражасини белгилаш. Аниқланган кучли жиҳатлар билан имкониятлар орасидаги боғлиқликни топиш ёки уларнинг ўзаро уйғунлашувини таъминлаш, кучсиз жиҳатлар (муаммолар) билан хавф-хатарларнинг ўзаро боғлиқ томонларини топиш ва тегишли хулоса бериш.



ҚОИДАЛАР:

Таҳлил натижалари реал ва объектив бўлишини таъминлаш, хатоларга йўл қўймаслик учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1-қоида. Ўрганилаётган объектни ҳар бир муҳим элементлари бўйича SWOT-таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, мамлакат транспорт тармоғини таҳлил қилганда, унинг муҳим элементлари сифатида транспорт сиёсати, инфраструктура, халқаро автомобиль (темир йўл, ҳаво йўллари) коридорлари, маҳаллий автомобиль (темир йўл, ҳаво йўллари) коридорлари, транспорт тармоғининг институционал асоси ва ҳ.к.

2-қоида. SWOT-таҳлилнинг элементларини гуруҳларга ажратиш: агар объектга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар таҳлил этиладиган бўлса,

у ҳолда кучли ва кучсиз жиҳатларини – ички, яъни тўлиқ назорат остидаги, имкониятлари ва хавф-хатарни – ташқи, яъни бошқариш ва назорат қилишнинг тўлиқ имконияти бўлмайдиган элементларга ажратиш зарур.

Масалан:

Ички муҳит элементлари: кучли ва кучсиз жиҳатлар

тармоқни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари;

тармоқни ривожлантиришнинг институционал асослари;

тармоқнинг молиявий таъминоти;

тармоқнинг кадрлар билан таъминланганлик даражаси;

тармоқ томонидан яратилган маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлиги.

Ташқи муҳит элементлари: имкониятлар ва хавф-хатарлар

тармоқни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати;

инфраструктура;

хом ашёга бўлган имконият;


ҳамкорларнинг барқарорлиги;

рақобатчиларнинг имкониятлари.

3-қоида. Кучли ва кучсиз жиҳатларни, имконият ва хавфларни объектив (холис) умумқабул қилинган мезонлар асосида баҳолаш.

4-қоида. Баҳолаш учун йиғилган маълумотларни объектив ва реаллигига ишонч ҳосил қилиш.

5-қоида. Ҳар бир қабул қилинган қарор (кучли ёки кучсиз, имкониятлар ва хавф-хатар даражаси) маълум таҳлил натижаси ҳисобланади ва ушбу натижа турли таҳлил методлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.



Агар маълум бир тармоқнинг бугунги ҳолати SWOT-таҳлил қилинадиган бўлса, унинг кучли ва кучсиз жиҳатларини ўрганиш учун шартли равишда доимий таҳлилга киритилиши мумкин бўлган қуйидаги элементларни категорияга ажратиб чиқиш мумкин.

Таҳлил натижаларини баён этиш:

SWOT-таҳлил натижаларини қайд этиш шакли 6.1- ва 6.2-жадвалларда келтирилган: унга кўра, кучли ва кучсиз жиҳатлар рўйхати, мавжуд ёки истиқболда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва хавфлар (риск) келтирилади.

6.1-жадвал

Кучли жиҳатлар	Кучсиз жиҳатлар
1. 2. ...	1. 2. ...
Имкониятлар	Хавф-хатарлар
1. 2. ...	1. 2. ...

Агар ички ва ташқи омиллар таҳлил қилинадиган бўлса, у ҳолда қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин:

6.2-жадвал

Ички	Кучли жиҳатлар	Кучсиз жиҳатлар
	Ўрганилаётган муаммога бевосита тааллуқли объект элементлари	
	1. 2. ...	1. 2. ...
Ташқи	Имкониятлар	Хавф-хатарлар
	Объектнинг тўлиқ назоратида бўлмаган ташқи элементлар	
	1. 2. ...	1. 2. ...

Ҳар бир ўрганилаётган элемент учун белгиланган юқори ва таҳликали нуқталар (чегаравий қийматлар) ёрдамида аниқланган SWOT-таҳлил натижаларини баён қилишда муҳимлик даражасига қараб асосий кучли ва кучсиз (муамммоли) жиҳатларни, юқори аҳамиятга эга бўлган имкониятларни ва таъсир доираси юқори бўлган хавф-хатарларни тартиб билан келтириш керак.

Мисол:

Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси транспорт тармоғининг бугунги ҳолатини ўрганиш мақсадида амалга оширилган SWOT-таҳлил натижаларини келтирамиз:

Таҳлил объектининг асосий элементлари сифатида мамлакат транспорт комплексининг қуйидаги жиҳатлари танлаб олинди:

1. Давлат транспорт сиёсати ва стратегияси
2. Меъёрий-ҳуқуқий асос
3. Институционал асос

1. Давлат транспорт сиёсати ва стратегияси

Кучли томонлар	Кучсиз томонлар
– долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларнинг камлиги; ўрта муддатли истиқболга қаратилган дастурларнинг аҳамиятини юқорилиги.	– узоқ истиқболга мўлжалланган транспорт сиёсатининг (транспорт стратегияси) белгиланмаганлиги.
Имкониятлар	Хавф-хатарлар
– транспорт тармоғи учун ажратиладиган ресурсларнинг ошиши; – Европа ва Осиё давлатларининг ўзаро қуруқлик орқали юк ташувга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши.	– узоқ муддатли стратегияни қабул қилинмаслиги лойиҳаларнинг режалаштирилмаслигига ва бу ўз навбатида истиқболда тегишли муаммоларга олиб келади; – Ўзбекистонни четлаб ўтишга мўлжалланган лойиҳаларга нисбатан тегишли чораларнинг белгиланмаганлиги.

2. Меъёрий-ҳуқуқий асос

Кучли томонлар	Кучсиз томонлар
– қуруқликдаги транспортларда юк ташишни енгиллаштиришга мўлжалланган 7 та халқаро конвенцияларга қўшилганлиги; – автомобиль йўллари, автомобиль транспорти, йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ қонуннинг мавжудлиги; – қўшни давлатлар билан кўплаб икки ва кўп томонлама шартномаларда фаол иштироки.	– халқаро ташув жараёнини соддалаштиришга мўлжалланган халқаро конвенцияларнинг қабул қилинмаганлиги; – транспорт тизимига оид қонунлар замон талабларига жавоб бермаслиги; - транзит механизмини ривожлантиришга бўлган зарурат.
Имкониятлар	Хавф-хатарлар
– қуруқликдаги транспорт ташувларини соддалаштирувчи қўшимча конвенцияларга қўшилиш имкониятининг мавжудлиги; – автомобиль ташувларини ривожлантиришга қаратилган икки ва кўп томонлама келишувларни имзоланиши; – янги авиақатновларни йўлга қўйилиши юзасидан шартномаларнинг имзоланиши.	– замонавий транзит механизмининг татбиқ этилмаслиги; – давлатлараро муносабатлардаги бошқа соҳадаги муаммоларнинг транспорт соҳасидаги имзоланган шартномаларни амалиётга татбиқ этилишига салбий таъсири.

3. Институционал асос

Кучли томонлар	Кучсиз томонлар
– ҳуқуқий татбиқ этиладиган ҳужжатларда мажбурият ва ваколатлар аниқ белгиланган.	– янги ташкил этилган транспорт вазирлиги ваколатларининг соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда етарли эмаслиги.
Имкониятлар	Хавф-хатарлар
– Хитойнинг “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси доирасида янги дастурларни қабул қилиниши.	– агентликлар орасидаги низолар (рақобат) давлат сиёсатини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Бундан ташқари, SWOT-таҳлил Ўзбекистон саноат тармоқлари ёки соҳаларига рақобатчи бўлган хорижий давлатларнинг (минтақа давлатлари, МДХ давлатлари ...) тегишли тармоғини ўрганишда ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда асосан мазкур давлат тармоғининг бугунги ҳолати, салоҳияти ва имкониятларини баҳолашда ва тегишли хулоса чиқаришда қўл келади.

Шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон манфаатларига зид хатти-ҳаракатларига ва сиёсатига баҳо беришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Сценарий методи



Сценарий методи – истиқболни белгилашнинг махсус методларидан бири бўлиб, бу таъсир кўрсатувчи омилларни инobatга олган ҳолда воқелик ёки жараёни келажакдаги ривожини мантиқий кетма-кетликда вариантлар кесимида баён этиш методи ҳисобланади.

Сценарий – бу муаммоли вазиятнинг босқичма-босқич батафсил ечимларини, уни ечишдаги эҳтимолий тўсиқларни, жиддий камчиликларни аниқлаш орқали воқелик ёки жараённинг истиқболдаги тавсифини беришдир.

Сценарий методи ёрдамида келажак олдиндан прогноз қилинмайди, балки келажакда юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий вазиятларнинг вариантларини моделлаштириш орқали барча вазиятлар учун тегишли чораларни кўриш имконияти яратилади.

Одатда, воқелик келажакдаги ривож, вазиятнинг ўзгариши ва объектларнинг хатти-харакати юзасидан турли эҳтимолий вариантлар икки ва ундан ортиқ сценарийлар кўринишида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Ўз навбатида, сценарийлар 2 турга бўлинади:

Режалаштиришнинг вақт оралиғи бўйича (*қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли*).

Йўналишлар бўйича (*тармоқнинг ривожланиш имкониятлари кўламини акс эттиради*).

Сценарий – метод сифатида қуйидаги иккита мақсадда қўлланилади:

иқтисодий, техник ёки ташкилий тадбирларни (пўхта ўйланмаган ёки мавҳум) ўтказиш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва дастлабки таҳлилдан ўтказиш;

кутилаётган мақсадга эришишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан аниқлаш.

Сценарий методи – стратегик режалаштиришнинг инструменти сифатида қуйидаги ҳолатларда ўзини оқлайди:

бизнеснинг истиқболини белгилашга бўлган ишончсизлик даражасининг юқори бўлганда (*жумладан, сиёсий тизим беқарорлигининг таъсири, қишлоқ хўжалиги соҳасида табиат ва иқлим омилсининг таъсири*);

тармоқни ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш тизимининг ёмонлиги, амалга оширилган режаларнинг амалий аҳамияти паст бўлган ҳолларда.

Сценарий методи натижаларига кўра, Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ва Европа ва Осиё давлатлари ўртасида қуруқликдаги транспорт юк ташувни ривожлантиришнинг учта базавий варианты мавжуд:

1-сценарий. “Миллий” (суст). Ушбу вариант Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш ва умуман Евроосиё транспорт алоқаларини ривожлантириш маҳаллий давлатларнинг ички имкониятлари эвазига амалга оширилишини кўзда тутди. Бунда транзит давлатларнинг ҳар бири мазкур сценарийни амалга оширишда миллий юк ташувчилар ва бошқа иштирокчилар манфаати учун ҳаракат қилади.

2-сценарий. “Минтақавий” (ўртача). Ушбу вариант транзит давлатларининг транспорт коммуникацияларидан ва географик имкониятлардан биргаликда фойдаланиш, ташиш жараёнини унификация қилиш, юк ташувчилар ва халқаро савдо айланмаси билан боғлиқ тўсиқларни йўқ қилиш мақсадида истиқболли интеграция лойиҳаларини ўзида жамлаган яқин, жумладан икки томонлама ҳамкорликни кўзда тутди.

Бундан ташқари, ушбу сценарий доирасида Евроосиё йўналиши бўйича ташувларни амалга ошириш максимал самарага эришишга йўналтирилган қўшма бизнес-лойиҳалар бажарилади.

3-сценарий. “Халқаро” (интенсив). Ушбу вариант Европа ва Осиё қуруқлик транспорт кўпригини ривожлантиришда халқаро ташкилотларнинг, шунингдек ТНКлар томонидан яратилган альянслар ролини катталигини назарда тутди.

Буюк Ипак Йўлини тиклаш негизи барча учта сценарийда асослаб берилган. Кўплаб давлатларда транзит салоҳиятини оширишга қаратилган миллий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган (1-сценарий), ҳукуматлараро дастурлар ишга туширилган - ТРАСЕКА (2-сценарий), 3-сценарийнинг тадқиқот босқичи деб ҳисоблаш мумкин бўлган БМТнинг “Евроосиё қуруқлик транспорти алоқаларини ривожлантиришнинг институционал имкониятларини ошириш” глобал лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ҳар учта сценарий ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Юқори даражадаги ҳисобланган 3-сценарий 1- ва 2-сценарийларда кўзда тутилган барча комплекс имкониятларни қамраб олади.

Ҳар бир сценарий ўзига яраша устунлик ва камчиликларга эга.

Сценарий қуйидаги методикалар асосида ишлаб чиқилиши лозим:

- ривожланиш истиқболларини прогноз қилиш методикасига;
- маълумотларни ҳисоблашнинг статистик методикасига;
- қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш методикасига.

Сценарийларни ишлаб чиқишда асосий вазифалардан бири – бу прогноз қилинаётган объектни ривожлантиришнинг асосий мақсадларини аниқлашдан иборат (*масалан, миллий иқтисодиётни ривожлантиришдан асосий мақсад – аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш ...*). Яъни, ўрганилаётган объект билан боғлиқ муаммоларни ечишнинг туб (ҳақиқий) мақсадларини аниқлаш прогнознинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилади. Тизимни ривожлантириш мақсадларини билиш прогноз қилинаётган тизимни ўрганишга, тизимни ҳаракатга келтирадиган ички ва ташқи механизмларнинг моҳият ва мазмунини тушунишга, ҳамда тизимни ривожлантиришнинг мавжуд йўлларини олдиндан айтиб бериш имконини беради.

Сценарий методи бир қатор қуйидаги саволларга жавоб беради:

– Объект мақсадлари ва уни ривожланиш тенденциялари қандай ва бу тенденциялар қандай омиллар ёрдамида аниқланади?

– Ўрганилаётган объект ривожини келажакда қандай муаммоли вазиятларга дуч келиши мумкин ва прогноз қилинаётган ҳолатга қандай таъсир кўрсатади?

– Бошқарув қарорлари ўрганилаётган объект ривожига қандай ва қай даражада таъсир этади?

– Прогноз қилинаётган объект ривожининг турли альтернатив вариантлари оқибатлари қандай?

Умуман ҳар бир фан доирасида унинг тадқиқот объектларига мослаштирилган махсус методлар мавжуд ва уларни ўз ўрнида тўғри қўлланилиши тегишли илмий вазифани самарали ечиш имконини беради (масалан, физикада – кўламларни таҳлил қилиш методи, биологияда – қушларни ҳалқалаш методи, психологияда – тестлаш методи, социологияда – анкета сўрови методи, тилшунослиқда – тилларни қиёсий таҳлил қилиш методи ва ҳ.к.).

ХУЛОСА

Тадқиқот дастури методик таъминотини лойиҳалашда тадқиқотчи қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

1. Тадқиқот олиб боришда тезкорлик ва тежамкорлик йиғилган ва қайта ишланган маълумотлар сифатига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

2. Ҳеч қайси метод универсал эмас, лекин ҳар бири ўзига хос билиш имкониятларига эга.

3. «Ёмон» ёки «яхши» методлар бўлмайди, фақат методлар қўйилган топшириққа мос ёки мос бўлмаслиги мумкин. Ишончли методни танлаш – уни қўйилган топшириққа мос келишини асослаб бериш демакдир.

4. Методни ишончлилиги нафақат асосланганлиги билан, балки уни қўллаш қоидаларига амал қилиш билан белгиланади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Метод, методика, методология, фундаментал тадқиқотлар, эмпирик тадқиқотлар, эксперимент, қиёсий таҳлил, сценарий, кузатув методи, сўров методи, SWOT-таҳлил.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таҳлил методлари қандай классификация қилинади?
2. Кузатув методи турларининг асосий талабларини айтинг.
3. Эксперимент методига мисол келтиринг.
4. SWOT-таҳлил қандай мақсадларда амалга оширилади ва унинг тартиби, босқичлари қандай?
5. Сценарий методини қўлаш тартибини айтиб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚ

Юқорида келтирилган таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда танланган мавзу доирасига кирувчи кичик муаммоларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасида дастлабки хулосаларни бериш.

10-мавзу.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Кириш

10.1. Маълумотлар таҳлили.

10.2. Ҳужжатлар таҳлили (анъанавий ва ноанъанавий таҳлил).

10.3. Маълумотларни компьютерда қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.

10.4. Тадқиқот натижаларини ёзма баён этиш.

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

**“Йиғилган маълумотлар таҳлили –
тадқиқотнинг энг мароқли босқичидир”**

В.А. Ядов

КИРИШ

Тадқиқот ушбу босқичининг ўзига хослиги, қизиқлиги шундаки, тадқиқотчи даставвал илгари сурган илмий фаразларини мазкур босқични амалга ошириш ёрдамида асосли ёки асоссиз эканлигини исботлайди.

Бундай мақсадга маълумотлар таҳлили ёрдамида эришилади. Таҳлил сўзи грекча *analysis* сўзидан олинган бўлиб, ажратиш деган маънони беради. Илмий доирада эса унга қуйидаги таърифни беришган:

Жадвал ва графиклар – инсон тафаккурининг энг зўр кашфиётларидан бири бўлиб, дунёнинг барча мамлакатларида статистик маълумотларни кўргазмали ва ихчам ҳолда кўрсатиш шаклига айланди.

Шуни айтиш жоизки, бугунги кунда тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва уларни кўргазмали бўлиши учун турли компьютер дастурлари кенг қўлланилмоқда.

Одатда улардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

катта ҳажмдаги рақамли материаллар тўпланиб қолганда;

маълум статистик маълумотларни, қонуниятларни солиштириш ва хулоса беришда;

тенденцияни очиб бериш талаб этилганда;

объектнинг бирор бир элементининг аҳамиятини очиб беришда;

қолаверса, олиб борилган таҳлил натижалари кўргазмали ва тушунарли бўлишини таъминлаш талаб этилганда ва ҳоказо.

Шу каби маълумотларни, яъни ўрганилаётган муаммога тегишли микдорий кўрсаткичларни кўргазмали равишда ифода этишда анча кенг қўлланилаётганлари булар жадваллар, диаграммалар, графиклар ва гистограммалар ҳисобланади. Кўргазмали ифода этишнинг энг маъқул шаклини танлаш олиб борилаётган тадқиқот характериға боғлиқ бўлади.

10.1. МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тадқиқотчи таҳлил натижасида тайёрлаган материални ўқувчи (истеъмолчи, буюртмачи)га етказишдан аввал ўзига бир саволни қўйиши лозим: “Қандай қилсам таҳлил ёрдамида эришган натижаларимни тўла-тўқис, тушунарли тарзда баён этган бўламан?”



Таҳлил – тадқиқ этилаётган объектни алоҳида элементларга бўлишдир.

Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёни икки хил кўринишга эга:

- *маълумотлар таҳлили;*
- *ҳужжатлар таҳлили.*

Мазкур маърузада ҳар икки кўринишдаги таҳлил жараёнини умумий талаблари, тартиби ва босқичлари мисоллар ёрдамида келтирилган.

Маълумотлар таҳлилида бирламчи ёки иккиламчи маълумотлар қайта ишланиб, мазкур йиғилган ахборотлар илмий таҳлил жараёнидан ўтказилмаган бўлади, яъни уларни бир сўз билан хом ашё материаллари деб аташ мумкин.

Назарияда маълумотлар таҳлили тушунчасининг бир-бирига ўхшаш бўлган қуйидаги асосий 3 та маъноси келтирилади.



Маълумотлар таҳлили бу:

- ўрганилаётган воқелик тавсифи ҳақида тасаввурни шакллантириш мақсадида тўпланган эмпирик маълумотларни ўрганиш жараёнида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;
- объектни қулай ва кўргазмали тасаввур қилиш мақсадида ўрганилаётган воқелик ҳақида етарли даражада асосли хулоса беришга имконият яратадиган қатор усул ва услублар, модель ва ёндашувлардан фойдаланган ҳолда статистик маълумотларни ўрганиш жараёни;
- амалий статистикага ўхшаш тушунча.

Йиғилган маълумотлар таҳлили асосан икки хил метод асосида олиб борилади:

- *статистик метод;*
- *сифат методи.*

СТАТИСТИК МЕТОД

Ушбу метод ёрдамида олинган маълумотлар бирламчи ва иккиламчи маълумотларга бўлинади.



Бирламчи маълумотлар деганда бевосита тадқиқотчи томонидан кузатув, анкета сўровлари, тегишли субъектлардан интервью ва бошқалар натижасида олинган маълумотлар тушунилади.



Иккиламчи маълумотлар деганда эса, бошқа тадқиқотчилар, мутахассислар томонидан йиғилган маълумотлар тушунилади. *Ушбу маълумотлар бошқа мавзудаги тадқиқотнинг айрим вазифаларини бажариш учун олинган бўлишига қарамай, бугунги тадқиқот мақсадларида ҳам қўлланилиши мумкин.*

Ушбу бирламчи ва иккиламчи маълумотлар асосида тадқиқотчи қўйидаги саволларга жавоб топиши мумкин: *ўрганилаётган жараён ёки ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти, ўзига хослиги, ривожланиш динамикаси, келтириб чиқарувчи сабаб ва омилар, омиларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бошқ.*

Шунингдек, мазкур маълумотлар асосида изланувчилар турли назарий моделларни, жумладан **бир ўлчовли, бинар ва кўплик** (таҳлили) моделларини тузишга ҳаракат қилади.⁸⁷



Бир ўлчовли модель – бу бир ўзгарувчи (кўрсаткич) ёрдамида оддий саволларга жавоб топиш мумкин бўлган модель ҳисобланади.

Мисол:

Масалан, қўйидаги оддий саволларга жавоб топилади:

«Қанча?», «Нима бу?», ёки аниқроқ айтганда: “Террорчилик ташкилотининг нечта аъзоси бор?”. “ташкилот аъзоларининг таркиби қандай?”.

Мазкур моделда тегишли ўзгарувчини (кўрсаткич) ўрганиш учун ташкилот аъзоларини санаб чиқиш, унинг таркибида нечта эркак-аёл, ёш-қари, ўзбек-рус-қозоқ... борлигини билиш ёки уларнинг улушини ҳисоблаш билан кифояланиш мумкин.



Бинар модель асосида икки ўзгарувчининг (кўрсаткич) ўзаро алоқадорлиги ва унинг турли кўринишлари ўрганилади.

Унинг ёрдамида бир неча моделларни тузиш мумкин: “А”нинг сабаби “Б”, “А” “Б”нинг сабаби; “А” ва “Б” бир-бирига таъсир кўрсатади, “А” ва “Б” учинчи ўзгарувчининг таъсири оситида бўлади.

⁸⁷ Политический процесс: основные аспекты и способы анализа / под ред. Е.Ю. Мелешкиной. -М.: “Весь мир”, 2001. 304 с.

Мисол:

Масалан, мазкур моделни қўллаган ҳолда қуйидаги бироз мураккаб саволларга жавоб топилади:

Диний-экстремистик ташкилотининг асосий молиявий имконияти билан аъзолари сони ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?”, “ташкилот аъзоларининг ушбу ташкилотга кириб кетишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар нима, қайси омил ҳал қилувчи омил ҳисобланади?”



Кўп ўлчовли (таҳлил) модели – уч ва ундан ортиқ ўзгарувчини (кўрсаткич) ўрганишда қўлланиладиган модель ҳисобланади.

*Кўп ўлчовли (таҳлил) модель доирасида **регрессиявий, интерактив ва кўп омилли моделлар** қўлланилади ва улар турли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганишда қўлланилади.*

Регрессиявий модель мустақил (алоқадор бўлмаган) ўзгарувчан кўрсаткичларнинг бошқа мустақил бўлмаган (алоқадор) ўзгарувчига таъсирини ўрганишда қўлланилади.

Мисол:

Масалан, мазкур моделни қўллаган ҳолда қуйидаги мустақил ва мустақил бўлмаган ўзгарувчиларнинг (омиллар) ўзаро алоқадорлигига ойдинлик киритилади:

Ўзбекистондан ташқи меҳнат миграциясига чиқиб кетаётган ёшлар сони ва ёшлар орасида тадбиркорликни ривожланиши билан боғлиқ кўрсаткичларнинг мамлакатда ёшлар орасида мутаассиблашув даражасини ортишига қандай таъсири мавжуд?

Изоҳ: бу ерда тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда дастлабки икки мустақил бўлмаган ўзгарувчилар (алоқадор омиллар) ҳисобланиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, улар орасида жиноятчиликни камайтириш масаласига бевосита алоқаси мавжуд. Лекин, бандлик ёки жиноятчилик масалаларига тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган мустақил ўзгарувчи (алоқаси бўлмаган омил) – мутаассиблашув омилини ҳам мазкур жараёнга таъсирини моделлаштиришда, истиқболда жараён динамикасини прогноз қилишда ёрдам беради.

Интерактив модель умумий вазифаларни ечишга қаратилган уч ва ундан ортиқ ўзгарувчиларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этади.

Мисол:

Масалан, мазкур моделни қўллаган ҳолда қуйидаги омилларни ўзаро алоқадорлигига ойдинлик киритилади:

Ўзбекистон ташқи савдосида экспорт улушини оширишга таъсир қилувчи омиллар, жумладан экспортёр тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар жорий этилиши, икки томонлама келишув асосида давлатлараро товар айрибошлашда экспорт-импорт божлари тарифларини туширилиши, янги қулай ва арзон транспорт йўлакларини қурилиши ва юк ўтказиш қобилиятини ортиши, сифатли логистика марказларини ишга туширилиши, шунингдек АҚШ томонидан Россияга киритилаётган иқтисодий санкциялар шароитида Ўзбекистон учун янги бозорларни яратилиши ва бошқалар ўртасидаги алоқадорлик даражаси қандай, қайси омил муҳим, қайсиниси муҳим эмас?

Кўп омилли модель бир ўзгарувчини иккинчи ўзгарувчига бевосита ва билвосита таъсирини аниқлайди, шунингдек, бир нечта ўзгарувчиларни – маълум ва номаълум ўзгарувчиларни ўзаро алоқадорлигини ўрганади. Масалан, ушбу модель қуйидаги саволга жавоб беради: ўзаро алоқадор бўлган ўзгарувчилари мавжуд тизим бошқа номаълум омиллар таъсирида эмасми?

Мисол:

Масалан, ушбу модель ёрдамида қуйидаги анча мураккаб саволларга жавоб топилади:

Россия ва Эрон ўртасидаги қуrolланиш соҳасидаги ҳамкорлигининг янги босқичга кўтарлишига АҚШнинг Россияга киритаётган иқтисодий санкцияларининг кенгайиши омили, шунингдек бошқа омиллар, масалан, жаҳон бозорида нефть ва газ нархининг ортиши, Украинага ғраб давлатларининг янги молиявий ва қуrol-яроғ бериш билан боғлиқ кўмагини ортиши, Хитойнинг Тайвань билан боғлиқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда қўшимча қуrol-яроққа бўлган талабини ортиши каби омилларнинг таъсири қандай?

СИФАТ МЕТОДИ

Ҳар доим ҳам статистик метод кўзланган натижани беравермайди, бундай ҳолларда сифат методи қўлланилади. Демак, сифат методи – бу бевосита **кузатиш, суҳбат ёки сўров** ёрдамида объектнинг тўлиқ хусусиятларини ўрганиш, маълумотларни қайта текшириш, дастлабки илмий гипотезаларни асослаш мақсадида керакли маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш демакдир. Яъни, статистик метод ўрганилаётган жараён ёки ҳодисанинг субъектив жиҳатлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиши қийин.

Сифат методида **экспертлар сўрови** энг муҳим ва ишончли усуллардан ҳисобланади.



Эксперт сўрови – сўров методларининг бир тури бўлиб, тадқиқ этилаётган муаммонинг муҳим ва ўзига хос жиҳатларини аниқлашда, олинган маълумотларнинг, хулоса ва илмий натижаларнинг ишончилигини ва ҳолислигини таъминлашда қўлланиладиган усул ҳисобланади.

Мазкур усулнинг бошқа сўров усулларида фарқли жиҳати унда тадқиқот *объекти ёки предмети ҳақида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган, ўз соҳасини мутахассиси ва катта тажрибага эга бўлган шахслар респондент сифатида танланади.*

Эксперт сўровининг кенг тарқалган турларидан бири “Дельфи” ва “Ақлий ҳужум” усуллари ҳисобланади.

Умуман, юқрида келтирилган ҳар икки – статистик ва сифат методлари ёрдамида таҳлил амалга оширилганда танланган маълумот манбалари орқали йиғилган маълумотларни қайта ишлаш **тадқиқот иши вазифаларидан** келиб чиқиб бажарилиши мақсадга мувофиқ.

10.2. ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Бунда тайёр ҳужжатлар билан ишлаш, улардан керакли маълумотларни ажратиб олиш ва қайта ишлаш назарда тутилади.

Ҳужжатлар таҳлили тадқиқот вазифаларини бажаришда маълумот манбаларидан керакли маълумотларни ажратиб олиш учун қўлланиладиган усуллар йиғиндиси ҳисобланади.

ЭСЛАТМА: Тайёр ҳужжатлардаги фикрлардан фойдаланишда танқидий ёки холис ёндашув билан таҳлил қилиш талаб этилади, ушбу фикр муаллифи ўз тадқиқот услуби ёрдамида (*у қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини ҳисобга олиб*) ёки қандайдир мақсадда ишлаб чиққан бўлади.

Ҳужжат турлари классификацияси

Шаклига кўра	Гавдалантириш даражасига кўра	Мавқеига кўра	Ахборот манбасига кўра
1. Ёзма, босма, қўлёзма (матн шаклида). 2. Статистик маълумотлар (тартибланган шаклда). 3. Иконографик (кино/расмли ҳужжатлар). 4. Овозли (аудиоёзувлар). 5. Электрон (Интернет).	1. Шахсий (кундаликлар, автобиографиялар, хатлар ва бошқалар). 2. Шахсиз (жамланган протоколлар, статистик материаллар).	1. Расмий (давлат органлари ва архивлар ҳужжатлари). 2. Норасмий (алоҳида шахслар ёзишмалари, кундаликлари ва бошқалар).	1. Бирламчи (воқеа-ҳодисалар бевосита қайд қилинадиган ҳужжатлар). 2. Иккиламчи (турли бирламчи ҳужжатлар асосида тайёрланган).

Ҳужжатлар таҳлилининг асосан иккита тури мавжуд: **анъанавий** ва **ноанъанавий** (контент-таҳлил).

Анъанавий таҳлил ҳужжат мазмунини тадқиқот мақсадига мос равишда идрок этишга, тушунишга ва талқин этишга асосланади.

Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида кооперацияни кенгайтириш масалалари бўйича дипломатик муносабатларнинг фаоллашуви муносабати билан тадқиқотчига қуйидагича вазифа қўйилди (тадқиқот мақсади): бундай ҳамкорликнинг истиқболини баҳолаш учун жорий давлат раҳбарлари учрашувлари мазмунини таҳлил қилиш.

Ушбу саволларга объектив жавоб топиш мақсадида иш қуйидаги тартибда ташкиллаштирилди:

Икки томонлама фаоллашув ҳақидаги хабар чиққанидан бошлаб, чоп этилган барча газета мақолалари ва Интернет хабарлари йиғилди. Бундан ташқари, видеотасмага ёзилган пресс-конференция, расмий баёнотлар, дипломат ва сиёсатчилар интервьюлари топилди.

Барча йиғилган материаллар манбаларнинг авторитетига, ишончилигига ва тўғрилигига қараб ажратиб олинди. Керакли маълумотларни олиш учун танланган материаллардан фойдаланиш имконияти ва уларни фойдалилик даражаси текширилди.

Йиғилган ахборот материаллари фактларни танлаш, ҳужжатларда келтирилган фикрларни, қарашлар ва баҳоларни ўрганиш йўли билан қайта ишланди.

Материаллар мазмуни қайта ишланиб, таҳлил қилингандан сўнг тадқиқотчининг шахсий тезислари сифатида талқин этилди.

Ушбу таҳлил методига зарурат шундаки, кўплаб ҳужжатлар айнан тадқиқот мақсадларига мўлжалланган бўлмайди, яъни улар: ташкилот, шахсий ёки жамоатчиликнинг ахборотга бўлган талабини қондириш мақсадида яратилган бўлиб, тадқиқотчидан ҳужжатдан керакли маълумотларни ажратиб олиши учун унинг мазмунига тўлиқ тушуниш талаб этилади. Бунда тадқиқотчи манбашунослар томонидан ҳужжатнинг дастлабки яроқлилиқ даражасини баҳолаш учун (манба танқиди) ишлаб чиқилган айрим усуллардан фойдаланади.

Мисол:

Қирғизистонга Қозоғистон таъсирининг ортиши (анъанавий таҳлил)
Қозоқ, қирғиз ва хорижий ОАВ маълумотлари таҳлили Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ривожланиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Ҳозирги вақтда икки томонлама алоқалар янги босқичга кўтарилди ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Н.Назарбоевнинг Қирғизистонга амалга оширган ташрифи янги ҳужжатлар имзолалиши ва муҳим келишувларнинг ратификация қилилишига ёрдам берди. Жумладан:

– Давлатлараро кенгаш ва Ташқи ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги Низом сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги муносабатлар ривожланишини мувофиқлаштиришга хизмат қилади;

– икки давлат ҳукуматларига давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар имкониятларини максимал даражада очиқ бериши лозим бўлган иқтисодий интеграция бўйича ҳаракат дастурини қабул қилиш топширилди.

Ташриф доирасида Қирғизистон парламенти Қозоғистон билан имзоланган айрим давлатлараро битимларни ратификация қилди, жумладан:

– «Қирғизистон Республикаси ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битим»;

– «Ҳукуматлар ўртасида вақтинча ишлаётган ишчи-мигрантларнинг меҳнат фаолияти ва ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисидаги Битим».

...

Хуллас, икки томонлама ҳамкорлик доирасида эришилган ва амалдаги мажбуриятлар Бишкек томонидан тўғри бажарилиш чоралари кўрилса, Қозоғистон Қирғизистондаги ўз иқтисодий фаолиятини янада кенгайтириши мумкин.

ҲУЖЖАТЛАРНИНГ НОАНЪАНАВИЙ ТАҲЛИЛИ



Контент-таҳлил – анъанавий таҳлил қилиш имконияти бўлмаган ҳолларда катта ҳажмдаги манбалардан маълумотларни ажратиб олишга мўлжалланган.

У матннинг айрим миқдорий, статистик тавсифини аниқлашга асосланади ва ҳужжат мазмунининг миқдорий тавсифи ўрганилаётган ҳодиса ёки жараённинг айрим аҳамиятли жиҳатларини акс эттиради.

Контент -
таҳлил
моҳияти

Ахборотда маъновий бирликлар (шахсий сифатлар, давлат арбоблари рўйхати тартиблилиги, белгилар такрорланиши ва бошқ.) қандай акс этганини ҳисоблаш (матнда, аудиоёзув ва бошқ.).

Контент –
таҳлил
методикаси

- вазифани аниқлаш;
- категория ва мазмуний бирликларни белгилаш;
- ягона шаклга эга грамматик структурани яратиш;
- олинган маълумотлар таққосланишини таъминлаш.

Контент –
таҳлилга
тайёргарлик

- қоидалар тизимини таърифлаш;
- матн таҳлилининг математик дастурини тайёрлаш.

Контент –
таҳлил ўтказиш
учун зарурий
талаблар

- таҳлилнинг объективлиги ва аниқлигини таъминлашга зарурат бўлганда;
- тизимлаштирилмаган материалларнинг кенг объекти мавжуд бўлганда;
- ўрганилаётган манбанинг махсус тавсифи мавжудлиги;
- агар муҳим категориялар маълум частота билан пайдо бўлса, анкета ва интервьюнинг очиқ саволларига жавобларни таҳлил қилиш.

Мазкур таҳлил қидирув тартибларини стандартлаштиришга, ҳужжат мазмунидан калит сўзларни аниқлашга асосланади.

Калит сўзлар:

алоҳида сўз (*атамалар, географик номлар, сиёсий арбоблар исм-шарифи*);

гап, абзац, матн фрагменти сифатида изоҳланган ғоялар;

фикрлар, баҳолар, қарашлар, аргументлар, шунингдек, турли кўри-нишдаги нашрлар (*жанр, муаллифлар, мавзулар бўйича*) бўлиши мумкин.

Мисоллар:

Ҳужжатлар расмий таҳлилининг қўлланилишини ҳам қозоқ-қирғиз муносабатлари мисолида кўрамиз. Лекин бу ерда мавзунини ўхшашлигига қарамай, таҳлил вазифалари бирмунча фарқ қилади.

Контент таҳлил натижасида ечимини топиши керак бўлган асосий саволлар:

«Қозоқлар, қирғизлар ва бошқа ОАВ томонидан тарқатилаётган материаллар ҳамкорлик қилаётган томонларнинг сиёсий манфаатларини қанчалик ўзида акс эттиради?

Сиёсатчилар, дипломатлар билдираётган фикрлар президент ёки раҳбарлик қилаётган сиёсий кучларнинг позициясини акс эттирадими?

Икки томонлама ҳамкорлик ривожини истиқболлари ҳақидаги маълумот қанчалик ҳақиқатга яқин?

Қозоқ-қирғиз дипломатик алоқаларидаги фаоллашув икки томонлама муносабатларнинг янги сифат босқичига ўтганини англатадими?

Бунда таҳлил жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилди:

Контент-таҳлил натижаларини қуйидагича баён этиш мумкин:

1. Белгиланган мавзу бўйича ўрганилаётган манбалар, маълумот ташувчилар мажмуаси аниқланди: (ОАВ материаллари: газета мақолалари, Интернет хабарлари).

2. Маъновий бирикмалар қуйидагича белгилаб олинди ва таҳлилдан фойдаланилди:

а) хабар манбалари қайси мамлакатга тегишли;

б) сиёсатчилар, дипломатлар, партия ва ҳаракатлар етакчилари, жамоат институтлари, ташкилот ва муассасалар номлари;

в) алоҳида атамаларда акс этган сўзлар. Сиёсий: миллий манфаатлар, давлатлараро ҳамкорлик, давлатлараро иттифоқ, шериклик, ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ишонч. Иқтисодий: инвестиция киритиш, молиялаштириш, *кредит*, хусусийлаштириш, *кооперация*, тадбиркорлик, *бизнес*. Ҳуқуқий: шартнома, келишув, *меморандум*. Мудофаа ва хавфсизлик: таҳдид, мустақиллик, *суверенитет*, *экспансия* ва бошқалар;

г) хабар матнида мавжуд шахсий ёки гуруҳ ғоялари;

д) бутун маъновий абзацларда, матн бўлимларида, мақолаларда келтирилган мавзу.

3. Белгиланган маъновий бирикмалар ёрдамида маълумотлар қайта ишлангандан сўнг, таҳлил натижалари талқини маълумотнома кўринишида ва жадвал шаклида берилди.

Контент-таҳлил натижаларини қуйидагича баён этиш мумкин:

**Қозоқ-қирғиз ҳамкорлиги билан боғлиқ нашрлар контент таҳлили
(ноанъанавий таҳлил)**

Хорижий нашрлар контент-таҳлили шуни кўрсатдики, Қозоғистон Президенти Н.Назарбоевнинг Қирғизистонга ташрифидан сўнг, турли ОАВларида ушбу воқеага тааллуқли 65 та материал тарқатилган. Ушбу материаллар мазмунининг таҳлили натижасида маъновий бирикмаларнинг миқдорий такрорланиши аниқланди. Мамлакатлар кесимида олганда материалларнинг 28 таси қозоқларга, 18 таси қирғизларга ва 11 таси бошқа хорижий давлатларнинг ахборот агентликларига тегишли эканлиги маълум бўлди. Мазкур материаллар 14 та қозоқ, 18 та қирғиз ва 11 та хорижий сиёсатчилари (ҳукумат ва парламент аъзоси, дипломатлар, сиёсий партиялар вакиллари) ва экспертлари қозоқ-қирғиз муносабатларининг бугунги ҳолатига оид фикрларини ифода этган.

Сиёсатчилар, дипломатлар, партиялар етакчилари исми-шарифи, жамоат институтлари, ташкилот ва муассаса номлари уларнинг жамоатчилик фикрига таъсиридан далолат беради. Алоҳида муаллифларга қилинаётган ҳавоалар сонига қараб, асосан, ҳар икки давлатнинг ҳуқуқрон сиёсий кучлари позициясини англаш мумкин. Сиёсатчилар ва экспертлар томонидан қайд этилаётган алоҳида сўзларнинг («интеграция», «инвестиция», «хусусийлаштириш»), ғояларнинг («давлатлараро иттифоқ», «давлатлараро кенгаш»), мавзуларнинг («Қозоқ-қирғиз ҳамкорлиги») частотасидан икки томонлама муносабатларда иқтисодий масалаларнинг асосий ўринни тутганлигини кўриш мумкин. Томонларнинг давлатлараро иттифоқ шартномасини тузишга тайёрлик даражасини ҳам аниқлаш мумкин.

Контент таҳлил натижаларини жадвал кўринишида акс эттириш:

Маъновий бирикмалар турлари	Калит сўзлар	Такрорланиш			
		Жами	Гуруҳлар бўйича:		
			РК	ҚР	Бошқалар
ФИШ	Сиёсатчилар(дипломатлар)	21	7	11	3
	Экспертлар	22	7	7	8
Сўз	Интеграция	148	58	10	80
	Инвестиция	120	58	24	38
	Хусусийлаштириш	45	17	8	20
	Манфаатлар	35	14	2	19
Ғоя	Давлатлараро иттифоқ	35	8	4	24
	Давлатлараро кенгаш	22	7	10	5
	Минтақавий ҳамкорлик	17	6	1	10
Мавзулар	Қозоқ-қирғиз ҳамкорлиги	27	12	13	2
	Минтақада интеграция	17	3	1	3

10.3. МАЪЛУМОТЛАРНИ КОМПЬЮТЕРДА ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

ЖАДВАЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ



Жадвал – маълум тизимга солинган, графаларга – қатор ва устунларга жойлаштирилган, одатда сонли (рақамли) маълумотлар рўйхати ҳисобланади.

Жадваллар уч хил сарлавҳаларни ўзида ифода этади:

умумий сарлавҳа – бутун жадвал мазмунини ўз ичига қамраб олади. У жадвал макети ташқарисига ёзилади ва ўз навбатида ташқи сарлавҳа ҳисобланади;

юқори – (кесим сарлавҳа) юқори номлар графалари мазмунини англатади;

ён томондаги сарлавҳалар – (эга сарлавҳа) қаторлар мазмунини англатади. Улар ўз навбатида ички сарлавҳалар ҳисобланади.

Жадвал номи (умумий сарлавҳа)

Қаторлар мазмуни	Графалар номи (юқори сарлавҳалар)			
	1	2	3	...
Қаторлар номи (ён сарлавҳалар)				
Якуний қатор				Якуний графа

Мантиқий мазмунига кўра жадвал “статистик гап”ни ўзида ифода этади ҳамда унинг асосий элементлари эга ва кесим ҳисобланади. Жадвал “эга”си деганда, рақамлар билан тавсифланадиган объект тушунилади. “Кесим” – ўрганиш объектини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ҳисобланади.

Статистик жадвалларни тузишнинг қуйидаги асосий қоидалари мавжуд:

- жадвал ихчам ҳамда тадқиқ этилаётган воқеани тўғридан-тўғри ифода этувчи асосий маълумотларни жамлаши лозим;
- тадқиқот объекти билан боғлиқ бўлмаган ёки иккинчи даражали маълумотлар киритилмаслиги лозим;
- сарлавҳалар мантиқан тўғри, аниқ ва қисқа бўлиши керак (ўлар қисқартирилмасдан ёзилиши керак);
- графа ва қаторларда ўлчов бирликлари бўлиши керак (та (дона), одам, сўм, квт/соат, %, кг ...);
- кўп ҳолларда охириги қатор якуний ёки хулосавий қатор ҳисобланади.

1. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти

№	Иқтисодиёт тармоқлари	Кичик бизнес корхоналари сони, минг дона	Кичик бизнес улуши, %
	Қишлоқ хўжалиги	176,9	65,8
	Савдо	41,0	15,2
	Саноат	19,5	7,3
	Қурилиш	11,7	4,4
	Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	7,2	2,6
	Соғлиқни сақлаш	3,6	1,3
	Транспорт ва алоқа	2,7	1,0
	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	1,8	0,7
	Таълим	1,0	0,4
	Маданият ва санъат	1,0	0,4
	Илм-фан	0,5	0,2
	Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	1,9	0,7
	Республика бўйича жами	268,6	100,0

2. “Кичик бизнесни Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни” мавзусида бажарилган диссертация доирасида олиб борилган сўров натижалари

Сўров натижалари Омиллар	Танланган ҳудудлар					
	Тошкент шаҳри	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Фарғона	Бухоро	Ўртача
Дастлабки капитални шакллантириш муаммолари						
Молия-кредит соҳасининг ривожланмаганлиги	70	72	71	72	75	72
Лизингнинг ривожланмаганлиги	60	71	57	61	64	62
Кредит ставкалари фоизининг юқорилиги	60	64	61	61	64	62
Кредитнинг қисқа муддатлилиги	60	65	61	61	61	62
Шахсий молиявий маблағнинг етишмаслиги	67	67	72	73	75	71
Асосий фондларнинг қимматлиги	74	74	76	75	73	75
Ҳокимият органлари билан муносабатлардаги муаммолар						
Янги тадбиркорлик объектларини қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун ер майдонларининг ажратилиши	83	47	71	79	54	67
Мажбурий-ихтиёрий тўловлар (масалан, ҳомийлик ва бошқ.)	62	62	75	74	70	68
Ҳуқуқни сақлаш ва назорат қилиш органлари билан боғлиқ муаммолар						
Қоғозбозлик ва ёпиқлик	63	65	71	64	65	66
Таъмагирлик	75	72	71	72	75	73
Малакасизлик	59	66	61	64	65	63

ДИАГРАММАЛАР БИЛАН ИШЛАШ


Таҳлил жараёнида диаграмманинг асосан қуйидаги турлари кенг қўлланилади: *гистограмма, доиравий диаграмма ва график кўринишидаги диаграмма.*

✚ **Гистограмма** – миқдорлар орасидаги боғлиқликларни чизма кўринишида ифода этишнинг бир йўли ҳисобланади. Диаграмма ўзгарувчиларни миқдорий муносабатларини тақсимлаш ва ифода этишда фойдаланилади.

• ЭСЛАТМА: ҳар бир диаграмма аниқ бир саволга жавоб бериши лозим. ундан фойдаланишда ўзингизга савол қўйинг, яъни *“Ушбу чизма ёрдамида нимани акс эттирмақчиман?”*

Мисол:

Масалан, ОАВ Қозоғистон ва Қирғизистон томонидан илгари сурилаётган ғояларни қай даражада ўзида акс эттираяпти? (10.1-расм).



10.1-расм. Ғояларнинг миқдорий нисбати⁸⁸

⁸⁸ ОАВ материалларининг контент таҳлили асосида тайёрланди.

Ушбу диаграммада учта субъект (Қирғизистон, Қозоғистон ва бошқа хорижий мамлакатлар ОАВ) томонидан Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари президентларининг расмий учрашувларда интеграция жараёнлари билан боғлиқ илгари сурилган ғояларнинг миқдорий мутаносиблиги акс эттирилган. Унда маъновий бирлик – ғоя. Ҳисоб ўлчами – такрорланиш.


Изоҳ: одатда, график (диаграмма) маълумотларни акс эттиришга ва баҳолашга хизмат қиладиган иккита ўққа эга бўлади: Х ўқи (категориялар) ва Y ўқи мазмуни. Х ўқида бошқа омиллар (маслалан а ва b) билан ўзаро муносабатда Y ўқидаги кўрсаткичларни шакллантиришга таъсир этадиган маълумотлар акс эттирилади.



Доиравий диаграмма – кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликларни чизма кўринишида ифода этишнинг бир йўли ҳисобланади. Ўзгарувчиларни фоиз кўринишида тақсимлаш ёки ифода этишда фойдаланилади.

Мисол:

ОАВларида интеграция жараёнлари билан боғлиқ илгари сурилган ғояларнинг улушли мутаносиблигини аниқланг! (10.2-расм)




10.2-расм. ОАВ материалларида учта асосий ғоянинг такрорланишини улушли тақсимооти

 **График** — диаграмманинг жуда оммалашган тури бўлиб, унинг ёрдамида маълум давр (вақт) мобайнида кўрсаткичлар қанчалик ўзгарганлигини осонлик билан кўрсатиш мумкин. Турли ижтимоий иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш тенденциялари, динамикасини аниқлашда ишлатилади.

Мисол:

ЯИМни хорижий инвестицияга нисбатан ўсиш динамикасининг энг юқори ҳолатларини кўргазмали ифода этинг (10.3-расм).



10.3-расм. ЯИМни хорижий инвестиция оқимига нисбатан ўсиш динамикаси, марта

Ушбу график мамлакат ЯИМни инвестиция оқимига нисбатан йиллардаги тенденциясини акс эттиради. Унда кўрсаткичларнинг максимал (28,4 марта) ва минимал (13,3 марта) ҳолатлари белгиланди.

УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Агар жадваллар катта бўлиб, 1 бетга сиғмаса, кейинги бетда давом этирилади. Бунинг учун 2-бетда жадвал устунларининг номи ёки рақамлари қайта ёзилади ва юқори ўнг томонга жадвалнинг давоми деб ёзилади. Жадвалнинг номи фақат олдинги бетда ёзилади. Агар жадвалда келтирилган барча сонлар бир хил ўлчов бирлиги ёки белгисига эга бўлса, у жадвалнинг

ўнг тепасида (масалан, % да) кўрсатилади. Агар ҳар хил ўлчов бирлигидан фойдаланилса, унда ҳар бир қаторда алоҳида кўрсатилади. Агар сонлар, математик символлар, белгилар қайтарилса *//*-*//* белги ишлатилмайди ҳамда сонлар ва белгиларнинг ўзи ёзилади.

Расм, схема ва графиклар матн ичида ёки иловаларда келтирилиши мумкин. Улар араб сонлари билан белгиланадн. Ёрдамчи характердаги расм, жадвал ва графиклар илова қисмида берилади.

10.4. КАТТА ҲАЖМЛИ МАЪЛУМОТЛАР (BIGDATA) БИЛАН ИШЛАШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Маълумотлар ҳажмининг ортиши натижасида илмий тадқиқотларни олиб боришга қатор янгидан-янги имкониятлар юзага келмоқда. Катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилишда қуйидаги усул ва техникалардан фойдаланилади:

маълумотларни топиш туридаги усуллар: белгиланган қоидаларга ўргатиш, синфлаштириш, кластерли таҳлил ва регрессион таҳлил;

маълумотларни интеграциялаш ва бирлаштириш: маълумотларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида турли манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш, рақамли хабарларни қайта ишлаш;

машина ўқитиш: мавжуд моделлар асосида ўргатувчи ёки ўргатувчисиз маълумотларни таҳлил қилиш мақсадида ўрганиш;

сунъий интеллект, нейрон тармоқлар ва тармоқли таҳлил;

тасвирларни таниб олиш;

аналитик баҳолаш;

ташқи таҳлил;

статистик таҳлил;

таҳлилий маълумотларни визуал тасвирлаш: ахборотни тасвир, диаграмма, анимация ва кейинчалик фойдаланиш учун шу каби кўринишларга ўтказиш.

Илмий тадқиқотлар аниқлигини ошириш ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида маълумотларни таҳлил қилиш воситаларидан кенг фойдаланилади. Маълумотларни таҳлил қилиш – қарор қабул қилиш учун фойдали маълумот олиш мақсадида уларни моделлаштириш, акслантириш, тозалаш ва текшириш жараёнларини ўз ичига олади. Катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилишнинг пуллик ва текин ҳамда очиқ ва ёпиқ кодли, шунингдек дастурий ва аппарат-дастурий воситалари мавжуд (10.4-расм).



10.4-расм. Катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш

Маълумотларнинг NoSQL (тартибланмаган) кўринишини катта ҳажмли маълумотлар сифатида талқин қилиш мумкин. Қўйида очиқ кодли (ўзгартириш мумкин ва текин) воситалари келтирилган⁸⁹:

Knime. Маълумотга боғлиқ ҳолда киритилган параметрлар асосида керакли ғояларни шакллантириб беради. Калит сўзлар асосида ушбу йўналишнинг ривожланиш босқичлари ва келажаги ҳақида аниқ хулосаларни тақдим этади. Ушбу воситада мингга яқин модуллар, юздан ортиқ намуналар, интеграллашган қурилмалар ва катта сонли алгоритмлар мавжуд. Ундан таҳлилчилар тажрибалар ўтказиш мақсадида фойдаланишади.

OpenRefine. Ушбу восита олдин Google Refine номи билан машҳур бўлган. Унинг ёрдамида катта ҳажмли маълумотлар устида қўйидаги амаллар бажарилган:

- тозалаш;
- битта форматдан бошқасига ўтказиш;
- веб-иловалар ва ташқи воситалардан фойдаланган ҳолда уни тўлдириш ва тарқатиш.

Унинг асосий афзаллиги катта ҳажмли маълумотлар устида тадқиқотлар олиб бориш осон ва енгил.

Orange. У маълумотларни қайта ишлаш натижаларини тасвирлаш ва таҳлил қилиш учун қўлланиладиган очиқ кодли воситаларни тақдим этади. Ундан ҳар қандай даражадаги фойдаланувчилар ва экспертлар

⁸⁹ Сенко А. Работа с Big data в облаках. Обработка и хранение данных с примерами из Microsoft Azure. – СПб.: Питер, 2019. – 448 с.

фойдаланиши мумкин. Orange маълумотларни тасвирлаш ва таҳлил қилишнинг катта сонли интерактив модулларини ўз ичига олади. Натижалар диаграмма, гистограмма, дарахтсимон, дендограмма, харита ва тармоқ кўринишида тасвирланади.

RapidMiner. Фойдаланувчига график интерфейс асосида маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва модуллаштириш имкониятларини тақдим этади. У машина ўрганиши асосида Маълумотлар ҳақидаги фан билан ишлаётган тадқиқотчилар учун очик кодли модуллар асосида тадқиқотлар олиб боришга имкон беради. Барча жараёнларни ягона модулга бириктирган ҳолда тезкор визуал натижаларни тақдим этишга имкон яратади.

Datawrapper. График ва жадваллар яратишга қаратилган интерактив онлайн хизмат. CSV, PDF ёки Excel файлларидан ёки белгиланган соҳадан маълумотларни юклайди ва гистограмма, график, карта ва бошқа шу каби кўринишдаги маълумотларни тақдим этади. Шунингдек, уни ихтиёрий CMSга бириктириш мумкин. Кўпчилик тадқиқотчилар ушбу воситадан онлайн ҳолатда фойдаланишади. Ундан фойдаланиш осон ва тушунарли тақдимотларни яратганлиги учун кўпчилик ўз фаолиятида қўллайди.

Octoparse. Веб-сайтни тўлиқлигича кўчириб олиш ҳамда .excel, .txt, .html форматларидан бирида сақлаш имкониятини беради. Унинг тузилишини ўзгартирмаган ҳолда браузер хотирасидаги (cookie) маълумотларни ҳам олиш имконияти мавжуд. Унинг пуллик вариантларида веб-сайтлардаги динамик маълумотларни реал вақт ҳолатида олиш ва лог файлларни сақлаш, таҳлиллаш имкониятлари мавжуд.

Бу каби воситалар жуда кўп бўлиб, юқоридагиларга қўшимча равишда, Solver, Qlik, Tableau Public, Google Fusion Tables, Infogram ва бошқа воситаларни келтириш мумкин. Улар ёрдамида маълумотнинг доираси, асосий мақсади ва калит сўзлар асосида унинг тегишли йўналиши аниқланади.


ChatGPTдан таҳлилий фаолиятдан фойдаланиш.

Сунъий интеллект ёрдамида маълумотларни таҳлил қилишнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- автоматик равишда маълумотларни таҳлил қилади ва натижаларни тақдим этади;
- маълумотларни турли хил графиклар ёрдамида визуал тасвирлайди;
- фойдаланувчилар билан интерактив мулоқот орқали аниқ таҳлил ва ҳисоботларни яратади.
- ChatGPT “Data Analyst” қуйидаги файл форматларини қўллаб-қувватлайди:

- маълумотларни сақлаш ва алмашинув учун оддий ва кенг тарқалган CSV формати;
- мураккаб ҳисоб-китобларни ва маълумотларни бошқаришни осонлаштирувчи Excel формати;
- веб-иловалар орасида маълумотларни алмашиш учун ишлатиладиган яримструктуралашган JSON формати;
- электрон шаклда тарқатиш ва чоп этиш учун мўлжалланган, матн, расм ва интерактив элементлар каби турли таркибли маълумотларни сақлаш учун ишлатиладиган PDF формати.


Қуйидаги 10.5- ва 10.6-расмларда ChatGPT “Data Analyst”дан фойдаланиш кетма-кетлиги келтирилган.⁹⁰



Қидирув бўлимига
Data Analyst деб
ёзилади



Старт чат босилади




Файл юкланади ва
саволлар берилади

10.5-расм. ChatGPT “Data Analyst”дан фойдаланиш

Маълумотлар таҳлилининг сифати тўғридан-тўғри маълумотларнинг ишончлилиги ва аниқлигига боғлиқ. Нотўғри маълумотлар ёлғон хулосаларга олиб келиши мумкин.

⁹⁰ Russell, Stuart J.; Norvig, Peter. Artificial Intelligence: A Modern Approach, 4th, Hoboken: Pearson, 2021. – P. 325.



	Brand	Model	Year	Engine Size	Fuel Type	Transmission	MSRP	Deal
1	Kia	Niro	2020	1.6	Gas	Manual	20000	1
2	Chevrolet	Malibu	2018	1.8	Gas	Automatic	22000	2
3	Mini Cooper	GLA	2019	2.0	Gas	Automatic	24000	3
4	Ford	GT	2017	3.5	Gas	Manual	34000	4
5	Volkswagen	Golf	2019	1.8	Hybrid	Semi Automatic	28000	5
6	Toyota	Camry	2017	2.5	Gas	Automatic	21000	6
7	Honda	Civic	2019	1.8	Gas	Automatic	23000	7
8	Kia	Sportage	2017	2.4	Gas	Semi Automatic	21000	8
9	Kia	Sportage	2014	2.4	Gas	Manual	20000	9
10	Toyota	Sienna	2016	3.5	Gas	Manual	32000	10
11	BMW	1 Series	2017	1.8	Hybrid	Automatic	29000	11
12	Volkswagen	Golf	2016	1.8	Hybrid	Manual	21000	12
13	Honda	Civic	2017	2.0	Gas	Automatic	22000	13
14	Honda	CRV	2014	2.4	Gas	Semi Automatic	28000	14
15	Volkswagen	Golf	2019	2.0	Gas	Automatic	24000	15
16	Volkswagen	Golf	2017	2.0	Gas	Automatic	26000	16
17	Honda	CRV	2017	2.4	Gas	Automatic	28000	17


10.6-расм. Таҳлил натижалари юқори ўнг бурчакдаги белги орқали кўчирилади

ChatGPT “Data Analyst”да қуйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Тавсифловчи статистика: Ҳар бир устун бўйича ўртача, медиана, стандарт очишни аниқланг.
2. Корреляция таҳлили: Ушбу базадаги сонли устунлар ўртасидаги корреляция матричасини ҳисобланг.
3. Гуруҳлар таққосланиши: Машиналарнинг ёқилғи тури бўйича нархининг ўртача қийматини ҳисобланг.
4. Чизиқли регрессия: Оддий чизиқли регрессия таҳлилининг ўтказмоқчиман. “Ишлаб чиқарилган йил”ни мустақил ўзгарувчи сифатида “Нарх”ни боғлиқ ўзгарувчи сифатида белгиланг. Чизиқли регрессия моделини қуринг.
5. Вақт сериялари таҳлили: Вақт бўйича машина нархларини таҳлил қилмоқчиман. “Ишлаб чиқарилган йил” устуни бўйича гуруҳлаб, “Нарх” устунининг ўртача қийматини ҳисобланг.
6. Матн таҳлили: “Машина русуми” устунидаги энг кўп учрайдиган машина брендларини аниқланг. Натижаларни (жадвал/график) кўринишда визуаллаштириб кўрсатинг.


Топилган натижалар асосида тўлиқ ҳисобот тайёрланг ва таҳлилларни қисқача хулоса билан якунланг.

Napkin.ai – матнни визуал контентга айлантиришга мўлжалланган сунъий интеллект асосидаги платформа бўлиб, у фойдаланувчиларга диаграмма, инфографика ва тақдимотларни яратишга ёрдам беради. Ушбу восита фойдаланувчиларнинг матнли ғояларини тез ва самарали равишда визуал материалларга айлантириш имконини беради (10.7-расм).



10.7-расм. “Napkin.ai” да рўйхатдан ўтиш жараёни

Унинг дастлабки ойнаси қуйидаги расмда тасвирланган бўлиб, Get Napkin free тугмаси орқали тегин фойдаланиш мумкин (10.8-расм).




10.8-расм. “Napkin.ai” нинг дастлабки ойнаси

“Napkin.ai”нинг қуйидаги функциялари мавжуд:

1. Ғоя ишлаб чиқиш: Napkin.ai фойдаланувчиларга ўз ғояларини тезда шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради. Сунъий интеллект ёрдамида фойдаланувчилар ўз ғояларини янада кенгайтиришлари мумкин.

2. Лойиҳаларни режалаштириш: Платформа лойиҳаларни режалаштириш жараёнини соддалаштиради. Фойдаланувчилар ўз лойиҳаларини яратиш ва бошқариш учун зарур бўлган барча воситаларни қидиради.

3. Ижодий жараёнларни бошқариш: Napkin.ai ижодий жараёнларни бошқариш учун қулай интерфейс тақдим этади (10.9-расм). Фойдаланувчилар ўз ғояларини, фикрларини ва лойиҳаларини бир жойда сақлашлари мумкин.



10.9-расм. “Napkin.ai”да инфографика намунаси

Умуман олганда, доимий ёрдамчи сифатида ChatGPT ёки DeepSeek яхши танлов ҳисобланади. Реал вақтда қидирув учун Google Gemini ёки Perplexityдан фойдаланиш мумкин. Иш муҳитида Microsoft Copilot, шунингдек, тадқиқот ва илмий ишларда DeepSeek энг яхши вариант ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизда ҳам бу каби технологиялар яратилган бўлиб, қуйида тадқиқот ҳисоботларини таҳрирлаш ва матнларни оригиналлигини аниқлаш воситалари келтирилган:

Savodxon.uz (<https://savodxon.uz>) – ўзбек тилида ёзилган матнларни имло хатоларига текшириш, латин-кирилл конвертацияси ва сунъий интеллект ёрдамида автоматик таржима хизматларини тақдим этувчи онлайн платформа ҳисобланади. У ўзбек тилидаги имло текшируви ва таржима хизматларини тақдим этиб, Мисрософт Ворд ва Эхсел форматдаги ҳужжатларнинг имло хатоларини текширишни таъминлайди.

Antiplag.uz (<https://antiplag.uz>) – Ўзбекистондаги матнли плагиатларни аниқлаш бўйича биринчи ва энг яхши тизим бўлиб, фойдаланувчиларга ўз муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради. У битирув малакавий ишлари, диссертациялар, илмий мақолалар ва турли ҳисоботлардаги кўчирилганлик ҳолатларини аниқлашга мўлжалланган. Тизим сунъий интеллектга асосланган мураккаб алгоритмлар ёрдамида плагиат, қайта такрорланган ва мазмун жиҳатдан ўзлаштирилган матнларни аниқлайди.

10.4. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИ ЁЗМА БАЁН ЭТИШ

Ушбу босқич тадқиқот натижасида олинган янги илмий фактларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва назарий изоҳ беришдан иборат бўлади. Диссертация ишининг композицион структураси Олий мактабда магистрлик диссертациялари йўриқномаси талабларига мос бўлиши лозим.

Шуни айтиш жоизки, магистрлик ишининг ҳар бир бўлими маълум структура бўйича тақсимланади, яъни ёзма баён этишнинг ўзига хос шаклига эга бўлади.

Масалан, магистрлик диссертацияси кириш қисмини (долзарблик, илмий ўрганилганлик, мақсад, вазифалар, объект, предмет, гипотезалар, методологик асос, методлар, илмий янгилик, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот структураси) ёзма баён этишда тадқиқотнинг методологик аппаратини очиб бериш керак бўлади.

Кейин асосий қисмнинг тезисларини баён қилишга ўтилади. Мазкур босқичда илмий атамалар ва тушунчаларни тўғри танлаш керак бўлади. Ҳар бир факт, ҳар бир таклиф илмий изоҳ ва асосни талаб этади.

Диссертация ишининг хулоса қисмида олинган натижалар тадқиқот мақсадига, вазифаларига ва илмий фаразига мос равишда кетма-кетликда баён этилади. Умуман, якуний қисмда барча қўйилган саволларга жавоб берилиши лозим, шунингдек, олиб борилган тадқиқотнинг яхлит ва манتيқий тартибга солинган ҳолатини шакллантирадиган янги йўриқнома

ишлаб чиқилади. Диссертация мазмуни янги фактларни, қонуниятларни ёки аввалдан мавжуд фикрларни янги талқинда умумлаштирилган таҳлилий материалларни ўз таркибида жамлаган тамоман янги илмийликни ўзида акс эттириши лозим.

Асосий талаблар:

боблар, бўлимлар, параграфлар бир-бири билан кетма-кет ва маъновий ўзулишларсиз боғланишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш талаб этилади;

баён этилган матн ўрганилган муаммо ёки воқеликнинг сабаб-оқибат боғлиқликларини аниқ акс эттириши лозим;

муаллиф ўзининг фикрлари, хулосалари, исботлари ва инкорларини шахсий тезис ёки аргумент сифатида бераётганда уларни тўғри шакллантириши ва такрорланишига олиб келмаслиги керак;

хулосада бериладиган таклифлар таҳлил натижасида ишлаб чиқилиши, лекин айнан хулоса қисмида келтирилиши лозим.

Мисол:

“Ўзбекистон Республикасидаги иш ҳақи даражасига оид”

таҳлилий қисм

... “Истеъмол корзинаси ҳақида”ги ҳамда “Тирикчилик учун энг минимум талаблар ҳақида”ги қонунларни йўқлиги энг кам иш ҳақини керакли даражада белгиланишига тўсқинлик қилмоқда. ...

хулоса қисми

...“Истеъмол корзинаси ҳақида”ги ҳамда “Тирикчилик учун энг минимум талаблари ҳақида”ги қонунларни ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Диссертация лойиҳаси тайёр бўлгандан сўнг ҳар бир хулосани, таклифларни, тушунчаларни ва фактологик маълумотларни тўғри ва тўлиқлигини танқидий нуқтаи назардан баҳолаб чиқиш керак бўлади.

Диссертация ишининг хулоса қисмида:

– диссертация ишининг хулоса қисмида қўйилган мақсад ва вазифаларга, гипотезаларга мос равишда олинган натижалар кетма-кет баён этилади;

– диссертация мазмуни янги фактларни, қонуниятларни ёки аввалдан мавжуд фикрларни янги талқинда умумлаштирилган таҳлилий материалларни ўз таркибида жамлаган тамоман янги илмийликни ўзида акс эттирилиши лозим;

– диссертация хулосасида тадқиқотнинг аввалида қўйилган барча саволларга жавоб топилиши зарур.

Ҳар бир олиб борилган таҳлил якунида олинган маълумотларни умумлаштириш ва изоҳлаш орқали тадқиқотчи ўзининг шахсий аналитик хулосалари ёки резюмеси сифатида янги фикрларини беради. Лекин улар тадқиқот объекти ҳақидаги умумий таассуротни бермайди. Шунинг учун бутун комплекс ишларни тугатгандан сўнг мавзу блоклари (боб, бўлим ва параграф) бўйича маълумотларни умумлаштириб, тадқиқот объекти бўйича умумий картинани ҳосил қилишга киришилади.

Матн структурасига талаблар

Ҳар бир параграф билан ишлашда умумқабул қилинган илмий-таҳлилий ҳужжат тайёрлаш қоидаларига амал қилиш талаб этилади:

- вазият ёки муаммо юзасидан умумий тушунча;
- асосий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;
- таҳлил қилиш;
- баҳо ва хулоса бериш;
- таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш (айрим ҳолларда берилмайди, масалан, хорижий давлатлар ҳақида олиб борилган ишларда у давлатлардаги муаммоларни ечиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилмайди. Агар ўша давлатнинг тажрибаси бизнинг шароитимизга тўғри келса, у ҳолда тегишли тавсиялар Ўзбекистоннинг тегишли органларига ёки ташкилотларига берилиши мумкин).

ХУЛОСА

Тадқиқот иши доирасига кирувчи маълумотларни қайта ишлашда қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

1. Қўйилган вазифани ечиш учун етарли даражадаги маълумотларни йиғиш.

2. Йиғилган маълумотларни тўғрилигига ва объективлигига ишонч ҳосил қилиш.

3. Тадқиқотнинг мақсади ва йиғилган маълумотлар мазмунидан келиб чиқиб маълумотларни қайта ишлаш методларини тўғри танлаш.

4. Тегишли таҳлил методлари талабларига тўлиқ риоя қилиш.

Бугунги замон талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир тадқиқотчи юқорида кўриб чиқилган жадвал ва диаграммаларни туза олиши ва улардан ўз ўрнида тўғри фойдалана олиши керак. Яъни тадқиқот мақсад ва мазмунидан келиб чиқиб, диаграмма, жадвал ёки чизмаларнинг ҳар бир турини ўз қўлланилиш тартиби ва соҳаси мавжуд. Ҳар бир чизма ёки жадвал таҳлил вазифасини бажариши лозим.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Маълумотлар таҳлили, ҳужжатлар таҳлили, *статистик метод*, *гуманитар метод*, *анъанавий* таҳлил, контент-таҳлил, жадвал, диаграмма, доиравий диаграмма, график, гистограмма.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Маълумотлар таҳлили деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай турлари мавжуд?

2. Ҳужжатлар таҳлилининг қандай турлари мавжуд?

3. Контент-таҳлилнинг асосий талаблари нимадан иборат?

4. Сўров анкетасини тузиш талаблари ва унинг ёрдамида олинган натижаларни баён этиш талабларини айтиб беринг.

5. Маълумотларни компьютерда қайта ишлашнинг қандай шартлари мавжуд?

6. Жадваллар билан ишлаш тартибини келтиринг?

7. Диаграмманинг қандай турлари мавжуд ва улардан қай мақсадларда фойдаланилади?

8. Таҳлил натижаларини ёзма баён этишнинг босқичлари ва асосий талабларини айтиб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Танланган тадқиқот мавзуси доирасига кирувчи масала юзасидан эксперт сўровини шакллантиринг.

2. Танланган тадқиқот мавзуси доирасига кирувчи маълумотларни контент-таҳлил методи ёрдамида таҳлил қилинг, натижаларга изоҳ беринг.

3. Танланган тадқиқот мавзуси доирасига кирувчи статистик маълумотлар асосида жадвал, диаграмма ёки чизма тузинг ва изоҳланг.

11-мавзу. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Кириш

11.1. Диссертациянинг композицион тузилиши ва мазмуни: кириш қисми; асосий қисм; хулоса қисми; иловалар; фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

11.2. Диссертацияни расмийлаштиришнинг асосий талаблари.

11.3. Ташкилий масалалар: илмий раҳбар; диссертацияни ҳимояга тайёрлаш; муаллифлик аннотациясини тайёрлаш; магистрлик ишини баҳолаш меъзонлари.

11.4. Тадқиқотчининг ижтимоий масъулияти.

Хулоса

Таянч иборалар

Назорат саволлари

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

КИРИШ

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблардан бири уни қоидалар асосида тўғри расмийлаштириш ҳисобланади, чунки ишни тўғри расмийлаштириш унинг сифатини оширибгина қолмай, балки ишнинг муваффақиятини ҳам таъминлайди.

Магистрлик диссертациясини расмийлаштиришда ва уни ҳимояга олиб чиқишда илмий иш қўйидаги умумий талабларга жавоб бериши шарт:

- илмий даражаси бўйича таълим дастури талабларига жавоб бериши;
- илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган муаммони тадқиқ этиш;
- магистратура мутахассислиги бўйича долзарб мавзу доирасида аниқ илмий вазифани бажаришга қаратилиши ҳамда илмий тадқиқот элементларини ўзида мужассамлаштириши;
- материални баён этишда аниқ тизимга солинган мантиқий кетма-кетликка амал қилиш;
- тадқиқотнинг таҳлил методларидан фойдаланиш;
- ишончли аргументациялар билан бойитиш;
- исботланган хулоса ва асосланган таклифлар билан якунлаш.

11.1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ КОМПОЗИЦИОН ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

Магистрлик диссертацияси қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- титул варағи;
- мундарижа;
- кириш;
- асосий қисм, унинг бўлимлари;
- таклиф ва тавсиялар келтирилган хулоса;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- иловалар.

Магистрлик ишининг титул варағи намунада келтирилгани каби расмийлаштирилади.

Мундарижа тадқиқот ишининг режасини ўзида акс эттириб, унда магистрлик диссертациясининг таркибий қисмлари (боб ва параграфлар) мантиқий кетма-кетликда келтирилади.

Тадқиқотнинг кириш қисмида қуйидагилар ёритилади:

- тадқиқот мавзусининг долзарблиги;
- мавзуни ўрганилганлик даражаси;
- тадқиқот объекти ва предмети;
- тадқиқот мақсади ва вазифалари;
- методологик асос ва тадқиқот методлари;
- тадқиқот гипотезалари;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти;
- тадқиқот структураси⁹¹.

Диссертациянинг асосий қисми бобларда, бўлим ёки параграфларда баён этилади. У, одатда, уч бобдан иборат бўлади.

Биринчи бобда муаммони умумназарий, тарихий ва методологик асослари илмий тадқиқ этилади.

Иккинчи бобда тадқиқотчи томонидан илмий муаммо доирасида кўрилаётган вазифаларнинг бугунги ҳолати таҳлил қилиниб, умумий баҳо берилади.

Учинчи бобда эса ўрганилаётган муаммони ечишнинг тўғри ва самарали йўллари таҳлил қилиниб, амалиётга татбиқ этилиши илмий асосланади.

Ҳар бир боб ўз навбатида бир неча бўлимларга (параграфларга) бўлинади. Одатда кириш қисмида белгиланган вазифаларни бажарилиши алоҳида параграфлардаги таҳлиллар ёрдамида амалга оширилади.

Боблар ва параграфлар

Диссертация ишининг сарлавҳаларини (боб ва параграф) шакллантиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқ:

– диссертация мавзуси ҳар бир бобнинг номларидан кенгроқ қамровга эга бўлиши, бобларнинг номи эса тегишли параграфлар номларидан кенгроқ қамровга эга бўлиши ва мантиқан бир-бирини тўлдириши лозим. Ҳар бир элементлар мавзунини очиб беришдаги аниқ вазифаларни бажариши шарт;

– ҳеч қайси бир қисм (боб ёки параграф) номи диссертация номи билан бир хил бўлмаслиги керак;

– қўшни параграфлар номлари мантиқан бир-бири билан боғланган бўлиши керак ва ягона стилда мазкур муаммога тегишли терминологиялар асосида шакллантирилиши лозим.

⁹¹ Қаранг: 2-, 3- ва 4- маърузалар.

ЭСЛАТМА:

матндаги гапларни илмий баён этиш услуги талаблари асосида (журналистик ҳамда таҳлилий баён этиш услубидан фарқли ўлароқ) ҳамда 3-шахс номидан шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг хулоса қисми – бу диссертация ишининг муҳим қисми ҳисобланиб, диссертант томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича умумий хулоса, таклиф ва тавсияларни ўз ичига олади. Ҳар бир боб бўйича берилган таклиф ва тавсиялар қисқа ва лўнда баён этилиши керак, хулоса қисмидаги таклифлар эса бир мунча батафсил очиб берилиши керак. Ишлаб чиқилган таклифлар айнан тадқиқот вазифаларини бажариш натижасида олинган илмий фактлар асосида рақамланган ҳолда тартиб билан берилиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, хулоса қисмида тадқиқотни бошлаш босқичида илгари сурилган гипотезаларнинг тақдири ҳақида тегишли фикрлар бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам диссертациянинг мажбурий қисми ҳисобланиб, хулоса қисмидан кейин берилади. Уни расмийлаштиришда келтирилган талабларга амал қилиниши керак.

Илова – диссертация ишининг ёрдамчи қисми ҳисобланиб, унга графиклар, жадваллар, карталар, социологик сўровлар анкеталари ва натижалари, кузатув материаллари ва бошқа иллюстратив материаллар киритилиши мумкин.

Бундан ташқари, магистрлик ишларига қўйидагиларни ҳам илова сифатида киритиш мумкин:

– асосий атамалар ва тушунчалар глоссарийи (бир тушунчани бир неча талқинини ҳам бериш мумкин);

– тадқиқот дастури;

– манбалар бўйича маълумотлар базаси;

– экспертлар рўйхати. Бу ерда диссертант танланган муаммо бўйича бевосита учрашган, консультация олган етакчи мутахассислар, олимларнинг исми шарифи, иш жойи, илмий фаолият йўналиши, манзили ва телефон рақамлари келтирилади.

Ҳар бир илова янги бетдан ёзилади ва 1, 2, 3-илова деб белгиланади, сўнг илова номи ёзилади. Иловалар А, Б, В ... деб ҳам белгиланиши мумкин. Баъзи манбалардан олинган маълумотлар матндан сўнг варақ остида чизиқ билан ажратилиб, чизиқ остига олинган манба ёзиб қўйилади. Ушбу

сноскалар араб сонларида белгиланади: 1, 2, 3 ва ҳоказо ёки юлдузчалар билан белгиланади. 4 дан ортиқ юлдуз билан белгилаш мумкин эмас.

Тадқиқотнинг ташкилий режаси

Ташкилий режа тадқиқотнинг алоҳида процедуралари ва босқичларини бажаришни вақтда тақсимланишини ўзида ифода этади.

Ташкилий жараён қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- тадқиқотчи ва илмий раҳбар ҳамкорлигидаги ишни келишиб олиш;
- синов тадқиқотини олиб бориш;
- асосий тадқиқотни олиб бориш;
- тадқиқот натижаларини қайта ишлаш;
- эмпирик маълумотларга изоҳ бериш ва тадқиқотнинг дастлабки гипотезаларини текшириш;
- тадқиқотнинг назарий хулосаларини асослаш;
- амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- амалий таклиф ва тавсияларни татбиқ этиш;
- амалий таклифларнинг қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш.

11.2. ДИССЕРТАЦИЯНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ

Магистрлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси илмий тадқиқот ишларини расмийлаштириш бўйича Давлат стандартига мувофиқ расмийлаштирилади.

Магистрлик диссертацияси умумий ҳажми 80 бетдан ошмаслиги (60-80 бет оралиғида тайёрланиши) лозим. Ушбу ҳажмга титул varaғи, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалар кирмайди.

Матн 1.5 интервалда 14 шрифт билан ёзилади. Чапдан 3 см, ўнгдан, юқоридан ва пастдан 2 см дан жой ташланади.

Мавзу айнан тасдиқланган тартибда ҳеч қандан ўзгартиришларсиз келтирилиши шарт.

Ҳар бир боб алоҳида бетдан бошланади ва сарлавҳалар бош ҳарфлар билан ёзилади.

Диссертациянинг тузилмаси мавзунинг мазмунини тўлиқ ёритишга қаратилиши керак: матнда кетма-кетлик бузилмаслиги ва изчиликка риоя қилиниши шарт.

**Магистрлик ишларида ҳаволаларни
расмийлаштириш бўйича мисоллар:**

1. Китоб, монография, дарсликларга ҳавола
– бир томлик китоблар, монографиялар ва б.⁹²;
– кўп томлик китоблар, монографиялар ва б.⁹³.
2. Журнал ва газеталардаги мақолаларга ҳавола⁹⁴.
3. Диссертация ва авторефератларга ҳавола⁹⁵.
4. Илмий ишлар тўпламига ҳавола⁹⁶.
5. Конференция, симпозиум материалларига ҳавола⁹⁷.

Матнда янги фикрни ифодаладиган жумлалар абзацдан ёзилади. Тугатилмаган қисмлар бошқа бетларга ўтказилмайди. Агар бирор манбалардан мисоллар келтирилса, албатта уларнинг манбаси (ҳавола) саҳифанинг энг пастки қисмида чизик тагида сатр бошидан ёзилади. Агар бир нечта манба келтирилса, ҳаволалар тартиб рақами билан кўрсатилади.

Матндаги ҳар бир боб янги бетдан ёзилади. Бобнинг номи ёки сарлавҳаси асосий матндан қўшимча интервал билан ажратилади. Боб номидан кейин параграф номи ёзилади.

Боблар ва параграфлар номи абзацдан ёзилиб, нуқта қўйилмайди, тагига чизилмайди, бўғин кўчирилмайди. Агар номлар 2 ва ундан ортиқ гапдан иборат бўлса, гаплар оралиғига нуқта қўйилади. Боблар ва матн оралиғи 15 мм бўлиши, боб ва параграфлар номи оралиғи 8 мм бўлиши керак. Ҳар бир боб янги варақдан бошланади.

Ишда ёзилладиган формулалар алоҳида қаторларга ёзилиб, формуладан ўнг томонда икки томондан қавсга олиб араб сони (1) билан рақамланади. Формула остида символларнинг маъноси ёзилади. Символларнинг маъносини ёзишдан олдин “Бу ерда” сўзи ёзилади. Формула тепаси ва пастидан камида 1 тадан очиқ қатор қолдирилади.

⁹² Годунов С.К., Рябенский В.С. Введение в теорию разностных схем. – М.: Физматгиз, 1962. – С. 51.

⁹³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6–жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б. 69.

⁹⁴ Ахмедов А.И. Роль коммерческих банков в развитии экономики Узбекистана // Экономический вестник Узбекистана, 2005, №5. – С. 20.

⁹⁵ Фролов В.В. Теоретические проблемы правового регулирования специальных экономических зон: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: МГУ, 1997. – С. 14.

⁹⁶ Очилов М.М. Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш фаолияти ҳуқуқий асосларининг айрим жиҳатлари // Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. 1-қисм. - Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.185.

⁹⁷ Собиров С.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишдаги айрим муаммолар хусусида // «Жамият, давлат ва ёшлар» мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. I-II тўплам (18-19 март 2008 й.). - Т.: ТДЮИ, 2008. – Б. 208.

Магистрлик диссертацияси устида ишлаётганда магистратура талабалари профессионал этика қоидаларига риоя қилиши лозим.



Плагиат деб қоғоз ёки электрон тарзда чоп этилган бошқа муаллифнинг матнини манбага тўлиқ ҳаволасиз ёки ҳавола билан фойдаланса-ю, аммо ўзлаштирилган материалларнинг ҳажми ва характери бажарилган ишнинг ёки унинг асосий қисмларидан бирининг мустақиллигини шубҳа остига қўядиган ҳолга айтилади.

Плагиат икки кўринишда бўлиши мумкин:

- ўзга муаллифнинг матнини сўзма-сўз баён этиш;
- парафраза – ўзга муаллифнинг матнини сўз ва ибораларини алмаштирган ҳолда, лекин олинган матннинг маъносини ўзгартирмасдан баён қилиш.

Ёлғон иқтибос келтириш деганда манбага ҳаволанинг мавжудлиги, аммо ушбу манбада бундай ахборотнинг йўқлиги тушунилади.

11.3. ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

Диссертация мавзулари таълим муассасаларининг кенгашлари томонидан тасдиқланади. Диссертант агар мавзуга тегишли ўзгартиришлар киритмоқчи бўлса (Илмий тадқиқот методологияси курси доирасида олиб борган дастлабки таҳлиллари асосида), ушбу масала қайта тасдиқ учун киритилиши мумкин.

Мавзу тасдиқлангандан сўнг тегишли кафедра раҳбари ҳамда илмий раҳбар билан келишилган ҳолда диссертантнинг шахсий иш режаси тасдиқланади. Шахсий иш режа асосий тадқиқот ишининг мазмунини, ҳажмини, босқичларини ва муддатларини, шунингдек унинг аттестация шаклини аниқлайдиган тартибга солувчи ҳужжат ҳисобланади.

Илмий раҳбар:

- магистрлик диссертациясининг кенгайтирилган иш режасини тузишга ёрдам беради;
- диссертация тадқиқотини амалга оширишнинг даври бўйича календарь графикни ишлаб чиқишга ёрдам беради;
- керакли адабиётларни ва мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- тингловчига керакли консультацияни бериб боради;
- тадқиқот натижаларини текшириб боради (қисман ёки тўлиқ);
- қўйилган вазифаларни тўлиқ бажарилишини назорат қилади, метод-

лардан тўғри фойдаланганлик даражасини, материални мантикий баён этилганлигини текширади;

– иш якунлангандан сўнг, тадқиқот ишини тўлиқ кўриб чиқиш ва тегишли тақриз бериш учун илмий раҳбарга топширилади.

Диссертацияни ҳимояга тайёрлаш

Таълим муассасаларининг тегишли бўлимлари томонидан магистрлик диссертацияларининг дастлабки ҳимояси графиги тузилади. Диссертант графикда кўрсатилган муддатда диссертацияни тақдим этиши шарт.

Дастлабки ҳимоя учун таълим муассасаларининг доимий таркибидан ишчи гуруҳ тузилиб, мазкур комиссия аъзолари дастлабки ҳимояга қадар диссертация ишлари билан танишиб чиқадилар ва тегишли мулоҳаза ва фикрларини берадилар.

Дастлабки ҳимоя бўйича тузилган комиссия ишни кўриб чиқиб, асосий ҳимояга тавсия этади ёки тегишли хулосани беради. Агар иш асосий ҳимояга тавсия этилмаса, ишни қайта ишлаш учун тегишли тавсиялар билан қайтарилади.

Ҳимояга тавсия этилган ишлар тақриз учун юборилади⁹⁸.

Диссертацияга илмий раҳбар хулосаси ҳамда ички ва ташқи тақриزلар олинади. Тақризчилар иш билан танишиб чиқиб, тегишли хулосани бериши учун 10 кун муҳлат берилади.

Муаллифлик аннотацияси

Ҳимоя учун диссертант томонидан муаллифлик аннотацияси тайёрланади.

Муаллифлик аннотацияси ДАК аъзоларини иш мазмунини билан тезкор равишда таништириш мақсадида, қисқартирилган шаклда, лекин аниқ ва лўнда, диссертациянинг асосий мазмунини ва натижаларини ўзида акс эттирган ҳолда давлат ва рус тилларида 8-10 нусхада тайёрланади.

Ҳимояга 2 ҳафта қолганда тегишли масъул бўлинмага (масалан, Ўқув бўлимига) қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- диссертация иши (икки нусхада);
- диссертациянинг электрон варианты;
- илмий раҳбар хулосаси;
- расмий оппонентлар (ички ва ташқи) тақризи;
- тингловчининг белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилган шахсий иш режаси;
- муаллифлик аннотацияси.

⁹⁸ Магистрлик диссертацияси тўғрисидаги Йўриқ-номанинг IV бўлими, 5-6-бетлар.

Асосий ҳимояда диссертантга доклад учун 20 минут вақт берилади ва маърузадан сўнг, муаммо доирасида саволлар берилади. Савол-жавобдан кейин илмий раҳбар ва расмий оппонентлар ўз тақризларини ўқиб эшиттиради. Сўнг умумий муҳокамага ўтилади ва диссертация иши ва ҳимояси баҳоланади.

Магистрлик ишини баҳолаш

Магистрлик диссертацияси унинг илмий ва амалий аҳамиятига, шунингдек, методик жиҳатдан тайёриги ва расмийлаштирилганлигига ҳамда ҳимоянинг сифатига қараб баҳоланади.

Магистратура тингловчилари ишини баҳолаш учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиб, у 100 баллик шкала бўйича қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- тадқиқот илмий аппаратига;
 - олинган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлилига;
 - ишни расмийлаштирилиши;
 - тадқиқот натижаларини амалий татбиғи (илмий мақолалар, конференция ва семинарларда қатнашиш ва бошқ.);
 - магистрлик диссертацияси ҳимоя жараёнига;
 - магистрлик диссертацияси экспертизаси учун.
- Ҳар бир мезон учун алоҳида баллар белгиланган⁹⁹.

11.4. ТАДҚИҚОТЧИНИНГ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТИ

Тадқиқотчи ўз илмий ишланмаларининг ғайриинсонийлиги ва улардан фойдаланиш учун жавобгарликни тўлалигича ишни буюртма қилган ва унга ҳақ тўлаган ижтимоий кучлар, ҳукуматлар, фирмалар ёки айрим шахсларга юклашга ҳақли эмас. Албатта, йирик илмий кашфиётнинг барча оқибатларини ҳам олдиндан айтиб бўлмайди.

Уларни баҳолашда келишмовчиликлар ва хатолар бўлиши мумкин. Илмий тадқиқотнинг мақсадлари ва методларига берилган ахлоқий баҳо ҳам баҳсли бўлиши мумкин. Аммо бу ҳол бундай баҳоларни бериш ва улар учун ижтимоий жавобгар бўлиш мажбуриятини олимлар зиммасидан соқит этмайди.

Тадқиқотчиларнинг, олимларнинг ижтимоий масъулияти масаласи

⁹⁹ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан магистрлик диссертацияларга қўйилган талаблар ишлаб чиқилган. Айрим таълим муассасаларида Магистрлик диссертацияси тўғрисидаги низомлар қабул қилинган.

атом қуроли яратилиши муносабати билан айниқса долзарб аҳамият касб этди. Эндиликда фан ютуқлари экологик ёки бошқа хил ҳалокатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир ҳолда ушбу масала кўтарилади. Ҳозирги вақтда олимларнинг ижтимоий масъулияти ғояси умумэтироф этилмоқда. Чунки илмий кашфиётлар ишлаб чиқаришда самарали қўлланилади ва бунинг натижасида бутун дунё ҳамда одамларнинг турмуш тарзи ҳам ўзгаради. Фандаги ижодий эркинлик тафаккурнинг табиат ва жамият ҳодисаларининг теран моҳиятини очиб беришга муттасил интилишда намоён бўлади. Конъюнктура, субъективизм илмий-ижодий фаолият руҳига батамом ётдир. Илмий ижодда теранлик, объективлик, шунингдек, олинган ёки олинаётган илмий билимга танқидий ёндашув хосдир.

ХУЛОСА

Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш-нинг юқорида келтирилган ўзига хос талаблари таълим муассасаларининг ўзига хослигидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан республикадаги барча олий ўқув юртлари магистратуралари учун ишлаб чиқилган Йўриқномага асосланади.

Ўз навбатида мазкур талаблар магистрлик диссертациясини баҳолашда мезон сифатида олинган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Диссертация, муаллифлик аннотацияси, диссертациянинг кириш қисми, диссертациянинг асосий қисми, диссертациянинг хулоса қисми, диссертацияни баҳолаш, илмий раҳбар, плагиат, ҳавола.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Диссертациянинг композицион тузилиши ва мазмунини айтиб беринг.
2. Диссертациянинг кириш қисми қандай элементлар (бўлимлар)дан иборат?
3. Диссертациянинг тегишли бобларига қўйилган талаблар нималардан иборат?
4. Диссертацияни расмийлаштиришнинг асосий талабларини айтиб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚ

Диссертациянинг кириш қисмини мантиқий кетма-кетликда ва белгиланган талаблар асосида шакллантиринг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (янги таҳрири). — Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023, — 128 б.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019 й., 03/19/576/3970-сон. <https://lex.uz/docs/4571490>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги буйруқлари ва Олий аттестация комиссияси низомлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони / <https://lex.uz/docs/5073447>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» Стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони <https://lex.uz/ru/docs/6600413> /11.09.2023 йил.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарорига илова, IV.20 / <https://lex.uz/docs/2579469>.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ташкilotлар рейтингини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 майдаги 274-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.05.2020 й., 09/20/274/0570-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/8-сон қарори билан тасдиқланган (2017 йил 31 майдаги

239/8-сон қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) “Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари”. -Тошкент: 2017 йил.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг “Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида” қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 574-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й. – 486 б.

12. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й.

Асосий адабиётлар

13. Абубакиров Б.А., Зоҳидов А.А. Применение методов выборки в социологических исследованиях. Справочное пособие. **Ташкент, ВШСАП, 2009.** 31 с.

14. Агацци Э. Моральное измерение науки и техники. – М., 1998. – 12-б.

15. Антонов А.Н. Преемственность и возникновение нового знания в науке. -М.: Изд-во МГУ. 1985. – С. 171.

16. Балабанов И. Т. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2000 – С.12.

17. Бернар Дж. Наука в истории общества. – М., 1956. – 18-б.

18. Бич П., Клек Б. Развития творческого мышления. – М.: 2001.

19. Бобоқулов И.И. Хавфсизлик. Луғат. - Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – Б.45.

20. Бобоқулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т.: СТИБОМ, 2019. – 115 б.

21. Богатуров А.Д., Косолапов Н.А., Хрусталева М.А. Очерки теории и политического анализа международных отношений. – М.: Форум, 2002.

22. Боришпонец К. Методы политических исследований. – М.: *Аспект Пресс*, 2005.

23. Бутлеров А.М. Сочинения. - М., 1953. Т.1.- С. 640.

24. Вернадский В.И. Проблема биохимии. – М., 1988. – 252-б.

25. Волков В.И., Трайнев В.А. Информационно-аналитические методы экспертных оценок в системах управления и образования. Учебник. – М.: Педагогика, 1996.

26. Д'Аламбер Ж.Л. Очерк происхождения и развития наук // Родоначальники позитивизма. Выпуск 1. – 109-б.
27. Добренёв В.И. и др. Методы социологического исследования. Учебное пособие – М.: ИНФРА-М, 2004.
28. Егоров А.В. Теория познания и проблема интуиция. Автореф. дис.... канд филос. наук. –М.: 1973. – 18с.
29. Жураев С. ва бошқ. Илмий тадқиқот методологияси (ўқув қўлланма). –Т.: ЖИДУ, 2014.
30. Зоҳидов А.А. Илмий тадқиқот методологияси. – Т.: СТИБОМ, 2013.
31. Зоҳидов А.А. Методология научного исследования. – Т.: ВШАП, 2015.
32. Зоҳидов А.А. Илмий тадқиқот дастурини тайёрлаш бўйича практикum (амалий қўлланма). – Т.: СТИБОМ, 2013.
33. Зоҳидов А.А. Илмий тадқиқот фанидан ўқув-кўргазмали қўлланма. – Т.: СТИБОМ, 2013.
34. Зоҳидов А.А. “SWOT-таҳлил”ни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Т.: СТИБОМ, 2011.
35. Зоҳидов А.А. Подготовка литературного обзора: методические рекомендации. – Т.: СТИБОМ, 2012.
36. Зоҳидов А.А., Абдураманов Х. Демография муаммоларини таҳлил қилиш ва прогнослаштириш. *Услубий қўлланма, СТИБОМ, 2020.*
37. Зоҳидов А.А., Обидов Х.М. Интеграция жараёнларини тадқиқ этиш услубиёти. *Услубий қўлланма, СТИБОМ, 2021.*
38. Илларионов А. Критерии экономической безопасности // Вопросы экономики. – М., 1998. – №10. – С.49.
39. Исломов Ш.З. Оқиқ маълумотлардан фойдаланишда сунъий тинтelleкт имкониятларини қўллаш. Амалий қўлланма – ДХХ Академияси, 2025. -36 бет.
40. Кант И. Прелегомены ко всякой будущей метафизики, могущей возникнуть в смысле науки. М.: 1993. - С. 210.
41. Кирюшин А.Н. Феномен свободы и проблема его концептуализации // Вестник ТГУ. Тамбов: Изд-во ТГУ им Г.Р. Державина, 2004, Вып. 2. – С. 74-76.
42. Клаузевиц К. О войне. – М.: Госвоениздат, 1934 г. / <http://militera.lib.ru/science/clauzewits/index.html>
43. Кобляков А.А. Основы общей теории творчества (синергетический аспект) // Сб.: “ Философия науки”. М. 2002. Вып. 8. С. 96-107.
44. Крючкова С.Е. Инновации и их роль в современном мире (Глава в коллективной монографии: “Синергетика - нелинейность - глобализм”. – М.: Изд-во МГТУ “Станкин”, 2007.

45. Кудрявцев В.Н. Свобода научного творчества // Государство и право. -Москва, 2005. -№5. -С.22-28.
46. Кузык Б.Н., Кушлин В.И., Яковец Ю.В. Прогнозирование и стратегическое планирование социально-экономического развития: – М.: Экономика, 2006 (в электронном виде).
47. Кузин Ф.А. Диссертация: методика написания. Правила оформления. Порядок защиты. Практическое пособие, – 2-е изд., – М.: Ось-89, 2001. 320 с.
48. Кузнецов И.Н. Информация: сбор, защита, анализ. Учебник. – М.: «Яуза», 2001.
49. Лекторский Д.А. Субъект. Объект. Познание. – М.: Наука, 1980. -280 с.
50. Magistrlik dissertatsiya ishlarini tayyorlash, rasmiylashtirish va himoya qilish bo'yicha o'quv-uslubiy qo'llanma. –Т. ЖИДУ. 2018. 193 б.
51. Мангейм Дж., Рич К. Политология: методы исследований. Учебник – М.: *Весь мир*, 1997.
52. Майданов А.С. Интеллект решает неординарные проблемы /РАН. Ин-т философии. — М.: ИФ РАН, 1998. — 321 с.
53. Мелешкина Е.Ю. Политический процесс: основные аспекты и способы анализа. Учебник. – М.: Инфра-М, 2001.
54. Меерович М.И., Шрагина Л.И. Технология творческого мышления. – М. 2000.
55. Ницше Ф. По ту сторону добра и зла // Ницше Ф. Сочинение в 2-т. М.: Мысль. 1990. – С. 58.
56. Понкин И.В., Лаптева А.И. Методология научных исследований и прикладной аналитики: Учебник. Издание 2-е, дополн. и перераб. / Консорциум «Аналитика. Право. Цифра». – М.: Буки Веди, 2021. – 567 с.
57. Политический процесс: основные аспекты и способы анализа / под ред. Е.Ю. Мелешкиной. -М.: “Весь мир”, 2001. 304 с.
58. Правила оформления диссертационных работ. Практическое пособие ВАК РУз, 2008.
59. Российская социологическая энциклопедия. – М.: НОРМА-ИНФРА,1998. - С. 343-344.
60. Рузавин Г.И. Методология научного творчества. – М.: ЮНИТИ, 1999.
61. Рустамбаев М.Х. Криминология. Учебник. – Т.: ТГЮИ, 2008. – С. 219.
62. Russell, Stuart J.; Norvig, Peter. Artificial Intelligence: A Modern Approach, 4th, Hoboken: Pearson, 2021. – P. 325
63. Сауров С.Ю. Научная гипотеза в контексте методологии естествознания / С.ёЮ. Сауров. - Киров : ВятГГУ, 2009 (Киров : Старая Вятка). - 166 с.

64. Саифназаров И., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. Ўқув қўлланмаси - Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. –Б. 198.
65. Сенчагова В.К. Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник. 2-изд. – М.: Дело, 2005. – С.72.
66. Сенко А. Работа с Big data в облаках. Обработка и хранение данных с примерами из Microsoft Azure. – СПб.: Питер, 2019. – 448 с.
67. Сиденко В.М., Грушко И.М. **Основы научных исследований.** – Харьков, «Вища школа», 1977.
68. СТИБОМ магистрлик диссертацияси тўғрисидаги Йўриқномаси, СТИБОМ, 2024.
69. Темиров Д.Н. Как написать информационно-аналитическую справку. Практическое руководство – ВШСАП, 2004. 46 с.
70. Турдиматов А. Как написать магистерскую диссертацию. Практическое руководство. – ВШСАП, 2009.
71. Уэвелл У. История индуктивных наук. –СПб., 1867-1869. Т. 1-3. – 48 с.
72. Файзуллаев О. XX аср зиёлилари: устозларим ва сафдошларим / О.Файзуллаев. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. – Б.278.
73. Findlay C.S., Lumsden Ch.J. The Creative Mind. Towards an Evolutionary Theory of Discovery and Innovation // J. of Social and Biological Structures. 1988.Vol. 11. P. 10.
74. Юсупов У.С., Буранов Ф.Т., Кодиров М.М. Методические рекомендации к применению метода «Дельфи» в информационно-аналитической работе. – Т.: Центр системных исследований. 2012. – 45с.
75. Холтон Дж. Что такое антинаука // Вопросы философии. 1992. №2.
76. Черепанова Н.В. Традиции и новации: социально-философский анализ: Автореф. ... канд. филол. наук. –М., 2007. - С. 13 - 14.
77. Швырев В.С. Научное познание как деятельность. – М.: 1984.
78. Ядов В.А. Стратегия социологического исследования. – М.: Добросвет, 2000. – Б.84.

Шахс манфаатларига қаратилган таҳдидларни тизимга солиш

Таҳдид объекти	Манфаатлар	Таҳдидлар
Шахс	Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилмоқ: 1.1. Яшашга бўлган ҳуқуқ. 1.2. Эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи. 1.3. Асосланмаган айблов, ушлаб туриш, жисмоний қийноқ ва ҳақорат қилишдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш. 1.4. Шахсий ҳаётга аралашувдан ҳимояланиш ҳуқуқи. 1.5. Турар жойга ноқонуний бостириб кириш, тинтув ўтказиш, телефон суҳбатларини ва почта ёзишмалари мазмунини ошкор этишдан ҳимояланиш ҳуқуқи. 1.6. Республиканинг бир ҳудудидан бошқа ҳудудига кўчиш ҳуқуқи. 1.7. Республикадан чиқиб кетиш ва кириш ҳуқуқи. 1.8. Эркин фикрлаш ҳуқуқи.	1. Шахснинг шахсий манфаатларига зиён етказадиган маъмурий-ҳуқуқий, маданий ва бошқа омиллар ва муҳитлар мажмуаси: 1.1. Инсон ҳаётини қўриқладиган ва ҳимоя қиладиган амалий механизмларнинг йўқлиги (инсон ҳаёти дахлсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий ва ижтимоий тизимнинг такомиллашмаганлиги). 1.2. ФПК, ЖПКнинг номукамаллиги, уларни қўллашда ҳокимият ваколатларини суиистеъмол қилиш. 1.3. ЖПКнинг номукамаллиги, уни қўллашда ҳокимият ва лавозим ваколатларини суиистеъмол қилиш. 1.4. Ҳуқуқий тартибга солиниши ва ҳимояланиши лозим бўлган шахсий ҳаёт йўналишининг ноаниқлиги.

	1.9. Эътиқод қилиш ҳуқуқи. 1.10. Қонунда рухсат берилган маълумотни излаш, олиш ва тарқатиш.	1.5. Шахсий мулоқот, турар жой воситалари дахлсизлигини таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг йўқлиги ёки номукамаллиги, шахсий мулоқот воситаларини тегишли ваколатга эга бўлмаган шахслар учун эшитиш имкониятининг мавжудлиги. 1.6. Қўчишга сунъий, ноқонуний тўсиқларнинг мавжудлиги. 1.7. Республика ҳудудига эркин чиқиш-кириш учун шарт-шароит ларнинг йўқлиги. 1.8. Цензура, эркин фикрлашга йўл қўймаслик, таъқиб қилиш, сиқувга олмоқ. 1.9. Диний бағрикенглик тамойилларининг бузилиши, диний даъват, диний ғояни мажбурий сингдириш. 1.10. Ахборот вакууми, ахборот воситалари ва коммуникацияларининг ёпиқлиги.
--	--	---

	2. Сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш: 2.1. Давлат ва жамият ишини юритишда шахсан ўзи ёки вакили орқали иштирок этиш. 2.2. Қонун доирасида митинг ва намойишлар ўтказиш орқали ижтимоий фаоллигини кўрсатиш. 2.3. Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар фаолиятида иштирок этиш. 2.4. Ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида иштирок этаётган майда миллат вакиллари ҳуқуқлари, эркинлиги ва қадриятларини ҳимоя қилиш. 2.5. Давлат органларига ариза, таклиф ва шикоят хати бериш ҳуқуқи (шахсан, гуруҳ таркибида).	2. Шахснинг сиёсий манфаатларига зиён етказувчи шарт-шароитлар ва омиллар: 2.1. Вакиллик демократияси, унинг сиёсий институтлари ривожланмаганлиги, ошқоралик, ижтимоий адолат, гуманизм, қарор қабул қилишда эркинликнинг йўқлиги. 2.2. Маъмурий тўсиқлар, экстремизм, безорилик бўйича фаолликнинг намоён бўлиши. 2.3. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва сиёсий ҳаётнинг институционал ривожланмаганлиги. 2.4. Демократик тамойилларни бузишга қодир бўлган сиёсий курашларнинг кескинлашув тенденцияси, вакиллик органларига ёмон ниятли элементларнинг кириб қолиши. 2.5. Фуқаролар ҳуқуқий онгининг паст даражадалиги, мурожаат қилиш кўникмалари шаклланмаганлиги, масъулиятсизлиги, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги совуққонлиги.
--	--	---

	3. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш: 3.1. Мулкка эгалик, банк қўйилмалари сир сақланиши ва уларни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи. 3.2. Меҳнат қилиш, касб-ҳунар эгаллаш, ижтимоий-адолатли шароит ва муҳитда ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи. 3.3. Нафақа, ёрдам пули олишга, қарилиги, ишлаш қобилияти ёки боқувчисини йўқотганлиги учун бошқа турдаги ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқ. 3.4. Малакали тиббий ёрдамни олишга бўлган ҳуқуқ. 3.5. Таълим олишга бўлган ҳуқуқ. 3.6. Фан ва техника соҳасида эркин ижод қилиш, маданият соҳасида эришган ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқи.	3. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига зиён етказадиган ҳуқуқий, ташкилий, демографик ва бошқа шарт ва омиллар йиғиндиси: 3.1. Мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш борасида ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги, тенг ҳуқуқли шароитлар мавжуд эмаслиги, мулкни тақсимлаш (қайта тақсимлаш) жараёнининг криминаллашуви. 3.2. Ишга ва ҳунарга эга бўлишда, меҳнат, бандлик, иш ҳақи, лавозимга кўтарилиш шароитларини таъминлашда имкониятларнинг тенг эмаслиги, меҳнат қилиш соҳасида таҳқирлаш. 3.3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий фондларни шакллантириш тизимининг такомиллашмаганлиги. 3.4. Соғлиқни сақлаш тизими ва унинг моддий-техник базаси такомиллашмаганлиги, профессионал кадрлар малакаси паст даражадалиги, аҳолининг барча қатлами учун тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслиги.
--	---	--

		3.5. Аҳолининг барча қатлами таълим олиши учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг йўқлиги. 3.6. Фан ва техника соҳасида эркин ижод қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш тизими мавжуд эмаслиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларининг йўқлиги.
--	--	--

Таҳлилий манбалар базаси
(“Россия ва Ўзбекистон муносабатларининг ҳуқуқий асоси”
мавзуси мисолида)

Мазкур тадқиқот манбалари базаси 338 та ҳужжатни ўз ичига олади ва уни қуйидаги гуруҳлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. 1991-2024 йй. давомидида имзоланган, махсус ва умумий характерга эга бўлган барча турдаги чоп этилган Россия ва Ўзбекистон давлатларининг икки томонлама келишувлари, шунингдек Россия ва Ўзбекистон иштирок этган кўп томонлама келишувлар.

Мазкур манбалар икки томонлама муносабатларнинг бевосита ҳуқуқий – меъёрий базаси ҳисобланиб, муносабатларнинг халқаро даражага кўтарилиш босқичидан то бугунги кунгача бўлган ривожланиш динамикасини таҳлил қилишга ва турли соҳалардаги ҳамкорлик муносабатлари тенденциясини аниқлашга имкон яратади.

2. Россия Федерациясининг тадқиқот тематикасига тааллуқли қонунлари, қонуности ҳужжатлари, доктрина ва концепциялари.

Мазкур ҳужжатлар Россиянинг ташқи сиёсати, унинг асосий йўналишлари ҳақидаги умумий тасаввурни шакллантиришга, ўз навбатида Ўзбекистоннинг Россия ташқи сиёсатидаги ролини очиб беришга имкон беради.

3. Диссертация объектига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги. Ушбу манбалар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг умумий тамойилларини кўриб чиқишга, жумладан Россия билан муносабатларнинг аҳамиятини очишга ёрдам беради.

4. Ўзбекистон ва Россия муносабатларига тааллуқли Россия Федерациясининг давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари. Биринчи навбатда, ушбу манбаларга юқори даражадаги икки томонлама учрашувларнинг муҳит ва шароитларига аниқлик киритишга, Россия томонидан икки томонлама муносабатларнинг у ёки бу масалаларини талқин этилишининг аниқ мазмуни билан танишишга ёрдам берувчи Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Президент матбуот хизмати ҳужжатлари киради.

5. Тадқиқот тематикасига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ҳужжатлари. Биринчи навбатда, ушбу манбаларга икки томонлама муносабатларнинг Ўзбекистон томонидан расмий талқини билан танишишга имкон берувчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Президент Матбуот хизмати расмий нашрлари киради. Ўз навбатида Россия каби 1991-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон парламенти ва ҳукуматининг икки томонлама муносабатлар масалаларига эътибори бўшлиги ва нобарқарорлиги билан характерланади.

6. Учинчи давлат ҳокимият органларининг тадқиқот предметиға тааллуқли ҳужжатлари. Мазкур гуруҳ манбаларга Ўзбекистон ва унинг ташқи алоқалари билан боғлиқ АҚШ ва Буюк Британия давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари киради.

7. Россия-Ўзбекистон муносабатлари масалалари бўйича Россия сиёсий арбобларининг чиқишлари ва интервьюлари. Ушбу манбалар икки томонлама ҳамкорлик муносабатларининг турли масалалари бўйича икки давлат музокараларининг ривожига ўз таъсирини ўтказадиган Россия сиёсий арбобларининг позицияларини (асосан, Россия президенти ва ташқи ишлар вазири) аниқлашга, бундан ташқари икки томонлама муносабатлар ривожига субъектив омиллар таъсирини кузатишга имкон беради.

8. Икки томонлама ҳамкорлик масалаларига оид Ўзбекистон сиёсий арбоблари чиқишлари, интервьюлари. Мазкур манбалар Ўзбекистон сиёсий элитасининг Россия билан муносабатларга нисбатан қарашларининг ўзгариш динамикасини аниқ кузатиб боришга имкон беради.

9. Ўзбекистон ва Россия давлат раҳбарларининг қўшма баёнотлари.

Мазкур манбалар бирор масала юзасида Ўзбекистон ва Россия давлатларининг расмий позицияларини аниқлаш ва солиштириш имкониятини беради. Шунингдек, қайси муаммолар турли даврларда Москва ёки Тошкент учун катта аҳамият касб этган.

10. Собиқ Иттифоқ ва Россия сиёсий арбобларининг рус-ўзбек муносабатларига тааллуқли қарашлари, фикрлари. Биринчи навбатда бу турдаги манбаларга мустақилликнинг дастлабки йилларидаги сиёсий етакчиларнинг рус-ўзбек муносабатлари босқичлари ҳақидаги хотираларини келтириш мумкин, шунингдек Москванинг Тошкентга нисбатан сиёсатига объектив баҳо беришган етакчи сиёсий арбобларнинг фикрлари.

11. Россия-Ўзбекистон давлатлараро ҳамкорлигини таҳлил қилишда фойдаланиладиган *статистик материаллар*.

12. Россия-Ўзбекистон давлатлараро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалаларга халқаро ташкилотларнинг муносабатлари, чиқишлари ва ҳисоботлари.

13. Россия-Ўзбекистон давлатлараро ҳамкорлиги муаммоларига бағишланган даврий матбуот материаллари. Россия ва Ўзбекистон даврий журналлари ва газеталаридаги Россия-Ўзбекистон давлатлараро ҳамкорлиги муаммоларига бағишланган мақолалари («Коммерсант-daily», «Независимая газета», «Полис», «Известия», «Труд», «Деловой Петербург», «Санкт-Петербургские ведомости», «Правда Востока», «Народное слово», «Международные отношения», «Экономический вестник Узбекистана» ...).

14. Электрон нашрлар материаллари. Россия, Ўзбекистон ва Марказий Осиё ахборот агентликлари, электрон нашрлар, телерадиокомпания, ахборот саҳифалари материаллари.

**Адабиётлар шарҳини
тайёрлашда махсус формулярдан фойдаланиш
(Сиёсий конфликтлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш мисолида)**

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР	
Муаллиф	Василенок В.Е.
Мавзу (адабиёт номи)	Сиёсий конфликтларни олдини олиш ва ҳал этишдаги юридик технологиялар
Мутахассислик	Юридик фанлар йўналиши бўйича магистр
Нашр йили	Ростов-на-Дону-2016
Илмий раҳбар	Юридик фанлар доктори, профессор Баранов Павел Петрович
II. ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК АППАРАТИ	
Мавзунинг долзарблиги	Давлат ички сиёсий жараёнларини самарали равишда бошқариш давлат тузилишининг трансформациясида ва жамиятнинг ўтиш жараёнида, модернизация ва ислохот жараёнларида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда барча давлатларда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мақсадга йўналтирган ҳолда уларни бошқариш ва назорат қилишни тақозо этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий конфликтларни олдини олиш ва ҳал этиш мақсадида мавжуд ҳуқуқий воситаларни комплекс тарзда тадқиқ этишни талаб этади.

Тадқиқотнинг методологик асоси	Конфликтларнинг назарий концептуал ва методологик асослари XIX-XX асрларда вужудга келди. Конфликтларни жамиятдаги роли ва аҳамиятини тушунишда иккита ёндашув мавжуд: биринчиси – конфликтнинг жамият ҳаётини ривожланишидаги муҳим омил касб этиши, уларни ҳаётдан олиб ташлашнинг имкони йўқлиги, бу йўналиш тарафдорлари Г.Спенсер, Л.Гумплович, К.Маркс, Г.Моска, Л.Козер, Ф.Дарендорф, К.Боулдинг, М.А.Бакунин, П.Л.Лавров ва бошқалар; иккинчиси – конфликтларга уруш, революция, синфий кураш, ижтимоий эксперимент, жамиятни беқарорлик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимларда мувозанат ва беқарорликни келтириб чиқарувчи омил сифатида қаралади, унинг тарафдорлари Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, В.С.Соловьев, М.М.Ковалевский ва бошқалар.
Тадқиқот объекти	Замонавий конфликтлар.
Тадқиқот предмети	Конфликтларни тартибга солиш, уларни бошқариш ва назорат қилишдаги технологиялар.
Тадқиқот мақсади	Конфликтларга берилган замонавий илмий ва амалий ёндашувлар ҳақида ва уларни бошқариш муаммоларига тушунчалар бериш, давлат, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг ролига таърифлар бериш.

МУАММОНИ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ (ўрганилаётган муаммонинг қайси жиҳатлари тадқиқ этилган)	
Сиёсий конфликт ва унинг моҳияти	Сиёсий конфликт - турли йўналишдаги сиёсий мақсад ва манфаатлар асосида жамиятдаги қарама-қарши кучларнинг тўқнашуви. Сиёсий конфликтлар ўз навбатида ички сиёсий ва ташқи сиёсий конфликтларга бўлинади. <u>167-бем.</u> Конфликт турлари ва уларни ривожланиш жараёнлари. Конфликтлар классификацияси. Конфликт ривожланиши босқичи ва фазалари: уни кенгайтириши ва эскалацияси. <u>178-бем.</u> Конфликтни тартибга солишда учинчи томоннинг иштироки. Учинчи томон тушунчаси, унинг конфликтни тартибга солишда иштироки. <u>201-бем.</u> Конфликтларни тартибга солишда куч ишлатиш чоралари. Замонавий шароитларда куч ишлатишнинг ўзига хослиги. Куч ишлатиш турлари (санкциялар қўллаш, тинчликпарвар кучларни киритиш, тинчликка мажбурлаш). Куч ишлатишдаги муаммолар.
Сиёсий конфликтларни бошқариш ва назорат қилишдаги технологиялар	Сиёсий конфликтларни бошқариш учун уни бошқариш ва тартибга солиш (конфликтли назорат) керак, яъни чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва ишлатиш, уни интенсивлигини чеклаш ва конфликт масштабини камайтиришга йўналтирилган. Компромисс – ўзаро ён босиш асосида келишув. Ихтиёрий ва мажбурий компромисслар мавжуд. Консенсус (лот. келишув, бирдамлик) – халқаро конференцияларда, йиғилишларда умумий розилик асосида қарор қабул қилиш.

Сиёсий конфликтларни бошқариш ва назорат қилишдаги асосий стратегиялар	Конфликтни ҳал этишдаги асосий стратегиялар: Рақобатчилик – ўз қарорини бошқа томонга ўтказиш. Бундай стратегия муаммони ҳал этиш учун зарарли бўлиб, оппонентга ўз манфаатларини амалга ошириши учун имконият бермайди. Компромисс – оппонентларни конфликтни тугатиш хоҳишида тез-тез ён бериши, яъни олдин илгари сурган талабларидан қисман воз кечиш, бошқа томоннинг асосли талабини тан олиши, уни кечириши. Муаммони ҳал этишдан кетиш – ёки қочиш, харажатлар камлигида конфликтдан кетишга интилиш. Оппонент актив стратегиялардан кейин ҳам ўз манфаатларини амалга оширолмагандан кейин шундай қилишга мажбур бўлади.
Қўлланилган илмий ёндашувлар ва методларнинг таҳлили	
Метод номи	Анча самарали бўлган аниқ шарт-шароит ва конфликт характерида келиб чиқадиган методлар комплекси мавжуд бўлиб, конфликтни ҳал этишнинг қуйидаги усуллари бор: ҳамма томонларнинг қарашларини мувофиқ келиши туфайли келишув; ташқи кучнинг ахлоқий ва қонуний таъсирига мувофиқ келишув.
Мақсад	Мақсад сиёсий конфликтларнинг мазмун моҳиятини тўлиқ англаб етиш, уларнинг ҳал этишнинг имкони борида конструктив йўлларини излаб топиш.
Натижалар	Сиёсий конфликтларни ҳал этишда куч ишлатмасдан амалга ошириладиган методлар кўпроқ конструктив хусусиятга эга бўлиб, улар конфликтни ҳал этишда яхши натижа беради.

Ушбу методни қўллашнинг ўзига хослиги	Ушбу адабиётда берилган услуб ва ёндашувларни ишлатишнинг ўзига хослиги шундаки, мавзунини ҳар томонлама кенг ва тўлиқ ёритишга хизмат қилади.
Ушбу методларни ўз тадқиқотимда қўллаш имконияти	Тадқиқот ишимни ёритиб боришда мазкур адабиётдаги берилган услуб ва ёндашувлардан фойдалансам олдимга қўйган мақсадларга тўла эришишим мумкин деб ўйлайман.
ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ (амалий ва илмий аҳамияти)	
Ишлаб чиқилган	Сиёсий конфликтларга назарий замонавий таърифлар ишлаб чиқилган, тушунчаларга ойдинлик киритилган, конфликтни ҳал этиш модели ишлаб чиқилган, конфликтларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар механизми яратилган.
Натижаларни чоп этиш шакллари	Илмий мақолалар кўринишида

“Исломдаги диний-сиёсий қарашларнинг турли диний оқимлар таълимотида акс этиши” мавзуси доирасида олиб борилган илмий адабиётлар шарҳи (намуна сифатида)

Ҳозирги даврда турли диний-экстремистик гуруҳлар, хусусан исломдаги диний-сиёсий қарашларни ниқоб қилиб олиб, уларни ўз манфаатлари йўлида нотўғри талқин қилиш ва бузиш ёрдамида бутун тинчликсевар дунё ҳамжамияти хавфсизлигига таҳдид солаётган террорчилик ташкилотлари муаммолари кенг илмий доираларни қизиқтириб келмоқда. Аммо якунига етказилган илмий ишларнинг ҳаммаси ҳам исломдаги фундаментал диний-сиёсий қарашлар ва оқимлар таълимотлари ўртасидаги муносабатларни ўрганмаган ёки ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган.

Мазкур мавзуда яратилган илмий ишларнинг таҳлили, бу мавзунинг нисбатан янги ва яхши ўрганилмаганлигидан далолат беради. Хорижлик тадқиқотчилар томонидан исломий диний-сиёсий оқимлар ҳақида кўпгина илмий ишлар ёзилган ва илмий ишлар олиб борилган. Аммо шунга қарамасдан, уларда асосан халқаро миқёсдаги террорчилик гуруҳларини тавсифлаш билан чекланиб қолинган. Ўзбекистонда қилинаётган илмий ишлар ва ёзилаётган мақолаларни эса ҳали мукамал, деб бўлмайди. Зеро, уларнинг кўпчилиги хорижий, асосан Россия олимлари нуқтаи назарларини таҳлил қилиш билан чекланиб қолмоқда.

Исломдаги диний-сиёсий қарашларнинг турли диний оқимлар томонидан талқин этилиши мавзусининг ўзбек ва чет эл олимлари томонидан ўрганилганлик даражасини аниқлаш ва ёритиш мақсадида бир қатор диссертация, монография, мақола ва халқаро илмий конференцияларнинг материаллари таҳлил қилинди.

Юқоридаги мавзунинг илмий ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш учун 1 та докторлик, 8 та номзодлик ва 6 та магистрлик диссертацияси, 10 га яқин мақола, 7 та монография таҳлил қилинди. Ўрганилган диссертация ва монографиялар асосан Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Давлат бошқарув академияси, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент ислом академияси ва Москва давлат университети тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган.

Бевосита магистрлик ишининг предметида доир тадқиқот ишларини ўрганиш мобайнида маҳаллий тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган ишларида умумийликни кузатиш мумкин. Хусусан, бевосита террорчилик муаммоси ва уни ечиш масаларига эътибор қаратилади.

Қолаверса, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ислом дини ғояларининг қандай қилиб жиноятчилар учун дастак бўлаётгани, уларнинг экстремистик қарашларига трансформациялашув ҳолати деярли ўрганилмаган. Масалан, А.Н.Самадов, *В.В.Остроухов, А.В.Федоров*, Син Гуанчэн, *А.Атанесян, Е.Н.Каратуева, А.М..Бородин, И.И.Султонов*нинг тадқиқотларида шундай ҳолат қайд этилади. Фақатгина М.А.Ражабованинг илмий ишида диний экстремизм ва унинг террорчиликка ўтиш ҳолатлари тадқиқ этилган.

Илмий ишлар ва рисоаларни таҳлил этиш шундан гувоҳлик берадики, ҳатто бир қарашда чуқур ўрганилаётгандек туюлувчи “террорчилик” тушунчасига ҳам ҳозиргача ягона, аниқ бир илмий изоҳ берилмаган. Уни хоҳлаган тадқиқотчи ёки сиёсатчи ўз мақсадларида, ўзи хоҳлаган йўсинда ишлата олиши мумкин.

Жумладан, Д.Раҳимов “терроризм” тушунчасининг халқаро ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратган. Яъни илмий ишнинг мақсади терроризм тушунчасининг ягона умумэътироф этилган таърифини ишлаб чиқиш, Осиё, Америка ва Европа давлатлари миллий қонунчиликларида терроризм тушунчасининг таърифланишини қиёсий таҳлил қилишдан иборатдир¹⁰⁰.

Д. Раҳимов террорчиликка таъриф берар экан, унинг қуйидаги 7 та характерли белгисини кўрсатиб ўтган:

умумсиёсий – зўрлик ёки зўрлик таҳдиди билан бирор бир сиёсий мақсадга эришиш ва қўрқув пайдо қилишга йўналтирилган ҳаракат;

ҳуқуқий – давлат томонидан жазоланадиган ва қонун бузиладиган жиноий зўравонлик;

таҳлилий – алоҳида террористик ҳаракатлар ортида турувчи муҳим ижтимоий-сиёсий омилларни англаш;

аралаш – (синтетическое определение) – барча ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар йиғиндиси;

давлат томонидан уюштириладиган террор – сиёсий ҳокимиятнинг ўз халқини бўйсундириш мақсадида фойдаланадиган террорчилик;

давлат ўз манфаатларини амалга ошириши учун қўллаб-қувватлайдиган кичик давлатлар, террористик гуруҳлар (“государства-изгои”) фаолияти;

халқаро ҳуқуқий – бутун жаҳонҳамжамиятига қарши қаратилган сиёсий жиноят¹⁰¹.

¹⁰⁰ Раҳимов Д.Ф. “Терроризм” тушунчасининг халқаро ҳуқуқий жиҳатларини белгилаш. Дисс.-канд. полит.наук.- Т.:2005.

¹⁰¹ Раҳимов Д.Ф. Современные конструкции определения терроризма: международно-правовые аспекты. Монография. - Т.: 2004.

Шу ўринда таъкидлаш жойизки, ғарб олимларидан Г.Деникер, И.Беккер, Р.Соле, А.Бернгард, Е.Анчел, А.И.Герцен, С.М.Соловьев, Т.С.Бояр, В.В.Витюк, Д.С.Грачев, И.Ю.Залысин, Б.Е.Зарицкий, А.Х.Калимов, Е.Г.Ляхов, К.Н.Салимова, М.З.Ильчиковларнинг тадқиқот ишларида терроризм ва унинг замонавий кўринишлари тадқиқ қилинган. Хусусан, *Қozoғистон Давлат Юридик академиясининг криминалистика кафедраси мудир, генерал-майор Кайдаров Р.Е. ўзи мақолаларидан бирида ёзишича, терроризм нафақат сиёсий ҳокимиятга интилиши, балки бир қатор ижтимоий-сиёсий муаммоларининг ҳам меваси ҳисобланади*¹⁰².

Баъзи илмий иш ва мақолалар эса сиёсий манфаатлар ва субъективлик асосида ёзилган. Жумладан, хитойлик мутахассис Син Гуанчэн Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг сепаратизмга қарши курашдаги имкониятларига кўпроқ диққат қаратиб, сепаратизмни “террорчилик” тушунчаси билан деярли бир хил тушунча деб ҳисоблайди¹⁰³. Умуман олганда, *халқаро ҳуқуқнинг муҳим тамойилларидан бири – халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун курашлар ҳам баъзан қонун ва тартиб чеғарасидан чиқиб терроризмга айланиши мумкин. Аммо уларга нисбатан “террорчи” атамаси уни ишлатувчи субъектнинг қайси сиёсий лагерга мансублигига кўра ўзгариб туради. Бунга Фаластиннинг мустақиллиги учун олиб бораётган курашларнинг Исроил томонидан “террорчилик” деб аталаётгани ва жаҳон ҳамжамиятини ҳам шунга ишонтиришга уринаётгани мисол бўла олади.*

Диссертация, монография, мақола ва илмий рисоалар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар диний-сиёсий қарашлар масаласини очиб бериш учун тарихий-хронологик, ретроспектив, қиёслаш, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, сиёсий таҳлил, сиёсий таҳлил услубининг муаммоли таҳлил, диагнозли таҳлил, вертикал ва горизонтал таҳлил турларидан ҳамда ҳужжатлар таҳлили, филологик, фалсафий услублардан (ушбу услуб доирасида социологик, диалектик ва герменевтик ёндашувлардан¹⁰⁴) фойдаланган.

Тадқиқот ишларида юқоридаги каби услубларни қўллашдан кўзланган мақсад - диний оқимларнинг келиб чиқиши (фундаментал йўналишдан ажралиб чиқиши), уларнинг тадрижий тарихи, террорчилик ва экстремистик кайфиятининг шаклланиш сабаблари ва турли оқимлар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни очиб беришдан иборат.

¹⁰² Кайдаров Р.Е. Терроризм: возникновение, разрастание и меры противодействия. // www.terrorism.agava.ru. 2005.

¹⁰³ Син Гуанчэн. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашдаги ҳамкорлиги. // Журнал «Центральная Азия и Кавказ» — Швеция: 2002. - №4.

¹⁰⁴ Абдуллаев Е.В. Из истории религиозно-философской мысли Средней Азии 1-7 веков н.э. Дисс.- канд. философ. наук. - Т.:2000.

Хусусан, А.Рахматов баҳойлик, ҳизб ўт-таҳрир, ваҳҳобийлик, акромийлик каби оқимларни ўрганар экан, тадқиқотнинг тарихийлик услуби ва қиёсий таҳлил асосида масалага ёндашиб, экстремистлар ва ўзларини “муҳолифат”, деб атовчи бир гуруҳ кимсаларнинг асл кирдикорларини очиб беришга ҳаракат қилади. Жумладан, муаллифнинг ёзишича, шариат асослари – Қуръон ва ҳадислар ўзгармас ва инсонпарварликни кўзлайди, аммо сиёсий ва ғаразли мақсадларни ўз олдига қўйган шахслар уларни ўзларига мос равишда талқин қилишга уринишади.¹⁰⁵

Кўриб чиқилган илмий ишлардан баъзиларида тарихийлик, филологияга ва фалсафага оид услубларнинг синтезидан фойдаланган ҳолда ҳам муаммони очиб беришга уринишлар кузатилади. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинган ўз диссертациясида тадқиқотчи Е.Абдуллаев, ушбу услублардан муваффақиятли тарзда фойдаланган, дейиш мумкин¹⁰⁶. Гарчи у бевосита магистрлик илмий ишининг объекти ва предметидан ўзоқроқ бўлса-да, (у Марказий Осиёда исломгача бўлган давр диний-сиёсий қарашларини ўрганиб, қиёслаган – А.С) у қўллаган услублардан самарали фойдаланиш мумкинлиги диққатга сазовордир.

Мавзу бўйича амалга оширилган илмий ишларни ўрганиш шунини кўрсатадики, замонавий илм-фанда оқимлар ва диний-сиёсий қарашлар аҳамияти масаласига турлича қарашлар мавжуд.

Аммо Е.Абдуллаевнинг баъзи фикрлари сиёсий жиҳатдан номукамал. Муаллифнинг таъкидлашича, қадимги диний қарашлар ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, уларда ҳар қандай шаклдаги куч ишлатиш ва зўравонликнинг тақиқланиши ижтимоий муаммо ва миллатлараро муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин, дейилади. Аммо сиёсатшуносликдан маълумки, ўз вақтида дин, хусусан ислом дини нафақат кишиларнинг маиший ва ахлоқий ҳаётини тартибга солиш, балки давлатчиликни шакллантириш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари учун ҳам хизмат қилган. Сиёсат эса асосан 2 та воситага – куч ишлатиш ва рағбатлантиришга асосланиб фаолият кўрсата олади. Шундай экан, Е.Абдуллаевнинг диний-сиёсий қарашлар ҳақидаги фикрларини тўғри дея олмаймиз.

Тадқиқотчилардан яна бири И.Худойбердиевнинг фикрича эса, исломдаги ғояларни маҳаллий шароитга мослаштириб талқин қилиш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишнинг ижобий томонлари ҳам мавжуд. Муаллиф буни тарихийлик услуби асосида исботлаб беришга

¹⁰⁵ Рахматов А. Бдительность – священный долг. - Т.: 2000 - С.31.

¹⁰⁶ Абдуллаев Е.В. Из истории религиозно-философской мысли Средней Азии 1-7 веков н.э. Дисс.- канд. философ. наук.- Т.: 2000.

уринган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, дин ва ундаги маънавий қадриятлар асрлар давомида ўзбек халқининг миллий маданияти ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб келган. Агар биз адолатли, эркин фуқаролик давлати қурмоқчи эканмиз, бу олижаноб мақсад минг йиллар қаърига бориб тақалувчи диний қарашлар билан мос келишини ҳам инobatга олишимиз лозим бўлади¹⁰⁷.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчиликлардан кейингина жаҳон бўйича террорчилик сабабларини, шу билан бирга, дин ва сиёсат мавзусини ўрганишга қизиқиш кучайиб кетди.

В.Ф.Антипенко, А.Н.Гушер, Г.И.Морозов, К.Тэлор Френсис, А.В.Змеевский, Син Гуанчен, Ўзбекистонда Р.З.Жумаев, У.А.Убайдуллаев, Ф.Арзиев, И.Солиев, Н.Жўраев, А.Каримов ва бошқаларнинг илмий ишлари ва даврий нашрлардаги чиқишлари фикримизнинг исботидир.

Аммо уларнинг деярли барчаси террорчилик ва унинг амалий жиҳатлари билан чекланишади. Диний-сиёсий қарашлар ва уларнинг радикал оқимлар томонидан талқин этилиш муаммоси эса диққат назаридан четда қолиб келмоқда.

Ўзбекистонда эса террорчиликнинг жуда хавfli ижтимоий ҳолат эканига анча аввалроқ – 1996-1999 йиллардаёқ эътибор қаратилганди. (Бу ҳам бир жиҳатдан Ўзбекистонда содир этилган террорчиликлар билан боғлиқ). Бу мавзудаги чиқишлар ҳам Ўзбекистонда вақтلىроқ бошланган.

Масалан, ўзбек мутахассислари И.Худойбердиев, А.Закурлаев, З.Хусниддинов, А.Матқуловлар 2001 йилгача ушбу мавзуда чиқишлар қилиб, илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Остроухов В.В., А.В.Федоров, Син Гуанчэн, Артур Атанесян каби “террорологлар” эса 2001 йилдан кейингина ўз фаолиятларини кучайтиришди.

Жумладан, 1999 йилда ўзбекистонлик исломшунос А.Матқулов “Ҳизб ут-таҳрир” диний оқими ҳақидаги мақоласини чоп этди¹⁰⁸. Бу мақолада “Ҳизб ут-таҳрир” нинг келиб чиқиши моҳияти ҳақида маълумот берилиб, радикал диний оқимларнинг ижтимоий-сиёсий хавфи ниҳоятда катта эканига урғу берилган.

¹⁰⁷ Худойбердиев И.Э. Ислам и формирование национального сознания и психологии узбекского народа. Автореф. дисс. доктор. философ. наук, - Т.: 1997.

¹⁰⁸ Матқулов А. Ислам – тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик дини. //“Халқ сўзи”. – Т.: 1999. - 21 апрель 1999 йил.

Исломдаги диний-сиёсий қарашларни турлича талқин қилиш ва аввало сиёсий мақсадлар – ҳокимиятга интилиш учун керак бўлгани аён бўлмоқда. Бу масалага ҳам илмий тадқиқотларда етарлича эътибор қаратилган.

Исломдаги диний-сиёсий қарашлар ўз замонаси учун долзарб эди. Аммо ҳозирда ҳам мазкур ғоявий қарашлар мавжуд. Улар баъзи авторитар ва аксилдемократик жамиятлар учун қўл келяпти ҳам. Исломдаги диний-сиёсий қарашларни турлича талқин қилиш сиёсий мақсад – ҳокимиятга интилиш учун бўлганлигини тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди. Хусусан, бундан 2 асрча муқаддам Англия разведкаси Араб ярим оролидаги қабилаларни Усмонли турклар империясига қарши қўйиш мақсадида катта лойиҳага қўл урди. Усмонли турклар мўътадил Ислом – сунний бўлишгани учун янги ва жангари бир диний оқимга эҳтиёж туғилганди¹⁰⁹.

Г.Э. Грюненбаумнинг ёзишича эса Ислом динининг ўзи сиёсий потенциалга эга¹¹⁰. Муаллифнинг фикрига кўра, Муҳаммад пайғамбарнинг ўзи ҳокимият учун курашган ва ўз ҳокимиятини, кейинчалик эса ислом давлатини ушлаб туриш учун хизмат қилувчи диний-сиёсий қарашларни амалга киритган.

Исломдаги диний-сиёсий қарашларнинг радикал таълимотлар шаклланишидаги роли ҳам тадқиқотчилар назаридан четда қолмаган. Мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатларига ҳам илмий тадқиқотларда тегишли аҳамият берилган.

Россиялик олим О.Э.Лейст таҳрири остида нашр этилган китоб фикримиз исботидир.¹¹¹ Муаллифнинг ёзишича, Ислом асослари бўлмиш Қуръон ва Сунна (пайғамбар ҳадислари) ҳокимиятга сўзсиз бўйсунитиш талаб этади. Исломда ҳокимият Аллоҳ тарафидан ўрнатилган илоҳий институт ҳисобланади. Яъни фақат Аллоҳ ирода этган кишигина ҳокимият тепасига келиши мумкинлиги эътироф этилади. Шу билан бирга, илм ва дин уламолари халифага таъсир ўтказиш ва уни тузатиш ҳуқуқларига ҳам эга. Натижада «ким тўғри йўлда?» деган мунозара вужудга келади. Ҳар бир йўналиш ўзини энг тўғри, деб ҳисоблайди ва бошқа “нотўғри” ақидадагилар томонидан бошқарилишини истамайди. Бу эса турли шахслар бошчилигида оқимлар шаклланишини таъминлайди. Маълумки, кўплаб ҳокимият учун кураш бошида халқ ва омма кучидан усталик билан фойдаланган ва уларни керакли мақсадларга йўналтира олган обрўли дин пешволари туришган.

¹⁰⁹ Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000. – Б. 44.

¹¹⁰ Грюненбаум Г.Э. Классический Ислам: очерк истории, 600-1258 гг. - М.: Наука, 1998. – С. 216.

¹¹¹ Лейст О.Э. История политических и правовых учений. - М.: Юридическая литература, 1997.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, исломдаги диний-сиёсий қарашларнинг радикал оқимлар томонидан талқин этилиши ҳодисаси ўрганилган тадқиқот ва илмий изланишлар таҳлил қилинганда, юқорида келтирилган муаммолар долзарб эканлиги ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Ўзбекистонлик муаллифларнинг 2001 йилгача бўлган асарлари таҳлил қилинганда, муаммонинг ўрганиш қамрови торлиги, асосан диний оқимлар тарихи ва фаолияти билан чекланиб қолингани маълум бўлди. Лекин 2001 йилдан кейинги ёзилган мақолалар ва илмий ишларда жонланиш ва янгиликларни ўрганишга бўлган интилиш кучайганлигини ҳис этиш мумкин. Шу билан бирга, илк диссертация ва мақолаларда террорчилик ва унинг оқибатлари тавсиф этилган бўлса, кейинги илмий ишларда унинг сабаблари, келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи омиллар, диний-сиёсий қарашларнинг таъсири ҳам ўрганилмоқда.

Масалан, А.Закурлаев¹¹² ва З.Хусниддиновнинг тадқиқотлари 2001 йилгача ёзилган бўлиб, уларда асосан исломий оқимларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳикоя қилинади. А.Гударзининг 2004-2005 йиллардаги тадқиқотларида эса диний-сиёсий қарашлар ва диний оқимлар мавзусига ҳам илмий, ҳам амалий тарзда ёндашилган. Унинг бевосита Ўзбекистон учун хавфи очиб берилган¹¹³.

Маълумки, муаммони ҳал қилишдан кўра, баъзан унинг олдини олиш самаралироқ бўлиши мумкин. Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, диний ақидапарастлик, Исломни сиёсийлаштиришга уринишларнинг ўзагида битта нарсa – диний-сиёсий қарашлар манипуляцияси ётади. Ушбу масала етарли ўрганилмас экан, террорчилик ва конституцион тузумга қарши фаолиятни ҳам тўлиқ таҳлил қилишнинг имкони бўлмайдиган. Шу боис ҳам, бу мавзу муҳим долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

¹¹² Закурлаев А. Ғоялар кураши. - Т: Мовароуннаҳр, 2000.

¹¹³ Гударзи А. Ҳизб ут-таҳрир аль-Ислами: мифы и реальность. - Т.: Фан, 2005.

**Тошкент шаҳрида ишчи-мигрантлар билан ўтказилган
сўров натижаларини қайта ишлаш ва умумлаштириш**

Савол	Жавоблар тақсимооти (%)
1. Миллатингиз.	
а) ўзбек;	77%
б) қozoқ;	3%
в) рус;	2%
г) тожик;	5%
д) бошқа (ёзинг)	3%
2. Ёшингиз.	
а) 15 дан 20 ёшгача;	10%
е) 20 дан 30 ёшгача;	53%
в) 31 дан 40 ёшгача;	16%
г) 41 дан 50 ёшгача;	9%
д) 51 дан 60 ёшгача;	0%
е) 60 ёшдан юқори.	0%
3. Жинсингиз.	
а) эркак;	60%
б) аёл.	30%
4. Оилавий аҳволингиз.	
а) оилали;	47%
б) бўйдоқ;	35%
в) ажралган;	5%
г) бошқа (ёзинг)	0%
5. Сиз мамлакатнинг қайси ҳудудидан келгансиз?	
а) Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд;	53%
б) Фарғона, Наманган, Андижон;	21%
в) Бухоро, Навоий;	1%
г) Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм;	2%
д) Тошкент, Сирдарё, Жиззах;	16%

е) Тошкент шаҳри;	0%
ё) бошқа (ёзинг)	
6. Маълумотингиз.	
а) тўлиқсиз ўрта (9-синф);	15%
б) ўрта (11-синф);	44%
в) ўрта махсус;	20%
г) олий;	9%
д) бошқа (ёзинг)	2%
7. Сизнинг касбингиз, ихтисослигингиз.	
а) қурувчи;	13%
б) электрик;	3%
в) пайвандчи;	4%
г) слесарь;	2%
д) ихтисослигим йўқ;	27%
е) бошқа (ёзинг)	31%
8. Сизнинг иш стажингиз.	
а) 1 йилгача;	30%
б) 1 дан 3 йилгача;	6%
в) 3 дан 10 йилгача;	18%
г) 10 дан 20 йилгача;	28%
д) 20 йилдан ортиқ.	2%
9. Ўзингизни қайси қатламга мансуб деб ҳисоблайсиз?	
	1%
а) кам таъминланган оиладан;	52%
б) илгари судланган;	3%
в) ногирон;	0%
г) ишчи.	33%
10. Сиз мавсумий иш билан доимий шугулланасизми?	
а) ҳа;	49%
б) йўқ;	16%
в) баҳордан кузгача;	24%
г) бошқа (ёзинг)	2%

11. Оила аъзоларингиз сони.	
а) 1-2 киши;	4%
б) 3-5 киши;	39%
в) 5-8 киши;	42%
г) 10 кишидан ортиқ.	4%
12. Сизнинг яшаш жойингиз.	
а) шаҳар;	16%
б) қишлоқ;	69%
в) шаҳар типдаги қишлоқ.	15%
13. Минтақангизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.	
а) яхши;	2%
б) ўрта;	51%
в) ёмон;	36%
г) бошқа (ёзинг)	1%
14. Ҳудудингиздаги экологик вазият.	23%
а) яхши;	40%
б) ўрта;	27%
в) ёмон.	0%
15. Оилангизнинг ўртача ойлик даромади қанча?	
а) 0-500 минг сўм;	7%
б) 500 минг - 1 млн сўм;	3%
в) 1-3 млн сўм;	19%
г) 3-5 млн сўм;	11%
д) 5-7 млн сўм;	8%
е) 7-10 млн сўм;	0%
ё) 10 млн сўмдан ортиқ.	0%
16. Ўз даромадингизни қандай баҳолайсиз?	
а) юқори;	40%
б) ўрта;	47%
17. Ҳозирги кунда оилангизнинг ўртача ойлик даромади қанча?	
а) 1-2 млн сўм;	16%

б) 2-3 млн сўм;	13%
в) 3-4 млн сўм;	18%
г) 4-5 млн сўм;	28%
д) 5-10 млн сўм;	6%
е) 10-15 млн сўм;	0%
ё) 15-20 млн сўм;	0%
ж) 20 млн сўмдан юқори.	0%
18. Сиз қанча вақтдан буён вақтинчалик иш билан шуғулланасиз?	
а) 1 йилдан кам;	6%
б) 1 йил;	19%
в) 1-3 йил;	29%
г) 3-5 йил;	25%
д) 5-10 йил;	9%
е) 10 йилдан ортиқ.	0%
19. «Мардикорлар»га қандай ёрдам берилиши зарур?	
а) иш берувчилар билан расмий муносабат ўрнатилишида;	18%
б) меҳнатга ҳақ тўлашнинг кафолатларида;	63%
в) иш топишда.	27%
20. Сизнинг меҳнат фаолиятингизга қандай тўсиқлар ҳалақит бермоқда?	
а) милиция ходимлари;	77%
б) маҳаллий криминал гурӯҳлар;	1%
в) маҳаллийчилик.	8%
21. Бир марталик мавсумий ишда ким бўлиб ишлайсиз?	
а) бригада таркибида;	13%
б) ҳамқишлоғим билан;	53%
в) бир ўзим;	20%
г) бошқа (ёзинг)	3%
22. Меҳнатингизга тўланаётган ҳақ Сизни қониқтирадими?	
а) ҳа;	38%
б) йўқ;	37%
в) баъзида ҳақ ололмайман;	11%

г) бошқа (ёзинг)	4%
23. Расмий хизмат кўрсатувчи Иш билан таъминлаш марказларига мурожаат қиласизми?	
а) ҳа;	14%
б) йўқ;	83%
в) бошқа (ёзинг)	2%
24. «Мардикор-бозор»да «мардикорлар»нинг ўзаро муносабати қандай?	
а) яхши;	15%
б) ўртача;	48%
в) ёмон.	21%
25. «Мардикор-бозор»да қандай шароитлар яратилган?	
а) яхши;	6%
б) ўртача;	34%
в) ёмон;	45%
г) бошқа (ёзинг)	2%
26. Вақтинча бир марталик ишга жойлашишингизга ким ёрдам берапти?	
а) меҳнат биржаси;	5%
б) «мардикор-бозорлар»;	14%
в) мустақил;	51%
г) иш ўринлари ярмаркалари;	0%
д) бошқа (ёзинг)	19%
27. Аввал қайси соҳада ишлагансиз?	
а) қишлоқ хўжалигида;	60%
б) ишлаб чиқаришда (қурилиш, саноат ва бошқа);	14%
в) ноишлаб чиқариш соҳасида (таълим, соғлиқни сақлаш);	8%
г) хизмат кўрсатиш соҳасида;	7%
д) уй хўжалигида;	7%
е) ўқишда бўлдим;	0%
ё) доимий иш жойим бўлмаган.	0%

28. Қандай сабабга кўра, вақтинча бир марталик иш билан шуғулланаяпсиз?	
а) яшаш жойимда доимий иш йўқ;	62%
б) кичик бизнес билан шуғулланиш учун зарурий воситалар йўқ;	1%
в) меҳнат учун маошнинг камлиги ва вақтида тўланмаслиги;	18%
г) касбий малаканинг ва иш тажрибасининг йўқлиги;	1%
д) таътил вақтида қўшимча маблағ ишлаш учун.	3%
29. Меҳнат фаолияти билан шуғулланишни тартибга солишга оид амалдаги қоидаларни биласизми?	
а) билмайман;	55%
б) ўқиганман, биламан;	5%
в) йўқ, етарли даражада эмас;	15%
г) биламан, лекин амал қилмайман;	11%
д) яхши биламан;	1%
е) ҳамиша амал қиламан.	0%
30. Вақтинча бир марталик Иш билан таъминлаш марказлари иши ҳақида нима биласиз?	
а) ҳеч нарса;	53%
б) биламан, лекин мурожаат қилмаганман;	13%
в) вақтинчалик иш топишга ёрдам беришган;	17%
г) ишга жойлашиш масалалари юзасидан маслаҳат беришади;	1%
д) иш берувчиларга ишчилар топишда ёрдам беришади;	0%
е) иш ўринлари доимий ярмаркалари ўтказилиб турилади;	0%
ё) кераксиз ташкилот.	0%
31. Нима учун вақтинча бир марталик Иш билан таъминлаш марказлари хизматларидан фойдаланмайсиз?	
а) иш берувчилар Марказларга мурожаат қилишмайди;	37%

б) яхши ҳақ тўланадиган иш таклиф қилишолмайди;	8%
в) ҳеч қаерда иш йўқ;	7%
г) рўйхатдан (шаҳарда) ўтмаганман;	23%
д) менда касбий малаканинг ва иш тажрибасининг йўқлиги;	1%
е) ҳуқуқ-тартибот органлари билан муносабатларимиз тўғри келмаганлиги;	0%
ё) Марказларда ижтимоий-маиший шароитларнинг йўқлиги;	0%
ж) бошқа (ёзинг)	0%
32. Тошкент шаҳрида вақтинча рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя қиласизми?	
а) йўқ;	33%
б) деярли риоя қилмайман;	24%
в) доим эмас;	18%
г) деярли ҳар доим;	1%
д) ҳар доим.	10%
33. Вақтинча рўйхатдан ўтиш янги тартибининг нимаси ёқмайди?	
а) вақтинча рўйхатдан ўтиш муддати;	31%
б) вақтинча рўйхатдан ўтиш тартиби;	23%
в) доимий яшаш жойидан (маҳалла қўмитаси ва ИИБ дан) маълумотнома олиш зарурлиги;	8%
г) милиция ходимлари томонидан текширувлар;	11%
д) милиция томонидан вақтинчалик рўйхатдан ўтишга рухсат берилиши;	4%
е) ҳуқуқ-тартибот органларининг кучли назорати;	0%
ё) милиция ходимларининг ваколати.	0%
34. Тошкент шаҳрида вақтинча рўйхатдан ўтишингиз учун нима ҳалақит беради?	
а) доимий яшаш жойидан (маҳалла қўмитаси ва ИИБдан) маълумотнома олиш зарурлиги;	9%
б) доимий яшаш жойидан (маҳалла қўмитаси ва ИИБдан) маълумотнома берилмаслиги;	8%

в) рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун маблағнинг йўқлиги;	14%
г) бюрократизм, милиция ходимларининг порахўрлиги;	33%
д) рўйхатдан ўтиш қоидаларидаги бюрократия;	17%
е) паспорт столида навбат кутувчилар сонининг кўплиги;	0%
ё) вақтнинг етишмаслиги;	0%
ж) сабабини тушунмайман;	0%
з) ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги.	0%
35. Иш излаб меҳнат биржаларига мурожаат қилганмисиз?	
а) ҳа;	20%
б) йўқ;	68%
в) бошқа (ёзинг)	0%
36. Меҳнат биржасида Сизга иш таклиф қилишганми?	
а) ҳа;	7%
б) йўқ;	73%
в) бошқа (ёзинг)	0%
37. Агар таклиф қилишган бўлса, нега рад этдингиз?	
а) кам иш ҳақи;	64%
б) меҳнат шароитининг ёмонлиги;	7%
с) уйдан узоқлиги.	9%
38. Тошкентда иш топиш мумкинлигини қаердан билдингиз?	
а) қариндошлардан;	
б) танишлардан;	20%
в) газетадан;	79%
г) радиодан;	0%
д) телевидениедан;	0%
е) Интернетдан;	1%
ё) бошқа (ёзинг)	0%
39. Сиз қайси маълумот асосида иш изладингиз?	
а) қариндошлар;	20%
б) танишлар;	60%

в) газета;	2%
г) радио;	0%
д) телевидение;	0%
е) Интернет;	0%
ё) кўча эълонлари;	0%
ж) бошқа (ёзинг)	0%
40. Тошкент шаҳрида иш ҳақлари тахминий миқдори ҳақидаги маълумотга эга бўлдингизми?	
а) ҳа;	41%
б) йўқ;	41%
в) бошқа (ёзинг)	5%
41. Ўтказиб туриладиган иш ўринлари ярмаркаси ҳақида маълумотга эгамисиз?	
а) ҳа;	25%
б) йўқ;	58%
в) бошқа (ёзинг)	2%
42. Иш ўринлари ярмаркаларидан иш изладингизми?	
а) ҳа;	6%
б) йўқ;	81%
в) бошқа (ёзинг)	0%
43. Ташкилотларнинг ўз вакант иш ўринлари ҳақидаги эълонлари юзасидан уларга мурожаат қилдингизми?	
а) ҳа;	8%
б) йўқ;	79%
в) бошқа (ёзинг)	0%
44. Шаҳардаги яшаш жойингиз.	
а) ижарада (бир киши учун ижара ҳақи миқдори);	51%
б) қариндошларникида;	10%
в) танишларникида;	20%
г) иш берувчинида;	9%
д) бошқа (ёзинг)	3%

Зоҳидов А.А.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ
(миллий хавфсизликни таъминлаш йўналишида)

ДАРСЛИК



Нашр.лиц. № 1034269.

Босишга 07.10.2025 йилда рухсат этилди.

Бичими 70x100 $\frac{1}{16}$. Рақамли босма.

Calibri гарнитураси. Шартли б.т. 18. Нашр б.т. 18.25.

Адади 100 нусха. Буюртма 10-25.

Баҳоси шартнома асосида.

«MURUVVATLI-DIL PRESS» МЧЖда чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 21-уй.